


МАЖБУРИЙ НУСXA

Исҳоқжон НИШОНОВ

ҲАЁТ ВА ИШҚ

САРГУЗАШТ РОМАН

«Наманган» нашриёти
2013 йил



ББК 84(5Ўзб)7
Н-71

938.980б.

Тахризчи:

филология фанлари номзоди Мўминжон Сулаймонов.

Ижодимнинг асосий қисмини детектив асарлар ташкил этади. Севишган икки ёшнинг изтироблари, қисмати, бойлик, мол-дунё, амал ва мансаб қаршисида кўзларини туман босган ота-оналарнинг пушаймони, илоҳий мўъжизалар, инсон био-майдонининг чексизлиги, ороларда яшаётган ёввойиларнинг гаройиб турмуш тарзи, инсонни олдиндан кўра билиш, ҳис этиш, фикрларини уқиб олиш каби ноёб қобилиятлари, жиноятчиларнинг минг бир қиёфаси, ўлим кутган беморларга интикат орқали таъсир ўтказиш - буларнинг барчаси қўлингиздаги китобга асос қилиб олинган.

Ҳаётда нималар содир бўлмайди? Табиатда бизга маълум бўлмаган, ўрганилмаган, топилмаган сир-синуотлар мавжудки, асар қаҳрамонлари уларга ҳар қадамда дуч келади ва машаққат билан енгиб ўтади... Буни қай даражада уддалаганимни (шошқалоқлигимни ҳисобга олманг) китобни ўқиб чиққанингиздан кейин айтарсиз...

Асарнинг ёзилишида ўз гояларини берган дўстларимга, танишларимга, хусусан Акбар Бурҳоновга ўз миннатдорчилигини билдираман.

Сизга ҳурмат билан муаллиф.


ISBN - 978-99-43-4107-8-6

НГ 1153-377376-158836

2013 йил

111.51(14,77)

NO 42244
291



Руслан бобо шкаф ичидан миттигина қутичани олиб келди-да, курсига ўтирди. Унинг устига озгин ва нимжон бармоқларини қўйганча ўйга толди. Кўз олдидан кўп нарсалар ўтди. 1941 йилнинг кеч кузида Россиянинг уруш бўлаётган қишлоқларидан бирида яшаган Павел Баранов ёлғиз ўғли Русланни эргаштириб шу қишлоққа кўчиб келган, аммо ўн йилдан кейин қария қандайдир касалликка чалиниб вафот этганди. Улими олдидан ўн беш ёшли Русланнинг қўлига мана шу қутичани тутқазиб васият қилганди. «Кўзингнинг қорачиғидек эҳтиёт қил. Бунинг ичидаги очқичлар бобонгдан менга мерос қолган». Руслан уни кўз қорачиғидек асради. Катта бўлгач ўзи ҳам ота-боболарининг касбини давом эттирди. Қутичани эллик йил асради. Очқичлар ҳақида бировга оғиз очмади. Кейинчалик ўзи ҳам бир дона шундай очқични ихтиро қилди. У ҳам шу қутичанинг ичида сақланарди. Бугун шу ҳақда гапириш мавриди келганди...

Чол қутининг ичидан тўрт дона қаламга ўхшаш металлни олди. Баҳром уларни биринчи кўриши эди.

- Булар очқич, - деди қария уларни кўрсатиб.

Баҳром қарияга ўн йил муқаддам шогирд тушган. Кўплаб кулфларни, очқичларни биргаликда ихтиро қилишган, қадимгиларини эса тузатишганди. Армиядан қайтгач ўқишга бормади. Хунар ўрганиш мақсадида Руслан бобонинг устахонасида қолди. Шунча йил унинг ёнида юриб, бундай очқичлар борлигини кўрмаганди.

- Қанақа очқич? - сўради йигит ажабланиб.

- Пўлатдан ишланган. Булар ҳозиргача фанга маълум бўлмаган, аммо авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кулф-созларгагина аён бўлган руда таркибидан олинган қоришма асосида ясалган. Эгилади, аммо синмайди. Сувда ёки

- Бир қарашда булар оддий темирга ўхшайди. Иккитаси ўтган аср бошларида ясалган. Ҳар қандай қулфни очиш хусусиятига эга. Мана бу иккитасини отамнинг васиятларига амал қилиб ўзим ясаганман. Қулф ичига киргандан кейин ўз ўзидан тишларга мослаша олади. Фақат қулф ичига қандай жойлашингга ва қай тарзда айлантиришингга боғлиқ. Салгина шошилсанг, меҳнатинг самарасиз бўлади.

Қариянинг қошлари чимирилди. Бу унинг аччиқланганини билдирарди. Бошқа пайт бўлганида бундай савол учун шогирдини қойиш бундай бўларди. Аммо, ҳозир бу саволни «қизиқиш туфайли берган», деб ўйлади. Йигирма йилдан бери ёнида юриб, ҳунарини ўрганаётган шогирдининг нияти ёмон эмаслигини биларди.

Қария иккинчи очқични олди.

- Бу фақат уй эшикларининг қулфига тушади. Кўриб турганингдек, ингичка ва бироз узун. У қадар мураккаб эмас, четлари темир арранинг тишларига ўхшайди. Очқич вазифасини шу чизиқлар бажаради. Калитнинг тишларини ҳисоблаганда, унинг орқа ва олд томони беш юздан зиёд қулфларга тушади. Эҳтиёткорлик билан ишлатиш шарт. Кўполлик, қалтис ҳаракат қилсанг қулф ишдан чиқади.

Қария учинчи калитни олди. У аввалгиларидан кўп қирралиги билан ажралиб турарди.

- Махфий ҳужжатлар, бойликлар, олтин, бриллиантлар сақланадиган сейфларнинг калити бу. Биласанки, бундай сандиқлар ҳажм жиҳатидан катта бўлиб қолмай, уларга бир неча қулфлар ўрнатилган бўлади. Эшиклари ҳам кўп қаватли. Калити йўқолганда афтоген ёрдамида очилади.

- Сиз буларни ишлатиб кўрганмисиз? - сўради Баҳром очқичлардан кўз узмай.

- Ҳа, бир маротаба ишлатишимга тўғри келган, - қария қўлидаги очқичнинг тарихини ёдга олиб, гапида давом этди:

- Ўшанда марказий банкдаги олтин ва қимматбаҳо буюмлар сақланадиган сандиқнинг калити нимадир сабаб бўлиб, синиб қолганди. Ходимлар уни портлатишга қарор қилишди. Аммо сандиқ ичидаги бойликлар жиддий зарарланишини ўйлаб, аҳдларидан қайтиб, менинг олдимга келишди. Банкка бордим. Бўйимдан баланд темир сандиқни кўрсатишди. Эни бир метрдан кам эмасди. Йигирманчи асрнинг бошларида ишлаб чиқарилганлигини билдим. Бобом бундай сандиқларни очиш сирларини яхши биларди. Мана шу калит ўша сандиқ қулфига тушарди. Аммо шу пайтгача ундан фойдаланмагандим. Сандиқни диққат билан кўздан кечирдим. Очишим учун камида икки соат вақт керак эди. Кузатувчилардан чиқиб кетишларини илтимос қилдим. Улар мени ёлғиз қолдиришдан чўчишди. Таваккал қилиб, ишга киришдим. Калитни қулфга солдим. Фикримнинг бўлинмаслиги учун уларни унутдим. Калит мен мўлжаллаган жойга етиб борди. Бураш ва ичкаридан келадиган товуш мен учун муҳим эди. Қулоғимни темирга босдим. Қўлларим титрарди. Аста калитни айлантирдим. «Ширқ» этган товушни эшитганимда юрагим бироз ором топгандек бўлди. Бу эшик очилди, дегани эмасди. Шунга ўхшаш ўнлаб товушларни эшитишимга тўғри келарди. Очқичнинг ҳар бир тиши ўзидан товуш чиқариши лозим эди. Дадиллашдим. Иккинчи ҳаракатни амалга оширдим. Калитни ичкарилатдим. Унинг қирраси қулфнинг тишига бориб урилиши керак эди. Салгина ножўя ҳаракат туфайли иш чаппасидан кетиши мумкин. Ярим соат деганда ўша тишни топдим. Ҳаяжон вужудимдаги қувватни суғуриб олгандек эди. Бармоқларим ҳам терлаб кетганди. Калитни айлантирдим, аммо мен кутган товуш қулоғимга чалинмади.

«Нахот, очолмасам, шарманда бўлсам», деган ўй миямга михдек санчилди. Мўлжалим ноаниқлигини билдим. Очқични чиқаришга шошилмадим. Дикқатимни жамлаб, калитни такроран айлантирдим. Мен кутган товушни ортимда турган кузатувчилар ҳам эшитишди. Шу тариқа биринчи қулф очилди. Иккинчи қулф пастроқда жойлашганди. Бармоғимни темирга урдим. Бу билан қулфнинг тишлари жойлашган жойни аниқламоқчи эдим. Қайтган садо тишларнинг ўрнидан, узунлигидан дарак берди. Ҳар қандай қулфни очиш қулфсоздан сабр-бардошни, чидамни талаб қилади. Энди қолган ишларни калитнинг орқа томони бажарарди. Биринчи муваффақиятимдан дадиллашгандим. Ҳаяжоним босилганди. Кузатувчиларни унутгандим. Тепадаги қулфдан иш бошлаганим менинг ютуғим эди. Отамни эсладим. Қулфларни қандай очишини кўз олдимга келтирдим. У ёнимда тургандек, қўлларимдан ушлаб тургандек эди. Отамнинг руҳи мадад бўлиб қолган қулфларни машаққатсиз очиб ташладим. Бу менинг биринчи ва сўнгги ишим эди.

Комиссия аъзолари орасида прокуратура ва милиция ходимлари бор эди. Улар акт тузишди. Хунаримни бошқа одамларга ўргатмаслик тўғрисида тилхат олишди. Шундан бери очқичларни мана шу идишга солиб қўйгандим.

Очқичлар Баҳромнинг кўзларига тилсимдек кўринди.

Қария гапида давом этди:

- Мен буларни фақат эзгуликка хизмат қилишини
истайман. Отамнинг васияти ҳам шундай эди. Ёшимни
яшадим, олдимга қўйган мақсадларимга эришдим. Сен-
дек ҳалол ва виждонли шоғирдга устозлик қилдим.

Қария қўлидаги тўртинчи калитга тикилганча ўйланиб қолди. Баҳром бу очқич ҳақида ҳам эшитишни хоҳларди. Бироқ чол гапирмади. Калитни қутининг ичига ташлаб, қопқоғини ёпди. Баҳромнинг сабри чидамади:

- Тўртинчи очқич тўғрисида ҳеч нарса демадингиз? - деб сўради.

Руслан бобо қутини тиззасига қўйиб, йигитга юзланди:

- Бу калит тўғрисида ўзим ҳам яхши маълумотга эга эмасман.

- Нега? - ҳайрон бўлди Баҳром. - Бирор сири борми?

- Бу ҳақда ҳозир гапиришнинг мавриди эмас. Нега бундай дейётганимнинг сабабини вақти келганда айтаман. Мабодо, - қария ютинди, хаёлга чўмди. Баҳром устозига юзланди: унинг кўзлари ёшли эди, лаблари титрарди. Чол бошини кўтариб, узилиб қолган гапини давом эттирди:

- Мабодо, сен қайтгунча ажалим етиб, қазо қилсам, калит ҳақидаги сирни бир парча қоғозга ёзиб, шу кути-нинг ичида қолдираман. Уни ҳовлидаги олманинг остига кўмиб қўяман.

Баҳром калит билан боғлиқ қандайдир воқеа устозининг юрагига кўп йиллардан бери азоб бераётганини тушунди. Бошқа савол беришни истамади. Жўнайдиган вақти бўлганди. Ўрнидан турди.

- Бобо, менга оқ йўл тиланг, самолёт учадиган вақт яқинлашиб қолди.

Руслан бобо учала очиқични йигитнинг қўлига тутқазди.

- Буларни ўзинг билан ола кет, ўғлим. Яхши-ёмон кунингга асқотиб қолар! Мушкулнингни осон қилар!

Баҳром устозининг қўлини қайтарди.

- Керак эмас, бобо, мен нима қиламан буларни?

Руслан бобо бош чайқади.

- Болам, биз хом сут эмган бандамиз. Бошимизга нима ишлар тушишидан беҳабармиз. Ҳар эҳтимолга қарши ёнингда олиб юрсанг, зиён қилмайди. Барча қулфларни очиш ва тузатиш сирларини ўргандинг, ҳатто, компьютерлаштирилган, пулт билан бошқариладиган кодли қулфларни ҳам қийналмай очадиган бўлдинг. Сен эгаллаган бу ҳунарни кўплар унутиб юборган. Хизмат қиладиган жойингда кимдир сенинг ҳунарингга муҳтождир. Фақат илтимосим, буларни яхшилик йўлида ишлат. Ёмон ниятли одамларнинг қўлига тушиб қолмасин.

Баҳром устозининг кўлидан очқичларни олди. Чол энгил тортди. Ўрнидан туриб, йигитнинг бошини силади.

- Сендан бир умр розиман, ўғлим. Менинг энг содиқ ва сўнгги шогирдим эдинг. Сафаринг беҳатар бўлсин.

Қария чўнтагидан сарғайган қоғозни олди.

- Набирам Камиланинг манзили, - деди Баҳромга. - Телефон рақамлари ёзилган. Самолётдан тушиб, кўнғироқ қил, ишга жойлашишингга ёрдамлашади. Менинг номимдан унга салом айт!

Баҳром чолнинг иссиқ бағридан бошини олиб, эшик томон юрди:

- Хайр, бобо! Худо хоҳласа, тез кунларда дийдор кўришамиз, деган умиддаман!

Баҳром самолётнинг учишига ярим соат қолганда аэропортга етиб келди. Юкларини топширди. Рўйхатдан ўтиш хонасига кираётганда, чўнтагидаги калитлар ёдига тушди. Божхонада «бу нима?» деб сўрашса, жавоб тополмаслигини ўйлади. Уларни чиқиндилар ичига ташлаб юборгиси ҳам келди. Кути олдига борганда аҳдидан қайтди. Устозининг қиёфаси кўз олдига келди. «Булар менинг бобомдан қолган», деган сўзларини эслади. Аҳдидан қайтди. Зинага чиқаётганда қуёш ботаётганди. Олисларда қолиб кетган қишлоғи томон термулди. Тилидан шундай сўзлар учди:

- Хайр, Зулфизар, илоҳим, бахтли бўл!

Устига қизил барқут ташланган, икки ёнига гуллар тақилган, олдига кўғирчоқ ўрнатилган «Мерседес» кўча эшик олдига тўхтади. Ортидан келаётган ўн бешга яқин турли маргадаги машиналар ҳам тўхтади. Ичидан йигит-қизлар тушишди. Кўпчиликнинг кўлида гулдасталар бор эди. «Мерседес»дан тушган икки йигит ногораю сурнайини чалишди. Осмонни мусиқа овози тутди. Бўз болалар чопқиллаб келишди. Машшоқлар саф тортиб турган одам-

лар орасидан ўтиб, ичкарига киришди. Уларнинг изидан жўраларининг қуршовида куёв келарди. Ичкаридан янгалар оқ либосга ўралган келинчакни олиб чиқишди.

Янгалар ичкаридан оппоқ либосга ўралган келинчакни олиб чиқишди. Ҳамманинг кўзи унга қадалди. Бир кучоқ гулни бағрига босган куёв ер остидан қайлиғига қаради. Қизнинг ҳусни ақлини шоширди.

Келинчак остонани босиб ўтди. Йиғидан қизарган кўзларини ердан узмасди. Юраги устида бир парча муз турарди. «Қани энди буларнинг ҳаммаси туш бўлса», - деган совуқ фикр миясидан кетмасди. «Мени кечир, Баҳром, тақдир экан», - деган сўзларни кўп бор ёдга олди. Янгалардан бири келинчакнинг биқинидан киши билмас чимчилаб қўйди. «Ҳали ҳам уни унутмадингми, бас, энди эслама!» - дея қулоғига пичирлади. Куёв қўлидаги гулни келинчакка узатди. У нафис бармоқларини чўзишга, куёвнинг қўлидан гулдастани олишга ўзида куч тополмади. Янганинг бармоқлари яна ҳаракатга тушди. Шундан кейин қиз гулдастани олди. Шундагина бошини кўтарди. Куёвининг чақнаб турган кўзларига кўзи тушди. Мағрурлиги юзидан билиниб турарди. Келинчак бўш қўли билан йигитнинг билагидан тутди. Момолар бир ликоп қандни уларнинг бошидан сочди. «Ҳаётларинг қанддай ширин бўлсин», деб дуо қилишди. Болалар ерга сочилган ширинликларни теришди. Уйдан кўча эшиккача бўлган йўлакка гилам тўшалганди. Четда турган қиз-жувонлар келин-куёвнинг пойларига гул сочишди. «Келишган йигит экан, худди узукка кўз қўйгандек бир-бирларига муносиб», деган пичир-пичир гаплар ҳар икковларининг уятданми, хижолатданми қизарган қулоқларига чалинарди. Келинчак ер остидан атрофдагиларга кўз қирини ташлаб борарди. Шунда нигоҳи нафрат ва ғазаб ошкора акс этиб турган кўзларга тушди. Юраги титраб кетди. Йигитнинг қўлидан маҳкам ушлаганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аёл ортда қолган бўлса-да, қадам-бақадам таъқиб этиб келатгандай туюлди. «Нега келди? Ахир, уни тўйга ҳеч ким

таклиф қилмаганди-ку!» - деб ўйлади.

Келин-куёв безатилган машинага ўтиришди. «Мерседес» жойидан силжиди. Кампирлар дуога қўл очишди:

- Омин, илоҳим, қўшгани билан қўша қаришсин!

Ўнлаб одамларнинг қўллари оқин сув мисоли юзларни ювиб тушди. Барчанинг оғзидан чиққан «Аллоҳу Акбар», деган сўз фалакни титратиб юборгандек бўлди.

Аёллардан иккитаси қўл кўтармади. «Омин» деган сўзни тилларига ҳам олишмади. Ҳар иккисининг қалбидан кечган ўйлар аламли эди.

Қора «Мерседес» йўлнинг ўртасида шамол каби елиб борарди. Келинчакнинг кўз ўнгидан бояги аёлнинг қарашлари кетмасди. «Нега келди?» деган саволга жавоб тополмасди. «Унга текканимда бундай дабдабали тўй бўлармиди? Устимдаги қимматбаҳо либосларни олиб берармиди? Шаҳарга тушганимизда музқаймоққа пул тополмаганди... Мардикорчилик қилиб, тўй қилишини кутармидим... Қари қиз бўлиб ўтириб қолардим. Шусиз ҳам икки йил кутиб умрим ўтди. Россияга кетиб, мени унутар, бошқасини топар. Энди бахтим шу йигитнинг қўлида. Эшитишимча, каттагина фирманинг бошлиғи экан. Яхшигина пул топса керак. Тавба, тегмайман, деб ўзимни осмоқчи, қочмоқчи бўлибман-а! Эсиз, кўз ёшларим. Тўйимга келган машиналарни опалари кўрган, ичлари ёнган. Шунинг учун ҳам менга еб қўйгудек қарашган».

Келинчакнинг юзига табассум ёйилди. Руҳи кўтарилди. Бошини йигит томон бурди. Висолга ташна кўзлар учрашди. Куёвнинг кўзларида аксини кўргандек бўлди. Кафтини унинг қўли устига қўйди. Танасига илиқлик югурди. Улар бир-бирларига термулиб қолишди. Қизнинг йигитнинг бармоғидаги тилла узукка ҳаваси келди. «Менга бундан ҳам чиройлисини олиб беради», деб хаёл қилди. Энди унинг қалбидаги рутубат пардаси кўтарилганди.

Машиналарнинг сигнали ноғораю сурнайнинг овози-

га қўшилиб кетганди. «Мерседес» шамол каби елиб борар, пастга туширилган ойнадан иссиқ эпкин ичкарига оқиб кириб, қизнинг сочларини тўзғитарди. Ҳайдовчи тобора тезликни оширарди. Машина тепасидаги барқут шамолда байроқдай ҳилпирарди. Гулларнинг япроқлари тўкиларди. Қўғирчоқ қийшайиб қолганди. Ҳайдовчи оёғини тезликни оширувчи педалдан олмасди. Видеочилар, ортда келаётган автоуловлар «Мерседес»нинг чангида қолиб кетди. Машина пастликка тушиб, сўнг баландликка кўтарилди. Шунда барқутнинг ипларини шамол узди. Айланиб-айланиб, олдинги ойнага ёпишиб қолди. Ичкари қоп-қоронғи бўлди. Ҳайдовчининг кўзлари ҳеч нарсани кўрмай қолди. Машина ўша тезликда кетарди. Тормозни босиш ҳайдовчининг хаёлига келмасди. Келинчак кўрқиб кетди. Бақариб юборишига оз қолди. Куёвнинг қўлидан маҳкам ушлади. Шу пайт машина нимагадир қаттиқ урилди. Сўнг олди кўтарилиб бўшлиқ узра сузиб кетаётгандек бўлди. Яна нимагадир урилди. Бу гал айланиб-айланиб кетди. Ичкаридагилар қийқариб юборишди. Қарсиллаган овоз қулоқларни тешиб юбораёзди. Келинчакнинг кўзига олам ағдартўнтар бўлиб кетгандай кўринди. Ва айни дамда ҳайдовчи бутун гавдаси билан орқага ташланди. Унинг боши келинчакнинг юзига келиб урилди. Худди пружина улоқтириб ташлагандек қайтиб бориб, ойнага урилди. Куёв четда ўтирганди. Биринчи зарбадаёқ у қизнинг билагидан тутган қўлларини бўшатиб олишга улгурди.

* * *

Борт ичида йўловчилар кўп эмасди. Йўл олис, бунинг устига, самолёт ярим тунда қўнишини ўйлаб Баҳром мизғиб олиш мақсадида бошини суянчиққа ташлади. Бироқ уйқуси келмади. Хаёлида Зулфизар гавдаланди. Бугун унинг никоҳ кечаси. Ҳозир базм авжига чиққан бўлса ажаб эмас. Баҳром уни сўнгги бор учратган кунни

эслади. Ўшанда қўшни қишлоқдаги Омон фермернинг ўғлидан оқлик олиб келишганди. Бу гапни опаси айтди.

- Суйган қизинг бевафолик қилибди, - деди. - Унга ишониб юргандинг. Бу - хиёнат, ука!

Баҳром опасининг гапларига ишонмади.

- Ёлгон, Зулфизар бундай қилмайди. У аҳдида турадиган қиз. Онасининг ваъдаси бор!

- Ваъдани ҳамма ҳам бераверади, укажон. Ишонмансанг, ўзидан сўра.

Йигит қизнинг йўлини пойлади, аммо учратолмади.

Зулфизар ҳам бу хабарни онасидан эшитди. Ҳамроҳон опа қизининг кўнгли Баҳромдалигини биларди. Совчиларга аниқ жавоб қилмаганининг боиси шунда эди. Холмурод ака совчиларнинг бой-бадавлат хонадондалигини эшитиб, хотинини койиди.

- Тагли-тугли жойдан келган совчиларни нега қайтарасан?

- Қизингизнинг кўнгли...

- Қизимнинг кўнглига нима бўлибди? Бу уйда менинг айтганим бўлади. Ота рози - Худо рози!

Ҳамроҳон опа эрининг баджаҳл, қайсарлигини биларди. «Қизимизнинг Баҳромжонда кўнгли бор», деган сўзни тилига ололмади. Зардаси қайнаб, дўппослаб қолишидан қўрқди.

- Изидан одам жўнат! «Розимиз, совчилар келишаверсин», деб айттириб юбор.

Бу Ҳамроҳон опа учун номус эди. Фурурини ерга уриш билан тенг эди. Аммо эрнинг раъйини қайтаришга ўзида куч тополмади. Ниҳоят, ёрилди:

- Қизингизнинг Баҳромжонда кўнгли бор. Йигитнинг онаси оғиз солганди, - деди қўрқа-писа.

- Юм оғзингни, ўша тагипаст менинг тенгимми? Қизимни косаси оқармаган қашшоққа бераманми?! - Қаҳрли ўшқирди ота.

Эртаси куни совчилар яна келишди. Зулфизарнинг ялиниб-ёлворишларига қулоқ соладиган одам топилма-

ди. Оқлик беришди. Қизнинг боши боғланди. Зулфизар эрталабгача кўз ёш тўкди. Онаси қизини юпатган бўлди:

- Баҳромжонлар икки йилсиз тўй қилишолмайди. Топганларини опасининг операциясига сарфлаб, пулсиз қолишган. Мен онаси билан маслаҳатлашдим, қизим.

- Кутардим! - Зулфизар бошини чангаллаб деди.

- Қари қиз бўлиб ўтирармидинг? - она қизининг юрагини юмшатишга баҳона излади.

- Тенгу тўшларинг уйли-жойли бўлди. Ўтирган қиз ўрнини топибди, дейишгандек, куёвинг каттагина фирманинг бошлиғи экан, топармон-тутарман, дейишаяпти. Тагида четнинг мошинаси бормиш. Худо бахтингни очди, қизим.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Баҳром Зулфизарни холи учратди.

- Шу гаплар чинми? - сўради қиздан.

Зулфизар индамади.

- Менга ваъда бергандинг-ку?

- Ваъдамдан тонмайман!

- Унда нега аҳдингни буздинг?

Қиз ялт этиб йигитга юзланди:

- Мени севасизми? - унинг овози титрарди.

- Бу саволни энди беришингдан мақсад не?

- Севгингиз чин бўлса, олиб қочинг!

Баҳром ҳайрон қолди.

- Қаёққа олиб қочай, одам туғилган жойини ташлаб кетадими? Севгимиз, аҳдимиз чин бўлса, кимдан қўрқамиз, кимдан қочамиз? Тегмайман, демадингни?!

- Отам мендан сўраб ўтирармиди?

- Суйган йигитим бор, демадингни?

- Биларди. Агар севгингиз рост бўлса, мени бу ердан олиб кетинг!

Баҳром ўйланди. Ёнида пули бўлмаса, топганини касалманд опасини тузатишга сарф қилган, бунинг устига, қариндошларидан қарз кўтарган бўлса. Қочгандан кўра биргаликда ўз бахtlари йўлида курашганлари

афзал эмасми? Балки ўзи бориб, Зулфизарнинг отасига тушунтирар...

- Сенинг севгинг чинми? Мени яхши кўрасанми? - хаяжондан йигитнинг вужуди титрарди. - Агар севсанг, севгимиз йўлида бирга курашайлик. Аҳду паймонимизни бузмайлик. Бизнинг бахтли ҳаётимиз учун яна озгина фурсат беришсин. Ишлайман, тўйга пул йиғаман.

Зулфизар аччиқланди.

- Керак эмас! - деди зарда билан. У йигитдан: «Қани, юр, кетдик бу ерлардан», деган гапни кутганди.

- Демак, мени олиб кетолмайсиз?

- Олиб кетганим билан қаерга борамиз. Икки-уч кунда яна қайтиб келамиз-ку! Шарманда бўламиз!

Зулфизар қайрилиб, йигитни ёлғиз қолдириб кетди. Баҳром анҳор бўйида ой тиккага келгунча қолди. Уйига ҳам бормади. Ўт-ўланлар устида сувнинг шовқинига қулоқ тутиб, ўй суриб ётди. Эрталаб кийимлари шудрингдан намиқиб, уйига қайтди.

Баҳром, «Зулфизар отасига тушунтиради, совчиларнинг оқлигини қайтаради», деб умид қилганди. Аммо бир ҳафта ўтиб, қизнинг ота-онаси тўй таралдудига тушиб қолишди. Йигит севгилисининг йўлини пойлади. Учратолмади. Алам ўтида ёнди. Ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Уша куни Зулфизарнинг сўзига кирмаганидан афсусланди. Кўринганда, олиб қочарди. Бу ердан кетишган бўлишарди. Севгининг қадрига етмайдиган одамларнинг кўзларидан йироқ жойларга кетишарди.

Баҳром дунёга сиғмай қолди. Юраги ёрилиб кетай деди. Охири, мана, Россияга жўнамоқда...

- Ўтирсам бўладими?

Бегона одамнинг товуши Баҳромнинг ҳаёлини тўзитади.

- Марҳамат! - у четроқ сурилиб жой бўшатди.

Йигит кичкинагина сумкасини тепага қўйиб, Баҳромнинг олдида ўтирди. Самолётнинг моторлари ҳаракатланди. Учиш майдони бўйлаб юрди. Бироз фурсат ўтиб,

осмонга кутарилди.

- Йўл бўлсин, дўстим?

Баҳром шеригига юзланди. У соф ўзбек тилида гапирса-да, юз-кўзидан рус миллатига ўхшаб кетарди.

- Сафарга, - деди у хушламайгина.

- Ишлагани кетаяпсизми? - сўради ҳамроҳи.

Ичига зулмат чўккан Баҳром аччиқланди. «Нима иши бор?» деб ўйлади. Аммо саволни жавобсиз қолдириш одобдан эмаслигини тушуниб:

- Шундай, - деди минғирлаб.

- Исмим Илҳом, - қўлини чўзди у, - шу ерлик бўлсам-да, Россияда ишлайман. Кетганимга беш йил бўлди.

- Баҳром! Ҳозирча ишлайдиган жойимнинг тайини йўқ.

- Хунарингиз борми?

- Гишт тераман, темирларни пайвандлайман, машина ҳайдаш қўлимдан келади. - Баҳром «қулфсозликдан ҳа-барим бор», демоқчи бўлди-ю, оғзини юмди.

- Хунарга бой экансиз, - кулди Илҳом. - Бекор қолмай-сиз!

Шу тариқа улар танишиб, гурунглашиб кетишди. Само-лёт булутлар галаси устидан учиб борарди. Манзилга етиб боргунча эски қадронлардек дўстлашиб қолишди.

- Агар қурилишда ишлашни хоҳласангиз, бизнинг фирмага ўтинг, хўжайиним яхши одам. Сизбоп иш топа-миз, - таклиф қилди Илҳом. Баҳром индамади. Бошини орқа суянчиққа ташлаб, кўзларини юмди. Хаёли ҳамон Зулфизарда эди.

Самолёт соат саккизда аэропортга қўнди. Баҳром Ка-милага қўнғироқ қилишни кейинга қолдирди. Илҳом-нинг уйида қолишга рози бўлганди. Йигит шаҳарнинг нариги четида яшарди. Ўрмонзор ичидаги йўлдан бир соатдан мўлроқ юришди. Шаҳар ортда қолди. Баланд бинолар кўзга ташланди. Бу ер янги қад кўтараётган шаҳарча эканлиги билиниб турарди. Машина уларни икки қаватли бино олдида қолдирди.

- Бу ерлар янги шаҳарча. Ўган йили қурилиш ишлари бошланган, - деди Илҳом атрофдаги биноларни кўрсатиб.

Улар ичкари киришди. Баҳром қасрга дуч келиб қолгандек эди. Илҳом чироқларни ёқди. Эшик олдига келганда чўнтақларини титди.

- Калит йўқ, - деди кўзлари жавдираб. - Йўлда тушиб қолдим ёки уйда унутиб қолдирдимми? Энди нима қиламиз? - у эшикни енгилгина силтади. Темирдан ясалган эшик қилт этмади. Деразаларга ҳам темир панжалар ўрнатилганди.

- Бузиб киришдан ўзга иложимиз йўқ, - деди Илҳом ва пастга тушиб кетди. Баҳром қулфга қаради. Бундай қулфларни очиш азоб, фақат синдириш мумкин.

Илҳом бир қулоч темир кўтариб келди.

- Нима қилмоқчисиз? - сўради Баҳром.

- Эшикни бузаман, бошқа чорамиз йўқ. Калитни топиш учун уйга бориб келишим керак.

- Бу темир билан эшикни очолмайсиз? - деди Баҳром уни шаштидан тушириш мақсадида.

- Нима, кўчада ётишимиз керакми?

- Эшикни бузсангиз, қайта тиклай олмайсиз. Назаримда, бу қимматбаҳо металлдан ясалган.

- Тўғри, уч ой бурун беш минг долларга ясаттирганман. Қулфи ҳам четники. Икки мингга олиб ўрнатганман.

- Бузадиган бўлсангиз, етти мингга тушасиз!

- Иложимиз қанча!

- Бошқа калит йўқми?

- Бор, ҳўжайинда. У ҳозир бу ерда эмас. Эртага келади.

Баҳром Руслан бобо берган калитларни эслади. «Балки шулардан бири тушар. У чўнтагидаги очқичлардан бири-ни олди.

- Рухсат берсангиз, уриниб кўрай, - деди қулфга қараб.

- Шу сим билан очмоқчимисиз? - Илҳом кулди.

Баҳром очқични қулфга солди. Қулоғини эшикка тутди. Калитни аста айлантирди. Овоз эшитилмади. Калитнинг қирралари қулфнинг тишларига тегмаганлигини

билди. Қайтадан солди. У қандай қилиб бўлмасин биринчи тишни топмоғи керак эди. Шу пайтгача бунақа қулфларни кўрмаган, уларнинг ички механизмларининг жойлашишидан беҳабар эди. Таваккал қилишдан ўзга чораси қолмаганди. Тишни топиш учун ўн дақиқа вақти кетди. Илҳомнинг хуноби ошганди. Ташқари совуқ бўлгани учун дилдирарди.

- Бас қилинг! Бўлди, меҳмонхонага борамиз! - деб меҳмонни қисти-қафасга олди. Баҳром бошлаган ишини охирига етказмагунча тинчимасди. Уй эгасининг сўзларига эътибор бермади. Ниҳоят, дастлабки тишни топди. Очқични айлантирганда, қулоғига кутган овоз чалинди. Иккинчи тишни топиш қийин кечмади. Беш дақиқада топди. Қулф очилганига ишонди. Илҳомга юзланди:

- Марҳамат, эшикни очишингиз мумкин!

Уй эгасининг ишонгиси келмади. Масхаралагандек кулиб қўйди. Сўнгра Баҳромнинг юз-кўзларидан жиддий гапираётганини тушуниб, тутқични тортиб кўрди: эшик очилди.

- Қойил! - қичқириб юборди Илҳом. - Боя бунақа ҳунарингиз борлигини айтмагандингиз. Афсунгармисиз ёки учига чиққан ўғримисиз?

Баҳром қулфдан калитни суғуриб оларкан:

- Қулфсозман, - деди.

Илҳом Италияда ишлаб чиқарилган, энг зўр қулфсозлар ҳам очолмайдиган, ҳатто, калитларини яшашнинг ўзи мураккаб бўлган бу қулфни оддий қишлоқ йигити сим ёрдамида очганига ишонгиси келмасди.


- Калитни кўрсам бўладими?

Баҳром очқични узатди. Илҳом уни симдан фарқи йўқлигини кўриб, ҳайрон қолди.

- Ажойиб ҳунарингиз бор экан, бу сим билан бошқа қулфларни ҳам оча оласизми?

Баҳром индамади. Илҳомнинг кўнглида шубҳа уйғонди.

Улар ичкари киришди.



- Мана шу хона сизники, - деди уй эгаси, - иш топгунингизча шу ерда яшаб турасиз.

Баҳром чарчаганди. Илҳом чиқиб кетгандан кейин ўзини тўшаққа ташлади.

Илҳом безовта эди. Ухлай олмасди. Хавотирли фикрлар унинг кўзларидаги уйқуни юлиб олганди. Пўлат сандиқ ичида уттиз минг доллар пули бор. Бошлиғи қурилиш учун банкдан олган саксон минг доллар ҳам шу сандиқ ичида. Эшикни очган йигит сейфни очолмайдими, боя йўлда топиш-тутиши яхши эканини, уйида анча маблағи борлигини мақтаниб айтиб қўйганди. «Қаердан ҳам уни эргаштириб келдим. У қулфсозга ўхшамайди, учига чиққан ўғри. Бундай одамлар ниқобда яшайди. Ўзларини гишт терувчи, пайвандчи қилиб кўрсатишади. Ишончингга кириб, бойликларинг қаердалигини билиб, бир кечада шилиб кетишади. Бу йигит ўзини сипо қилиб кўрсатгани билан кўзлари бежо, йўлда бирор маротаба кулмади, очилиб гаплашмади ҳам. Фикри-хаёли ўзида эмас. Тонг отиши билан уйдан чиқариб юбориш керак».

Илҳом ўрнидан турди. Эшик ёнига келди. Қўшни хонага қаради. Бошини ёстиққа қўйган Баҳромнинг кўзлари очиқ эди, ой нурида ялтирарди. Унинг уйғоқ ётгани Илҳомнинг шубҳасини баттар кучайтирди. «Бақувват бу йигит ташланиб қолса, ўзини ҳимоя қилолмайди. Боя остонада қолдирган темирни олиб кирмаганидан афсусланди. У жойига қайтди. Пичоқ излади. Жавоннинг ичидан топди. Ухлаб қолмаслик учун бармоғини кесди. Пичоқни чангаллаб, пўлат сандиқ олдига келиб ўтирди. «Ичкарига кирса, кўкрагига санчаман», деб ўйлади.

Баҳром кўзи илинганини сезмай қолди. Туш кўрди. Зулфизар аэропортда турганмиш. «Мен ҳам кетаяпман, Баҳром ака. Сизсиз қишлоқда қолиб нима қилардим. Севгимиз учун курашмадингиз, мени олиб қочмадингиз. Энди ўзим кетаяпман», - дермиш. «Қаёққа кетаяпсан? - сўрармиш Баҳром. - Кел, бирга учамиз, сен айтган томонларга жўнаймиз». Қиз аразлармиш: «Энди кеч,

Баҳром ака. Менинг борадиган жойим бор. У ерга сизни олиб кетолмайман». Баҳром ҳайрон: «Бу нима деганинг, Зулфизар? Аҳду паймонимизни унутдингми? Ахир, мен-ку сенинг бегона йигитга турмушга чиқаётганингга чидамай, бош олиб кетаяпман». Зулфизарнинг кўзларида ёш, эғнида келинчаклар либоси. Бошида рўмол йўк, сочлари тўзғиган. Асфальт йўлакдан кетиб борарди. Баҳром унинг ортидан чопмоқчи бўларди. Кутилмаганда бўрон турди. Ҳамма томонни чағ-тўзон босди. Зулфизар кўринмади. Йигит қичқирди. Ўзини тўзон ичига урди. Кўзларига қум тўлди. «Зулфизар, Зулфизар...» - дея қичқирди...

Баҳром чўчиб уйғонди. Тепасида қўлида пичоқ ушлаб турган Илҳомни кўрди.

Илҳомнинг қўлидаги пичоқни кўрган Баҳромнинг юраги орқага тортиб кетди, важоҳати хунук эди. Пичоқ билан ташланиб қоладигандек туюлди. У ёвга қарагандай меҳмонга тикилиб турарди.

- Сенга нима бўлди? - сўради уй эгаси. - Кечаси билан қандайдир қизнинг номини айтиб, алаҳсираб чиқдинг?

- Тушим булғашибди! - деди Баҳром бошини чайқаб.

- У қиз ким? - сўради Илҳом.

Баҳромнинг хаёлида уйига қўнғироқ қилиб, онасидан қизнинг аҳволини сўрагиси келди.

- Телефонингни бериб турсанг...

- Нима қиласан?

- Уйдагилар билан гаплашмоқчиман!

- Келганингга бир кун бўлмади-ку, дарров соғиниб қолдингми?

Илҳом қўл телефонини Баҳромга узатди. Аммо қўнғироқларга жавоб бўлмади.

- Нега бу қадар безовтасан, уйингдагилардан бирортаси касалми?!

- Улар соғ-саломат. - Баҳром безовталигининг сабабини айтишни истамади.

Илҳомнинг шубҳа ва гумонлари ортди. Назарида, меҳ-

мон ниманидир яшираётгандек туюлди. Кўнглидаги шубҳалар болалади. Баҳромни уйдан чиқариб юборишга баҳона изларди.

- Менинг ишга борадиган пайтим бўлди. Сени уйда ёлғиз қолдиrolмайман. Балки кеча айтган қизингнинг олдига борарсан!

Баҳром уй эгасининг кўзларига қаради. Нигоҳларида ўзига нисбатан ишончсизликни кўрди. Мақсадини тушунди. Қўлида бекорга пичоқ ушлаб турмаганини англади.

- Кет демоқчимисан? Очиғи, ўзимнинг ҳам бу ерда қолиш ниятим йўқ. - Баҳром ўрнидан турди. Ювиниб, кийинди. Сумкасини елкасига илиб, ташқарига чиқди. Илҳом қулфнинг калити йўқлигини эслади. Уйни очик ташлаб кетолмасди.

- Агар малол келмаса, эшикни қулфлаб берсанг! - деди.

Баҳром аввалдан эшикни очиб-қулфлаб юргандек, калитни солди. Эшик беркилди. Илҳом кўзларига ишонгиси келмасди. Итариб, силкитди: очилмади.

У гараждан машинасини миниб чиқди.

- Назаримда, юрагингда қандайдир дард бор, - деди йўлда. Тўғрисини айт, турмадан қочдингми ёки биронта банкни ўмардингми?

- Сенингча ўғрига ўхшайманми? - Баҳром шеригининг кўзларига қаради.

- Йўлда менга қулфсозликдан хабаринг борлигини айтмагандинг. Ишингни кўриб, шубҳаландим...

- Бу мен учун касб эмас. Ҳозир одамларнинг қулфсозларга иши тушмайди.

- Адашдинг, бундай касб эгалари бу ерда иззат-икромда. Кексалар ўлиб кетган, борлари ярамайди, ёшлар эса билмайди. Бойлар эса ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган антиқа қулфларга ишонавермайди. Бурунги замонлардан қолган сейфларда бойликларини, қимматбаҳо қоғозларини сақлашади. Боя айтганимдай, эски қулфларни очадиганлар қолмаган. Қолаверса, Европадагидек бу

ердаги бойлар электрон, компьютерларга мослаштирилган кодли қулфларни очиш бўйича катта-катта пул тикиб, кимор ўйнашади.

- Эшигингни очиб, сенда шубҳа уйғотганимни тушунаман. Мақсадим - ёрдам бериш эди, мени тўғри тушунмабсан.

Илҳом ҳижолат бўлди.

- Кўринишингдан ёмон йигитга ўхшамайсан, - деди бироздан сўнг. Унинг кўнглидаги ёмон ўйлар тарқаганди. - Тўғриси айтсам, кечаси билан ухламай, сени пойлаб чиқдим.

- Кўрқдингми?

- Шундай, - иқрор бўлди Илҳом.

- Мен бировнинг мулкига кўз олайтиришдан нафратланаман. Отам болалигимда ўлиб кетган. Онамнинг кўлида қолганман. Ҳалол меҳнатнинг нонини еб улғайганман. Сен ўйлаган ишдан нафратланаман. Қулфсозликни қишлоғимиздаги Руслан бободан ўрганганман.

Илҳом йигитдан ўринсиз шубҳаланиб уйидан чиқариб юбормоқчи бўлганидан афсусланди.

- Қизингнинг кимлигини айтмадинг? - сўради боя шу саволига жавоб ололмаганини эслаб.

- Зулфизар! Севган қизим. Уни яхши кўрардим. Бироқ уйланишга қурбим етмади. Ишлаб, озгина пул топгандим, опам касал бўлиб қолди, маблағни даволатишга сарфладик. Тўй орқага сурилди... Бу орада қизнинг отаси бадавлат хонадондан келган совчиларга розилик бериб юборди. Севган қизимнинг тўйини кўришни истамадим. Руслан бобога бир-икки йил Россияда ишлаб келишимни айтдим. У менга шу калитларни берди. «Оғир кунингга қор келар», деб айтди. Устозим айтганидек, у қор келиб қолди. Уйингнинг эшигини очдик-ку!

Улар кулишди.

- Бугун тушимда Зулфизарни кўрдим. Сочлари тўзиган, кўзлари ёшга тўлган, кийимлари чанг, қаёққадир кетаётганмиш. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да!

Баҳром жим қолди. Илҳом хаёлига ёмон ўйлар келтирганидан афсусланди. Машина рулини ишхонаси томон бурди.

- Зулфизарнинг уида телефон борми? - сўради у.
 - Бор, - деди Баҳром
 - Унда, уйига телефон қил!
 - Уйидагилар овозимдан танишади.
 - Рақамларини айт, ўзим гаплашаман. Тўй яхши ўтдими, деб сўрайман!

Улар ичкарига кириб келишганда ишхонада ҳеч ким йўқ эди. Илҳом Баҳром айтган рақамларни терди. Гўшакни ҳеч ким кўтармади.

* * *

Виктор Андреевич ишхонасига келганда Илҳом ҳамшаҳрини таништирди. Баҳромнинг пайвандчи ва гишт терувчи усталигини айтди. Қурилишга пайвандчи ҳаводек зарур бўлиб турганди.

- Ойига беш юз доллар ҳақ тўлайман, - деди Виктор Андреевич. - Аммо, ётоқ билан таъминлашни зиммамга олмайман. Атрофда ижарага қўядиган одамлар бор. Ўшаларникида яшашинг мумкин.

Виктор Андреевич ваъда қилган пул Баҳромни қониқтирди. Ётиб турадиган жой масаласида ўйланиб қолди.

- Уй масаласини ўзим ҳал қиламан, Виктор Андреевич, - деди Илҳом. - Мен уйимнинг бир хонасини бўшатиб бераман.

Баҳром ҳамшаҳрига юзланди. Уларнинг кўзлари тўқнашди. Боя уйдан чиқариб юбормоқчи бўлган бу йигитнинг кутилмаганда ўзгариб қолганини Баҳром тушунмади.

Улар қурилиш бўлаётган жойга ўтишди. Ўн қаватли бинонинг қурилишида юзлаб ишчилар ишларди. Баҳром ишга киришди. «Ишга боғланиб, юрагимдаги

ваҳимали ўйларни унутарман», деб ўйлади.

У яна ваҳимали туш кўрди. Зулфизар чақираётган эмиш, «Келинг», деб бўзлармиш. Бунга жавобан Баҳром: «Ахир, мен олдингдаман-ку!» дермиш. Аммо, ўртадаги бир қадам масофани босиб ўтолмасмиш. Юрай деса, оёқлари ердан узилмасмиш...

Эрталаб туриб, уйига қўнғироқ қилди. Гўшакни опаси кўтарди.

- Зулфизар тўйи куні авария бўлди. Ҳозир касалхонада, оёқ-қўли ишламаяпти, фалаж бўп қопти, - деди опаси. - Хорижга олиб бориб, операция қилдириш керак экан. Отаси йигирма минг доллар пул тополмай боши қотиб юрибди. Уйини савдога қўйишмоқчи.

- Опа, Ҳолмурод амакимга айтинг, мен ёрдам бераман. Ўзлари ҳам ҳаракат қилсинлар. Бошлиғим билан гаплашиб, ўн минг аванс олишга уриниб кўраман. Уйларини сотишни хаёлларига келтиришмасин!

- Сенга нима зарил! Ўзлари топишсин. Ахир, бизни менсишмади-ку! Топаётган пулингни йиғиб, тезроқ қайт. Тўйингни қиламиз!

Опаси яна нималардир деди, аммо Баҳромнинг қулоғига кирмади. Зулфизар хаёлидан кетмай қолди. Миясига қон қуйилган одамнинг қандай аҳволга тушишини уяхши билади. Илҳомга учраб, бошлиғидан қўшимча иш олишни илтимос қилмоқчи бўлди. Кечки пайт ишдан қайтишини кутди.

Виктор Андреевичнинг шаҳарча атрофида янги турар-жой биноларини қуриш тўғрисидаги режаси шаҳар маъмурияти томонидан маъқулланди. Бир миллион доллар имтиёзли кредит ажратишди. Бундан ташқари унинг ўзида ҳам беш юз минг доллар сармо-яси бор эди. Пуллари ишхонасидаги пўлат сандиқда сақланарди. Бу ўтган асрнинг ўрталарида ишланган бўлиб, бобосидан ёдгорлик бўлиб қолганди. Бобоси бир пайтлар Тольяттидаги заводда ишлаган ва айнан

шу сандиқни ўзи учун махсус металлдан тайёрлатганди.

Виктор Андреевич калитларни кўз қорачиғидек асрарди. Ишониб бировга бермасди. Ҳатто, ухлаётганда ҳам уни ёстиғи остига қўйиб ётарди. Сандиқ шу даражада мустаҳкам ишланганди-ки, қулфларни очиш энг машҳур уста ва қулфсозларнинг қулидан келавермасди. Шундан кўнгли тўқ эди.

Илҳомнинг уйдаги қулфни ҳам Виктор Андреевич совға қилганди. Италияга борганда олиб келганди. «Менман деган ўғрилар очолмайди», деб мақташганди. Баҳром уни қандайдир қалин сим ёрдамида очиб-беркитганини айтиб берганда Виктор Андреевичнинг ишонгиси келмади.

- Бўлмаган гап, - деди қўл силтаб. - Бундай қулфларга ҳеч қандай очкич тушмайди. Булар махсус ишланган қулфлар, эшикни фақат бузиш мумкин.

- Лекин Баҳром уни қийналмасдан очди, - деди Илҳом бошлиғини ажаблантириб.

- Мени алдама, отам билан бобом қулфсоз ўтган. Уста бўлмасам ҳам қулфсозликдан оз-моз хабардорман. Қолаверса, ҳозирги замонда ишлаб чиқарилаётган хорижнинг қулфлари ноёб темирдан ясалаяпти. Ўтда эримайди, эговнинг тиши ўтмайди. Сенга берган қулфнинг нархи қанчалигини биласанми?

- Гапларимга ишонмаяпсиз, Виктор Андреевич, ахир, мен кўзим билан кўрдим. Керак бўлса, у танк ҳам бузолмайдиган мана шу темир сандиғингизни очиб ташлайди.

- Олиб қочма! Бу сандиқни ўн йил бурун мамлакатнинг номи чиққан қулфбузарлари келишиб бир миллионга гаров ўйнаб очишолмаганди. Қишлоқни йигитга йўл бўлсин!

- Афсуски, гапларимга ишонишингизни жуда-жуда истагандим

Виктор Андреевич қўлини силтаб қўйди.

- Агар ўша бола сандиқни очса, ичидаги пулларимнинг ҳаммасини бераман!

- Катта кетманг, Виктор Андреевич, - Илҳом бошлиқнинг кўзларига тикилиб сўради. - Сандиқ ичида қанча маблағингиз борлигини унутиб қўймадингизми?

- Билиб туриб айтаяпман-да!

- Очса, ваъдангиздан тонмайсизми?

- Биласан, мен бир сўзли, айтганини қиладиган чўрткесар одамман. Ишонмасанг, чақир, келиб, чираниб кўрсин!

Бошлиғининг ишонмаётгани Илҳомнинг қизиқишини кучайтирди. Чўнтагидан телефонини олиб, унга кўнғироқ қилди.

- Тезда бошлиқнинг уйига етиб кел, - деди Баҳромга.

- Хўжайин сен билан гаплашмоқчи!

Баҳром учун бошлиқ билан учрашишни кутилмаган бахт деб билди. «Кайфияти яхши бўлса, қарз сўрайман», деб ўйлади.

Виктор Андреевич Баҳромни ўтирган жойида кутиб олди. Узатган қўлини шунчаки ушлаб қўйган бўлса-да, ўткир нигоҳларини унинг юз-кўзларидан узмади. Чеҳрасидан бирон нарсани уқиб ололмади: оддий ва содда қишлоқ йигити, кўринишиндан темир-терсак билан қизиқмайдигандек.

- Эшитишимча, қулфсозликдан хабаринг бормиш, шу гап ростми?

Баҳром Илҳомга қараб қўйди. Унинг кўзларида «ҳаммасини етказибсанда», деган маъно яширинганди. Кейин бошлиққа қаради.

- Устага шогирд тушганман.

- Пўлат сандиқчаларни очиш қўлингдан келадими?

- Калит ясашни ўрганганман, бироқ сейфларни очмаганман!

- Илҳомнинг уйидаги қулфни очганинг тўғрими?

- Озгина ҳаракат қилгандим, балки тасодиф туфайли очилгандир...

Виктор Андреевич «топган одамингнинг гапини эшитдингми?» дегандек Илҳомга қараб қўйди. У ўрнидан турди ва уйнинг тўрисидаги сандиқнинг олдига бориб Баҳромни чақирди:.

- Бу ёққа кел-чи, йигит!

Баҳром сандиқнинг олдига борди. Уй эгаси жун босган қўлларини сандиқнинг устига қўйди.

- Бунинг ясалганига саксон йил бўлди. Бобомдан қолган. Бундай сандиқ мамлакатда, алашмасам, ягона. Дўстларим билан гаровбоғлаб, Россиянинг донғи чиққан усталарини бу ерга чақиртирганман. Қулфни очган одамга бир миллион рубль ваъда қилганман. Аммо бирорта уста очолмаган. Ушанда кўпчиликнинг пулини ютиб олганман. Сандиқнинг ичида ҳозир ярим миллион доллар бор. Агар сен сандиқни очсанг, ичидаги пулларнинг ҳаммаси сеники.

Илҳомнинг ранги оқариб кетди. Хўжайиннинг қулоғига шивирлади.

- Виктор Андреевич, ўйлаб ваъда беринг. Ютқазиб қўйсангиз, ишчиларга ҳақни қайдан топиб берамиз. - Хавотир олма, пул топилади, - қўл силтаб деди уй эгаси.

- Шу бола сейфни очишига ишоняпсанми?

- Ишонмасам ҳам, ҳархолда... билиб бўлмайди-да, хўжайин! Ахир, сиз пул тикаяпсиз.

Баҳром сандиқни кўздан кечирди. Унинг ҳайбатлилиги йигитни ўйлантирди. Сандиқнинг ноёб металлдан ясалганлиги билиниб турарди. Қулфи оддий қулфлардан эмас, мустаҳкам металлдан ясалганди. «Бунга устанинг ўн йилдан кўп вақти кетган бўлса керак», хаёлидан ўтказди йигит

- Хўш, йигитча, тайёرمىсан, ё чўцияпсанми?

- Уриниб кўраман, Виктор Андреевич, аммо бир илтимосим бор.

- Қандай илтимос экан?

- Аввалам бор, мени тўғри тушунинг, ёмон фикрга борманг!

- Гап бўлиши мумкин эмас, йигитча! Талабингни айт!
- Буни кейин гаплашамиз!

Виктор Андреевич қўли билан сейфни уриб, яна Баҳромга қаради.

- Бунинг ичи тўла пул, очсанг, ҳаммаси сеники. Бир умр бой-бадавлат яшайсан!

- Виктор Андреевич, - деди шошқалоқлик билан Илҳом. - Ўйламай ваъда бераяпсиз, ҳеч бўлмаса ўндан бири, денг!

- Мен сўзимга жавоб бераман, - деди уй эгаси Илҳомнинг сўзини кесиб. - Очса, марҳамат, ҳозироқ қонга солиб, уйига олиб кетсин. Ёки тилхат ёзиб берайми?

Уй эгаси Баҳромнинг қўлини қисди.

- Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас, қани, йигит, ишга кириш! Сенга қанча вақт керак?

- Узоғи билан ярим соат!

- Ярим соат? - кулди хўжайин. - Бу камлик қилмайди-ми? Мен бағри кенг одамман, яна ярим соат қўшиб бераман!

- Сиз нима десангиз, шу!

- Унгача мен саунада бўламан!

Виктор Андреевич хонадан чиқиб кетди. Унинг гапларидан эмас, ҳаракатларидан ҳам Баҳромга ишонмаётгани сезилиб турарди.

- Ишқилиб, мени уялтириб қўйма? - деди Илҳом ёлғиз қолишганда.

- Сенга маслаҳатим, анави диванга бориб, жимгина ўтир! - деди Баҳром.

Илҳом диванга бориб ўтирди, кўзларини узмай, унинг ҳаракатларини кузатди. Баҳром сейфнинг орқа-олдини кўздан кечирди. Бармоқларини букиб, тикиллатиб кўрди. Овоздан ниманидир уққандай эди. Сандиқ ҳақиқий пўлатдан ясалганига амин бўлди. Руслан бобонинг «ҳар қандай қулфни очиш учун, аввало, уста унинг қандай металлдан ясалганини, калит ўрнини билиши, тешикларнинг катта-кичиклигига аҳамият бериши керак», деган

- Ё парвардигор, ўзинг маладкор бўл, уялтириб қўйма!
- лабларидан шундай илтижо отилиб чиқди. Кўзларини юмди. Руслан бобони эслади. Гўё ёнида тургандек, иссиқ нафасини ҳис этди: «Кўлларинг қалтирамасин, ироданг-ни, кучингни бир нуқтага жамла, болам. Очқични оҳишта ичкарилат. Дастлабки тишни топишинг керак». Баҳромнинг назарида, устози унинг қўлларидан ушлаб тургандек эди. Илоҳий мўъжиза содир бўлди. Қўлфнинг ички механизмлари, тишлари, ҳатто, қўлидаги очқичнинг турган жойи кўзига кўринди. Яна Руслан бобонинг сўзлари қўлоғида жаранглади: «Шошилма, ўзингни қўлга ол! Сен, албатта, қўлфни очасан. Шу ерда тўхта, энди калитни айлантир».

Илҳом диванда ўтирарди. Йигитнинг терга ботгани, юзидаги ўзгаришлар уни хавотирга солар, вақт эса ўтиб борарди. Ҳадемай Виктор Андреевич кириб келади. Очол-

маса, уялиб, ер чизиб қолади. Баҳром ҳақида бошлиғига бироз ошириб, мақтаб гапирганидан афсусланди. Ахир унинг ишончини йўқотиши ҳурматсизлик эди. «Ишқилиб қулфни бузиб қўймасинда!» Хаёлига келган фикрдан чўчиди.

- Қийналсанг, уринмай қўяқол! - деди сабри чидамай.

Бу пайтда Баҳром сўнгги тишни топиш билан банд эди. Унинг сўзини эшитмади. Ярим соат ҳам ўтди. Баҳром ҳамон қўлидаги очқич билан қулфнинг ичини титарди. Сўнгги уриниш, сўнгги товуш унинг ҳаракатларига якун ясаши лозим эди. Тишни топса-да, калитни айлантиришга журъат этолмасди. Ниҳоят калит айланди. Интиқлик билан кутилган товушни эшитди.

У калитни суғурди. Юзидаги терни артди, Илҳомнинг ёнига келиб ўтирди.

- Кўнглим сезганди, - деди Илҳом афсусланиб. - Мен сени хўжайинга ортиқча мақтаб юборибман. Балки бошлиқ келгунча бирор баҳона ўйлаб топармиз!

Баҳром индамади. Асаблари толиққанди.

Виктор Андреевич диванда ўтирган Баҳромни кўриб, «қулфни очолмабди-да», деб ўйлади...

- Нима бўлди, эплай олмадингми, йигит?! - деди.

Унинг ўрнига Илҳом жавоб қилди:

- Мени кечиринг, Виктор Андреевич, шошқалоқлик қилибман!..

- Ваъда қилишдан аввал ўйлаш керак. Ахир, бу уй қулфи эмас, буни яшаш учун бобомнинг ўн йил вақти кетган.

- Узр, Виктор Андреевич, салгина шошқалоқлик қилдим.

Баҳром ўрнидан турди. Сейф олдига келди. Илҳом билан уй эгаси нима гаплигини билмасдан унга қараб туришди. Баҳром тутқичидан ушлаб тортди. Сейфнинг золворли эшиги очилди. Ичкарида тахланиб ётган пуллар, тилла буюмлар, тақинчоқлар, қимматбаҳо қоғозларга кўзи тушган Илҳом «бўй, бўй», деб юборди. Сандиқ эгасининг юзи оқариб кетди, сейф томон отилди.

* * *

«Мерседес» куюқ чанг ичида қолди. Орқадан қаторлашиб келаётган машиналар бир-бирини қувиб ўтмоқчи бўлиб, сигнал чалиб келишарди. Йўлнинг ўртасида бирдан иссиқ ҳовур осмонга ўрлаб, қуюн кўтарилиб, йўлни тўсиб қолди. Ҳайдовчилар жонҳолатда қалтираб кетган оёқларини тормоз педалига босишди. Филдираклар чийиллади. Машинадагилар қий-чув кўтаришди. Бир-бирига урилган икки машинанинг тўнтарилиб кетишига оз қолди. Рангларидан қон қочган куёвнинг жўралари пастга тушишди. Ағдарилиб ётган машина томон чопишди. Куёв «Мерседес»нинг синган ойнасидан ташқарига чиқди. Мажакланган машинага қараганча серрайиб турди. Ҳайдовчининг боши олдинги капот устида қонга беланиб, қийшайиб ётарди. Қора қон пастга оқиб тушарди. Куёв қўрқиб кетди. Ичкарида қолиб кетган қайлиғига қарашга қўрқди. Зулфизар бошини орқага ташлаганча чўзилиб ётарди. Қўйлагига қон сачраганди. Сочлари юзини тўсганди. Ўлик-тириклигини билиб бўлмасди.

Куёвнинг ёнига опаси келди.

- Ҳайрият, тирик экансан, бирор жойинг синмадими? - сўради у. - Нега индамайсан, қўрқиб кетдингми? Дўхтирга олиб борайликми? - Опа орқадагиларга ўгирилди. - Машина олиб келинглар!

«Тез ёрдам» келди. Зулфизарни ичкаридан тортиб чиқаришди. У ҳамон ҳушсиз эди. Касалхонага олиб кетишди. Дўхтирлар юзи шилинган куёвга жиддий зарар етмаганини айтишди. Шундан сўнг янгалар келинчакни эслаб қолишди. Зулфизарни операция хонасига олиб кириб кетишганига икки соатдан ўтганди. Ҳамма кўзини эшикка тикканди. Бироқ ичкаридан ҳеч ким чиқмасди. Ниҳоят, катта ёшдаги дўхтир кўринди.

- Келинимизнинг аҳволи қандай? - сўради янгалар.

- Оғир, - деди дўхтир. - Қўлимиздан келган ҳамма

ёрдамни кўрсатдик. Аммо...

- Тузалиб кетмайдими? - сўради ранги ўчган куёвнинг опаси.

- Миясига қон қуйилган, - қисқа жавоб қилди дўхтир.

Бу орада Омон фермер келди. Дўхтирнинг хонасига кириб, Зулфизарнинг аҳволини суриштирди. Дўхтир унга ҳам ўша жавобни айтди. Қош-қовоғидан қор ёғилиб чиққан фермер хотинини четга чақирди.

- Зудлик билан келиннинг уйига бор, тўйга берилган сарполарни қайтарсин. Бошида кўнглим чопмаганди. Хосиятсиз хонадон экан. Бахтимизга - ўғлимизга зиён етмабди.

Ҳамроҳон опа билан Холмурод ака қизларининг авто-ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабарни ярим соатдан кейин эшитишди. Касалхонага чопишди. Холмурод ака дўхтирнинг олдига кирди.

- Қўлимиздан келган барча чорани кўрдик. Қизингиз яшаши мумкин, бироқ оёқ-қўли ишламайди, маълум муддат гапиролмайди, - деди дўхтир.

- Зулфизар менинг яккаю ягона фарзандим. Иложини топинг, дўхтир. Танишларингиз бўлса, чақиринг, тузатиб беринг, унга бир гап бўлса, онаси иккимиз бу дунёда яшай олмаймиз, - деди Холмурод ака кўз ёш тўкиб. - Бу ерда даволашнинг иложи бўлмаса, бошқа жойга жўнатынг, танишларингиз бордир?

- Бундай операциялар Украинада қилинади. Бунинг учун катта маблағ керак, камида йигирма минг доллар!

Холмурод ака ҳовур чиқаётган бошини чангаллади. Бунча пулни топиш осонми? Уйини сотувга қўйса беш минг долларга олмайди. Шунча йил ишлаб топган-тутганини тўйга сарфлади... Отанинг юраги эзилиб, нима қилишини билмай, ўйга толди. Кўзига жон талашиб ётган қизи кўринди.

Зулфизар беҳуш ётарди. Қизининг аҳволини кўриб, Холмурод аканинг ичи баттар эзилди. Кўзларидан оқиб тушган ёшлар яноғини намлади. «Зулфизар тўшақда

ётиши мумкин эмас, жонини гаровга қўйиб бўлса ҳам уни даволатаман, оёққа турғизаман», деб ўз-ўзига сўз берди.

Ҳамроҳон опа касалхонада қолди. Холмурод ака уйига қайтди. Ичкари кирганда кўзи қудаларига тушди.

- Кўргилик экан, дўхтирлар билан маслаҳатлашдик, келинимизнинг соғайиб кетиши гумонмиш, - деди куёвнинг опаси. - Яхшиямки, никоҳдан ўтишмагани... Энди берилган сарполарни қайтарсангиз, олиб кетсак.

Холмурод аканинг юрагига кўринмас одам пичоқ санчгандай бўлди. Танаси қизиб, бошидан иссиқ ҳовур кўтарилди. Ўзини зўрға босди.

- Сарполаринг турибди, келиннинг уйида, - деди хўрсиниб.

Аёллар ичкарига кириб буюмларни йиғиштиришди. Бостирмадаги қўйларни етаклашди. Яқиндагина ўйинкулгуга тўлган ҳовли худди ўлик чиққан уйдаи ҳувиллаб қолди.

Холмурод ака йигирма йилдан кўпроқ каттагина ташкилотга раҳбар бўлган, топиш-тутиши чакки эмасди. Ўзига тўқ таниш-билишлар орттирди, улар билан бордикелдиси узилмаганди. Ўшалар хаёлига келди. «Бири бўлмаса, бошқаси ёрдам қилар», деган мақсадда танишларининг эшигини қоқди. Кучоқ очиб қарши олганларга, уйининг тўридан жой кўрсатганларга бошига тушган кулфатдан оғиз очди. Улар бош чайқашди, ачинишди, бироқ пуллари бандлигини айтишди.

Охир-оқибат Холмурод ака уйини гаровга қўйди.

- Ҳовлингиз нари борса ўн минг долларга киради. Рози бўлсангиз, тўққиз минг тўлайман. Бир ой ичида қайтарасиз, иккинчи ойга ўтса, ҳовли менинг номимга хатланади, - деди бир пайтлар муовини бўлиб ишлаган таниши.

Холмурод ака рози бўди, аммо уйга қайтганда ўйланиб қолди: «Тўққиз мингни олиб, қолганини қайдан топанман», деган хаёлга борди. Ҳовлисини гаровга қўйганини эшитган одам қарз берармиди?

Холмурод ака яна таниш излаб кўчага чиқди. Бормаган жойи, учрамаган таниши қолмади. Омон фермернинг олдига боришга ғурури йўл қўймади. Оқликни қайтариб, фотиҳани бузиб кетишмаганда ҳам бир нави эди.

Ҳанифа опанинг бўлари бўлди. Қизининг тепасида киприк қоқмай ўтириб чиқарди. Бир кундаёқ ранги сарғайди, кўзлари киртайиб, озиб-тўзиди. Сочларидаги оқ толалар кўпайди. Ягона умиди - эри олиб келадиган пулда. Ўша пул топилса, қизи тузалиб, оёққа туриб кетадигандек эди. Шу сабабли эрини ҳоли-жонига қўймади. Холмурод ака ҳар келганда аёлининг кўзига боқолмасди.

Учинчи куни мўъжиза рўй берди. Зулфизар бирдан гапириб юборди:

- Эна, сув беринг!

Қизининг овозини эшитиб, Ҳанифа опа чўчиб тушди. Наҳотки, гапирётган қизи бўлса?!

- Сув дедингми, жоним болам? - деб пешанасини силади. - Худога шукр, гапирдинг!

Онанинг кўзларига ёш тўлди, шамдай сўниб бораётган умид уйғонди. Зулфизар бир-икки қултум сув ичди, кейин бир гап айтди:

- Баҳром қани?

Она жавоб тополмади.

- Баҳром, Баҳром, - деб дудуқланди.

- Баҳромни чақиринг, келсин, - зўрға қуруқшаб қолган лабларини қимирлатди қиз. Яна нимадир демоқчи бўлди, тилдан қолди.

Ҳафта ўтиб, шифокорлар сўнгги сўзни айтишди:

- Умид йўқ, олиб кетишларинг мумкин!

Ҳамроҳон опа дунёга сиғмади. Сочларини юлиб, қизининг устига ўзини отди. Холмурод ака аёлини юпатадиган сўз тополмади. У ҳам йиғлади. Отанинг йиғиси бошқача эди. Зулфизар кўзларини очди. Ота-онасининг бўзлаши унинг қулоғига эшитилиб турарди. Уларни юпатишни истарди: «Нега йиғлайсизлар, ахир, мен тирикман! Юра-

гим дук-дук ураяпти, эна... Кулоқларим сўзларингизни эшитаяпти, ота! Фақат қўлларимни, оёқларимни қимирлатолмаяпман», демоқчи бўлди. Шунда иккинчи мўъжиза рўй берди: Зулфизар бошини хиёл кўтарди, кўзларини очиб ота-онасига қаради:

- Мени уйга олиб кетинглар...

Қиз бу сўзни тили чиқаётган болакайдай чала-чулпа айтди.

Холмурод ака ҳам, Ҳамроҳон опа ҳам кулоқларига ишонмади. Наҳотки, шу гапларни дўхтирлар «яшашига умид йўқ», деб айтган фарзандлари гапирётган бўлса? Икковлари каравот тепасига тиз чўкишди. Иккисининг кўзларидан оқиб тушаётган иссиқ ёш томчилари юзларини юйиб тушарди. Бу жудолик ва айрилиқнинг ёши эмас, севинч, умид ёшлари эди...

- Қизим гапирди, - деди ота шифокорнинг олдига кириб. - Мени уйга олиб кетинглар, деди!

- Бу бўлиб турадиган ҳолат, - хафсаласизлик билан деди шифокор.

Зулфизарни уйга олиб кетишди. Қиз озиб-тўзиб кетганди. Ўлим шарпаси гул юзига соя ташлаган, чарос кўзларидаги нурни сўндирганди. Оёқ-қўллари музлаб борарди.

Холмурод ака қарз кўтариш, пул топиш илинжида яна таниш-билиш излади. Аммо пул берадиган одам тополмади.

- Казо-казо амалдорлар уйимизда меҳмон бўлди, наҳотки, уларнинг бирортаси ёрдам бермаса? - деб фиғони фалакка етди Ҳамроҳон опанинг. - Аҳволингизни тушунтиринг, савил қолгур пулни бериб туришсин, ўлмасак қайтарармиз.

Холмурод аканинг охириги манзили укасининг уйи бўлди.

- Жиянинг ўлим тўшагида... шол бўлиб ётибди. Украинага олиб бориб, операция қилдирмасак, ажраб қоламиз. Беш олти минг доллар топиб бер, ука.

- Пулим бўлганда, корхонамни кенгайтирдим, ака. Кўриб турибсиз, қурилишни бошлаб қўйганман. Мендан пул сўраманг.

Холмурод ака ярим тунда уйга қайтиб, хотинининг кўзига қарашга ботинолмай, ётоғига кириб кетди.

Ой тиккага келганда телефон жиринглади. Ҳамроҳон опа қизининг тепасида, Зулфизар эса бедор эди.

Ҳамроҳон опа гўшакни олди.

- Опа, бу мен - Баҳромман, Зулфизар тузукми?.. Бетоб деб эшитдим.

Аёл «қизим Баҳромжоннинг овозини эшитса, зора кўзини очар», деган умидда атайин номини тилга олди.

- Баҳромжон, бу сизми, айланай? Икки кундан буён Зулфизар сизни сўраётувди, ҳозир телефонни бераман!

Она гўшакни қизининг қулоғига тутди.

- Гапиринг, Баҳромжон, гапиринг, айланай!

- Зулфизар, мен Баҳромман, яхшимисан?!

Баҳром қизнинг овозини эшитиш учун бир муддат жим қолди. Онанинг кўзлари фарзандида эди. Йигитнинг овозини эшитиб кўзларини очди, лаблари титради. Юзига қизиллик югургандек бўлди. Баҳром «Зулфизар, Зулфизар...» дея такрор-такрор илтижо қиларди. Қиз типирчиларди, аммо гапиролмади. Она гўшакни олди.

- Баҳромжон, Зулфизар гапиролмайди, - унинг ўпкаси шишиб, йиғлаб юборди. - Тузалиши учун операция қилдириш керак экан...

- Хабарим бор, опа, ташвишланманг. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Холмурод акам эртага шаҳардаги банкка борсинлар, йигирма минг доллар жўнатдим, Зулфизарнинг операциясига. Етмаса яна юбораман...

Ҳамроҳон опа қулоқларига ишонмади. Кўзларидан ёш куйиларди...

* * *

Виктор Андреевич гавдаси билан сейфни тўсиб турарди.

Назарида, йигитлар унга ташланиб, сандиқ ичидаги бойликларни тортиб оладигандек туюлди. Аммо Баҳром ҳам, Илҳом ҳам жойидан жилмади. Сейф ичида эгаси айтганидан кўпроқ бойлик борлигини улар кўришганди. Виктор Андреевичнинг оқариб кетган юзи ва косасидан ирғиб чиққан кўзларига тикилиб туришарди. Уй эгаси йигитларнинг ёмон нияти йўқлигини кейин билди. Сейфнинг эшигини ёпди.

- Сен ютдинг, - деди у. - Аммо мени кечир, пулларнинг ҳаммасини беролмайман. Очиғи, мен ўйламай ваъда берибман. Буларни олиб кетсанг, ишчиларга ойликни қаердан топиб бераман? Курилиш тўхтаб қолади. Рози бўлсанг, учдан бири сеники!

- Виктор Андреевич, менга сизнинг пулларингиз керак эмас. Қолаверса, сейфни пулингизни ютиб олиш мақсадида очмадим. Илҳом ваъда бериб қўйгани учун уриниб кўрдим, холос, - деди Баҳром.

Уй эгаси ҳайрон қолди.

- Унда нима истайсан?

- Арзимас илтимосим бор, - деди кулфбузар.

- Ҳўш!

- Севган қизим касалхонада, оёқ-қўли ишламай ётибди. Даволатиш учун пул зарур! Шунга ёрдам қилсангиз...

- Яхши, - деди сейф эгаси чехраси очилиб. - Қанча керак?

- Йигирма минг доллар!

Виктор Андреевич юз минг сўраганда ҳам беришга тайёр эди. У икки боғлам долларни Баҳромнинг қўлига тутқазди.

- Бошқа талабинг йўқми?

- Раҳмат!

Баҳром чиқиб кетмоқчи бўлганди, уй эгаси тўхтатди.

- Ўйибор берган бўлсанг сейфнинг ичида яна бир сандиқча жойлашган. Унинг очилмаганига эллик йилдан ошди. Раҳаматлик бобом Николай пошшонинг саройида кулфсоз ўтган, шоҳнинг бойликлари сақланадиган мах-

сус сандиқларни ясаб бериб, унинг марҳаматига сазовор бўлган. Пошшо меҳнатини муносиб тақдирлаб, унга совғалар тухфа қилган. Отамнинг айтишича, шу сандиқча ичида Николай пошшонинг бобомга ҳадя қилган ноёб буюми сақланади. Буни, ҳатто, отам ҳам кўрмаган. У моҳир қулфсоз бўлишига қарамай, сандиқчани очолмаган. Бобом яширган жойдан калитни тополмаган. Мен ҳам ўша ҳадяга кўп қизиқдим. Бузишга журъат этолмадим. Ота-бобомнинг руҳи мени тинч қўймаслигидан кўрқдим. Отам ўлими олдидан сандиқчани бузмаслигимни васият қилганди. Агар шуни очсанг, менга унутилмас яхшилик қилган бўлардинг. Ичидаги хазинанинг ярмини бераман, деб ваъда беролмайман, бироқ меҳнатингни тақдирлайман. Баҳромни ўй босди. Сандиқнинг олдига келди. Эшикни очиши билан бояги буюмлар кўзини қамаштириб юборди. Баҳром уларга эътибор бермади. Виктор Андреевич айтган қутичанини диққат билан кўздан кечирди. Ҳақиқатан қулфи нафис, қулфсозликнинг ўзига хос бетақрор саънати даражасида ишланганини билди. Калит сиғадиган жой тор бўлиб, ёнидаги калитларнинг бирортаси бу қулфга тушмасди.

- Очиш қўлимдан келмайди, - деди Баҳром уй эгасига.
- Бу қулф нозик ишланган.

Виктор Андреевич унинг сўзига ишонмади: «Хазинанинг ярмини бермаганимдан хафа,», деб ўйлади.

- Сени хафа қилмоқчи эмасман, - уй эгаси сандиқ ичидан бир неча бўлак долларни олиб, қулфсознинг олдига ташларкан.
- Мен сандиқчани очиш қўлингдан келишига ишонаман. Кўнглим сезиб турибди, уриниб кўр!

- Виктор Андреевич бу қулф оддий қулфлардан эмас. Ортиқча ҳаракат қилсам, бузилиб қолиши мумкин. Ахир, темирларнинг ҳам тили бўлади, у билан хушёр бўлиб муомала қилиш керак.

- Сандиқча ичидаги бойлик мени қизиқтираётгани йўқ, аммо қандай тилсим яшириниб ётганини билишни ис-

тайман. Илтимос, таклифимни рад этма. Агар сенга берадиган улушимдан кўнглинг тўлмаётган бўлса, қўшаман!

Виктор Андреевич қўлларини яна сейф ичига тикди, чангалларини тўлдириб пул олди-да, йигитнинг оёқлари остига ташлади.

Баҳром хижолат бўлди. Илҳом уларнинг сўзларини эшитиб ҳайрон бўлиб, боши қотиб турарди. У ҳам Баҳромнинг таклифга кўнмаётганини уй эгасининг шартни бузганида, деб ўйлаётганди.

- Тўғриси, қўлимдан келмайди, Виктор Андреевич. Агар ёнимда калит бўлганда ҳам таваккал қилиб, уриниб кўрган бўлардим.

Унинг гапига, барибир уй эгаси ишонмади. Атайин бош тортаяпти, деб ўйлади. У тилла буюмларни, тақинчоқларни, қимматбаҳо қоғозларни олиб, йигитнинг пойига ташлади.

- Ҳаммаси сеники, фақат сандиқчани оч! - деди жаза-васи тутиб.

Баҳром уй эгасини аҳдидан қайтаролмаслигини тушунди.

- Виктор Андреевич, майли, сазангиз ўлмасин, уриниб кўраман, аммо бугун эмас!

- Нега? - ажабланди уй эгаси. Айни пайтда унинг кўзларида хавотир зоҳир эди.

- Асабларим чарчаган, дам олишим керак! - Баҳром хаёлига келган фикрни очиқ айтмади. - Уч кундан сўнг келаман!

Виктор Андреевич таклифга зўрға рози бўлди.

- Сизлардан бир илтимосим, - деди у йигитларга қараб, - сейфнинг очилганини учаламиздан бошқа одам билишини хоҳламайман. Гапимни тушунгандирсизлар?

- Шубҳаланишингизга ўрин йўқ, Виктор Андреевич, - деди Баҳром.

Улар чиқиб кетганидан кейин бошлиқнинг кўнглига ёмон ўйлар келди. Соқчини қақирди.

- Меҳмондан шубҳаланаяпман, - у шундай дедию бирдан ўйланиб қолди. Соқчига сандиқни очганини айтса, гап-сўз кўпаяди. Одамларнинг қизиқиши ортади. Ашаддий рақиблари бундан огоҳ бўлади. У фикридан қайтди. - Уларнинг изига туш, қаерга боришини ва ким билан учрашишини аниқла! Босган қадамидан мени хабардор қил! - деб тайинлади. Лекин озор беришни хаёлингга келтирма!

Виктор Андреевичнинг чиндан-да, ороми бузилганди. Хаёлига ёмон ўйлар ёпирилиб келарди. Йигитнинг нега бугун эмас, уч кундан кейин очаман, деган гапига тушунолмасди. «Сандиқчани очиш унинг қўлидан келди. Ичида катта хазина борлигини сездириб қўйдим. Улар ҳозир уйларига бориб, маслаҳатлашишади. Ярим тунда бостириб келишади. Ҳамма нарсамни олиб кетишади», - деган хаёлга бориб, ухламасликка қарор қилди. Тўппончасини ёстиғининг остига қўйиб ётди. Эшикнинг барча қулфларини беркитди, аммо ишонмади: «Сейфни очган йигитга эшик қулфларини бузиш нима деган гап!..»

Виктор Андреевич ҳовлига икки соқчи қўйди. Шунда ҳам уйқуси келмади. Йигитлар келиб бойликларини ўма-риб кетадигандек туюлаверди. Илҳом уни бу ерга бекорга бошлаб келмаган. Ёмон фикрлардан қутилишни ва хотиржам яшашнинг ягона йўли Баҳром билан Илҳомни йўқотиш эди. Кўзларидан уйқу қочган Виктор Андреевич шундай қарорга келди: сейф ичидаги сандиқчани очтиргандан кейин одамларига тайинлаб, уларни тинчитади. У икки йигитни ўлдиришни ўйлаб, уйқуга кетганини ўзи сезмай қолди.

* * *

Баҳром ташқарига чиққанда Илҳомга пулни зудлик билан қишлоққа жўнатиш кераклигини айтди. Улар банкка жўнашди. Виктор Андреевичнинг одами изларига тушганидан беҳабар эдилар. Банкка келишди. Баҳром

пулларни Холмурод аканинг номига жўнатди.

- Сендан илтимос, бир иложини топиб, Виктор Андреевичнинг сандиқчасини очиб бер, - деди қайтишларида Илҳом. - Очмасанг, у биздан шубҳаланиб қолиши мумкин. Кейин сен қанчалик рост гапирмагин, у сўзингга ишонмайди.

- Қўлимдан келмайди, Илҳом, - деди Баҳром. - Қулф мен билган оддий қулфлардан эмас, махсус калит керак. Менда эса бундай калит йўқ, қолаверса, қулфнинг ички механизмлари қандай тузилганидан беҳабарман.

- Балки устозингдан сўрарсан? - деди Илҳом.

- Устозим қишлоқда...

- Телефон қил!

- Бундай гапларни телефонда гаплашиб бўлармиди! Назаримда, устозим ҳам қулфни кўрмагунча маслаҳат беролмайди. Яна бир гап, у мени бундай ишлар билан шуғулланиб юрганимни билса қаттиқ хафа бўлади.

- Унда Виктор Андреевич бу йигит атайин очишни истамаяпти, деб ўйлайди.

- Ўйласа ўйлар, қўлимдан келмаган ишга уринмайман!

Илҳомнинг тили курмакланиб қолди. Унинг хафа бўлганини юз-кўзлари фош қилиб турарди. Баҳром машина ойнасидан ташқарига тикилиб борар экан, устозининг бир гапи ёдига тушди: «Бобом бой ва зодагонларнинг хазиналари сақланадиган сандиқчаларнинг қулфларини тузатиб, Россияда катта шуҳрат қозонган. Ундан қолган калитлар ҳозир набирам Камиланинг уйида. Зарур бўлганда улардан фойдаланишинг мумкин», деб очқичлар яширилган жойни тушунтирганди. Шуни эслаб, Илҳомга қаради.

- Машинани орқага қайтар! - деди чўнтагидан Камиланинг уйи кўрсатилган манзилни Илҳомга кўрсатиб, - мана шу манзилга бориб келамиз!

Камила шаҳардан олисда яшамасди. Бир соатлик масофа эди. Улар келишганда қиз уйида йўқ, эшикка қулф осилганди.

- Кутамиз, - деди Баҳром дўстига, аммо калит излаб келганини айтмади. Бир соатлар ўтиб, Камила келди. Бобосининг олдида борганда Баҳромни кўрганди, дарров таниди. Ичкарига таклиф қилди.

- Камила, биз меҳмондорчиликка бошқа пайт келамиз, - деди Баҳром Руслан бобонинг саломини етказгач. - Ҳозир зарур иш юзасидан келдик. Ёрдаминг керак!

- Бажонидил, - деди қиз. - Қандай ёрдам экан?

- Ертўлада Руслан бобонинг калитлари бор. Шунини олиб кетмоқчиман.

- Калитлар, қанақа калитлар? Мен уларни кўрмаганман.

- Рухсат берсанг, ўзим ертўлага тушиб, изласам.

- Ихтиёринг!

Баҳром пастга тушди. Илҳом билан Камила ташқарида қолишди. Қиз йигитнинг эътиборини тортиб қолди.

- Ўзбекларга ўхшаб кетасиз, исмингиз ҳам ўзбекча, - деди йигит қизни гапга солиш мақсадида.

- Ўзбекистонда туғилганман, асли исмим Алиса. Ўзбек дугоналарим мени Камила деб чақиришарди.

- Мен шу ерда яшайман, истасангиз, сизни уйимга меҳмонга таклиф қиламан!

- Паловни соғинганман!

- Унда, мен битта ош қарздорман!

- Қачон меҳмонга таклиф қиласиз?

- Сиз истаган кун.

- Якшанба кунини дам оламан.

- Унда, сизни кутаман!

- Уйингизни кўрмаганман-ку!

- Эсим қурсин, сизни ўзим олиб кетаман.

- Телефон рақамингизни қолдиринг.

Илҳом қўл телефонининг рақамларини айтди.

Бу пайтда Баҳром ертўладаги темир-терсақларни титиш билан банд эди. Устози бу калитларни зангламайди, чиримайди, деб айтганди. Турли-туман яшиқ ва қутилар ичида қулфлар, очқичлар қалашиб ётарди. Унинг эътиборини миттигина қулф тортди. Очқич тушадиган тешиги

худди Виктор Андреевичнинг сейфидаги сандиқчанинг қулфидаги тешикка ўхшаб кетарди. Уни чўнтагига солиб, ташқарига чиқди.

Уйга келганларида вақт алламаҳал бўлганди. Лекин Баҳромнинг кўзларига уйқу келмади. Очқичларни чўнтагида олиб юриб бўлмайди. Уларни сақлайдиган ишончли жой топиш керак. Баҳром ўйлаб-ўйлаб шимининг тасмаси орасига калитларни жойлади.

* * *

Холмурод ака билан Ҳамрохон опа самолётда қизларини олиб, Украинага учиди. Аэропортда уларни «Тез ёрдам» кутиб олди. Зулфизар касалхонага оғир аҳволда келтирилди. Йўлда толиққанди. Иқлимнинг ўзгариши соғлигига жиддий таъсир кўрсатганди. Навбатчи врач хастанинг касаллик варақасини кўздан кечириб:

- Афсуски, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Бир ҳафтага кечикибсизлар, қизларингизни олиб кетишларинг мумкин, - деди.

Ота-онанинг сўнгги умидлари ҳам чил-чил синди.

- Дўхтир, биз олисдан келдик. Ноумид қайтарманг. Биттаю битта қизимиз. Аҳволини кўринг, уни олиб кетадиган бўлсак, йўлда узилиб қолиши мумкин!

Дўхтир беморни қабул қилолмаслигини айтиб, хонасига кириб кетди. Эр-хотин беҳуш ётган қизларининг тепасида туриб, кўз ёш тўкишди. Зулфизарни ортга олиб қайтиш осон эмасди. Самолёт кутиш, йўл азоби уни ҳолдан тойдириб қўйиши мумкин. Қолаверса, ҳозирги аҳволи кўрқинчли эди. Узуқ-юлуқ нафас оларди, бадани музлаб борарди.

- Бирор чорасини топинг, - деди кўз ёшларини тиёлмаган Ҳамрохон опа эрига. - Катта дўхтирнинг олдига кириш, аҳволимизни тушунтиринг. Худо инсоф берса, олиб қолишар.

Зулфизарнинг юзлари кўкариб, кўз қорачиқлари кен-

гайганди. Она боласининг баданини ушлаб, қўқиб кетди. Ҳамширани чақирди. Навбатчи врач келди. Бемор клиник ўлим ҳолатига тушганди. Уни жонлантириш бўлимига олиб кириб кетишди. Зарур дори-дармонлар қилинди. Сунъий нафас олиш аппарати уланди. Бир муддат ўтиб Зулфизарнинг аҳволи ўнгангандек бўлди. Холмурод ака бош шифокорнинг эшигини қоқди.

- Биз узоқдан келдик, профессор. Қизимизнинг аҳволи оғир, дўхтир «олиб кетинглар», деяпти. Ёрдам қилинг, фарзандимизни тузатиб беринг, - деди.

- Қаердан келдингиз? - сўради профессор.

- Ўзбекистондан.

Кекса профессор Холмурод акага кўзойнаги устидан тикилди.

- Ўзбекистоннинг қайси шаҳридансиз?

- Водийнинг Шаҳанд деган қишлоғиданман!

Дўхтир ўрнидан турди.

- Водийданман денг, - унинг кўзларида чўғ ялтиради.

- Бахтиёр ака деган одам бўларди, танийсизми?

Холмурод аканинг юрагида умид уйғонди. Таниса, дўхтир қизини олиб қоладигандек туюлди.

- Қайси Бахтиёр акани сўраяпсиз, профессор?

- Самоварчини.

- У одамни ҳамма танийди. Юртга машҳур одам. Ўзбекистон аҳли у инсоннинг қўлидан чой ичган... Аммо қазо қилганига ўн йилдан ўтиб қолди, назаримда.

- Хабарим бор, фотиҳасига боргандим.

- Сиз у кишини танийсизми?

- Бахтиёр ака менинг тутинган отам...

- Ростданми?

Профессор соф ўзбек тилида гапирди.

- Уруш йиллари олти ёшли бола эдим. Ота-онам бомба остида қолиб ўлиб кетишганди. Мени етим-есирларга қўшиб, Ўзбекистонга эвакуация қилишди. Ўшанда Бахтиёр ака мени ўз бағрига олганди. Ўн беш йил унинг уйида нон-тузини еб, катта бўлдим. Ўқитди, тарбиялади, вояга

етказди. Олтмишинчи йилларда Украинадаги қариндошларим мендан хабар топиб, олиб кетишди. Лекин вақти-вақти билан у кишининг олдида бориб турдим. Сиз ўша ердан келган экансиз, қўлимдан келганча ёрдам қиламан. Менга қизингизнинг касаллик варақасини беринг!

Холмурад ака шошиб чўнтагидан қоғозларни олиб, Роман Ильичга узатди. Профессор беморнинг касаллик варақаси билан танишиб чиқди.

- Нега шу пайтгача олиб келмадингиз? - сўради Роман Ильич.

- Биласизми, пул топишга қийналдик.

- Вақт ўтган, аммо қўлимиздан келган ҳаракатни қиламиз.

Эшик очилди. Ҳамшира қизнинг юзи кўринди.

- Профессор, беморнинг юраги тўхтаб қолди!

Виктор Андреевич Илҳомга қўнғироқ қилди:

- Ҳамшаҳрингни олиб, зудлик билан олдимга кел!

Хўжайиннинг овози унинг қулоғига таҳликали эшитилди. Илҳом нима гаплигига тушунмаган бўлса-да, Виктор Андреевичнинг кайфияти йўқлигини сизди. Халёлидан турли ўйлар кечди. Хўжайиннинг сабри чидамаган, ҳозир боришимиз билан сандиқчани оч, деб мажбур қилади, деб ўйлади. Бу ҳақда Баҳромни огоҳлантирмади.

- Икковимизни хўжайин чақираяпти, ҳозир етиб боришимиз керак, - деди.

- Мен дам олмоқчиман, ўзинг борақол, - деди Баҳром.

- Назаримда, мен эмас сен унга керакка ўхшайсан!

- Шу ишни қилмасам бўларкан, бошим балога қолмасайди, - Баҳром ўрнидан туриб кийинди. Унинг кўнглига қил сифмасди.

Йўлга чиқишди. Виктор Андреевич уларни очиқ чехра билан қарши олди. Кайфияти чоғ эди.

- Бугун ўртоғим Евгений Смирновнинг туғилган

куни, - деди хўжайин йигитларга. - Ҳозир мен билан бирга сизлар ҳам зиёфатга борасизлар!

Хўжайин бундай тантаналарга баъзан Илҳомни олиб кетарди. Баҳромни ҳам эргаштириб кетаётганига у тунунмади. Сўрашга ботинмади. Учалалари машинага ўтириб, Евгений Смирновнинг дала ҳовлисига жўнашди. Аслида Виктор Андреевич ортидан шатак эргаштириб боришни ёқтирмасди. Кечаги воқеадан кейин у дўстига меҳмоннинг ноёб қобилиятини айтиб мақтангиси, ўрни келганда пўлат сандиқни очтириб, лол қолдиришни ўйлаганди. Шу боис уларни олиб кетишга қарор қилганди.

Евгений Смирнов дўстларини дала ҳовлисида кутиб олди. Кечага шаҳарнинг кўзга кўринган тadbиркор ва ишбилармонлари, банкирлари таклиф қилинганди. Ичкарига кириши биланоқ Виктор Андреевичнинг кўзи Худойга тушди. Юзи ўзгариб, юраги зириллаб, ичидан нимадир узилиб кетгандай бўлди. Уни бу ерда учратаман, деб ўйламаганди. Худой унинг қиёфаси ўзгарганини сезди. Ўрнидан туриб, хушламайгина саломлашди. Қалбидаги гина-қудуратни юзига чиқармаса-да, кўзлари ошкор этиб турарди. Улар бир-бирларининг қўлларини маҳкам сиқишганча саломлашишди. Жойлар банд эди. Виктор Андреевич атрофга аланглаб, бўш курси тополмади. Худойнинг ёнидаги курсига чўкишга мажбур бўлди.

Уларнинг қалбида киши билмас адоват уйғониши пўлат сандиқ воқеаси билан боғлиқ эди. Бундан олти ой аввал шаҳарнинг биринчи рақамли «қонундаги ўғри»си, жиноят оламида ўзининг «Худой» лақаби билан ном таратган Василий Петрович унинг уйида меҳмон бўлганди. Ўша тантана ҳар икковларининг юракларидаги бир-бирларига бўлган ишонч ва ҳурмат пардасини шафқатсизларча юлиб ташлаган, унинг ўрнида унутиб бўлмас адоват оловини ёқиб юборганди. Ўша тантананда ўғрилар бошлиғининг эътибори уйнинг тўридаги ҳайбатли ва ажабтовур пўлат сандиққа тушди. Унинг қадимийлиги ва мустаҳкам ишлангани, қолаверса, нафис ва жимжимадорлиги ёқиб

қолди. У сандиқнинг олдиға бориб томоша қилди. Ҳаёти-да кўплаб сандиқларға дуч келган «қонундаги ўғри» бундай мустаҳкам сейфни илк бор кўриши эди. Унинг қандай металлдан ясалганини тушунди. Таркибида пўлатдан бошқа металл қоришмаси мавжуд, деган тўхтамга келди. Айни чоғда унинг юрагида «Сандиқ ичи бўш бўлмаса керак», деган фикр ҳам уйғонганди.

Хавф-хатарларға тўла умри давомида ўнлаб банкларни, ташкилотларнинг сақланадиган сандиқларни ҳайратланарли даражада очиб, ичидаги катта миқдордаги пулларни, ҳазинаю бойликларни, қимматбаҳо қоғозларни, дуру олтинларни ўмариб кетган Василий Петрович ўзининг эллик йиллик «фаолияти» давомида ҳисобсиз бойликлар йиғди. Аммо бирор бахтсиз ҳодиса - снғинми, портлашми содир бўлиб, улардан айрилиб қолишдан қаттиқ чўчирди. Уларни яширадиган, сақлайдиган ва ҳеч ким очолмайдиган сандиқ топишни бурундан бери дилига тугиб юарди. Петрович излаган нарсасини эски таниши Виктор Андреевичнинг хонасида учратаман, деб сира ўйламаганди. Қўли билан ушлаб кўрганда, адашмаганига ишонч ҳосил қилди. Уна эғалик қилиш истаги оромини ўғирлади. Виктор Андреевич сандиқнинг қадрига етган одам, уни сотмаслигини ҳам тушунди. Икки юз килограмм ваззли сейфни ўғирлаб кетиш осон эмасди. «Сотиб оламан», деган қарорға келди.

- Азизим Виктор Андреевич, - деди унинг елкасига қўлини ташлаб, - шу сандиқнинг учун қанча пул тўласам хурсандчилик билан менга инъом қиласан?

Бу гапни эшитганлар ҳайратланиб, Васяға қарашди. Шу пайтгача нимага харидор бўлса, эгалари унинг таклифини бажонидил қабул қилишар, мўлжалларидан камроқ бўлса-да, «Ўғри бошининг қазабига учрамай, у ишқибоз бўлди ми бир иложини топиб олиб чиқиб кетади», деб арзон-гаровга сотиб юборишарди. Буни Виталий ҳам яхши биларди. Шу сабабли меҳмонларнинг эътибори ўзига қараганидан ажабланмади.

- Сенинг назарингда бу сейфнинг нархи қанча, чамалаб кўрчи?

Васянинг бироз кайфи ошганди. Бундай пайтларда ўзини пастга ургиси келмасди. Кўнгли қулфи очилиб, ўзини танти ва мард қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

- Беш миллион етадимми?

- Ўзимизникиданми? - ҳазиломуз савол ташлади уй эгаси.

- Шундай, - жавоб қилди тўдабоши.

Беш миллион ҳазилакам пул эмасди. Аммо Виктор Андреевичнинг пул ишлаш нияти йўқ эди. Василий ўша пулни, ҳатто яна озроқ қўшиб ҳозироқ тўлашга тайёр эканини сезиб турарди.

- Агар одамларинг шу сандиқни очса, уни сенга туҳфа қиламан, - деб юборди.

Меҳмонлар ҳайратланишди ва Василий Петровичнинг оғзидан чиқадиган жавобни кутишди.

- Аҳдингдан қайтмайсанми?

- Эркакча гап!

Шунда Василий Петровичнинг ҳам тантилиги тутиб кетди.

- Йигитларим сандиқнингни очолмаса, сенга беш миллион рубль тўлайман.

У эшик олдида турган йигитлари билан маъноли кўз уриштириб олди. Хўжайиннинг кўз қарашидан нима демоқчилигини тушунган «учар» ташқарига чиқиб кетди ва ҳиёл ўтмай қўлида қора дипломат билан пайдо бўлди.

- Бунинг ичида беш миллион рубль бор. Ишонмасанг, санаб кўришинг мумкин!

Василий Петровичнинг бу сўзини томошатаалаб кишилар қарсак билан олқишлашди. Шундан сўнг ўртада ўзаро шивир-шивир бошланди. Ўғрибошига яхши кўриниш истагида бўлганлар қўлчиликни ташкил этарди. Атиги олти киши Виктор Андреевич тарафида бўлди. Стол устида бир уюм пул ҳосил бўлди. Пули камроқ меҳмонлар бўйинларига олтин занжирларини тикишди. Кекса

банкир 56 каратли бриллиантни олиб, стол устига қўйган-
да, қўпчиликнинг кўзи ўйнаб кетди. Василий Петрович
ўзининг қулфбузар йигитларига зудлик билан етиб ке-
лишни тайинлади. Ярим соат ичида улар ҳозир бўлишди.
Қулфбузарлар сандиқни синчиклаб текширишди. Ўзлари
билан юзга яқин турли-туман очқичларни олиб келиш-
ганди. Уларни кўриб Виктор Андреевичнинг ҳафсаласи
пир бўлди. Ўйин бошланмасдан ўзининг мағлубияти
муқаррар эканлигига иқрор бўлди. Назарида, қулфбузар-
лар сейфни бир неча дақиқада очиб ташлайдигандек
туюлди. Уларечиниб, энгларини шимариб ишга кириш-
дилар. Бетараф бўлганлардан иккитаси ҳакамлик қиладиган
бўлди. Икки томоннинг розилиги билан қулфни
очиш учун бир соат вақт ажратилди.

- Илтимосим, - деди руҳи тушган Виктор Андреевич,
- қулфга фақат калитлар солинса, эҳтиёткорлик билан
ҳаракат қилинса.

Таклиф қабул қилинди.

Василий Петрович сандиқ олдиға курси қўйиб, қўлида-
ги вискидан гоҳ-гоҳида ҳўплаб, оёқларини чалиштирган
қўйи, шогирдларининг ишини кузатиб ўтирарди. Унинг
юзи худди ўз ғалабасига ишонган одамникидек ёришиб
кетганди. Ортида эса ўнлаб тарафдорлари нафасларини
ичларига ютиб, қулфбузарларнинг ҳаракатларини куза-
тишарди. Виктор Андреевич бетоқат эди: асаблари тан-
ранглашганди. Айтганидан пушаймон бўлди. Сандиқдан
ажраб қолишдан қўрқарди. Бобоси ва отасининг қиёфаси
худди туман ортидан чиқиб, «нима қилиб қўйдинг,
ўғлим», деб келаётгандек кўз олдида намоён бўлди. Улим
тўшагида ётган падарининг сўнгги васиятини эслади:
«Ўғлим, нималар қилялпасан, бобонгдан қолган меросни
киморга тикдингми? Бу ишингни ҳозирок бас қил!»

Уй эгасининг бардоши тугади, тўдабошининг олдиغا келди.

- Петрович, сен одамларингга ҳаддан ортиқ ишониб юбормадингми? Улар сени ҳув тушириб қўйишлари мум-

кин. Ахир, каттагина пул тикдинг. Ҳозир ҳам кеч эмас, истасанг, аҳдимиздан қайтишимиз мумкин, - деди. Унинг паст, аммо қатъий овозда айтган гапи орқада турганларнинг қулоғига етиб борди. Бир-бирлари билан кўз уриштиришди.

Василий бу гапдан ўзининг ғалабаси муқаррар эканлигини ҳис этди. Вискидан ҳўплади. Орқада турганларнинг кўзлари Василийда эди. Уй эгасининг тарафида бўлганлар бу таклифни инкор қилинишини жон-жон деб қабул қилишга тайёр эдилар. Ўғрибоши бошини кутарди, тарафдорларига қараб қўйди. Кўзларида ўт ёнарди. Бу ғалабага бўлган ишончни билдирарди.

- Нима, сен мағлубиятингни сезиб қолдингми? - сўради баланд овозда. - Мен фақат бир сабаб билан бу ўйинни тўхтатишим мумкин, яъни сен мағлубиятингни тан олганингда!

Василийга қўшилиб тарафдорлари ҳам кулиб юборишди. Шунда анчадан бери жимжитлик чўккан хона худди момақалди роқ гумбурлагандек ларзага келди. Бу уй эгасининг устидан шармандали кулги эди. Виктор аламини босиш учун қўлидаги ароқни бир кўтаришда ичиб юборди. Ароқ унинг юрагига худди мой сепгандек таъсир қилди. Василийнинг олдидан кетди ва ўғриларнинг ишларини кузатишни истамай, дераза олдига бориб, юзини терс буриб олди.

Фурсатнинг ниҳоясига етишига беш дақиқа қолганди. Қулфбузарлар яна беш дақиқадан кейин ҳаракатлар якунланишини билишди. Улар типирчилаб, аввалгидан чаққонроқ ишлашарди. Барча очқичлардан фойдаланиб бўлишганди. Уларни яна қайтадан синаб кўришарди. Ҳаракатларидан асабийлашаётганини билиш қийин эмасди. Василий Петровичнинг кўзи девордаги соатга тушганда у ҳам бетоқатланди. Ичкиликдан қизариб кетган юзига ташвишлар из солди. Катта-катта пулларни, тилла буюмларини тиккан бойваччалар ҳам саросимада нафасларини ютиб, кўзларини бақрайтириб туришарди. Уларнинг чеҳ-

раларидаги бояги шодлик учқунлари сўнганди. Стол устидаги пулларга ва бойликларга гўё сўнгги бор кўришгаётгандек ачиниш билан кўз ташлаб қўярдилар. Кўзларида пушаймонлик белгилари зоҳир эди. Вақт яқинлашган сайин қулфбузарларнинг қўллари қалтирарди. Аввал бошида арзимас бўлиб кўринган қулфга бирорта калитнинг тушмаётганидан аччиқланишарди. Ҳаммалари вақтнинг охирлаб қолганидан талмовсираб қолишди. Уйиннинг бошида 56 каратли бриллиантини стол устига ташлаган, бу билан ўзини ўғрилар бошлиғига яқинлигини билдириш истагида бўлган банкирнинг рангида қон қолмаганди. У пахтаси чиқиб кетган кўзларини сейфга тикиб, мўъжиза содир бўлишини кутарди. Қўллари лаблари сингари қалтирарди. Томошабинларнинг қадаҳлари аллақачон бўшаб қолганди.

Жимжитлик чўккан хонада Виктор Андреевичнинг қулоғига «ширқ» этган товуш эшитилди. Юраги тўхтаб қолаёзди. «Наҳотки, сейф очилган бўлса?» деган совуқ фикр миясига урилди. У ортига, ўзининг қадрдон сейфи томон қарашга куч тополмади. Фақат ғолибларнинг қарсак чалишларини кутганди. Бир муддат ўтди, аммо ўша олқишловчи қарсак садолари жимликни бузиб, янграмади. Ширқ этган товуш бу соатнинг роппа-роса ўн бўлганлигини билдирувчи сас эканлигини англади. Умид ва ишонч билан ўрнидан турди. «Очолмабди, бундан кейин ҳам очолмайди», деган қувончли фикр эзилган ҳамда таҳликада дукиллаб тепаётган юрагига малҳам босгандай таъсир қилди. Ўзининг ғалабасига тўлиқ ишонч ҳосил қилганди. Чўғдай ёниб турган гиламни бир-бир босиб, Василийнинг олдига борди. Унинг кўкрагига осилиб тушган бошидан руҳи тушганлигини билиш қийин эмасди. «бечорагина» деб қўйди Виктор ва шундан кейин бўшаб қолган қадаҳга коньяк қуйди. Томчисини қолдирмай сипқорди. Ўзига боқиб турган кўзларга қарашга куч топди. Виктор баланд овозда шундай деди.

- Вася, мен йигитларингга яна ярим соат муҳлат бераман. Уриниб кўришсин!

Андреевичнинг ўйламай айтган сўзи катта пул тикилишига сабаб бўлган бўлса, ҳозирги таклифи ўғрибошининг қалбида адоват тугунининг ҳосил бўлишига, инчунин, бу таклиф бошига битмас-туганмас ташвиш балосини ёғдиришини англамаган ҳолда айтиб юборганини кеч тушунди.

Ўғрибоши таклифни ҳақоратдек қабул қилди. Аммо катта миқдорда пулдан осонликча айрилиб қолишни истамасди. Сукут орқали ва кейин бош ирғаш билан ўзининг таклифни қабул қилганлигини билдирди. Кулфбузарлар яна жонланишди. Кўпчиликнинг юрагидаги липиллаб турган умид қайтдан алангалади. Сандиқ эгаси анча хотиржам эди. У шиша кўтариб, меҳмонларнинг бўшаган қадаҳларига ичимлик қуяр, ўзига қарши пул тиккан рақибларининг кўнглини кўтариш мақсадида чиройли гапларни топиб айтарди, ғамгин чехраларига табассум ҳадя этарди. Кўшимча вақт ҳам ниҳоят поёнига етди.

Василий Петрович ўз мағлубиятини тан олган кечада Виктор Андреевич катта бойликнинг эгаси бўлди. Василий тантанадан юзида табассум билан чиқиб кетган бўлса-да, миясида қандай қилиб бўлмасин, сейфни қўлга киритиш, унга тушадиган очқични топиш ва яқин орада қайтиб келиб Витянинг додини бериш фикри бир умрга ўчмайдиган муҳр каби босилиб қолди. Учар йигитлар ютқазилган пулларни бир ҳафтада топиб, ўрнига қўйишди. Афсуски, тўдабошининг кўнглидаги жароҳат излари битмади. Кулфбузарларга қаттиқ топшириқ берди: «Ёрнинг тубидан бўлса ҳам ўша сандиққа тушадиган очқични топасанлар».

Топшириқни олган шотирлари ўз мамлакатлари қолиб, хориждаги «ҳамкасб»ларининг ҳузурига жўнаб кетишди. Қадимги сейфларга тушадиган калитларни топишда ёрдам беришларини илтимос қилишди. Таниқли кулфсозлар

томонидан очқичлар ясатилди ва улар Василийнинг ҳузурига юборилди. Унинг қаҳр ғазабга миниши ва ундан ўч олиш пайида юрганлигини Виктор Андреевичнинг безовта кўнгли ҳис этарди. У эҳтиёткорлик чорасини кўришга мажбур бўлди. Ёнидан қўймайдиган очқични эҳтиёт қилишга, уни кўз қорачиғидек асрашга қарор қилди. Кечалари белига боғлаб ётадиган, сейфни ўзгалар олдида очмайдиган бўлди.

Орадан бир ой ўтгандан кейин Виктор Андреевич адашмаганини англади. Ўша куни у қаергадир кетганди. Ярим тунда қайтди. Уй ичида кезиб юрган сигаретнинг аччиқ тутунини бурни сезди. Шу пайтгача хонасида ҳеч ким чекмасди. Сандиқ ёнига келди. Чироқнинг ёруғида сейфнинг қулфини диққат билан кўздан кечирди. Ён-атрофида чизиклар ҳосил бўлганди. Булар янги из эди. Сейфни очишга уринишганини сезди. Бу ишда Василийнинг одамларининг қўли борлигига шубҳа қилмади. Бу биринчиси ва сўнггиси эмасди. Улар яна келишди. Ҳаракатлари самара бермади. Викторнинг бардоши тугади. Улар билан ҳисоб-китоб қилишга, қолаверса, Василий Петровичнинг шармандасини чиқариб, одамларини фош қилишга жазм қилди. Тузоқ қўйди. Учрашганларида ўзини мастликка солиб, шундай сўзларни валдиради:

- Эртага Красноярскка жўнайман, истасанг, менга ҳамроҳ бўл!

Ўғрибошининг кўксида ётган илон уйғонди. Одамлари бемалол ҳаракат қиладиган пайт келганлигини англади. Шундай жавоб қилди.

- Жоним билан борардим, аммо, биласанми, азизим, мен ҳам Омскка ўтмоқчиман, эрталаб йўлга чиқаман.

Виктор томонидан ташланган қармоққа Васянинг осонгина илиниши эди бу. Эртаси куни одамларига сафарга кетаётганини ошкор қилди. Жомадонларини олиб, таксига ўтириб, бир ўзи аэропортга жўнади. Қоронғи тушгунча бегона кўзларга кўринмай, овлоқ жойда беркиниб ўтирди. Айғоқчилар уни аэропортгача кузатиб келишганди. Касса

атрофида ўралашиб юрган Викторни кўриб, кўнгиллари хотиржам тортиб, орқаларига қайтишди. Виктор Андреевич қош қорайганда уйига қайтиб келди. Ўғриларнинг ташрифини юраги сезганди. Қўлига тўппонча олиб, уларни пойлади. Тун яримида икки нотаниш одам деразадан ошиб ўтишди. Виктор уларнинг ниқобланган юзидан эмас, балки ҳаракатларидан Васянинг шотирлари эканлигини сездди. Ўғрилар калитларни қулфга солшди. Уй эгаси нафасини ичига ютган ҳолда уларни кузатди. Ўғрилар икки соатдан мўлроқ уринишди. Калитлари иш бермаганига ишонч ҳосил қилган Виктор Андреевич яширинган жойидан чиқишга мажбур бўлди. Тўппончанинг учини уларга қаратди.

- Юзингдаги ниқобни ол!

Ўғрилар ниқобларини олишмади. Ўзларини танитишни эмас, инчунин, таниш башаралари орқали кимнинг одами эканликларини ошкор қилишдан чўчишди. Виктор Андреевич узун ва бақувват қўлларини чўзиб, ўзига яқин турган ўғрининг ниқобни шундай жаҳл билан юлиб олди-ки, хатто тирноқлари «меҳмон»нинг юзини тилиб юборди. Кўрқувдан дир-дир титраётган, пастки жағсуяги ирғиб чиққан ўғрининг чўзинчоқ башарасига кўзи тушган заҳотиёқ Виктор уни таниди.

Бир ой аввал сандиқни очишга келган Василийнинг одами эди бу. Шеригининг ниқобини олишга ҳожат қолмаганди.

- Сенларни итдай отиб ташлашим мумкин, бунинг учун қонун мени жавобгарликка тортмайди. Ёки ҳозироқ милиция чақириб, уларнинг қўлига топширишим ҳам мумкин. Бироқ сенинг хўжайинингга ўхшаган пасткаш эмасман. Ўйлайманки, менинг бу гапларимни унинг қулоғига етказасанлар ва иккинчи бор ҳаром қадамларинг билан хонамни топтамайсанлар!

Ўғриларнинг чўнтагида олмос тигли ўтқир ханжар бор эди. Қўл чўзса, уни олишлари, уй эгасининг бўғзига санчиб қўйишлари мумкин эди. Тўппончанинг тепкиси

босилиб кетишидан қўрқишдими ёки қон тўкилишини ишташмадими, ҳарқалай қалтираб турган қўллари чўнтақларига солишмади. Виктор тунги «меҳмон»ларнинг чиқиб кетишлари учун имкон берди. Дераза олдида кетиши биланоқ улар мушукдай сакраб, ўзларини ташқарига уришди. Зулматли кеча қўйнида кўздан ғойиб бўлишди.

Василий Петрович одамларининг тезда қайтганидан эмас, балки ранги-рўйлари оқариб, бирининг юзи шилиниб кетганидан ажабланди.

- Нима гап? - сўради ташвишли оҳангда. - Нега тез қайтдиларинг?

Ўғрилар бўлиб ўтган «иш» тўғрисида юрак ютиб, гапиринчолмади.

- Сейфни очдиларингми? - аччиқланди тўдабоши.

Ўғриларнинг боши кўкракларига осилиб тушди.

- Хўжайин, қопқонга тушдик. Виктор сизга тузоқ қўйган экан, - тилга кирди улардан бири. - Сейфни очаетганимизда қўлга тушдик. Юзимиздан ниқобни юлиб, кимлигимизни таниб қолди.

Василий Петрович олов ичида қолгандай типирчилаб, бўкирди:

- Ўзларингми танитдиларингми, ярамаслар?!

- Иложимиз йўқ эди, қўлида тўппончаси бор эди.

Тўдабошига бошқа изоҳнинг ҳожати қолмади. Ўзини ошкор қилган одамларни ёқтирмасди. Қалтираб кетди. Мушт бўлиб тугилган залворли қўллари йигитларининг юзига шундай зарб билан тегдики, иккиси ҳам ерга тўнтарилиб тушди. Бу улар учун енгил жазо эди. Танасидан аланга чиқиб кетган Василий Петрович бурнидан қон оқаётган киссавурларни ташлаб, хонани тарк этди.

Василий Петровичнинг боши қотди. Юрагини алам ўртади. Одамларини таниб қолган экан, энди улар ўртасида пинҳона жанг бошланади. Бир-бирларининг изини пойлайди, ўч олишнинг йўлини ахтаради. «Бу ўйинда фақат аввал ҳаракат қилган одамгина ютади» деб ўйлади.

Ҳаётнинг қонуни шундай!

Ҳаёлига «Сопок» лақабли кекса ўғри келди. У қўшни шаҳарда яшайди. Ўн беш йил бурун бирга «ишлаган». Василий уни чақиртирди.

- Витяни йўқотиш керак, - деди «Сопок»ка. - Бу иш фақат сенинг қўлингдан келади. Бошқага ишонмайман.

«Сопок»нинг мақсадини тушунди. «Нега, нима учун?» деган бачкана саволларни бериб ўтирмади. «Қал бошининг қиймати қанча?» - деб сўради, холос.

- Бундай бошнинг нархи савдолашиб ўтирилмайди. Сен талаб қиласан, мен тўлайман, - жавоб қилди ўғрибоши.

«Сопок»нинг серажин юзи совуқ табассумдан ёришди.

- Пешанасига ўқ жойлаймиз? - сўради қўлини тўппонча қилиб.

Василий Петрович инкор қилди.

- Ўқ хато кетиши ёки яраланиб, ўлмай қолиши мумкин. Режа барбод бўлади!

- Унда оғу ичирамиз. Эшитишимча, рақибнинг майни ҳуш кўрармиш.

- Бировнинг қўлидан ичмайди, бошқа йўлини топ. Шундай қилайлик-ки, ҳеч ким биздан шубҳаланмасин!

«Сопок»нинг юзи ёришди.

- Машинасининг остига портловчи модда қўямиз. Бир йўла одамлари билан гумдон бўлади.

Василий Петровичга таклиф маъқул келди. «Қачон ва қаерда амалга ошириш керак?», деган саволдан ўйланиб қолди. «Сопок» чиқиб кетгандан кейин ҳаёлига келган фикр қоронғи дилини ёритди. Интиқом олиш кунини орзиқиб кутди. Бу орада кўп ишлар бўлиб ўтди. Пулга умид боғлаган «Сопок» вақти-вақти билан унга телефон қилиб турди. «Сабр қил, ўзим хабар қиламан», деб ўғрибоши унинг ҳовурини босиб турди.

Бу орада одамларидан бири Василий Петровични яна бир янгиликдан огоҳ қилди.

- Вася, - деди ичкиликдан қизариб кетган юзини уй эгасининг қулоғига яқинлаштириб. - Сен учун ўта муҳим хабар. Балки эшитгандирсан-а?

- Нима экан? - бетоқатлик билан сўради уй эгаси.

- Викторнинг сандиғини одамларинг очолмагани бутун шаҳарга овоза бўлибди.

- Бунинг нимаси янгилик, - қўл силтади тўдабоши.

- Гапимни охиригача эшит, - йигитларинг очолмаган ўша қулфни бир ўзбек йигити қандайдир калитёрдамида очибди!

- Бўлмаган гап! - Петровичнинг кўзлари ҳайратдан олайиб кетди. - Мен энг машҳур қулфбузарларнинг калитларини олдириб келдим. Бирортаси тушмади.

- Худо урсин, чин насроний сўзим, - деди хабар олиб келган кимса диндорлардек чўқиниб. - Маслаҳатим, ўша йигитни топ. Калитини сотиб ол!

Василий Петрович одамларини чақиртирди. Викторнинг қўлида ишлаётган Баҳром исмли йигитни тутиб келишларини буюрди. Ўғрилар унинг йўлини пойлашди. Ишдан қайтаётганда ушлаб машинага босиб, хўжайиннинг ҳузурига олиб келишди.

- Виктор Андреевичнинг сандиғини очганинг ростми? - сўради ўғрибоши йигитнинг кўзларига тикилиб.

- Рост, - деди Баҳром.

- Калитни қаердан олдинг?

Ўғрибоши бу саволни нима мақсадда берганини Баҳром тушунди.

- Тасодиф туфайли очилди, - деди ёлғондан...

Василий Петрович бугага ишонмади. Йигитни ўз йўлига солишга уринди.

- Виктор сенга қанча ҳақ берди?

- Пул олмадим.

- Бекорга очдингми?

- Очмадим, ўзи тасодифан очилиб кетди. Шунинг учун пул олмадим.

- Сен менга ишлайсан. Виктор Андреевич қанча маош тўлайди?

- Беш юз доллар!
 - Бу оз, сенинг қадрингга етмабди. Мен сенга қирқ минг доллар тўлайман.
 - Нима иш қилишим керак. - Баҳром нима эвазига бу қадар катта миқдорда пул олишини билмоқчи бўлиб сўради.

Василий меҳмоннинг юрагига йўл топгандай эди. Мақсадини айтди.

- Ҳамманинг олдида ўша сандиқни очасан!
 - Мени кечиринг, бу иш қўлимдан келмайди.

Петровичнинг ранги кўкариб кетди. Қалтираб ўрнидан турди.

- Қардан келганингни ва қарда яшаётганингни унутма! - деди ўшқириб. - Бу шаҳарда менинг айтганим бўлади. Таклифимни рад этсанг, билиб қўй, ота-онанг сени қайтиб кўрмайди!

Бу ҳақиқатми ёки дўқ-пўписами? Баҳром ўйлади. Қандай қилиб бу одамнинг чангалидан чиқиш мумкин? Баҳром ҳаёлига келган фикрдан сесканиб кетди ва «ўлсам ҳам...», деган сўзни дилидан ўтказди. Аҳдида қатъий туришга қарор қилди.

- Гапимга ишонинг, сандиқ тасодиф туфайли очилиб кетди. Назаримда, эгаси уни қулфламаган бўлса керак!

Василий Петрович Баҳромнинг «тасодиф туфайли очилиб кетди», деган сўзига қисман ишонди. Ахир, унга оз эмас, нақд қирқ минг доллар таклиф қилди. «Гапи рост бўлганда, пулга рози бўларди. Беш юз долларга ишлаб юрган одам катта миқдордаги пулдан юз ўгирмасди», деб ўйлади.

- Унда сен қулфга солган қора калит қасрда?

Баҳром ўғрибошининг бўлиб ўтган ишлардан хабардор эканлигини сизди. Хонада уч киши эди. Виктор, Илҳом ва ўзи. Бу хабарни унинг қулоғига ким етказди? Уй эгаси «Ҳеч кимга айтманглар», деб тайинлаб, ўзи гуллаб қўй-мадимикин?..

Баҳром сўзида қатъий турди:

- Бу гапни ким айтган бўлса ҳам сизга нотўғри стказибди. Сандиққа тушадиган ўша қора калит менда бўлганда Виталий Андреевич аллақачон тортиб олган ва мени ҳайдаб юборган бўларди!

Иигитга ўқдай нигоҳини қадаб турган ўғрибоши унинг ёлгон гапираётганини уқиб ололмади. Одамлари ўз бошлиқларининг ишораси билан Баҳромнинг чўнтақларини титишди. Ҳеч нарса топишолмагач, қўйиб юборишди. Фақат бу ишлар тўғрисида ҳеч кимга оғиз очмаслик шарти билан.

Ўзининг барча ҳунарларини ишга солган ўғрибоши, ниҳоят, ўйлаган режасини амалга оширишга қарор қилди.

Виктор Андреевичнинг кўнгли анчадан бери нотинч эди. Сейф ичидаги пулларни, қимматбаҳо қоғозларни, тилла тақинчоқларни-ку, бирор жойга яширади, аммо сандиқни қаерга беркитади? Бунинг устига сандиқчанинг ичида нима бор? Николай пошшо бобосининг меҳнатини арзимас нарса билан сийламаган бўлса керак. Бобоси отасига «эҳтиёт қилгин, кўз қорачигингдек асрагин», деб бежиз васият қилмагандир? Василийнинг одамлари бир соат уриниб, ҳамманинг кўз ўнгида сандиқни очолмади. Беш миллионни бой берди. Алами вужудини куйдирмоқда. Ҳали-вери тинчишмайди. Очқич излаб шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт изғиб юришганидан Виктор огоҳ. Калит топилгандан кейин Василий атайин зиёфат уюштиради. Шаҳарнинг казо-казоларини таклиф қилади. Пуллар тикилади. Бу ўйинни пул ютиш мақсадида эмас, ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиш, қолаверса, кўзига ўтдек кўринган сейфга эғалик қилиш иштиёқида уюштиради. Унга сандиқ керак.

Виктор Андреевич Баҳромни ўғирлаб кетишганидан беҳабар бўлса-да, сандиқни очгани тўғрисидаги хабар охир-оқибат унинг ҳам қулоғига етиб келди. Юрагидаги

хавотир кучайди. Таҳликали кунларни бошидан кечира бошлади. Бу гапни ким тарқатди? Ахир, буни фақат уч киши биларди-ку. Хўжайин Илҳом билан Баҳромдан шубҳаланишга ҳақли эди. Василий Петровичнинг одамлари уларнинг изига тушмадимикин? Баҳромни алдаб, қўлидаги қора қалитни сотиб олмадимикин? Бу унга қоронғи эди. Ўзи бировга оғиз очмади. Ҳар томондан ташвишлар тўри ўраб келаётганини тушунган Виктор Андреевичнинг боши қотди. У ўйлаган режасини тезроқ амалга оширишга шошиларди. Баҳромнинг ваъдасига яна икки кун қолганди.

Улар тантанага ксчикиб етиб келишди. Зал меҳмонларга тўлганди. Баҳром ташқарида - машинада ўтиришни лозим топди. Хўжайин Илҳомни эргаштириб, ичкари кириб кетди. Бу ерда кутилмаган ҳолат содир бўлди. Виктор Василий билан юзма-юз келди. Барча ўринлар банд эди. Ёнма-ён ўтиришга мажбур бўлди. Бир бирларига бўлган адоватларни яширишга қанчалик уринишмасин, айтилган сўзлар юракдаги гина-кудуратлар пардасини кўтаришга ожиз эди. Ўғрибоши рақибини кўргандаёқ ўйлаган режасини амалга ошириш фурсати келганидан, ҳатто, қувонди. Бу пайтда «Сопок» эшик олдида турарди. Василий унга қараб қўйди. Кекса лўлининг эътибори залда рақс тушаётган аёлларда эди. Василийнинг қараганини кўрмади. Қачонки, рақс тугагандан сўнг хирс ўти ёнган кўзлари Василийни излади. Ўғрибоши асабийлашганди. Виктор бетоқат эди. Истаган пайтда ўрнидан туриб, кетиб қолишга атиёр эди. Василий шундан чўчирди. Ниҳоят, итоаткор ва ғазабли кўзлар учрашди. Василий қўлига қадаҳни олиб, маъноли бош ирғиганини лўли тушунди. У ташқарига чиқиб кетди.

Аллақачон қоронғилик чўкканди. Осмонга ой чиққанди. Баҳром зерикди. Пастга тушди. Қайин остига келиб, майсалар устига ёнбошлади. Осмонга тикилиб ётар экан, хаёлан Зулфизарни эслади. Холмурод ака пулни олган бўлса, қизини операция қилдиргандир. Операциядан яхши

Баҳромнинг кулоғига шитирлаган овоз келди. Бошини кўтариб шарпа келган томонга қаради. Қизил кўйлакли йигит машина ёнида турарди. Энкайиб остига кирди. Бир фурсат ўтиб чиқди, шимини қоқиб, ғойиб бўлди. Баҳром ўрнидан турди. У ҳайрон эди. Бу одам ким? Нега машина тагига кирди? Баҳром пастга эгилиб, машина тагига қаради. Ҳеч нарса кўринмади. Бир фурсат ўтиб ичкаридан Илҳом чиқди.

- Сен каердайдинг?

- Кайин остида ётгандим.

Базм ярим тунда охирлади. Кўпчиликнинг кайфи ошганди. Меҳмонлар машиналарига ўтириб, жўнаб кетишди. Василий Петровичнинг машинаси негадир жойидан жилмасди. Илҳом ойнакларни артиш билан банд эди. Тўдабошининг кетишини кутарди.

- Озгина сабр қилинг, хўжайин!

Бу орада Ўғрибошининг машинаси сигнал чалиб, катта тезликда ўтиб кетди.

60

Петровичнинг машинаси олислаб кетганди. Қизил чи-роқлари кўзга ташланарди. Илҳом машинани оҳиста ҳайдаб борарди. Шу пайт олдинда бораётган машина худди ер силтаб ташлагандек том барабар кўтарилиб, қуюн учирган хасдек айланиб ерга қайтиб тушди. Гум-бирлаган даҳшатли овоздан борлиқ титраб кетди. Машина ёнарди. Бу орада Виктор Андреевичнинг машинаси унга яқин келиб қолганди. Илҳом тезликни ошириб, ўтиб кетди. Андреевич ортига қаради.

- Бу сенинг ишингми? - сўради у Илҳомдан

Илҳом жавоб бермади. Хаёли ўзида эмасди. Ёнаётган машинадан тезроқ йироқлаб кетишни ўйларди. Тезликни тинимсиз оширарди. Бахтига қарама-қарши томондан келаётган бирорта машинага дуч келмади. Уйга келиш-ганда Виктор Андреевич уни хонасига бошлади. Бояги саволига жавоб олишни истарди.

- Бояги сенинг ишингми? - хўжайин саволни такрор-лади.

- Виктор Андреевич, - деди Илҳом ўзини қўлга олиб.

- Василий Петрович сизнинг машинангизни портлатиб юбормоқчи бўлганди!

- Қандай қилиб? - хўжайиннинг ранги учди.

- Сиз ичкарида ўтирганингизда унинг одамларидан бири ташқарига чиқиб, машинангиз олдига келган. Пуль-т билан бошқариладиган портлатгич мосламани ўрнатган.

- Бунини сен кўрдингми?

- Йўқ, - деди Илҳом Баҳромга юзланиб. - Манави, қулфсоз кўрган. Мен уни ўз эгаларига совға тариқасида қайтардим.

Виктор Андреевич ўйланиб қолди. Ашаддий рақби уни йўқотиш йўлини танлаганидан қаҳри кўзиди. Ундан бунини кутиш мумкин эди. Виктор Андреевич Илҳом билан Баҳромдан нотўғри шубҳаланганини, ҳатто, уларни йўқо-тиш режасини тузганидан пушаймон бўлди. Дилидаги гапни ошкор қилди.

- Мен сизлардан шубҳалангандим. Ниятим яхши эмас-

Виталий Андреевич йигитларнинг кўзига тикилди, улардан жавоб кутди. Улар бир-бирларига қараб, нима дейишни билмай қолишди. Хижолатдан юзлари қизариб кетганди. Баҳром Василий Петрович билан боғлиқ воқеани эслади. Нималар бўлганини гапириб берди.

Виктор Андреевичнинг нигоҳи Илҳомда тўхтади.

- Ичимизда Василийнинг одами бор, - деди Илҳом бу қарашга жавобан.

- Уша одам ким? - баттар ҳайратланди үй эгаси.

Бу саволга жавоб топиш қийин эди.

- Бунинг учун ҳар бир одаммизни ўрганишимиз керак, - деди Баҳром ўртага чўккан жимликни бузиб. - Биздан шубҳаланишингиз ўринсиз, икковимизга фурсат беринг, биз ўша одамнинг кимлигини топамиз. Уйлайманки, у бизни қўзатиб юрган.

- Сизларга ишонсам бўлади! - деди Виктор Андреевич кўнглидаги шубҳаларни қувиб.

- Ишончингиз учун ташаккур. Биз кўлимиздан келган ёрдамни қиламиз.

Виктор Андресвич дилида айтмоқчи бўлиб турган гапларни тилига чиқарди.

- Мен сенинг мардлигинга, ҳалол инсонлигинга тан бердим. Ўзбекларнинг ғурури баланд, танти халқ дейишарди. Мен бунга амин бўлдим. Хўш, сандиқчани қачон очасан?

- Бир ҳафтага рухсат бергансиз, яна бир кун кутишин-
гизга тўғри келади.

- Ваъдани шу қадар қаттиқ ушлайсанми?

- Ваъда улуғ нараса, Виктор Андреевич! - Бироқ мен сейфингизни очишга эмас, балки ҳаракат қилиб кўришга сўз берганман!

- Кўнглим сезиб турибди, албатта, очасан! Афсуски, эртага мен уйда бўлмайман. Санкт-Петербургдан бир қадрдон дўстим келяпти. Уни кутиб олишим ва шаҳар четидаги дала ҳовлимада меҳмон қилишимга тўғри келади.

- Унда келганингизда очамиз.

- Йўқ, сен, албатта, ҳаракатингни қил.

- Сиз бўлмасангиз очмайман.

- Мен қайтгунимча икковларинг хонамда ётинглар!

Виктор Андреевич сейфнинг калитини Баҳромга узатди. У очқични олмасликка қанчалик ҳаракат қилмасин хўжайин йигитнинг чўнтагига солиб қўйди. «Олиб кетганим билан ҳам барбир уддалайсан-ку», деб ҳазиллашди.

Эрталаб Виктор Андреевич дўстини кутиб олиш учун аэропортга жўнади. Илҳом билан Баҳром уйда қолишди. Улар қўшни хонада ётишди. Ярим тунда қулоқларига чалинган товушдан уйғониб кетишди. Викторнинг хонасида кимдир юрганга ўхшади. Кўзини очганча ётди. Овоз такрорланди.

- Ичкарига кимдир кирган, - деди Баҳром дўстининг қулоғига шивирлаб.

- Ярми кечада ким бўларди, - жавоб қилди Илҳом. - Сенга шундай туюлгандир.

Овоз аниқроқ эшитилди. Баҳром ўрнидан турди. Илҳом ҳам кўзгалди. Икковлари эшикка қулоқларини тутишди.

- Эшик қулфлоглик эди, - шивирлади Баҳром.

- Деразадан кирган бўлиши мумкин, - жавоб қилди Илҳом.

- Деразага темир панжара ўрнатилган-ку!

- Кўчиргандир. Ичкарига кирадиган бошқа йўл йўқ.

- Эшикни очамиз!

- Сезиб қолса, қочиб кетади.

- Овоз чиқармаймиз...

Баҳром эшикни эҳтиёткорлик билан очишга уринсада, барибир қитирлаган товуш чиқди. Улар ичкарига ўқдай учиб киришди. Баҳром чироқни ёқди. Кўзларига

ҳеч ким кўринмади. Йигитлар бир-бирларига қарашди. Дераза панжаралари жойида эди.

- Балки каламушдир? - деди Илҳом

Баҳром сейф олдига келди. Қулф атрофида янги чизик-чаларни кўрди.

- Каламушлар сейфни очишга уринибди, - деди чизик-чаларга ишора қилиб.

Улар атрофни кўздан кечиришди. Диван остига қарашди. Баҳромнинг кўзи девордаги портретга тушди. Эшикни беркитаётганда у тик ҳолда турганди. Ҳозир ёнбошлаб қолибди. У портретни кўтарди. Шу пайт ўтдай ёниб турган бир жуфт кўзни кўрди-ю, юраги сесканиб, ортга чекинди.

* * *

Виктор Андреевич калитларни Баҳромнинг қўлига топширди-ю, кейин пушаймон бўлди. Унинг ҳалоллиги ва ростгўйлигига ишонган бўлса-да, негадир Илҳомдан шубҳаланди. «Сандиқнинг очилганини у ошкор қилган», деган фикр калласидан кетмасди. Ҳақлигини исботлайдиган асос бўлмаса-да, шубҳалардан қутулолмасди. Ахир, ўша кунги ишнинг тепасида уч киши турган. Бегона одам бўлмаган. Шундай бўлгач, Викторнинг шубҳаси ўзи учун асослидек туюлаверди. Виктор уни синаш йўлларини ахтарди. Ёмон ўйлар ғашли кўнглига бўрон янглиғ ёпирилиб кирарди: «Балки ҳозир Баҳромни йўлдан ураётгандир? Иккиси тилни бир қилиб, сандиқ ичидагиларни олиб қочиб кетишар?»

Виктор Андреевичнинг кўз олдига очиқ ва бўм-бўш сандиқ кўриниб кетди-ю, бирдан ортга қайтгиси келди. Аммо қўлидаги соат самолётнинг қўнишига санокли дақиқалар қолганини кўрсатиб турарди. Виктор тезликни оширди.

Игорь Шарапов билан учрашгандан кейингина миёсида оғриқ уйғотган шубҳали ўйлар хотирасидан кўтарилди. Улар дала ҳовлига жўнашди. Эрталабгача суҳбатлашиб

ўтиришди. Гап орасида эртага кечки рейсга чипта олиб кўйганини эслатиб кўйди.

- Ҳастингда қандай ўзгаришлар бўлаяпти, дўстим? - сўради Игорь.

Шунда соддадил Виктор Андреевич бобосидан қолган сандиқни Баҳром исмли йигит қора калит ёрдамида очганлигини мароқ билан ҳикоя қилиб берди. Игорь унинг сўзларини эртак эшитгандай тинглади.

- Одамнинг ишонгиси келмайди, - деди ҳайратланиб. - Айтишинг бўйича, у афсунгарга ўхшайди. Қадимги сандиқлар ўта мураккаб ишланганини биламан. Қулфларини очадиган усталар ернинг остида ётишибди. Ёшлар пультли сандиқларни очиши мумкин. Балки сен айтган йигит пультли ва кодли сандиқларни ҳам очар?

- Бунисини сўрамадим, - деди Виктор бош чайқаб. - Билишимча, унинг қўлидан ҳамма иш келади.

- Ишқилиб, қўли эгри эмасми? - шубҳа билдирди Игорь.

- Нималар деяпсан? - аччиқланди Виктор. - Сандиқ ичидаги бойликларнинг ярмини берсам ҳам олмади. Мен худди ўзимга ишонгандек сейфнинг калитини унга топшириб келдим. Ичида бойликларим бор. Эртага сейф ичидаги кичкина сандиқчани очиши керак. Биласанми, унинг ичида Николай пошшо томонидан бобомга туҳфа қилинган совға сақланади. Уни мен ҳам, отам ҳам кўрмаганмиз. Сандиқчанинг очилишини кўз олдимга келтирсам, юрагим патиллаб кетади. Истасанг, сени ўша мўъжизани кўришга таклиф қиламан.

Унинг гапларини эшитгандан сўнг Игорнинг қизиқиши ортиб, юраги типирчилади.

- Бобонг сенга қандай мерос қолдирган бўлиши мумкин, Витя? - деди оғзининг таноби қочиб. - Балки тилладир-а?

- Тилла бўлганда ўша пайтдаёқ отам очган бўларди? Ахир, биз ночорликда яшаганмиз. Бир бурда нон топиш учун пулимиз бўлмаган. Онам сандиқни сотишни кўп бор

талаб қилган. Отам унинг талабини рад этганлигининг сабаби сейфнинг нодирлигида эмас, ичидаги ўзи кўрмаган ва қачондир очиб кўришга умид боғлаган совғада бўлса, ажаб эмас.

- Бирорта хазина яширилган жойнинг манзилдир?

- Эҳ, дўстим, ҳозирги одамлар ҳамма ерни титиб, кавлаб, қазиб ташлашди. Агар сен айтган мактуб бўлса, унда менга туپрокдан бошқа нарса тегмаслиги аниқ.

- Яхши ният қил, ҳозир елкангдаги фаришталар оғзингдан чиққан гапни эшитиб туришибди, - кулди Игорь.

Шундан кейин улар билганлари ва ўйлаганлари тўғрисида узоқ вақт баҳслашишди. Ҳар икковларининг юракларида ўша номаълум хазина ишқи ширин туйғуларни уйғотганди. Айниқса, Викторнинг кўзларида чўғ ялтирарди. Шунда бир пайтлар, ҳали болалигида отаси айтган сўзлар хотирасида уйғонди.

- Афсуски, бобом ўлими олдидан калитни қаерга қўйганини айтмай кетган. Отам сандиқчани очишга кўп уринган, машҳур усталарга кўрсатган. Ҳеч ким очолмаган. Отам эса бобомнинг руҳи безовта бўлишидан қўрқиб, бузмаган. Худо хоҳласа, ўша бойликни эртага кўраман!

- Бу мўъжизани кўрмасдан кетсам, бир умр ўзимни кечиролмайман, қадрдоним, - деди Игорь уйига кетиш фикридан воз кечиб.

Улар эрталаб шаҳарчага қайтишди. Баҳром хўжайинни эшик олдида кутиб олди. Илҳом кўринмасди. Юраги шув этди-ю, бироқ унинг қасрдалигини сўраб ўтирмади. Баҳромнинг юз-кўзидан ҳамма нарса жойида эканлигини билиб, кулфсозга Санкт-Петербурглик дўстини таниш-тирди.

- Ўртогимни атайин бошлаб келдим, сенинг хунарингни ўз кўзи билан кўрмоқчи! - деди тантанали оҳангда.

Баҳром хижолат тортди. Бирин-кетин Викторнинг хонасига киришди. Игорь бу ердаги сандиқни илгари ҳам кўрганди. Лекин бугунгидек унга диққат ва қизиқиш билан қарамаганди. Жимжимадор нақшларини ҳисобга

олмаганда унинг ичида ҳеч қандай хазина йўқдай туюлди.

- Қани, Баҳром бошла, - буюрди уй эгаси меҳмонни курсига таклиф қилгандан сўнг. Баҳром сейфнинг ёнига келди. Чўнтагидан очқични олиб, қулфга солди. Кечадан буён бузуқ қулф устида тажриба ўтказиб, қўли келиб қолганди. Очқичнинг ортидаги чизиқчага бурагични солиб, айлантирди. Унинг икки томонидан бўртиб чиққан тиллари қулфнинг тишларига жойлашди.

Игорь ҳайрат ва қизиқиш билан Баҳромдан кўз узмай, унинг ҳаракатларини кузатиб турарди. Викторнинг юраги кўксини ёриб чиққудек гурсиллаб урарди. Саксон йилдан бери қулфланиб ётган эшикнинг бирдан очилишини тасаввур қилолмасди. Унинг ошиқ-мошиқлари занглаб қолган бўлса керак, деган фикрда эди. Баҳромнинг қулоғига ширқ этган товуш чалинди. Бу калитнинг қулфга тушганини билдирарди. Кейин очқични суғуриб олди.

- Марҳамат, Виктор Андреевич, ўз қўлингиз билан эшикни очишингиз мумкин, - деди хўжайинга юзланиб. У сандиқдан йироқ кетди.

Виктор Андреевич кўзларига эмас, қулоқларига ҳам ишонмади. Сандиқнинг қулфини бу қадар тез очади, деб сира ўйламаганди. Ўрнидан туриб, сейфнинг олдига келди. Эшикчанинг миттигина тутқичидан ушлаб тортди - очилмади.

- Қаттиқроқ тортинг! - изоҳ берди Баҳром. - Металл таркибига магнит қўшилган!

Виктор эшикни қаттиқ тортишга журъат этолмади. Оҳиста, аммо куч билан тортди. Эшик худди елимлаб қўйилгандек оғир очилди. Уй эгасининг кўзлари ичкарида чўғдай ёниб, ўзидан ўндан зиёд нур сочиб турган буюмга тушди. Энтикиб, нафаси қистаб, юраги потирлаб кетди. У худди туш кўраётгандай эди. Қўлларини чўзди. Саксон йилдан буён одам назари тушмаган ялтироқни авайлаб қўлига олди. Хона ёришиб кетгандек бўлди. Игорь ўрнидан ирғиб турди. Худди ҳушидан айрилган

телбадек, дўстининг қўлидаги ялтироққа боқиб, оғзини очиб ҳайкалдек қотди. Баҳром ҳам кўзларига ишонмасди. Сандиқчадан бундай нодир, бебаҳо буюмнинг чиқишини кутмаганди. Биринчи бўлиб Игорь тилга кирди:

- Витя, азизим Витя, сенга Худо битмас-туганмас бойлик ҳадя этди. Энди сен миллиардерсан! Шаҳарнинг, йўқ, бутун мамлакатнинг биринчи рақамли бадавлат кишисига айландинг! Қара, қандай ажойиб нарсa, нурлари кўзни қамаштиради!

Кўзлари ёниб кетган Игорь титраётган бармоқларини буюмга теккизди, силаб-сийпалади. Викторнинг қулоқларига гап кирмасди. Хонада ўзидан бошқа одам йўқдай, фикри ёди қўлидагини тушириб юбормасликда эди. Уни қўллари билан маҳкамроқ чангалларди. Боқиб турган кўзлардан қизғанарди. Викторнинг назарида атрофида гирдикапалак бўлиб турган Игорь буюмни тортиб олади-ганга ўхшади. Бир қўли билан дўстини туртиб, ўзидан четлаштиришга уринди.

- Яқинлашма, яқинлашма, Игорь, қўлингни торт!

Игорь дўстининг овозини эшитмасди. Қўлларини чўзиб ўтдай кўринаётган буюмга талпинарди. Виктор эшик томон юрди. Остонага етганда, эшик очилди. Қаршисида пайдо бўлган одамни кўриб, тахтадек қотиб қолди.

* * *

Роман Ильич хонага кириб келганда навбатчи ҳамшира ранглари кўкариб кетган беморнинг юрагини уқаларди. Унинг юзи терга ботганди.

- Дфебрилляторни келтир! - деди профессор.

Ҳамшира топшириқни бажарди. Дфебриллятор зарбаси икки бор урилганда юрак типирчилади, кейин яна ҳаракатдан тўхтади.

- Адреналинни тайёрла!

Ҳамширадорини олиб келди. Томирга малҳам юборилди. Профессор дфебрилляторни яна юрак устига босди.

Шунда тўпланиб қолган қон клапанларни ҳаракатга келтириб, томирлар узра оқиб кетди. Беморнинг юзига қизиллик югурди. Юрак фаолияти секин-аста изга тушди. Профессор ҳамширага беморнинг томирига глюкоза улашни буюрди.

- Пульс - эллиқ, - деди унинг томир уришини кузатиб турган ҳамшира. - Нафас олиши - саккиз, босим - етмишга қирқ. Босим кўтарилмоқда, юракнинг уриши асл ҳолатига қайтмоқда.

Хатар ортида қолганди. Профессор юзидаги терни артиб, ҳамширага юзланди.

- Энди ўлмайди! - деди профессор ўзига ўзи гапиргандек. - Беморнинг аҳволидан мени ҳар ярим соатда огоҳ қилиб тур!

Роман Ильич хонасига қайтди. Холмурод ака кузларини унга тикиб турарди. Қизининг аҳволини билишни истарди. Аммо юрак ютиб сўрашга ботинолмасди. Профессорнинг ҳорғин чеҳраси унинг кўзига ғалати кўринди.

- Аҳволи қониқарли, - деди профессор. - Комадан чиқариб олдик.

- Умид қилсам бўладими?

- Қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз!

Профессор уйига кетишдан аввал Зулфизарнинг олдига кирди. У ухлаб қолганди, бир меъёрда нафас оларди. Ҳамшира босимнинг юзга олтмиш кўтарилганини айтганда, профессор анча хотиржам тортди.

Роман Ильич Холмурод акани уйига меҳмонга олиб кетди. Ҳамроҳон опа қизининг ёнида қолди. Профессор эрталаб ишга келганда беморнинг қон таҳлилларини кўрди. Миясига қон қуйилган, деб қўйилган таҳлиси шубҳа уйғотди. Қайта текшириш ва таҳлиллар қизнинг миясига қон қуйилганини инкор этди.

«Зудлик билан рентген қилдириш, сўнг даво муолажаларини қўллаш керак», деган тўхтамга келди профессор. Рентген текшируви ҳам унинг шубҳасини тасдиқлади. Беморнинг мия тўқималарига қон қуйилмагани аниқ-

ланди. Роман Ильич Холмурод акани хонасига чақиртирди. - Қизингизнинг миясига қон қуйилмаган, - деди у қўлидаги таҳлилларини кўрсатиб. - Қаттиқ зарба ва қўрқув натижасида миянинг чап қисмидаги тўқималарда қон йиғилиб қолган. Шиш ҳосил бўлган. Бу тиббиёт тилида гематома дейилади.

- Энди нима қилиш керак? Зулфизар тузалмайдими? Юролмай тўшакда ётиб қоладими? - Холмурод ака бетоқатланди.

- Йўқ, бу унчалик хавфли эмас, агар сиз қизингизни вақтида олиб келганингизда ёки даволаган дўхтирлар тўғри ташхис қўйишганда, у аллақачон тузалиб, оёққа туриб кетган бўларди. Тўқималарда қоннинг йиғилиб қолганига анча вақт бўлган. Даволашнинг узок вақт чўзилиши биз кутган натижани бермаслиги мумкин.

Дастлабки даво муолажаларини олган Зулфизарда ўзгаришлар содир бўла бошлади. У кундан-кунга ўзини яхши ҳис этар, кўзини очиб, қандайдир имо-ишоралар қиларди. Ҳамроҳон опани қувонтирган нарса - қизининг томоғидан овқат ўтгани эди. «Туз татидими, Худо хоҳласа, тузалиб кетади», деб тушунди. Қўлларини қимирлатганда она қувончини ичига сиғдиrolмади: йиғлаб юборди. Икки кун ўтгандан кейин Ҳамроҳон опа ёстиқни кўтариб, уни ўтқазиб қўйди. Бир ойдан бери тўшакда ётган қизнинг суяклари қотиб қолганди. Бармоқларини букиш ҳам азоб эди. Ҳамроҳон опа туну кун унинг қўлларини, оёқларини уқалар, қотиб қолган пайларини юмшатишга ҳаракат қиларди. Зулфизарнинг тили айланмасди, гўё қотиб қолгандек эди. Нимадир демоқчи бўлар, аммо оғзидан сўз эмас, балки қандайдир шовқинли товуш чиқарди.

- Нима демоқчисан, қизим, ишораларингга тушунмаяпман? Бирор нарса керакми?..

Онанинг юраги унинг нима демоқчи бўлганини эртаси куни ҳис этди.

- Биз ҳозир Украинадамиз, Баҳромжон қишлоқда қолди.

У тилпон қилиб, сендан ҳол сўраб турибди, - деди кўзлари ёшланиб. Она бошини кўтариб, қизига қараганда унинг мунчоқдек қоп-қора кўзларидан оқиб тушаётган дурдай ёшни кўрди. «Баҳромни соғинибди», деган ўй мустар юрагини наштадек тилиб ўтди.

Бир ҳафта ўтиб, Зулфизарни оёққа турғазиди. Онасининг ёрдамида юра бошлади. Кейин унга қўлтиқтаёк беришди. Аста-аста қадам қўя бошлади.

Профессор қизнинг ҳаракатларини ижобий баҳолади. Узоғи билан бир ойда юриб кетишига ишонч билдирди.

- Тили-чи, қачон гапирадиган бўлади? - сўради Холмурод ака.

- Бизнинг назаримизда, аввал бемор гапириши керак эди. Аммо биз кутган натижа чиқмади. Назаримда, қизингиз гапиролмайдиганга ўхшайди.

- У соқов бўлиб қоладими?

- Афсуски, шундай, - деди профессор бунинг учун ўзи айбдордек кўзларини қаерга яширишни билмай.

- Наҳотки, бирор чораси топилмаса, профессор? Ҳозирги замон тиббиётининг кучи қизимни гапиртиришга ожизлик қилса?

- Тиббиёт ҳали кўп касалликларни даволашга ожиз, азизим!

Холмурод аканинг ғамли боши эгилди.

* * *

Виктор Андреевич эшик олдида турган одамни таниб, қўлидаги буюмни маҳкамроқ бағрига босган бўлса-да, тезда ўзини қўлга олди.

- Артём, нима қилиб юрибсан, бу ерда? Нега эшикни тақиллатмасдан кирдинг?! Ичкарига киришга ким рухсат берди сенга? - ўшқирди уй эгаси.

Артём хўжайиннинг хизматкори эди. Унинг хонасига изнсиз кирмасди. Кутилмаганда остонада туриши Викторнинг ғазабини кўзитди. Хўжайин титраб турган хиз-

маткордан жавоб ололмади. Ортида турган Илҳом уни ичкарига итарди. Виктор улар ўртасида нимадир содир бўлганини тушунди. Кўлидаги буюмни сандиқчага жойлади.

- Нима гап? Нега буни олдимга бошлаб келдинг? - сўради хўжайин йигитдан. Унинг афти сингари овози ҳам дарғазаб эди.

- Ўзи гапирсин! - деди у Артёмни туртиб. Кейин хизматкорга юзланди. - Гапир!

Артём безгак тутгандай қалтирарди. Айбини айтишга сўз тополмай қийналарди.

- Мени кечиринг, хўжайин, - деди дудуқланиб. - Гуноҳ қилдим!

- Тушунтириброқ гапир! Қандай гуноҳ қилдинг?!

Артёмнинг тили қотди. Ўрнига Илҳом гапирди:

- Сиз меҳмонни кутиб олишга кетган кун ярим тунда хонангизда қандайдир овозни эшитиб қолдик. Ичкарига кирсак, бу ғаламис сандиқни очишга уринибди. Қандайдир калитларни қулфга солибди. Аввалига каламуш бўлса керак, деб ўйлагандик. Баҳром портретнинг қийшайиб қолганига шубҳа қилиб, уни кўтарса, ортида мана бу хиёнаткор хизматкорингиз яшириниб ётган экан. Ушлаб олдик.

- Мени кечиринг, хўжайин, - Артёмнинг кўзларида ёш айланди.

У ерга тиз чўқди ва хўжайиннинг оёқларини кучоқлаб йиғлай бошлади. - Мени мажбур қилишганди, зўрлашганди, қўрқитишганди

Виктор Андреевичнинг ранги кўкариб кетди.

- Ким? - ўшқирди у хизматкорнинг ёқасидан ушлаб. - Ким мажбур қилди сени, ит?!

- Василий Петрович, бир ҳафта бурун қўлимга ўнта калитни бериб, сандиққа тушадиганини топиб беришимни сўраганди...

- Нега менга айтмадинг, исқирт!

- Қўрққандим, хўжайин...

- У яна қандай топшириқ берди?
 - Эслай олмайман, хўжайин...
 - Баҳром сандиқни очганини унга сен етказганмидинг?
 Артём Василийнинг ҳалок бўлганидан беҳабар эди.
 Айбини тан олишга мажбур бўлди.

- Сўрашганди, билмай оғзимдан чиқиб кетибди, хўжайин!

Уч кишининг ўртасидаги сирни у қандай билганини суриштирди.

- Сен буни қаердан билдинг?

Артём қўли билан қийшайиб турган портретни кўрсатди.

- Баҳром сандиқни очаётганда мен анави суратнинг орқасида беркиниб, барча гап-сўзларни эшитиб тургандим!

Виктор Андреевич хизматкорни тепиб юборди.

- Йўқол уйимдан!

Бошқа пайт бўлганда Виктор уни қандай жазолашни яхши биларди. Василийнинг ҳалок бўлгани туфайли уни жазолашни ортиқча, деб ўйлади.

Хизматкор чиқиб кетгандан сўнг Викторнинг хаёлига яна сандиқча ичидаги топилма келди. Юрагига тинчлик бермаётган буюмни қўлига олди. Боши узра кўтариб, уни томоша қилди. Деразадан қуёшнинг нури тушиб турарди. Топилманинг қирғоқларига майда бриллиант ўрнатилганди. Нурда улар камалакдай жилва қиларди.

- Қандай ажойиб, бундай буюм ҳатто, «Эрмитаж»да ҳам топилмайди... - деди тантанали овозла.

- Бу нима? - ҳамон унинг қўлидаги буюмдан кўз узмай турган Игорь яна дўстининг олдида пайдо бўлди. - Рухсат бер, мен ҳам ушлаб кўрай. Кўзимга чўгдек кўриняпти. Во ажаб, умрим бино бўлиб бундай нарсани кўрмаганман!

Виктор истар-истамай, топилмани дўстига узатди. Игорь эҳтиёткорлик билан уни қўлига олди. Кўзларига яқин келтирди. Ялтираб, товланиб турган топилманинг тепа қисми ойнадек текис эди. Игорь унда аксини кўрди.

- Нақадар гўзал, нақадар ажойиб! - Игорнинг тилига бундан бошқа сўз келмасди. - Витя, бунинг қиймати қанча экан-а? Менимча, бир миллион доллар турса керак, йўқ, икки миллион! Ахир, бу тарихий буюм-ку. Бундай нарсанинг қадрига етганлар нархига тортишмайдилар. Истаган баҳоингни қўйиб сотишинг мумкин! Балки кимошди савдосига қўярсан-а! Дурми, олмосми? Назаримда, энг тоза бриллиантлар бўлса керак! Буларнинг ҳар бирини нақд юз минг доллардан олишади. Дурдона санъат! Виктор, менга ростини айт, буни нима қилмоқчисан? Давлатга топширасанми? Йўқ, бундай қила кўрма, улар сенга арзимаган пул беришади. Уйингда сақлашни ҳам маслаҳат бермайман! Ўғрилар эшитиб қолса, тунаб кетишади.

Илҳом билан Баҳром уларнинг сўзларига жимгина қулоқ тутиб, четда туришарди. Виктор бобосидан қолган меросни дўстининг қўлидан олди.

- Энди бу ёққа бер, кўрганинг етар. Бирортаси кириб қолса, гап-сўз кўпайиши мумкин!

Уй эгаси Баҳромни эслаб қолди.

- Қани, ҳазинабоним, ҳунарингни ишга сол!

Виктор тахланиб ётган пуллардан чангалини тўлдириб олди-да, қулфсознинг ёнига келди.

- Булар сеники, ҳаммаси сеники, ол! Сен ҳалол меҳнат қилдинг! Истасанг, яна бераман! Ол! - у пулларни йигитнинг устидан сочди.

Баҳром пулларга назар ташламади.

- Виктор Андреевич, менга пулларингиз керак эмас. Мен бу ҳунарни бойлик орттириш мақсадида ўрганмаганман! Сизга дўстона ёрдам қилдим, холос!

- Сени тушунмадим, ахир, бу ерга ишлагани, пул топгани келмаганмидинг? Қўлимни қайтарма!

- Фақат ҳалол, пешона тери билан пул топишни хоҳлайман. Бу пулларингиз менга буюрмайди, Виктор Андреевич!

Баҳром хонадан чиқиб кетди.

Эртаси куни Игорь Шарапов Санкт-Петербургдан дўстига сим қоқди.

- Витя, сендан берухсат бир иш қилиб қўйдим. Ўйлайманки, мени хижолатдан қутқарасан, - деди ҳаяжонланиб.

- Нима гап, тинчликми? - ҳайрон бўлди Виктор.

- Тинчлик эмас, дўстим. Қайтиб келган куним улфатларим мени зиёфатга таклиф қилишди. Кайф устида Баҳром сандигингни қандай очганини айтиб бердим. Сўзимга ишонишмади. Қасам ичдим. Бўлмади, охири гаров боғлашдик. Юз минг доллар пул тикдим. Сендан ўтинаман, мени бу азобдан ўзинг халос эт. Агар қулфсозингни олиб келмасанг, дўстларим олдида шарманда бўламан!

- Чакки қилибсан, Игорь, мен рози бўлганим билан Баҳром кўнмайди. Биласан, у қимор ўйинини ёқтирмайди. Ўзинг кўрдинг, пулга сотиладиган йигитмас!

- Сендан ўтиниб сўрайман, бир иложини топ, кўндир. Керак бўлса, уч хонали квартирамнинг калитини қўлига топшираман!

Виктор Андреевич ўйланиб қолди. Унинг саволига қандай жавоб қайтаришни билмасди. Очиғини айтадиган бўлса, Баҳром ўлса ҳам бормади.

- Ўзи билан маслаҳатлашиб кўрай, - деди ноилож. - Кўндиролсам, олиб бораман!

- Кўнглига йўл топ, дўстим, келмаса шарманда бўламан!

- Ҳаракат қиламан!

- Кўнғироғингни кутаман!

Виктор Баҳромни чақиртирди. Дўстининг илтимосини бу ерда айтишни истамади.

- Индинга Санкт-Петербургга учамиз, тайёргарлигингни кўр! - деди.

- Тинчликми, Виктор Андреевич, нимага бу қадар шошилинч?

- Бизни Игорь меҳмонга таклиф қиляпти, - деди юзи

қизариб кетган Виктор. - Ҳаво алмаштириб келамиз.

Хўжайин бекорга уни Санкт-Петербургга таклиф қилмаганини тушунди.

- Агар қулфбузарлик ўйинига бўлса, яхшиси, мени бу ишга аралаштирманг, Виктор Андреевич!

- Нега бундай деб ўйлайсан? Сен менга жуда катта яхшилик қилдинг! Саёҳатга таклиф қилсам, бунинг нимаси ёмон?!

Хўжайиннинг юзи қизариб кетди. Баҳромнинг юраги хижил бўлди. Бари бир кўнгли нохушликни сезаётганди.

Илҳом Камилга берган ваъдасини унутмаганди. Ош қилиб, уни меҳмонга таклиф қилишга қарор қилди. Баҳром ошга уннади. Илҳом хўжайиннинг машинасида Камилани олиб келиш учун унинг уйига жўнади. Бир соатлар ўтиб қизни олиб қайтди. Улар майсазорга гилам тўшашди. Дастурхон ёзишди. Ўзбек миллий таомларини қўйишди. Кейин суҳбатлашиб ўтиришди. Баҳром уларни кўриб, Зулфизарни эслади. Пул жўнатганидан кейин уйларига кўнғироқ қилмаганди. Тузалиб кетдимикин? Операциядан яхши чиққан бўлсин-да. Иш билан бўлиб, кўнғироқ қилолмади. Бугун эрта бир иложини топиб, телефон қилишни дилига тугиб қўйди. Ош дамланганда Виктор Андреевич келди.

- Бугун кимнинг туғилган куни? - сўради у бир шиша ароқни дастурхон устига қўяр экан.

- Юртимизни эсладик, Виктор Андреевич. Камила ҳам Ўзбекистонда туғилган. Бу - юртдошлар учрашуви.

Виктор Андреевич ошни маза қилиб еди. Камила Баҳромнинг пазандалигига сўз тополмади. Овқатдан сўнг бошлиқ Илҳомга юзланди:

- Эртага Баҳром иккимиз Санкт-Петербургга учамиз. Қурилишдаги ишларни ўзинг бошқариб турасан!

- Тинчликми? - сўради Илҳом. Уларнинг сафарга

кетишаётганидан беҳабар эди.

- Дўстим Шарапов бизни меҳмонга чақирган. Шаҳарни томоша қилиб келамиз.

Камила Илҳомга, кейин Викторга юзланди:

- Мени ҳам олиб кетмайсизми, Виктор амаки? Оғирлигим тушмайди, чиптани ўзим оламан. Фақат сизларга шерик бўлсам бўлгани!

Хўжайиннинг тилига шундай гап келди:

- Оғирлигинг-ку тушмайди, аммо биз тезда қайтамизда.

- Нима қилибди, Виктор амаки, шаҳардан четга чиқмай зерикиб қолдим.

- Баҳром, нима дейсан, бу қизни ҳам олиб кетамизми?

- Қарши эмасман! - йигит рози бўлди.

Камила чапак чалиб юборди.

Эртаси куни учовлон Санкт-Петербургга учишди. Меҳмонларни Шараповнинг ўзи кутиб олди. Уларни уйига бошлаб кетди. Кечки овқатдан сўнг дўстидан сўради:

- Қулфсозга менинг гапимни айтдингми?

- Тўғриси, юзим чидамади. Қандай тушунтиришни билмадим.

- Ўзим гаплашаман.

- Йўқ, хафа бўлиб, кетиб қолиши мумкин. Яхшиси, ўзим тушунтиришга уриниб кўраман!

- Умидим сендан, бир иложини топиб, кўндир!

- Мен сени огоҳлантиргандим, нега бу гапни овоза қилдинг? Балки Николай пошшонинг «совғаси» ҳақида ҳам мақтангандирсан!

- Қасам ичаман, Виктор, бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очмадим. Фақат қулфбузарлар ҳақида гап кетганда билмай «гуллаб» қўйибман.

- Бордию, кўнмаса, нима қиламиз? - ҳайрон бўлди Виктор.

- Унда менинг шаҳардан чиқиб кетишимга тўғри келади.

- Ўша юз минг долларингни мен тўлайман!
 - Гап пулда эмас, Витя. Мен обрў ва ҳурматим учун ташвишдаман. Дўстларим олдида бебурд бўлишни хоҳла-майман!

Виктор дўстининг оғир аҳволда қолганини тушунди.

Баҳромнинг кўнглига йўл топиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида ўйлади...

- Дўстларинг қачон йиғилишади?

- Бугун мен сизларнинг келганларингни уларга етказишим керак.

- Унда, яна бир кун сабр қилишингга тўғри келади.

- Сен нима десанг, розиман!

- Ҳозир Баҳром билан маслаҳатлашай, фикрини олай, кейин дўстларингни чақирарсан!

Шараповнинг таклифини эшитган Баҳром ҳозироқ жўнаб кетишини айтди.

- Мени ким деб ўйлаяпсиз, Виктор Андреевич? Бу билан мени қиморбозлар, ўғрилар сафига қўшиб қўйяпсиз-ку! Жиноят оламига кириб қолишни истамайман! Кимларнингдир катта-катта пулларни тикиб, қимор ўйнашига, кимларнингдир ютқазган пуллари учун виждон азобида қийналишига шерик бўлайми? Бу ҳунарни яхшилик ва эзгулик йўлида ишлатишга сўз берганман!

Виктор Андреевичга ўғли тенги боладан дашном эшитиш оғир ботди. Суяклари зирқираб кетди. Бир кўнгли «бас, бўлди, қани, юр», деб уни бошлаб, уйдан чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Игорнинг илтижолари, аянчли қиёфаси, кўпчилик олдида шарманда бўлиши, қолаверса, қирқ йиллик дўстлик ҳурмати уни бу йўлдан қайтарди. Мулоҳаза юритишга, шошилмасликка ундади. Дўст бошига ташвиш тушганда шошқалоқлик қилиб бўлмайди.

- Сени тушунаман, Баҳром, - деди босиқлик билан. Йигит унинг овозидан афсусдалигини ҳамда виждони қийналаётганини англади. - Сен ҳам Игорнинг аҳволини тушун. У ўйламасдан, иккимиз билан маслаҳатлашмасдан, дўстларига ваъда бериб қўйибди. Уят ўлимдан қаттиқ,

деган гап бор. Игорь жуда ориятли, бир сўзли йигит. Дўстларининг олдида бурдсиз бўлиб қолишни истамайди. Ахир инсон ўз хунарини кўрсатиши ҳам санъат-ку! Рад қилма!

Баҳром ўйга толди. Унинг сўзларини ҳар томонлама мулоҳаза қилди. Оғир кунида кор келди. Зулфизарнинг тузалиши учун йигирма минг доллар берди. Шуларни ўйлаб, Виктор Андреевичнинг таклифига қарши сўз айтолмади.

- Унда бир илтимосим бор, - деди Баҳром бироздан сўнг.

- Гапир, айтганинг бажарилади, - деди Виктор кўзларида умид учқуни порлаб.

- Сейфни очиш пайтида қимор ўйинига йўл қўймайсиз!

Бу оғир талаб эди.

- Игорга тушунтираман.

- Яна бир илтимосим, ўша очиладиган сейфни кўришим керак!

Виктор дўстини чақирди.

- Сейф қаерда?

- Уни ўзлари олиб келишади. Эшитишимча, у оддий сейф эмас, кодли, яширин рақамлар ёрдамида очилади.

- Кодлик?! - Баҳром ҳайрон бўлди. У яширин рақамли сандиқларни очишни мутлақо билмасди.

- Шундай! - йигитнинг ранги учганини кўриб, Игорнинг юрагига ғулғула тушди.

- Мен бундай сандиқларни очишни билмайман. Унинг тилига ҳам тушунмайман. Қулфни очишдан аввал яширин рақамларни топиш керак.

Виктор билан Игорь бир-бирларига қарашди. Уларнинг кўзларидан юракларига умидсизлик тушганини билиш қийин эмасди. Айниқса, уй эгаси қаттиқ асабийлашди. Қўлларини мушт қилиб, столни урди.

- Ҳаммасига минг лаънат! - деб бақирди. - Шарманда бўлиб яшагандан кўра одамнинг ўлгани минг марта афзал!

Нарироқдаги курсида Камила уларнинг суҳбатларини

жимгина тинглаб ўтирарди.

- Қайғурманг, Игорь амаки, - деди ўрнидан туриб уларнинг олдига келар экан. - Кодли сандиқларни очиш ҳам қўлимиздан келади!

Камиланинг ишончли сўзи Виктор билан Игорни умидсизлик ботқоғидан чиқарди. Улар ўтдай ёниб турган кўзларини қизга тикишиб, унинг сўзларини такрор эшитишни истади.

- Нима дединг, яна бир қайтар? - қулоқларига ишонмаган Виктор ўрнидан туриб, Камиланинг қўлидан ушлаганини ўзи ҳам сезмай қолди.

- Ташвишланманглар, сандиқ кодлаштирилган бўлса ҳам очамиз, - деди қиз ишонч билан.

Баҳром қизнинг қулфларни очиш сиридан воқифлигини биларди-ю, бироқ кодли қулфларнинг яширин рақамларини топишидан хабарсиз эди.

Камила уй эгасининг кўнглини тинчлантириш мақсадида ўзи ҳақида гапиришга мажбур эди. Токи унинг умидлари сўнмасин, кўнгли хотиржам бўлсин.

- Болалигимда бобомдан қулфларни очиш сирларини ўрганганман. Аммо кейинги пайтларда ишлаб чиқарилаётган қулфларнинг кодли ва пулт ёрдамида очилишини ҳисобга олиб, мен шундай сандиқларни очишга эътибор қаратдим. Ҳатто, шаҳардаги айрим ташкилотларнинг махфий қулфларининг яширин рақамларини топиб, сандиқларини очиб ташлаганман. Менинг бу ишим милициянинг қулоғига етиб борган эканми, улар чақириб қолишди. Ўзларининг махфий ҳужжатлар сақланадиган кодли сандиқларининг калити йўқолиб қолганини баҳона қилишиб, мени синаб кўришди. Очганимдан сўнг мендан тушунтириш хати олишди. Шундан кейин бу иш билан шуғулланмай қўйганман! Ҳа, айтмоқчи, рақамларни топиш учун ажойиб мослама ҳам ўйлаб топганман! Бу - менинг кўзларим!

Шараповнинг юрагидаги сўнган умид қайтадан уйғонди. Чехраси очилди. Меҳмонларни ошхонага таклиф

қилди. Қадаҳларга ароқ қуйди. Баҳром ичмади. Қорнини тўйгазиб, дераза олдига келди. Ташқарига қоронғилик чўкаётганда, хаёли Зулфизарга кетди.

Кечки овқатдан сўнг Виктор Андреевич Камилани четга тортди.

- Бизни уялтириб қўймайсанми, яна шарманда бўлиб ўтирмайлик?

Қиз Викторнинг ҳали ҳам шубҳа билан қараётганини тушунди.

- Агар дўстингизни уялтириб қўйишни истамасангиз, ҳозироқ Илҳомга қўнғироқ қилинг. Унга айтадиган икки оғиз сўзим бор.

Виктор Андреевич қўл телефонида Илҳомга қўнғироқ қилди. Гўшакни Камилага узатди.

- Илҳом, бу мен Камиламан. Сендан илтимос, ҳозироқ менинг уйимга бориб, ётоғимдаги диван остида кичкинагина электрон асбоб бор. Шуни олиб, эрталабки самолёт билан Санкт-Петербургга жўнатиб юбор. Калит қўшни кампир Таня холада. Айтсанг, беради.

* * *

Баҳром уйга қўнғироқ қилди. Гўшакни онаси кўтарди. Уйдаги аҳволдан қўнғили тинчигач, Зулфизарни сўради.

- Уни Украинага олиб кетишган, ўша ерда операция қилдиришмоқчи! - деди она. - Ҳозирча бирор хабар йўқ. Биз ҳам ташвишдамиз.

Баҳромнинг кайфияти тушди. Виктор ундан нима гаплигини сўради. Баҳром тушунтирди:

- Истасанг, бу ердаги ишларни бажариб бўлгач, иккимиз Украинага бориб, қизингни кўриб келамиз. Таниш дўхтирларим бор, албатта, ёрдам беришади!

- Жуда яхши бўларди. Қўнғилимни кўтарганингиз учун сизга катта раҳмат. Бу яхшилигингизни қандай қайтаришни билмайман, - деди Баҳром қувониб.

- Унда мен ҳозироқ чиптага буюртма бераман. Эртага

кечки рейс билан учамиз.

- Раҳмат сизга!

Виктор Андреевич телефон орқали аэропорт билан боғланиб, буюртма берди.

Кечаси Баҳром туш кўрди. Зулфизар тузалиб қолганмиш. Аммо гапирмасмиш. Сўраган нарсаларига фақат сонлар орқали жавоб қайтарармиш. Сонлар ҳам бир хил 9891. Баҳром уйғонганда ҳам мана шу тўрт рақам хаёлидан кетмади.

Тонг ёришмай Илҳом Камилага сим қоқди:

- Айтган нарсангни самолётда жўнатиб юбордим, - деди.

Камила аэропортга жўнади. Бир соатлар ўтиб, кичкинагина қути кўтариб, кириб келди. Шарапов тун билан яхши ухламади, юзидан табассум аримаган бўлса-да, дили гаш эди. Баҳромнинг «бундай сандиқларни очмаганман», деган гапи миясида ўрнашиб, юрагида хавотир уйғотганди. Тушдан кейин ҳаммалари машинага ўтириб, Шараповнинг дала ҳовлисига жўнашди. Меҳмонлар кела бошлади. Уларнинг мансабдор ва пулдор одамлар эканлиги кўринишларидан билиниб турарди. Ҳашаматли зал безатилганди. Дастурхонга нозу неъматлар, ичимликлар қўйилганди. Биллур қадаҳлар кўзни қамаштирарди. Хизматкорлар меҳмонларга хизмат қилишарди. Келганлар ичида аёллар ҳам бор эди. Улар тўпланишиб, ўзаро гурунглашиб ўтиришарди. Меҳмонлар жамланишгач, Игорь уларни дастурхонга таклиф қилди. Зиёфат бошланди. Куй-қўшиқлар янгради. Биллур қадаҳларга шароблар қуйилди. Бир соатлар ўтиб, юқорида ўтирган бақалоқ одам ўрнидан туриб:

- Биз томоша кўришни истаймиз! - деди ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб. - Игорь, қанисан?

- Шу ердан, Стефан Абрамович! Эшик олдида ўтирган уй эгаси ўрнидан турди.

- Қани, ўша мақтаган одамнинг даврага таклиф қил! Хунарини кўрсатсин! Ҳой, Тимофей, сейфни ўртага олиб чиқ!

Тўрт йигит темир сандиқни тўрт ёнидан кўтариб чиқишди-да, ўртага қўйишди. Ҳамманинг кўзи сандиқда эди. Бақалоқ сандиқ олдига келди. Қулфни текшириб кўрди. Кейин яна уч-тўрт киши ва бир аёл чиқди. Ҳаммалари сандиқни тортиб кўришди. Эшик қулфланганига ишонч ҳосил қилишгач, жойларига ўтиришди. Стефан Абрамович яна уй эгасига юзланди:

- Одамим истаган сандиқни очадим, деб катта кетгандинг. Айтиб қўяй - бу Италиядан келтирилган. Қулф махфий рақамлар билан беркирилган. Рақамлар топилгандан сўнг калит ёрдамида очилади. Гапим тушунарлими?

У қўллари икки ёнга ёйиб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Баҳромнинг қулоғига «қулфбузар» деган сўз ҳақоратдек туюлди. Фаши келди. Ўзини камситилгандек ҳис этди. «Шошмай тур, шармандангни бир чиқарайки, ҳамманинг олдида бошингни яширадиган жой тополмай қоласан». Йигит Камилага қаради. Уларнинг кўзлари учрашди. Бақалоқнинг сўзи қизга ҳам қаттиқ таъсир қилганди. Қиз ўрнидан турди. Сандиқ ёнига борди. Калит тушадиган жойларини, рақамли буралмани кўздан кечирди. Меҳмонлар жонланиб қолишди. Бир-бирлари билан шивирлашиб, ниманидир муҳокама қилишди. Қўллари чўнтакларига югурди. Стол устида пуллар, тилла тақинчоқлар пайдо бўла бошлади. Баҳромнинг кўзлари ёнди. Наҳотки, Игорь берган ваъдасини унутган бўлса? У Викторга қаради. Унинг юзи қизариб кетганди. Баҳром ҳозирнинг ўзидаёқ хонани тарк этишга тайёр эди. Бироқ оёқларини чалиштириб, хумдай бошини орқага ташлаб ўтирган бақалоқни кўрганда аҳдидан қайтди. «Шошмай тур, шармандангни бир чиқарайки, ҳамманинг олдида бошингни яширадиган жой тополмай қоласан», деган сўзларини эслаб жойидан жилмади.

Камила аппаратни сейфнинг устига қўйди. Симларни бурагичнинг ёнига улади. Қулоғига фонендоскопга ўх-

шаш асбобни тақди. Кейин бурагични айлантирди. Хона-га жимлик чўққанди, ҳамма кўзлар қизга тикилганди. Ҳаракатини диққат билан кузатишарди. Ярим соат ўтса-да, Камила ҳамон бурагични айлантирарди. Керакли рақамларни тополмасдан хуноб эди. Кулоғига чирқ этган товуш эшитилмасди. Бу эса қулфнинг ўта маҳорат билан ишланганлигини, яширин рақамларни эгасигина топи-ши мумкинлигини билдиарди. Меҳмонлар саросимага тушиб қолишди. Айримларнинг ҳафсаласи пир бўлди, кимдир қўл силтади.

- Мен тиккан пулимни қайтариб олдим!
- Юз минг қўшаман!
- Беш юз минг, тарафдор борми?

Кулфнинг очилмаслигига ишонч билдирганлар кўпчилик эди. Улар пул тикишда давом этарди. Ўзларига талабгор излашарди. Қизнинг хуноби ошганди. Рақамларни топиш учун бу қадар узоқ ишлашни ҳаёliga келтирмаганди. Асабийлашаётганидан қўллари титрарди.

Баҳром Зулфизарнинг сўзларини эслади. 9891. Баҳром кодлаштирилган бурагичларга қаради. Улар тўртта эди. Баҳром айнан шу рақамларни терди. Кулоғига чирқ этган товуш чалинди. Бироқ кодлар очилмади. Улар қайтадан ҳаракат бошлашди. Фойдасиз бўлди. Баҳром ҳаёлга чўмди. 9891 рақамни тескараси билан 1989 қилиб терди. У ҳар бир рақамни терганда кулоғи чирқ этган товушни илғаб олди. Тўрт товуш. Бу коднинг фош бўлганлигини билдиарди. Энди калит ёрдамида ишлаш керак эди. Йигит билан қиз таранг тортилган асабларини бироз тинчлантириш мақсадида тўхташди. Ўтирганлар орасида пичир-пичир бошланди. Бақалоқнинг юзида мағрурлик ифодаси балқирди. У бу ўйинга жуда катта миқдорда пул тикканди. Олдида пуллар уюми ҳосил бўлганди. Бунга ҳам сабри чидамай ўзига рақиб чақирарди.

- Беш юз минг чикдим, талабгор борми?

Томошабинлар бақалоқнинг ғалабасига ишонишиб, тилларининг ўстига тишларини босиб ўтиришарди. Фаши

келганлар эса ҳамёнларини қоқиштириб, топган пуллари-
рини стол устига ташлашарди. Ора-сира «эглай олмади»,
деган гап- сўзлар йигит билан қизнинг қулоғига чалиниб
турарди. Сандиқнинг очилишига умид боғлаб, катта пул
тикканлар ўзларини зўрға босиб туришарди. Улар ора-
сира девордаги соат милларига қараб қўйишарди. Яна ўн
икки дақиқадан кейин ўйин якунланади. «Нега қулфбу-
зарлар жим, нимани кутишяпти? Вақт оз қолди, ҳаракат
қилишса бўлмайдими?», деб қўйишарди.

Баҳром чўнтагидан қора калитни олди. Қулфга солиб,
астагина айлантирди. У металлга тегиши билан елимдек
юмшаб кетар ва жойига ўрнашиб олгандан кейин эса асл
ҳолига қайтарди. Буралганда икки ёнидан ҳосил бўлган
тишлар қулфнинг тилларини осонгина топиб, худди
ўзининг очқичидек жойига бориб қадаларди. Баҳром
очқични яхшилаб жойлади, қулфнинг тишларига ўрнаш-
ганига ишонч ҳосил қилди. Ҳаммани ўзига қаратиб
ўтиришни истамди. Очқични айлантирди. Йигит қўлига
калитни олганда ҳамманинг нигоҳи унга қадалганди.
Бақалоқ оғзидаги сигаретани на тортишни, на ташлаб
юборишни эсдан чиқарганди. Пўлат эшик очилиб кетган-
да ўтирганлар баралла ув тортишиб, ўринларидан туриб,
хайратдан чапак чалиб юборишди.

Томошабинлар сейфни ўраб олишди. Эшикнинг очил-
ганига ишонгилари келмай, ушлаб кўришарди. Шундан
кейин улар стол устида уйилиб ётган пуллар атрофида
давра қуришди. Ўртадаги пулнинг ўндан уч қисми қул-
фни очган одамга тегиши лозим эди. Энг катта пулни
Стефан Абрамович ютқазган бўлса, ёшгина аёл унинг
ўндан олти қисмини ютиб олганди. У бўйнидаги қалин
олтин занжирни ечиб, Камиланинг бўйнига тақиб қўйди.
Қизнинг кўзлари ёниб кетди. Шарапов бир қўтарим
пулларни олиб Баҳромнинг олдига келди.

- Булар сенинг улушинг! - деди баланд овозда.

Ҳамманинг кўзи санокли дақиқаларда миллионерга
айланган қулфбузарда эди.

- Мен бу ишни пул ютиш мақсадида бажармадим, - деди у бошини баланд кўтариб. - Мақсадимни эса ўзингиз яхши биласиз.

Баҳром пулларни рад этди, ўзининг бу ҳаракати билан одамларда сирли таассурот қолдирди. Игорь Стефан Абрамович билан кўз уриштириб олди. Бақалоқнинг кўзларидаги маънони уқиб, сезилар-сезилмай бош ирғаб, қўлидаги пуллар билан қўшни хонага кириб кетди. Хиёл ўтмай изидан Стефан Абрамович кириб борди.

- Йигитинг менга маъқул, - деди паст овозда. - Нима қилиб бўлса-да, кўнглини овла. Мана бу қоғозларни уларга топшир. Иложини қилиб уйингда олиб қол!

Қайтадан базм бошланди. Ғолиблар ғалабаларини тантана қилишарди. Баҳром дераза олдида, ойнадан ташқарига боқиб, хомуш турарди. Қандайдир ҳиссиётлар ичини кемирарди. Минг машаққат ва азоблар эвазига эгаллаган ҳунарини қандайдир пулдор қиморбозларнинг манфаатига сарф қилганидан дили сиёҳ эди.

Орқасида кимдир турганини иссиқ нафасдан сезди. Қайрилганда кўзи юмалоқ юзли, истараси иссиқ, сочлари кўнғир, кўзлари ўйнаб турган аёлга тушди. Аёлнинг чеҳраси кўзига таниш туюлди. «Қаерда кўрганман», деб ўйлади. Кейин эслади. Ахир, бу машҳур эстрада юлдузи Алла Борисовна-ку, деган фикр кўнглидан ўтди. Юзи ёришди.

- Нега бу қадар хомушсан, дилингга ким озор берди, йигит?

- Ўзим шундай, - деди Баҳром жилмайиб.

- Қаердансан, бу ернинг одамига ўхшамайсан?

- Ўзбекистонданман!

- О, жаннатлар ўлкаси. Мен юртингда кўп бўлганман. Дўстлар орттирганман. Водийнинг Шаҳанд қишлоғида Олимжон Қосимов деган танишим бўларди. Очиқкўнгил, улфати йигит эди. Эшитишимча, қазо қилибди.

- Аллоҳ раҳматиға олган бўлсин!

- Дилингни қандайдир дард ўртаяпти. Анчадан бери

кўзим сенда. Бирор нарсадан қийналаётган бўлсанг, айт, ёрдам қилай.

Баҳром ўзини яқин олаётган бу аёлга дардини айтгиси келди.

- Севган қизим бетоб, уни операция қилдириш учун Украинага олиб кетишибди.

- Унга нима бўлганди?

- Авариядан сўнг миясига қон қуйилган.

- Неврохирургия марказида танишларим бор. Балки қизингни ўша ерга олиб боришгандир. Истасанг қўнғироқ қиламан. Албатта, унга ёрдам беришади.

Алла Борисовна қўл телефонида рақамларни терди.

Кўпчилик ҳамон сандиқ олдида турарди. Бурчакдаги курсида узун оёқларини чалиштирган, қўлидаги сигаретани гоҳи-гоҳида лабига қўндириб, енгилгина тортиб, бурқсиган ҳаворанг тугунни боши узра пуркаб ўтирган малла сочли хонимнинг мовий кўзлари Камилага тикилганди. Қиз ундан олисда эмасди. У ҳам танҳо ўтирарди. Афтидан, ниманидир ўйларди. Малла сочли хоним қўлидаги сигаретини ташлади. Узун ва ориқ бармоғидаги қизил кўзли бриллиант узукнинг ён томонидаги кўз илғамас тугмачани босди. Унинг қопқоғи кўтарилди. Ичида оқ кукун кўринди. Уни бўш қадаҳга тўкди. Устидан вино қуйди. Қадаҳни олиб, Камиланинг олдида келди.

- Сиз мени ҳайратга солдингиз, - деди у ўзининг шўх ва кулиб турган чиройли кўзларини қизга тикиб. - Шу пайтгача бундай касб билан шуғулланган аёлни учратмагандим.

Камиланинг юзи қизариб кетди.

- Болалигимда бобомдан ўрганганман, - деди хижолат бўлиб. - У киши қўлфсоз усталар!

- Демак, қонингизда бор экан-да!

Малла сочли хоним қадаҳни Камилага узатар экан, ҳозиргина ёлиб аёл томонидан тақдим қилинган тилла занжирга суқ билан кўз ташлаб қўйди.

- Танишганимиз учун, исмим Наташа!
 - Кечирасиз, мен ичмайман!
 - Эшитишимча, сиз Ўзбекистонда туғилган экансиз. Бу
 - юртингизнинг дунёга машҳур «қора марварид» виноси.
 Уйлайманки, қўлимни қайтармайсиз!

Камила қалаҳни олди. Бир-икки ҳўплам ютди. Ёқимли
 ва хушбўй таъми маъқул келди. Яна ичди. Бир дақиқа
 ўтмай боши енгил айланди. Юрагини ширин ҳислар
 чулғади. Оёғи ердан узилгандек бўлди. Наташахоним
 қизнинг қўлтиғидан тутди ва уни эшик томон етаклади.

Меҳмонлар тарқалишди. Игорь ҳам, Виктор ҳам хур-
 санд эди. Айниқса, Игорь ўзини қўйгани жой тополмас-
 ди.

- Қадрдонларим, - деди Виктор билан Баҳромнинг
 елкасига қўл ташлаб. - Сизларнинг бу яхшиликларингиз
 менинг қалбимда бир умрга сақланиб қолади. Меҳнатла-
 рингни тўрт донга йўлланма билан тақдирлашни хоҳлар-
 дим. Келгуси ойнинг бошидан Португалиянинг энг сў-
 лим жойлари, денгиз бўйлари бизларни ўз бағрига чорлай-
 ди!

Игорь Стефан берган йўлланмаларни Виктор Андре-
 евичга топширди. Виктор бу таклифни бажонидил қабул
 қилди.

Уй эгаси қалаҳларга коньяк қўйди.

- Дўстларим, - деди тантанавор оҳангда. - Ушбу қадахни
 Португалияда яхши дам олиб, ҳордиқ чиқариб келиши-
 миз учун кўтарамиз!

Викторнинг эсига Камила келди.

- Камила қани? - деди у шерикларига. Ҳамма атрофга
 қаради. Игорь қўшни хоналарга, ташқарига чиқиб келди.
 Бироқ қизни тополмади.

- Яқиндагина шу ерда кўргандим, дераза олдида тур-
 ганди, - деди юраги хавотирдан увишган Баҳром безов-
 таланиб.

- Қидирмаган жойим қолмади, тополмадим. - Шарапов
 саросимага тушди.

- Балки шаҳар айлангани чиқиб кетгандир, - деди Баҳром бироздан сўнг.

- Кетса, айтиб кетарди, индамасдан кетмасди, - деди Виктор Андреевич.

Баҳром овоз эшитиш аппаратини эслади. Камила уни дераза супасига қўйганига кўзи тушганди. Йигит пардани кўтарди. Аппарат жойида йўқ эди.

Шу пайт телефон жиринглади. Игорь гўшакни олди:

- Алло, эшитаман?

- Камила бизнинг қўлимизда. Агар уни тирик кўришни истасанг, Баҳромнинг қўлидаги қора калитни бизга топ-ширишинг керак. Эрталаб қаерда учрашиш ва нима қилиш кераклиги тўғрисида ўзимиз хабар қиламиз! Ўйлайманки, ортиқча шов-шув кўтармайсан!

Нотаниш одам гўшакни жойига қўйди. Игорнинг айтмоқчи бўлган гапи бўғзида қолди, унинг ранги оқариб кетганди. Қўлидаги телефондан ту-тулаган овоз келарди.

- Нима гап, нега рангинг оқариб кетди? - Виктор дўстининг юзига ҳайрат билан тикилиб сўради. - Бирор гап бўлдими?

- Иш чатоқ, Витя. Камилани ўғирлаб кетишибди, - зўрға тилга кирди Игорь.

- Ўғирлашибди? - дераза олдида турган Баҳром уларнинг ёнига борди. - Ким ўғирлабди? Нега ўғирлашади? - ҳаяжондан овози титрарди.

Игорь меҳмонга юзланди. Уни юпатишга сўз тополмади ва бу хабарни унинг олдида айтганидан пушаймон бўлди.

- Ўғирлаб кетишига бирор сабаб бор эканми? - сўради Виктор.

- Улар қора калитни талаб қилишяпти!

- Улар деганинг ким? - сўради Виктор.

- Кимликларини айтишмади. Ўйлаб кўринглар, учрашув жойини эрталаб айтамыз, дейишди.

- Унда ҳозироқ милицияга хабар қилайлик, - таклиф киритди Баҳром.

Таклиф Игорга маъкул келган бўлса-да, Викторга ёқмади.

- Керак эмас, ўғрилар биздан нимани талаб қилишаётганини ўйлаб кўринглар. Улар бугунги ишларимиздан яхши хабардор. Милицияга айтадиган бўлсак, бизни сўроққа тутиши, суриштирув ишларини олиб бориши, Худо кўрсатмасин, банклардан, қайсидир фирмаларнинг кассаларидан ўғирлаб кетилган пулларни гарданимизга қўйишлари мумкин. Сандиқни очган одамдан милиция шубҳаланади. Ўғрилар шуни ҳисобга олишган. Яхшиси, бу ишни уларнинг аралашувисиз, ўзимиз ҳал қиламиз!

- Уларнинг талабини бажариш керак, демоқчимисан? - сўради уй эгаси.

- Бундай демоқчи эмасман, аммо уларнинг тилини топиб, муомала қилишга мажбурлигимизни эслатиб қўймоқчиман!

- Буни эрталабки суҳбатдан сўнг ҳал қиламиз. Ҳозир қандайдир баҳона топишимиз керак.

- Нега телефонни менга бермадингиз? Уларга калит керак экан, ҳозироқ элтиб берардим, - деди Баҳром.

- Сабрли бўл, йигит, - деди Виктор Андреевич. - Калитни топширишни хаёлингга келтирма. Калитни олсалар, биласанми, улар нима ишлар қилиши мумкин. Яхшилик қиламиз, деб ўғирлик қилишларига имконият яратиб берган бўламиз!

- Нима, калит учун Камила уларнинг қўлида азоб чекиши керакми? Худо билади, ҳозир у қандай аҳволда экан!

Йигитнинг назарида қиз азобланиб ётгандай туюлди. Хуноби ошиб, ўзини қўйгани жой тополмай типирчилади. Виктор уни юпатишга уринди:

- Ўзингни қўлга ол, олдимизда саккиз соат вақт бор. Бирор чорасини топармиз. Камила ҳам анойи эмас, қочишнинг пайида бўлаётгандир. Кўнглим сезиб турибди, ҳаммаси яхшилик билан тугайди!

- Ўғрилар гаровга олган одамларини қандай сақлашни

яхши билишади, Виктор Андреевич.

Викторнинг ҳам қўнгли алғов-далғов эди. Шундай бўлса-да, Баҳромнинг тинчланишини истарди.

- Бу қадар пессимист бўлма, Камилани азоблашларига ҳожат йўқ. Уларнинг талабларини бажармасак, кейин қийнашлари мумкин.

Баҳром чўнтагидан калитларни олиб, ерга улоқтирди.

- Минг лаънат, сенларга!

Калитлар ҳар ён сочилиб кетди. Виктор бошини чайқ-ади. Уларни йиғиб олди.

- Бундай қилишинг ғирт аҳмоқлик. Руслан бобонинг ғазабига дучор бўласан, бу ишинг ўз устозингга нисбатан ҳурматсизлик!

Баҳром жаҳлидан тушди. Қилган ишидан уялди. Калитларни олиб, чўнтагига солди. «Кўз қорачиғидай асрайман», деб берган ваъдасини унутмаганди.

Игорнинг ҳаёлига Стефан Абрамович келди. Бу воқеадан уни хабардор қилиш керак, деб ўйлади. Шаҳардаги барча ўғриларни яхши танийди. Ҳозир айтмаса, кейин уни жазолаши мумкин. Меҳмонларнинг кейинги тақдирини Стефаннинг қўлида. Шуларни деб у катта пулидан айрилди. Шуларни деб... Игорь қўшни хонага ўтиб, унга телефон қилди.

Стефан Абрамович ҳаммага маълум ва машҳур қиморбоз эди. Шаҳардаги барча казинолар, қиморхоналар унинг тасарруфида эди. Бу одам тез-тез қимор ўйинларини ташкил этарди. Ҳатто, хориждаги энг машҳур қиморбозлар билан алоқада бўлиб турарди. Гоҳо Стефан, гоҳида улар бир-бирларини ўйинларга таклиф қилиб туришарди. Бундай ўйинларда Стефаннинг қўли ҳамиша ҳам баланд келавермасди. Ўз юртида топган пулларини хорижда бой бериб қайтарди. Кўпдан бери ўз шаҳридаги ўйинларда бой бермаган Стефан бир ой аввал кутилмаганда чув тушди. Катта миқдордаги пулидан айрилди. Мағлубият аламини унутолмай юрган кунларининг бирида тақдир унга Игорни рўпара келтирди. Улар эски таниш эдилар. Стефан

Ўзининг хомушлигини айтиб берди ва ундан кўнглига таскин берувчи сўзларни эшитишни истади. Игорь унинг чўккан руҳини кўтарадиган сўзларни бисотидан тополмади. Кутилмаганда Викторнинг уйида кўрганларини эслаб қолди. Дўстининг қўл остида ишлаётган Баҳром исмли йигитнинг қандайдир қора калит ёрдамида саксон йилдан бери очилмай ётган эски сейфни очиб ташлаганини айтганда, Стефаннинг кўзи ҳайратдан катта-катта бўлиб кетди.

- Сен буни кимдан эшита қолдинг? - сўради қиморбоз.

Игорь кўрганларини қандай айтишга ўйланиб қолди. Викторга берган ваъдасини бузиш хиёнат эканлиги ёдида эди. Қиморбоз кўзларини ўқдай қалаб, ундан жавоб кутаётганини сезиб, довдираб қолди.

- Виктор - менинг қадрдон дўстим, - деди гапни чалғитиш мақсадида. - У билан ўттиз йиллик

- Кимдан эшитдинг, деяпман? - Стефаннинг тоқати тоқ бўлди.

Игорь бу мавзуда гап очганидан афсусланди. Лекин энди кеч эди, айтган гапини қайтариб ололмасди. Қиморбознинг тиззасига қўйган қўллари титрар, бу эса унинг тоқатсизланаётганини, гапни айлантирадиган бўлса, шу титроқ қўллар муштга айланиб, юзига тушишини ўйлади. Игорнинг қуруқшаб қолган лабларидан «ўз кўзим билан кўрдим», деган сўз учиб чиқди.

Стефаннинг қоронғи дилига нур киргандай бўлди.

- Эртага ошнангга сим қоқиб, уларни ўз уйингга меҳмонга таклиф қиласан!

Игорь Стефандан бундай таклифни кутмаганди. Ҳам ўйланиб қолди, ҳам хижолатдан юзлари чўғдай қизарди. Таклифни рад этишга юраги бетламади. Хаёлан баҳоналар излади.

Стефан унинг ҳолатини тушунди. Чўнтагини ковлаб, қўлига илинган бир тахлам юзталиқ долларни олди ташлади.

- Яхши хабар келтирганинг учун!

Бу пуллар Игорнинг дил қулфини очиб қолмади, балки тилидаги кишанни ҳам счиб ташлади. Викторнинг уйида кўрган-билганларини оқизмай-томизмай Стефаннинг қулоғига етказди.

- Сенинг дала ҳовлингда катта ўйин ташкил қиламиз. Ўртадаги пулнинг ўндан икки қисми сеники! Фақат ҳозироқ дўстингга телефон қил, Баҳромни олиб, зудлик билан етиб келсин!

- Хўжайин, улар ҳозир бу ерга келолмайди, иш билан банд. Вақтлари тигиз.

- Баҳона топ, ҳийла ўйла! - Стефан чўнтагидан яна пул олиб, Игорнинг олдига ташлади. - Миянгни ишлат!

Бояги пул унинг тил ва дил қулфини ечган бўлса, буниси томирларидаги қонни жунбушга келтирди. Хаёлига одам ишонадиган баҳоналар шундай ёғилиб келди-ки, Игорь уларнинг қай бирини ишлатишга боши қотди. Викторга қўнғироқ қилиб, юқорида бизга маълум ва аён бўлган сўзларни айтди. Викторнинг жўнастганини эшитиб, бу ҳақда Стефанни огоҳ қилди. Шундан кейин қиморбоз «сценарий» тузди. Яқинда Италиядан келтирилган, бирорта бегона калит тушмайдиган, очиш ўта мушкул деб ҳисобланган пўлат сандиқни топиб, Игорнинг дала ҳовлисига олиб боришга қарор қилди. Ўйинга шаҳарнинг энг бадавлат тадбиркорлари, фирма бошлиқлари, бизнесмен ва банкирлар таклиф қилинди. Бу ишларнинг тепасида Стефаннинг ўзи турди. Ўйиннинг қандай натижа билан тугаши унинг кейинги режаларига боғлиқ эди. Кекса қиморбоз катта миқдоридаги пулни бой берганидан заррача афсусланмади. Унинг учун муҳими - Баҳромнинг маҳоратини кўзи билан кўриш эди. Кетиш олдидан уёнидан тўрт дона йўлланмани олиб, Игорга берди...

- Буларни меҳмонларга бер, уларни Португалия сафарига қўндир. У ерда сен билан мени миллиард-миллиард пуллар кутмоқда.

Стефан уйига кеч қайтди. Ётишга чоғланаётганда телефон жиринглаб қолди.

- Нима дейсан, Игорь?..

* * *

Камила боши енгил айланиб, кўнгли беҳузур бўлиб, оёғи ердан узилганини ҳис этди. Ўзини худди осмону фалакда учиб юрган қушдек ҳис этарди. Наташа хоним қизнинг қўлтиғидан тутиб, эшик томон бошлади. Камила унинг нозик елкасига нафақат бошини қўйди, балки ихтиёрини ҳам топширди. Ҳамманинг диққати сирли тарзда очилган сандиқда эди. Меҳмонлар унинг атрофини ўраб олишганди. Қандай очишганини, сирли рақамларни қандай топишганини ўзаро муҳокама қилишарди. Шу боис хонадан чиқиб кетаётган Наташа хоним билан Камилага ҳеч ким аҳамият бермади. Аниқроғи, кўришмади. Наташа хоним ўрнидан турганда, анчадан бери кўз остига олиб қўйган овоз эшитиш аппаратини олишни ҳам унутмаганди. Унинг чаққон қўллари шундай ҳаракат қилди-ки, аппарат худди магнит тортгандай унинг қўлига, кейин тимсоҳ терисидан ясалган, ичида ўнлаб калитлар ва бошқа темир бўлаклари ҳамда атир-упалар қалашиб ётган сумка ичига келиб тушди. У қизни суяб ташқарига олиб чиқди. Фира-шира қоронғилик тушганди. Ҳовлида одам кўринмасди. Қоп-қора «Ласетти» уни кутиб турарди. Хоним қизни орқа ўриндиққа ўтказди. Машина жойидан силжиди. Камила боши юмшоқ ўриндиққа тегиши биланок ухлаб қолди. Қанча йўл босишганини, қаерга келганини билмади. Кўзини очганда ўзини тор, қоронғи ва зах хонада кўрди. Бадбўй исдан димоғи ёрилаётди. Дахшатли туш кўриб уйғонгандай қўрқиб кетди. «Мен қасрдман? Ким олиб келди мени бу ерга?» деган саволлар миясида айланарди. Туман ортидан кўрингандай сўнгги воқеани эслашга уринди. Наташа хоним... бир-икки ҳўплам вино... кейин унинг нозик елкасига бош қўйгани... Камила

қолганини эслай олмади. Демак, «мени ўғирлашган», деган фикрда тўхтади. Қиз оёғи ва баданида нималардир ўрмалаб юрганини ҳис қилди. «Суварак», деди ўзига-ўзи ва ўрнидан туриб, эшик олдига келди. Икки қўли билан темир эшикни муштлади.

- Ким бор, очинглар!

Қизнинг аламли ва қўрқувдан титраган овозини биров эшитмади. Бетонли хонада акс-садо таралди: «Ким бор, очинглар». Жавоб бўлмагач, Камила туйнукдан ташқарига боқди. Ёшли кўзлари юлдузлар чақнаб турган осмонга тушди. Қулоғига кимнингдир оёқ товуши чалинди. У шу томон келарди. «Овозимни эшитишибди», ўйлади қиз. Юрагида умид уйғонди. Аввал чироқ ёнди, кейин эшик очилди. Турқи совуқ барзангининг сигирнинг елинидай қизариб кетган юзи кўринди.

- Нимага бўкираяпсан? Чидамангми?!

- Нега мени бу ерга қамаб қўйдиларинг? Нима истайсизлар?

- Чиройли саволлар! - барзанги иршайди. - Бундай саволларни берган одам ўзининг бу қафасга нимага тушиб қолганини билиши керак!

- Нима истайсиз мендан? - саволини такрорлади қиз. Унинг зимистон кўнглига ҳеч нарса сиғмасди.

- Нимага бу қафасга тушиб қолганингни билишни истасанг, ҳозир сени Наташа хоним билан учраштираман! Уша тушунтириб беради.

- Учраштиринг, тезроқ унинг олдига бошлаб бординг!

Барзанги қиздан бундай жавобни кутмаганди. Ўйлаган мақсадларига осонликча эришадигандек эди.

- Яна бироз сабр қил, аввал мен хоним билан маслаҳатлашай-чи, у сени қабул қилармикин?

Барзанги эшикни ёпди, кулфни буради. Оёқ товушлари қизнинг қулоқларидан олислади. Камила ўйга толди. «Мендан нима иштатади?» деган саволга кўнглини илтатидиган жавоб тополмади. У нима қилишни билмай, эшикка суянди.

Наташахоним асли Владивостокдан эди. Бу ерга келганига ҳали бир ой тўлмаганди. Хуфёна ишлари фош бўлгандан сўнг жойини ўзгартиришга мажбур бўлганди. Атрофига ўзига ўхшаганларни тўплади. Улар кўп эмасди. Хоним кўпчиликни суймасди. Атиги уч киши бўлишди. Уларнинг вазифаси бой-бадавлат одамларни, уларнинг бойликларини аниқлашдан иборат эди. Наташахоним улардан ҳар куни янги хабар кутарди.

- Эртага Игорь исмли тадбиркорнинг уйида катта қимор бўлади. Шаҳарнинг бадавлат одамлари ўша ерга боришади.

- Бу ўйинни ким ташкил қиляпти? - сўради хоним янгиликдан юзи ёришиб.

- Стефан Абрамович! - Наташахоним уни яхши танирди, аммо учрашмаганди.

- Қандай қимор ўйини экан? - қизиқди аёл.

- Эшитишимча, антиқа ўйин, қарта эмас, қандайдир хориждан келтирилган пўлат сандиқни очиш бўйича.

- Қизиқ, мен бундай қимор ўйинини кўрмаганман!

- Унда бориб кўринг, биз излаган одамлар билан танишасиз!

Хоним қимор ўйинида иштирок этиш учун эмас, балки ёрдамчиси айтгандай, бойваччаларни кўз остига олиш мақсадида ташриф буюрди. Улар билан яқинлашишга ва танишишга ошиқмади. Бир чеккада ўтириб, ҳаммани зимдан кузатди. Камила билан Баҳром унинг эътиборини тортди. Пўлат сандиқни очишганини кўриб, лол қолди. Хонимнинг нияти шу ерда бузилди. Баҳромнинг қўлидаги қора калитга эгалик қилиш истаги тинчини бузди. Аммо уни қандай қилиб қўлга киритиш керак, деган савол бошини қотирди. Шунда хонимнинг миясига «қизни ўғирлаб кетиш керак» деган фикр келди. Ва биз юқорида баён қилган усулни қўллади.

Барзанги қайтиб кирганда Наташахоним қадаҳдаги вискини ичиб тугатганди.

- Қиз ҳушига келибди, бақиряпти, сиз билан учраш-

моқчи, - деди барзанги хонимнинг олдига келиб.

Хоним ертўлага тушишга эринмади-ю, аммо у ердан анқиб турадиган бадбўй исдан нафас олишни истамай, барзангига буюрди:

- Бу ерга олиб кир!

Барзанги чиқиб кетди. Хиёл ўтмай Камиланинг билангидан ушлаб, хонага судраб кирди.

- Нима истайсиз мендан? - сўради оёқларини чалиштириб ўтирган хонимга кўзи тушган заҳотиёқ Камила. Овозидан ғазаблангани сезилиб турарди. Хонимнинг қошлари чимирилди. Ўрнидан турди.

- Зерикдингми, асалим? Ертўлада ётиш жонингга тегдими?

- Нега мени бу ерга қамаб қўйдинг?

- Шошилма, жоним, ҳаммасини тушунтираман, ўйлайманки, сен билан тил топишиб кетамиз!

- Мени қўйиб юборинг, тутқунликда ушлаб туришга ҳаққингиз йўқ!

- Қонунни яхши биладиганга ўхшайсан. Менга сендай чўрткесар қизлар ёқади.

- Нега қамадингиз?

- Маст эдинг, жоним, ҳушингга тезроқ келасан, деб ертўлага ташлатгандим. Мана, адашмаган эканман, ўзингга келдинг, ақлинг кирган кўринади.

Камиланинг назарида, малла сочли аёл уни масхара қилаётгандай, устидан кулаётгандай туюлди.

- Мени қўйиб юборинг, талабингиз бўлса, айтинг!

- Бетоқат қиз экансан! - Наташахоним аччиқланди. Унинг бу қадар қайсар ва ўжарлигини кутмаганди.

- Истасанг, ҳозироқ қўйиб юбораман. Фақат бир шартим бор. Арзимас шарт!

- Гапиринг!

- Менга қора калит керак!

- Қора калит? - Камила хонимнинг мақсадини тушунди. - Менда бунақа калит йўқ!

- Сенда йўқлигини биламан, асалим, - деди хоним унга

қўл телефонни узатиб. Камила ўзининг телефонини дарров таниди. Шунда бўйнидаги тилла занжир ёдига тушди... У йўқ эди. Хоним олиб қўйганини тушунди.

- Занжиримни қайтариб беринг! - деди йиғлагудек бўлиб.

- О, у занжир бировники-ку, асалим. Меҳнат қилиб, пулингга олмагансан.

- У совға эди. Қайтариб беринг!

Хоним унинг талабига аҳамият бермади.

- Баҳромга қўнғироқ қил, сени соғ-саломат кўришни истаса, калитни бизга келтириб берсин. Акс ҳолда сени кўриш унга бошқа насиб қилмайди, - деди телефонни узатиб.

Камила телефонни олмади.

- Сизга калит керак экан, унинг ўзидан сўранг, мени бировнинг ишига аралаштирманг!

- Қўнғироқ қилишни истамайсанми? - аччиқланди хоним.

- Асло!

- Ўзингни қаҳрамон қилиб кўрсатмоқчимисан? Ҳали ақлинг кирмабди. Ертўлада эрталабгача суваракларга ем бўлиб ётсанг, балки эсинг жойига келар.

Наташахоним барзангига ўгирилди:

- Дима, жойига элтиб қўй. Қўл-оёғини боғлаб ташла. Кийимларини ечиб ол. Суваракларга ем бўлсин. Бақирса ҳам эшикни очма!

Дима қизни ертўлага судради. Чилвир билан оёқ қўлини боғлаб, устидаги қўйлагини йиртиб ташлади. Шу заҳотиёқ сонсиз сувараклар қизнинг баданига тирмашди. Дима қайтиб кирганда Наташа хоним калласига келган фикрни унга айтди:

- Игорга қўнғироқ қил, Камила бизнинг қўлимизда-лигини айт. Шериклари қизни соғ-омон кўришни исташса, калитни тезроқ бизнинг қўлимизга топширишсин.

- Манзилимизни айтайми?

- Калланг айниганми? Таклифимизга рози бўлишса, эрталаб қаерда учрашиш кераклигини маълум қиламиз, де!

Дима телефонни олиб, Игорнинг рақамларини тера бошлади.

* * *

Роман Ильич дастлаб Алла Борисовнага қизнинг тузалиб кетишини, четдан мутахассис чақиришга ҳожат йўқлигини айтган бўлса-да, кейин бу фикридан воз кечди. Кутилмаганда Зулфизарнинг аҳволида ўзгариш содир бўлди. Оёққа туриб, қўлтиқтаёқ ёрдамида юра бошлаган қизнинг кутилмаганда оёқ-қўли ишламай, яна ётиб қолди. Профессор қандайдир хатога йўл қўйганини англади. Холмурод ака билан Ҳамроҳон опанинг руҳи тушиб кетди. Роман Ильич узоқ ўйлаб, Алла Борисовнага қўнғироқ қилди.

- Мен янглишган эканман, Аллахоним, - деди ўз хатосини тан олиб. - Беморимиз кутилмаганда ётиб қолди. Биз тавсия қилган дори-дармонларни унинг организми кўтаролмаган кўринади. Назаримда, мен қаердадир хато қилдим...

- Мутахассис чақиришни сизга тавсия қилгандим, Роман Ильич. Ҳали ҳам кеч эмас. Чақиринг! Мен қизнинг тузалишига сўз берганман!

- Аллахоним, биласиз, биз Германиядан мутахассис чақирсак, унинг харажати қимматга тушади.

- Ўша харажатларни мен тўлайман. Истасангиз, бугуноқ касалхонангизнинг ҳисоб рақамига айтган пулингизни тушириб беришим мумкин.

- Бу таклифингизни қабул қилдим, Аллахоним. Мен ҳозироқ германиялик ҳамкасбимга қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтираман. Узоғи билан икки кун ичида у касалхонага келади.

- Сиздан бир илтимосим, Роман Ильич, бемор оёғи

билан юриб, касалхонангиздан чиқиб кетишини истайман.

- Гап бўлиши мумкин эмас, Аллахоним!

Роман Ильич бу ҳақда гапирганда Холмурод ака гангиб қолди:

- Ёнимда бир тийин пулим қолмади, профессор. Мен унинг харажатларини тўлай олмайман. Олиб келган пулларимнинг ҳаммаси дори-дармонга кетди.

- Пул масаласида ташвиш чекманг, - деди профессор.

- Ҳаммаси тўланган.

- Тўланган? Ким тўлади?

- Алла Борисовна ўз ҳисобидан пул ажратди.

- Алла Борисовна қизимни қаердан таниркан? - таажжубланди Холмурод ака.

- Баҳром деган йигит билан таниш экан. Қизингизнинг бу ерда даволанаётгани тўғрисида унга гапириб берган экан. Аллахоним унинг тузалиб кетиши учун кетадиган барча харажатларини ўз гарданига олибди.

Холмурод аканинг тили айланмай қолди. Наҳотки, Баҳром уни шундай оғир аҳволдан олиб чиқишга уринаётган бўлса? Ахир, уни «камбағал, косаси оқармайди», деб розилигини қайтариб олмаганмиди?

Зулфизарнинг юрагини изтироб ўртарди. Ахир, кечагина оёққа туриб, хонада аста-аста қадам босиб юраётганди-ку! Ташқарига чиқаман, деб онасига айтаётганди. Ҳатто, профессор ҳам хавф-хатар ўтиб кетди, деб айтганди. Нега яна қайталади. Қўл-оёғи ишламай қолди. Роман Ильич ҳам қизнинг қайталаб ётиб қолганига тушунолмасди. Бундай ҳолатга биринчи дуч келиши эди.

Профессор Кол эртаси куни етиб келди. Беморни текширувдан ўтказди. Даволаш ишлари тўғри ташкил этилган бўлса-да, ўрнидан туришига бир ҳафта олдин рухсат берилганлигини, оқибатда зарарланган асаб хужайралари зўриқиш туфайли қайта шикастланганини аниқлади. Энди даволаш ишларини қайтадан бошлаш

ва зарарланган толаларни тиклаш мақсадида қизни операция столига ётқизиш лозимлигини отасига айтди.

- Бошқа чорамиз йўқ, - деди Кол Холмурод акага.

- Операциядан кейин қизим тузадиб кетадими? Сиз шунга кафолат берасизми? - сўради ота умидли кўзларини профессорга тикиб.

- Олдиндан ваъда беролмайман, аммо бизнинг бундан бошқа чорамиз ҳам йўқ. Ҳамма дори-дармонлар қилинган.

- Бошқа йўли топилар, профессор?

Кол ҳақиқатни айтди:

- Операция қилмасак, қизингиз умрбод ётиб қолади.

Ота аросатда қолди. Профессорнинг талабига кўнишдан ўзга чораси қолмаганини тушунди.

Эрталабданоқ Зулфизарни операцияга тайёрлашди. Барча дори-дармонлар шай қилиб қўйилганди. Ҳамширалар қизни кушеткага солишди. Зулфизарнинг кўзлари очиқ эди. Иссиқ ёш томчилари киприкларига илиниб турарди. Ҳамроҳон опа уни бағрига босиб йиғлади:

- Сени Аллоҳга топширдим, қизим, ўзи шифо берсин!

Зулфизарнинг суст ураётган юраги онасининг иссиқ тафтини ҳис этди. Бағридаги илиқлик гўё томирларидаги қонни кўпиртириб юборгандек бўлди. Қиз кўзларини онасидан узмай турди. Ниманидир айтгиси келарди, лаблари титрарди. Шунда иккинчи мўъжиза рўй бўлди:

- Онажон, Баҳром келдими? Уни тушимда кўрдим, бораман, девди... - деб гапириб юборди.

Ҳамроҳон опа бўғзига қадалган фарёдни босолмади. Йиғлаб юборди.

- Баҳромжон келади, албатта, келади, қизим, - деди унинг юзларини силаб.

- Мени қаяққа олиб кетишаяпти! Айтинг, онажон, дўхтирлар қийнашмасин... Уйимизга кетайлик... Ўртоқларимни, боғларимизни, далаларимизни соғиндим, ойижон.

Ҳамширалар қизни олиб чиқиб кетишди. Ҳамроҳон опа фарзандини сўнгги бор кўраётгандай юраги эзилиб ортидан қараб қолди.

Камила топилмаса, Стефаннинг режалари барбод бўлишини Игорь яхши биларди. Ҳатто, бу тўғрида хориждаги танишларини огоҳлантириб қўйганди. Шу боис қизнинг ғойиб бўлганини зудлик билан унга етказишга мажбур бўлди. Бу хабарни эшитган Стефан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Шаҳарнинг донги кетган ўғрилари, фирибгар ва товламачилари билан яхшигина алоқада бўлган Стефан зудлик билан уларга хабар жўнатди. Улар ўз ҳамдардлигини билдиришдан нарига ўтишмади. Қиморбозни руҳий азоб ўртади. Игорнинг уйида бўлган ўйиндан сўнг Португалиядаги таниши билан телефон орқали боғланиб, катта ўйинга тайёргарлик кўришини тайинлаганди. Балки тайёргарликни ҳам бошлаб юборгандир. Қиз топилмаса, Баҳромни уерга олиб кета олмайди. Қиморбозлар ўртасида бебурд бўлишини ўйлаган Стефан бошини қаерга уришни билмасди. «Топиш керак, сўнинг тагидан бўлса ҳам топиш керак», деган қарорга келди. Аммо кимдан ёрдам сўрайди - шу тўғрида ўйлади. Ишончли одам ҳаёлига келмади. «Ўғри ташқаридан келмаган. Меҳмонлар орасидан кимдир қизни олиб қочган», деган фикр ҳаёлидан кетмади. Стефан меҳмонларга унчалик аҳамият бермаганди. Кимларнинг таклиф қилинганини ҳам билмасди.

Қиморбоз Игорникига боришга қарор қилди. У қўнғир оқни босди. Соқчи кирди.

- Одамларни тўпла!

Соқчи бир зумдаёқ олти йигитни хўжайиннинг хонасига бошлаб кирди. Бошлиқ Камила тўғрисида уларга гапириб берди:

- Ўғрилар билан гаплашинглар, қиз уларнинг қўлида

бўлса, айтган пулни беринглар. Кўчаларни айланинглар, балки адашиб юргандир.

Стефан Камиланинг ташқи қиёфасини эслаб қолганди. Белгиларини, кўринишини тасвирлаб берди. Телефон ёнида Виктор билан Баҳром ўтиришини айтди. Ўзи эса Викторникига жўнаб кетди.

Вақт имиллаб ўтарди. Игорь деразадан ташқарига боқиб, ўйга толганди. Кўча эшик олдида келган машина ёритқичларидан таралган нур кўзига тушганини ҳам пайқамади. Стефан кириб келганда хаёли бўлинди. Виктор билан Баҳром уни хушламайгина қабул қилишди. Баҳромнинг кўли йўқмикин?», деган ўй ҳам келди.

- Одамларим қизни излашаяпти, - деди Стефан меҳмонларга. - Ўйлайманки, улар Камилани топишади.

Баҳром билан Виктор яширинча кўз уриштиришди. Қарашларида «бу хабарни кимдан эшитдийкин», деган фикр бор эди. Игорь буни тушунди:

- Камиланинг йўқолганини боя мен Стефан Абрамовичга хабар қилгандим, - деди гуноҳкорона.

* * *

Наташа хонимнинг тинчи бузилганди. Ярим тун бўлсада, бодор эди. Ҳаммалари нима қилиш кераклигини ўйлашарди. Қизни ҳеч кимнинг кўзига кўрсатмай олиб қочди. Қора калитни қўлга киритса, ҳамма нарсага эришиши мумкинлигини биларди. Аммо, қиз қайсарлик қилаяпти. Кўзига жони кўринмаяптими? «Ўлдирсанг ҳам таклифингни қабул қилмайман, калит керак бўлса, ўзидан сўра, мени бу ишга аралаштирма», деяпти. Унинг тилини тополмадим. Ёки шунчаки қўрқитаётганини сезиб қолдим? Қора калитларни олмай туриб, қизни қўйиб юборолмайди. Кимлиги фош бўлади.

Наташа хонимнинг мақсади қизни очқичларга алмаштириш эди. Балки эрталабгача суваракларга таланиб чиқ-

са, ювош тортиб қолар. Ўзи Баҳромга қўнғироқ қилиб, калитни олиб келишга қўндирар.

Наташахоним бақалоққа қаради. У пишиллаб ухларди. Аёл қўлидаги аллақачон ўчиб қолган сигаретни ташлади. Ҳорғинлик тинкасини қуритганди. Мизғиб олиш мақсадида диванга чўзилди.

Ҳақиқатан ҳам Камила суваракларга таланиб ётарди. Артур унинг қўл-оёқларини чилвир билан боғлаб ташлаганди. Баданида ўрмалаб юрган жониворлар асабларини қитиқларди. Камила уларни ҳайдаш учун типирчиларди. Қўллари қаттиқ боғланганди, қимирлатишнинг иложи йўқ. Қўл-оёқлари увишиб қолганди. Қиз сувараклар азобидан қутулиш учун ўрнидан туришга уринди. Елкаси билан деворга тираниб, оёғида зўрға ўрнаб, дераза томон боқди. Темир панжара ортидан ёришиб келаётган тонгни кўрди. Ҳадемай ҳамма уйғонади. Қочишга уриниб кўриш керак.

Қиз оёғи остида ётган соч тўғнағичига кўзи тушди. Хаёлига келган фикрдан чеҳраси ёришди. Минг азоб-укубатда қаддини букиб, уни олди. Эшик ёнидаги электр розетка олдига келди. Тўғнағични унинг ичига суқди. Сим қизиди. Камила қўлини унга тутди. Чилвир тутаб, узилди. Эшикка қулф солинганди: ўтган асрнинг қулфи. Очишни ўйлади. Сочлари орасидан яна бир тўғнағични олди. Сим қулфнинг тишларига етиб боргани билан орқага қайтаришга кучсизлик қилди. Камила симни айлантирди. Тун кетиб, тонг ёришарди. Бу ердан тезроқ чиқиб кетиши зарур. Наташа уйғонса, уни хонасига олиб кирази. Азоблашнинг бошқа йўлини топади. Қиз жонжаҳди билан қулфга ёпишди. Бобосининг сўзларини эслади. Айтган гаплари қулоғида жаранглади. Камила терлаб кетди. Ташқарида ит ҳурди. Қизнинг юраги типирчиларди. Назарида, қулфнинг тишларини тўғри тополмаётгандай эди. Ниҳоят, топди, тишлар орқага қайтди. Камиланинг гувиллаган қулоғига шарақлаган товуш эшитилди. Дили ёришди. Тутқичдан ушлаб, эшикни

тортди: Тоза ҳаво юзига урилди. Тепага кутарилди. Хонимнинг уйғонмаганига ишонди. Йўлақлар таниш эди. Оёқ учига юрди. Аёлнинг хонаси олдида ўтиши керак. Эшик қия очиқ. Бақалоқ қаерда? Ухляптим, эшик олдида соқчилик қилаяптими? Эшикдан ўтгач, овоз эшитиш асбоби ёдига тушди. Уни дераза тоқчасида турганини кўрганди. Камила уни бу ерда қолдириб кетолмасди. Ичкарига кирди. Хоним диванда ухларди. Уйғониб кетишидан чўчиган қиз тўхтади. Дераза хиёл очиқ эди. Ташқаридан олиш мумкин. Камила орқасига қайрилди. Шунда оёғи столга тегиб кетди. Тарақлаган овоз хонимни уйғотиб юборди. Кўзларини очиб, бошини кутарди. Киртайган кўзлари ташқарига чиқиб кетаётган тутқунга тушди. Устидаги тўшақни юлқиб отди. Тоқ ургандай сапчиб ўрнидан турди. Ўқдай ташқарига отилди. Камила аппаратини қўлга олишга улгурганди. Хоним овозининг борица бақалоқни чақирди:

- Артур! Артур!

Бақалоқ қўшни хонада ухлаётганди. Ваҳимали овоз қулоғига чалиниши билан уйғонди. Маст одамдай гандираклаб ташқарига чиққанда, Камила кўча эшик олдида бориб қолганди.

Эшик ёнига баҳайбат ит боғланганди. Камилани кўриб, занжирни узгудек вовуллаб унга ташланди. Қиз ташқарига чиқиш учун итнинг олдида ўтиши лозим эди. Атроф баланд девор билан ўралганди. Бошқа йўл йўқ. Орқага қайтса, ўзини Наташанинг қўлига топширади. Ярим яланғоч бақалоқ ҳам у томон келмоқда эди. Камила таваккал қилди, олдинга ташланди. Итнинг тишлари қизнинг болдирига ботди. У оғриқдан қичқариб юборди. Ит қайта ташланганда Камиланинг қалтираётган қўллари эшик тутқичини ушлашга улгурганди. Эшик беркитилмаганди. Камила ташқарига чиқди. Тўрт қадам нарида Наташа келарди. Қиз эшикнинг иллагини солди. Уни ичкаридан очиб бўлмасди. Бақалоқ эшикни тепди. Хоним жони чиққудек бақирди:

- Қайт орқангга, мегажин! Тутиб олсам терингни шилиб оламан. Бу ердан қочиб кетолмайсан!

Камила қарши томондан келаётган машинага қўл кўтарди.

- Истаган пулингизни тўлайман, мени бу ердан тезроқ олиб кетинг! - ялинди ҳайдовчига.

* * *

Меҳмонларнинг шубҳаланишганини сезган Стефан Абрамович уларнинг кўнглини кўтарадиган гап тополмади. Учакишгандек одамлари телефон қилишмасди. Нима бўлди уларга, нега жимжит? Наҳотки, топишолмаса? Стефаннинг асаблари таранглашиб борарди. Ўзини бу ерда ортиқчадек ҳис этди.

Баҳром сўнгги қарорини Викторга айтди:

- Калитни берамиз, уларга шу керак экан, майли, ола қолишсин, - деди.

Виктор таклифни рад этди:

- Таслим бўлмоқчимисан? Ўзингни қўлга ол. Ҳали имкониятларимиз бор. Аввал улар қўнғироқ қилишсин, ўзим гаплашай! Муроса йўли топилар!

- Калитни берганимиз билан ишлата олишмайди! Ҳар бир очқичнинг ўз сири бўлади, - деди Баҳром Викторни тинчлантириш мақсадида.

- Кўнглим сезиб турибди, улар ўз мақсадларига эришолмайди. Камила уларга осонликча таслим бўлмайди, - деди Андреевич.

Стефаннинг ранги оқариб кетди. Очқичлардан айрилиб қоладигандек ўрнидан турди.

- Викторнинг гапи тўғри, - деди Баҳромнинг ёнига келиб. - Кутайлик, мен ҳам одамларимга тайинлаганман. Улар излашмоқда.

- Яна қанча кутиш мумкин, қаранг, тонг ёришмоқда! Телефон қилишса, гўшакни ўзим кўтараман. Калитларни элтиб бераман. Камиланинг азоб чекишини истамайман.

Уни соғ-саломат кўришни хоҳлайман.

Унинг сўзлари Стефанни адо қилди. Хонада мақсадсиз юра бошлади. Умиди Виктордан эди. Баҳромнинг таклифига кўнгандай жим эди.

- Фикрингизга кўшилмайман, - деди Стефан дудукданиб. - Уларга калитни топширсангиз, сизни ҳам гаровга олишлари мумкин.

Баҳромнинг кўнглидаги шубҳа болалади: «Нега бу одам калитларни топширмаслик учун жон куйдираяпти? Сўзларидан, туришидан негадир безовта».

Стефаннинг қўл телефони жиринглади.

- Эшитаман, нима гап?

Ҳамманинг кўзи Стефанда эди. Кўнғироқ қилувчининг «топилди», деган сўзини нафасларини ичига ютган одамларнинг барчаси эшитди ва тундваш чехралари ёришди.

- Мен Игорнинг уйидаман, шу ерга олиб келинглар!

Ҳамма жонланди. Виктор Стефанни кучоқлаб олди. Баҳром ёмон ҳаёлларга боргани учун қизарди. Ҳаммалари Камилани кута бошлашди. Қиз кирганда ўринларидан туришди.

- Ким сени бу аҳволга солди? - сўради Виктор қизни бағрига босиб.

Камиланинг кўйлаги йиртилиб, ит тишлаган жойдан қон оқарди. Улар қизни қийнаб, азоблашганини билишди.

- Наташа қандайдир ичимликни ичириб, бу ердан олиб кетди. Нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Қўлидаги винодан бир-икки қултум ичганимдан кейин бошим айланиб, ҳеч нарсани эслай олмай қолдим.

- Наташа? - Стефан Игорга юзланди. - Ким у Наташа?

- Мен бундай исмни биринчи эшитишим, - деди Игорь елкасини қисиб.

- Негача билмайсан? Уйингга таклиф қилган одамни танимаслигинг мумкин эмас! - Стефаннинг жаҳли чиқди.

- Ўлай агар, танимайман!

Стефан Камиладан сўради:

- Унинг уйини эслаб қолдингми?

- Ҳа.

Стефан одамига юзланди:

- Ҳозироқ аниқла, ернинг тагидан бўлса ҳам ўша манжалақини топиб, олдимга олиб кел. Камиланинг оёғига тиз чўктириб, узр сўратмасам, кўнглим тинчимайди.

- Керак эмас! - деди Камила. - Унинг башарасини кўришни истамайман!

- Бу ишни шундай қолдирибмайман. Менинг азиз меҳмонларимга кимки ёмон кўз билан қараса, кўзларини ўйиб оламан! Бу бошқаларга сабоқ бўлади!

Баҳром билан Викторнинг қиморбозга меҳрлари товлашиб кетди. Игорь нонушта ҳозирлади. Камила ювиниб чиқди. Стефан Абрамович меҳмонларнинг кайфияти кўтарилганидан, қолаверса, уларнинг ишончини қозонганидан мамнун эди. Нонуштадан сўнг Стефан ўрнидан турди.

- Ҳозирча сизлар билан хайрлашамиз, азизларим. Худо хоҳласа, яқин кунларда дийдор кўришамиз, деган умиддаман, - дея таъзим қилди қиморбоз.

- Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни билмаяпман, Стефан Абрамович, - деди Баҳром унга яқин келиб.

- Биламан, сиз яхшиликни унутадиган йигитга ўхшамасиз. Вақти келганда ўзим айтаман!

- Қандай хизмат бўлса тортинманг, - гапга қўшилди Камила.

Игорь уни кузатиш учун ташқарига чиқди.

- Йўлланмаларни топширдингми? - сўради қиморбоз.

- Топширдим, - жавоб қилди Игорь.

- Рози бўлишдими?

- Бепул йўлланмани ким ҳам рад қиларди, хўжайин, - Игорнинг юзи кулгидан ёришди.

- Демак, ҳаммаси жойида. Хотиржам бўлсам бўлавера-

ди, шундайми?

- Албатта, хўжайин!

Стефан Игорнинг билагидан ушлади. Атрофда ҳеч ким бўлмаса-да, паст овозда деди:

- Португалиядаги дўстларимнинг қулоғини қизитиб қўйдим. Улар бизни кутишмоқда. Ўйинга олти давлатдан машҳур қиморбозлар ташриф буюришади. Катта пул тикилади. Мен ўйлаган режа амалга ошса, биз беш юз миллион долларга эга бўламиз. Сен меҳмонларнинг кўнглини кўтар, зиёфат бер, Португалияга жўнашларини тезлаштир. Узоғи билан икки ҳафтада у ерда кўришамиз.

Игорь маъноли бош ирғади. Стефан чўнтагидан чек олди.

- Буни Баҳромга топшир. Юз эллик минг долларни ҳисобига ўтказиб қўйдим. Буни кўрса, ширага қўнган пашшадек бизга ёпишиб олади.

- Менинг улушимни айтмадингиз?

- Ютуқнинг ўндан бири сеники! - деди Стефан унинг елкасига қўл ташлаб. - Фақат меҳмонларнинг сафарга жўнашини тезлаштир!

Стефан тахмин қилаётган беш юз миллионнинг ўндан бири Игорь учун мисли қўрилмаган бойлик эди. Юрагини пирин ҳислар чулғади. Меҳмонларнинг кўнглини олиш мақсадида Стефан билан хайрлашмасдан ичкарига кириб кетди.

* * *

Кейинги пайтларда омад Абрамовичдан жуда ҳам олисларга чекиниб кетди. Ҳади-вери ўзининг қорасини кўрсатгиси ҳам келмасди. Ўйинлардаги мағлубият унинг доимги ҳамроҳига айланди. Аслида мағлубият «шира»си хорижда ёпишганди. Италиядаги ўйинда ўн олти миллионни бой берди. Юртига келганда омад излаб кўплаб қиморхоналарнинг эшигини қоқди. Игорнинг уйида бўлиб ўтган ўйинда гарчи мағлубиятга учраган бўлса-да,

бундан дили ранжимади. Миллионлар оқиб кирадиган дарвозанинг эшигини очгандек бўлди. Агар «қора калитлар» соҳибини Игорь измига солиб, Португалияга боришга кўндиролса, шу пайтгача қўлидан кетган маблағларини тиклаб, умрининг сўнгигача етадиган чойчақа орттириб қайтиши ҳеч гап эмасди.

Қиморбозларнинг анъанасига кўра ташкилотчи одам хоҳлаган ўйинини ташкил этиши мумкин эди. Сандиқларни, қулфларни, ҳаттоки, антиқа кишанларни калитсиз очиш мусобақаларини ўтказиш ҳуқуқини оларди.

Стефан кечки пайт Португалияга етиб келди. Танишлари ҳайрон эдилар. Яқиндагина катта пулни бой берган одам нега навбатдаги ўйинни тезлаштиришга шошилмоқда? Қаердан пул топди? Улар бу ҳақда сўраб-суриштиришди-ю, аммо Стефан сирни фош қилмади. Фақат ўзининг яқин одами Педрога Баҳром тўғрисида сўзлаб берди. Педро унинг гапларига ишонмади. «Бўлиши мумкин эмас, ҳозирги сандиқлар мустаҳкам, ҳатто, улар компьютерлаштирилган, магнитлаштирилган, шу сабабли қулфлар бегона калитни қабул қилмайди», деб эътироз билдирди. Стефаннинг гаши келса-да, ўзини босди.

- Уйинда сен қанча пул тикмоқчисан? - сўради Стефан ажабланиб.

- Эллик миллион, аммо сенинг тарафингда эмасман, - ҳамиша ўзининг ютуғига ишониб юрадиган Педронинг оғзидан чиққан пулнинг қиймати Стефанни эсанкиратиб қўйди.

- Бунча пулни ютқазиб қўйишдан чўчимайсанми? - сўради ачингандек.

- Мен-ку пулга ачинмайман, аммо сенинг катта кетиб уялиб қолишингдан чўчипман!

Педро мийиғида кулиб қўйди. Стефан аламини ичига ютди.

- Ҳўш, меҳмонларингни қачон таклиф қиласан?

- Ўйин муддатини белгилаган кунинг!

- Ўн беш кун ичида, - деди Педро бугунги кунни хаёлан эслаб.

- Унгача Франция, Англия, Италия каби давлатлардаги тарафкашларимиз етиб кела олишармикин?

- Хотиржам бўл, улар менинг ишорамни кутиб туришибди. Сен ўйлаб топган антиқа ўйинни ҳаммалари соғиниб қолишган.

- Ўйин ўтказиладиган жойни келишиб олсак!

- Сен ташкилотчисан, ўзинг танла, - деди Педро.

Стефан бутўғрида Педро билан маслаҳатлашмоқчи эди. Ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган Педро шундай деди:

- Бу галги ўйин ҳам денгиз ўртасида ўтказилади. Таклифим маъқулми?

- Кемада-я?

- Бунинг нимаси ёмон. Тинч!

- Яхши, таклифга розиман, - деди Стефан.

- Билиб қўй, ўйинга келадиган ҳар бир одамнинг камида йигирма-ўттиз миллион доллардан пули бўлиши шарт. Ўйинда фақат кучлиларгина қатнашади.

- Сен, Педро, ўзингга бу қадар катта баҳо берма. Ғалаба ҳамиша сен томонда бўлавермайди.

Пулдор қиморбоз бу кесатикқа парво қилмади.

- Менинг кетадиган вақтим бўлди, - деди ўрнидан туриб. - Одамларим дўстларимизга қўнғироқ қилиб, душанба кунги ўйиндан огоҳ қилишади.

Стефан кечки пайт Игорга қўнғироқ қилди.

- Ўйин келгуси душанба кунига белгиланди. Меҳмонларни олиб зудлик билан бу ерга етиб кел!

Стефан қўнғироқ қилганда улар шу ерда эдилар. Камиланинг яраси битмаганлиги сабабли яна бир кун Игорникида қолишга мажбур бўлишганди. Меҳмонларни кузатаётганда Игорь уларнинг ёдига яна бир бор Португалия сафарини солиб қўйди.

- Мен самолётга чипта олиб қўйдим, - деди у Викторга, - уйинга бориб, ишингни ёрдамчиларин-

гга топшир. Баҳром билан Камилани олишни унутма. Уларнинг бориши шарт.

- Бу қадар сафарга шошираётганингнинг сабабини тушунмай қолдим, - деди Виктор унинг сўзларидан ҳайрон бўлиб. - Ахир, ўзинг биласан, менинг ишларим бошимдан ошиб-тошиб ётибди. Уйга борай, қурилишдаги ишлар билан танишай. Илҳомнинг айтишича, ишчиларнинг бир қисми маҳсулот йўқлиги сабабли бекор қолибди. Сафарни бироз кечга сурганинг маъқулмикин?

- Нималар деяпсан, дўстим, ахир, йўлланмаларнинг муддати бор. Ўтиб кетса, пулга тушамиз. Португалиядаги дўстларимизга хабар бериб қўйганман-а.

- Бунга қачон улгура қолдинг, йўлланмани бизнинг қўлимизга топширганингга ҳали икки кун бўлгани йўқ-ку?

Камила уларнинг суҳбатини эшитиб турарди. Хориж сафарига ташна эди. Викторнинг рад этишидан чўчиди.

- Дўстингизнинг таклифини рад этманг, Виктор Андреевич, ахир, қурилишдаги ишларни Илҳом бемалол бошқариб турибди-ку! Борганимиздан кейин унга нима қилиш кераклигини тушунтириб қўясиз. Атиги бир ҳафтага, йўқ деманг!

- Сен шайтон қиз шуни истасанг, нима ҳам дердим, лекин Илҳом кўнармикин?

- У билан ўзим гаплашаман!

Игорь хурсандчилигини яширолмади.

- Демак, мен сизларни ҳафтанинг охирида кутаман! Бугуноқ чиптага буюртма бериб қўяман!

Уларни кузатаётганда, Игорь чўнтагидан чекни олиб, Баҳромга узатди.

- Стефан Абрамович сизнинг ажойиб қобилиятингизни тақдирладилар.

- Нима бу? - ҳайрон бўлди Баҳром.

- Чек, сизнинг номингизга юз эллик минг доллар пул ўтказилган.

- Ниманинг эвазига? Ахир, у киши ўйинни бой бердилар-ку!

Игорьнинг юзи қизариб кетди.

- Ол! - деди Виктор Баҳромга. - Буни меҳнатингга тўланаётган ҳақ деб қабул қил.

Баҳром икки кунга рухсат сўраб Киевга жўнади.

Виктор Андреевич Камилани олиб, ўз шахрига учиб кетди. Баҳром икки кунга рухсат сўраб Киевга жўнади.

* * *

Операция муваффақиятли чиққанди. Икки кундан кейин Зулфизарнинг оёқ-қўллари ҳаракатга келди. Профессор қизнинг бир ҳафтада юриб кетишига ишонч билдирди-ю, аммо гапиролмаслиги мумкинлигини ҳам яширмади.

- Тилни ҳаракатга келтирувчи асаб толалари жиддий шикастланган, уларни тиклашнинг иложи йўқ!

Мана шу сўз ота-онанинг дилини сиёҳ қилди. Ҳамроҳон опа хомуш тортиб қолди. Зулфизар ҳафта ўтиб ўрнидан турди, онасининг ёрдамида юра бошлади. Коллни ажаблантирган нарсаси, бу - қизнинг иродаси эди. «Соғайишга, юришга интилди. Бу ҳар қандай дори-дармондан кучли», деди профессор. Зулфизар айтмоқчи бўлган сўзларини имо-ишоралар билан онасига тушунтирарди. Ҳамроҳон опа оналарга хос сезгирлик билан фарзандининг нима демоқчилигини кўз қарашидан илғарди. Таскин берарди. Зулфизар кун бўйи деразадан ташқарига боқиб, кўзларини бир нуқтадан узмай ўтирарди. Киприкларига нам илинарди. Қонсиз лаблари титрарди. Она унинг хаёли олисларда қолган қишлоғига кетганини ҳис этарди. Лекин фарзандига қандай таскин берсин, нима деб кўнглини кўтарсин?! Балки Баҳромни кўрса, кўзларидаги ёш қурир, қалбидаги ғуссалар кўтарилар. Тили чиқиб кетса ҳам ажаб эмас! Ахир, мўъжизалар бўлиши мумкин-ку!

Аслида қизининг бошига тушган бу савдоларга ўзи сабабчи эмасми? Нега унинг қалбига қулоқ солмади? Баҳромдан ўзга йигит керак эмас, деганда Зулфизарни тушунишни истамай, фермернинг бойлигига учиб, бадавлат хонадонга қуда бўлишни ўзи хоҳламадими?!

Она қизининг кейинги тақдирини ўйлаб, юраги эзилди. Титраётган қўлларини бошига қўйиб, сўради:

- Сенга нима бўлди, болам, нега бу қадар хомушсан?

Зулфизар ойнадан кўзини олди. Онасининг ёш тўлган кўзларига боқди. Ҳамрохон опа унинг титраётган лабларидан ниманидир айтишга қийналаётганини тушунди.

- У олисда қолди, келмайди, - деди шивирлаб ва ўзини тутолмай, йиғлаб юборди. Зулфизар бошини онасининг кўкрагига қўйди. Улар бир-бирларини қучоқлаганча йиғлашарди.

Баҳром Киевга келганда пешин бўлганди. Зулфизарни республика нейрохирургия марказий шифохонасида эканлигини биларди. Қабул қилиш бўлимидагилардан уни сўроқлади. Қизнинг ётган хонасини айтишди. Баҳром ичкари кирди. «Зулфизар қандай аҳволда экан?» деган савол кўнглидан ўтди. Йўлакда Холмурод акага дуч келди. Хижолатдан унинг юзлари қизарди.

- Баҳромжон, - тилига биргина шу сўз келди отанинг. Улар бир-бирларини бағирларига босишди. Холмурод аканинг кўз ўнгида ўтган воқеалар жонланди: «Қизим билан учрашганингни кўрсам, оёғингни синдираман!» Ич-ичидан нидо келди.

- Мени кечир... - бу сўзни айтишга аранг куч топди.

- Ўтган гапларни эслашнинг мавриди эмас, - деди Баҳром.

- Раҳмат, яхшилигингни ўлгунимча унутмайман!

- Зулфизар тузукми, оёққа туриб кетдимиз?

- Шукр, Германиядан профессор келиб операция қилди, аммо... гапирмаяпти.

- Нега гапирмайди? - ҳайрон бўлди Баҳром.

- Дўхтирнинг айтишича, тил билан боғлиқ асаб толаси

зарарланганмиш. Буни тузатишнинг иложи йўқмиш.

Ичкари киришди. Зулфизар онасининг кўксига бош кўйиб ётганди. Юраги нотинч эди. Тез-тез эшик томон боқиб кўярди. Эшик очилганда бошини кўтарди. Баҳромни кўриб, ўрнидан туришга чоғланди. Она йигитни таниди.

- Вой, ўлмасам, Баҳромжон, бу сизми, ўғлим?

Зулфизар севгилисини кўриб лаблари титраб, қийналиб оғизини икки-уч бор очди ва кутилмаганда гапириб юборди.

- Баҳром!

- Салом, мен келдим!

- Кутаётгандим, - қиз тутилиб гапирарди.

Баҳром унинг ёнига ўтирди.

Ота-она бир-бирларига қарашди. Ҳамроҳон опа ўзини босолмади:

- Қизимиз гапирди, отаси, қаранг, гапирди! Ўшитдин-гизми, Баҳромжон билан гаплашди. Вой, онагинанг ўргилсин, - Ҳамроҳон опа қизини кучоқлаб йиғлаб юборди. Холмурод ака лабини тишлаб турарди.

- Илоҳим, гапирганинг чин бўлсин!

Холмурод ака ташқарига чиқди.

Зулфизар йигитнинг қўлидан тутди.

- Сизни соғиндим...

- Тузалиб кетибсан.

- Мени ажал домидан ишқ қутқарди. Мана шу тўшакда ўлим билан олишдим.

- Мен ҳам сени кўп эсладим.

- Энди ўлмайман. Юраяпман, гапираяпман. Уйимизга кетсак ҳам бўлаверади. Қишлоғимизни соғиндим. Дугоналаримни кўргим келаяпти!

- Худо хоҳласа, кетамиз!

Улар бир-бирларига тикилиб қолишди.

- Ҳозир Россиядаман, фирмада ишляпман. Улар менга кўп яхшиликлар қилишди. Икки кунга рухсат сўраб келдим. Кечки самолёт билан қайтиб кетишим керак, -

деди Баҳром. - Худо хоҳласа, сен билан қишлоқда кўришамиз!

Қиз йигитнинг қўлидан ушлади.

- Озиб кетибсиз.

- Сени соғиндим.

- Кўпдан буён дилингизда ғам.

- Кўролмаганимдан.

- Сизни ким ранжитди?

- Буларни қасрдан билдинг?!

- Кўзингиз айтаяпти!

- Кўзим, ажаб, яна нималарни кўраяпсан?

- Сафарга жўнамоқчисиз. Бу сизга омад келтирмайди.

Бошингизга ташвишлар солади. Қийинчиликлар келти-
ради.

- Кейин-чи? - Баҳром қизнинг гапларидан лол эди.

- Кўзларимга денгиз кўринапти. Сирли сандиқ!

- Қандай сандиқ?

Жодуланган!

Жодулаган! - Баҳромни ҳаяжон босди.

- Сири нимада?

- Буни айтолмайман...

- Сен жодуга ишонасанми?

- Мен кўзимга кўринган нарсаларга ишонаман. Наза-
римда, кимдир шу гапларни сизга айт деяётгандай.
Айтмасликка ҳаракат қиляпману, бироқ иложи бўлма-
япти...

- Ҳар хил хаёлларга бораверма, ундан кўра уйга
кетишни ўйла!

- Ёдингизда бўлсин, қийин кунга қолганингизда
мени эсланг.

Эшик очилди. Холмурод ака профессорни бошлаб
кирди. Колл қизнинг равон гапираётганини кўриб,
қаттиқ ажабланди.

- Бу - мўъжиза, тиббиёт тарихида камдан кам содир
бўладиган ходиса! - деди қувониб.

- Салом, дўхтир! Сизга катта раҳмат. Мени даволадин-

гиз. Эртага жўнаб кетмоқчилигингизни биламан.

- Буни кимдан эшита қолдинг? - Колл бу ҳақда қизнинг ота-онасига айтмаганди.

- Яна бир кун шу ерда қолишингизни илтимос қилардим.

- Бунинг иложи йўқ, қизим, самолётга чипта олиб қўйганман!

- Лекин ўша самолётда уча кўрманг!

Профессорнинг туксиз қошлари чимирилди.

- Гапингга тушунмадим?

- Юрагим қандайдир нохушликни сезаяпти.

Колл қизнинг сўзларини касалликдан қолган асорат натижаси деб қабул қилди. Оғир операциядан сўнг беморларда шундай руҳий ҳолат юзага келишини биларди.

- Шубҳа қилдингиз! - Зулфизар профессорнинг кўзларига тикилди. - Эрталаб овқатланмаганиз, фақат қаҳва ичгансиз.

- Гапларинг тўғри, - деди профессор ажабланиб.

Роман Ильич кирди.

- Сиз зудлик билан уйингизга боринг. Ишга келишдан аввал эшикни беркитишни унутгансиз.

Икки профессор бир-бирларига маъноли қарашди ва индамай хонадан чиқиб кетишди. Роман Ильич эшикни кулфлаганини эслаёлмади. Юрагига гулгула оралади. Хотини кеча сафарга жўнаганди. Халатини ечиб, Коллга уйга бориб келишини айтди.

- Қизнинг гапига ишондингми? - сўради Колл.

- Ишонмадим, аммо эшикни беркитмаганим ростга ўхшайди.

- Асабларинг чарчаган.

- Назаримда, уйимда нимадир содир бўлаётгандай.

Роман Ильич уйига кетди. Эшикка калит солишнинг хожати йўқ эди. Чунки у қия очиқ турарди. Ичкарига отилиб кирди-ю, ағдар-тўнтар бўлиб ётган буюмларга тикилиб қолди. Профессор уйни ўғрилар тунашганини билди. Мехроб олдида учиб борди. Хавотирли кўзлари

излаган нарсани тополмади. Қўллари бўм-бўш деворни пайпаслаб, беҳолгина ўтириб қолди.

- Наҳотки, олиб кетишган бўлишса?! - деди бошини чангаллаб.

Игорь йўлга чиқишганини Стефанга маълум қилди. Қиморбоз уларни шаҳардан четроқдаги меҳмонхонага жойлаштиришни ўйлади. Бир-икки кун уларнинг кўзига кўринмай туришга қарор қилди. Уларни кутиб олишни танишларидан бири Эскинога топширди. У шаҳарни яхши биларди. Меҳмонларни кутиб олди. Ётоқхона ҳам-маларига маъқул келди. Деразадан поёнсиз денгиз кўри-ниб турарди. Баҳром эрталаб барвақт уйғонди ва денгизни томоша қилиш учун соҳилга тушди. Ҳаво илиқ эди. Баҳром чўмилди. Ҳаётида илк бор денгизни кўриши эди. Нонуштадан кейин Камила иккиси сайр қилиш учун шаҳарга чиқишди. Стефаннинг топшириғига биноан Эскино йигит билан қизни пойлаб юриши керак эди. Игорь Стефанга қўнғироқ қилди ва меҳмонлар жойла-шишганини маълум қилди. Стефан эса ўша пайтнинг ўзидаёқ Педро билан боғланди.

- Меҳмонларим келишди, сен одамларингни тезроқ тўпла!

- Улар индинга айтилган жойда бўлишади.

- Ахир, бизнинг ваъдамиз душанба кунига белгилан-ганди-ку! - норози бўлди Стефан.

- Бу галги ўйин сен ўйлаганчалик тор доирада ўтмайди. Қиморбозларнинг ёдида қоладиган шов-шувли ўйин таш-кил қилмоқчиман.

- Ҳали ҳам аҳдингдан қайтмадингми?

- Мен ваъдасини бузадиган бебурдлардан эмасман, Стефан. Бу ҳақда ўзинг ўйлаб кўр, кейинги пушаймон ўзингга душман, деган нақл бор.

- Сандиқни сен топасанми?

- Албатта, мен. Ҳозир одамларим уни Англиядан олиб келишмоқда. Сенга яна бир гапни эслатиб қўяй, - деди Педро овозига сирли тус бериб. - Мисрдан Абдулҳоди жаноблари ташриф буюрмоқчилар. Биласан, у жаноб бўлган жойда ўйин қизийди. Арзимаган пулларни тикиш у кишига нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Мен Абдулҳоди жанобларининг қулоғига бу ўйинни сен ташкил қилаётганингни етказдим. У кишининг умидлари катта. Муносиб рақиблар излаяпман.

Стефан Абдулҳоди жанобларининг ташрифини хаёлига келтирмаганди. У шунчаки эрмак учун қимор ўйнамайди. Миллионлаб пуллар, қимматбаҳо буюмларни тикади. Баъзида тарафкаш топилмай, ўйиннинг тақдирини бир ўзи ҳал қилган пайтлар бўлган. Стефан чўғни босиб олгандай типирчилади. Энди юрагини икки ташвиш азобларди. Бири - Абдулҳодининг ташрифи бўлса, иккинчиси - Баҳром билан Камиланинг розилигини олиш. Уларнинг розилигини олмай, ўйинни эълон қилди. Модомики, улар рози бўлмаса, бу хабарни эшитиб, қочиб кетишлари ҳам мумкин-да.

Стефаннинг кўнгли нотинчланди. Игорь шу ерда. У фолбин лўлидай айёр ва муғомбир, аврашга устаси фаранг. Қулфбузарларни кўндиришига ишонади. Шундай бўлгач, улар ҳақидаги ташвишли ўйларни миясидан қувиб, пул топиш ва тарафдорлар излаш ҳақида ўйлаши зарурлигини тушунди. Тарафдорлар Абдулҳодининг келишини билишса, ўйинда иштирок этолмасликлари ҳам мумкин. Шарманда бўлишидан чўчиган Стефан чора ахтарди. Уни қутқариши мумкин бўлган нарсаси, бу - пул эди. Ўзи билан олиб келган ўн миллион унинг пуллари олдида сариқ чақалик қимматга эга эмас.

Стефан ўйин ўтказиладиган ресторан бошлиғи Каога кўнғироқ қилди.

- Менга ўн миллион керак, рози бўлсангиз, ўйинда тенг шерик бўлишимиз мумкин.

- Мени афу этинг, Стефан жаноблари, сизни пул билан

таъминлашим мумкину, аммо шерик бўлишимни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Мен бундай ўйинларни тушунмайман, - жавоб қилди Као.

- Унда мен айтган пулни бериб турсангиз.

- Жоним билан, Стефан жаноблари, ҳозироқ олиб кетишингиз мумкин, аммо пул эвазига гаровга нима қўймоқчи бўлганингизни айтолмайсизми?

Стефаннинг тили қотди.

- Мен сизнинг мамлакатингиздаман, жаноб Као, - деди Стефан гаровга нима қўйиши мумкинлигини ўйлаб.

- Бу ерда жонимдан бошқа молим йўқ!

- Шундай денг, афсус, мен ҳам талабингизни қондиrolмас эканман, Стефан жаноблари. Янаги сафарги ўйинга гаровга қўядиган қимматбаҳо буюмларингизни олиб келишни унутманг!

Као гўшакни жойига илиб қўймоқчи бўлаётгани унинг гап оҳангидан сезган Стефан шошиб қолди ва хаёлига келган фикрни тилига чиқарди.

- Менда бир таклиф бор, ўйлайманки, сиз буни қабул қиласиз!

- Айтинг, азизим, қулоғим сизда.

- Эшитишимча, Россияда қариндошларингиз бор, шундайми?

- Бу хабар қандай қилиб сизнинг қулоғингизга етиб борди, жаноб Стефан?

- Бу ҳақда учрашганимизда гаплашармиз, ҳозирги айтадиган гапим бевосита ана шу яқинларингиз билан боғлиқ.

- Хўш!

- Хабарингиз бор, Питерда менинг ўндан зиёд ресторанларим, ишлаб чиқариш корхоналарим бор. Рози бўлсангиз, улардан хоҳлаганингизни номингизга ўтказишим мумкин!

Као бир зум жим қолди.

- Таклифингизни ўйлаб кўришим керак, Стефан жаноблари.

- Бунинг учун кўп вақтингиз кетмаса керак?
- Ярим соатлардан сўнг ўзим сизга қўнғироқ қиламан!
- Ярим соат ўтиб, Као қўнғироқ қилди. У Санкт-Петербургдаги одамлари орқали Стефанга қарашли ҳашаматли ресторанларнинг қийматини аниқлашга улгурганди.
- Таклифингизни қабул қилдим, пулни ҳозироқ олиб кетишингиз мумкин.
- Ҳўш, нимани гаровга олмоқчисиз?
- Менинг номимга шаҳар марказидаги «Арлекино» ресторанини хатлаб берасиз, вассалом. Агар ўйинда пулни бой берсангиз, ресторан менинг номимга ўтади, омадингиз чопиб, қўлингиз баланд келса, пулни қайтариб, шартномани бекор қилишингиз мумкин!
- Жаноб Као, сиз ресторанини кўрганмисиз?
- Афсуски, йўқ.
- Унинг қиймати эллик миллион доллар! Бир кунлик тушум эса нақ эллик минг атрофида.
- Гапингиз мени ташвишга солмоқда, Стефан жаноблари. Ахир, ҳозиргина сиз ўз ғалабангизнинг муқаррар эканлигига қаттиқ ишонаётгандингиз-ку!
- Стефаннинг тили айланмай қолди. У Каонинг таклифини қабул қилишга мажбур бўлди. Судхўрнинг ҳузурига жўнади. Ресторан бошлиғи адвокат ва нотариус орқали «Арлекино» ресторанини ўз номига хатлатиб олди. Гувохлар олдида ҳужжатлар расмийлаштирилди.
- Пул масаласида қўнгли тинчиган Стефанни энди иккинчи ташвиш қийнай бошлади: ўйин олдида Баҳром ва Камила билан очиқ гаплашиб олиш лозим. У Игорга сим қоқди.
- Одамларингизни кечки овқатга таклиф қил!
- Игорь иккиланиб қолди.
- Улар сизни кўришса, нима деб ўйлашаркин?
- Ташвишланма, мен ҳеч нарсадан беҳабар одамдек сизларни тасодифан кўриб қолган бўламан, вассалом.
- Шубҳаланишмасмикин?
- Хотиржам бўл!

Улар қайси ресторанда учрашишларини келишиб олишди. Игорь Викторнинг олдига кирди.

- Кечки овқатни ҳаммамиз биргаликда қиламиз. Мен сизларни шаҳарнинг энг машҳур ресторанига олиб бораман, - деди.

Виктор таклифни қабул қилди.

- Бу ҳақда Баҳром билан Камилага айтма!

- Нега? - ажабланди Виктор.

- Бу уларга сюрприз бўлақолсин!

Баҳром билан Камила зиёфатдан беҳабар эдилар. Эрта-лаб шаҳар айлангани чиқиб кетишганди. Меҳмонхонага кеч қайтишди. Игорь билан Виктор уларни эшик олдида кутиб туришарди.

- Бу қадар кеч қолишларинг яхши эмас, - гина қилди Виктор. - Сизларни ярим соатдан бери кутамиз.

- Тинчликми, Виктор Андреевич, нима гап? - сўради Баҳром.

- Бу ҳақда кейин биласизлар, - деди Игорь.

Улар катерга ўтиришди. Катер шамол каби елиб кетди. Олислардан пароходларнинг чироқлари кўзга ташланиб турарди. Катер ярим соатдан сўнг ҳайбатли кема олдида тўхтади. Ёғоч кўприкдан тепага кўтарилишди. Уч қаватли кеманинг пастки қисми ресторанга мослаштирилганди. Эшик олдида турган хизматкор Игорни емакхонага таклиф қилди. Улар айланма йўлакдан пастга тушишди. Биллур қандиллар хона ичини ёритиб турарди. Юмалоқ ойна олдига ўтиришди. Денгиз тубида сузиб юрган балиқлар кўриниб турарди. Жониворлар ёруғликка интиларди. Тунги чироқлар уларни ўзларига чорларди. Дастурхон шоҳона безатилганди: энг ноёб денгиз балиқлари, қора ва қизил увилдириқлар, қисқичбақа гўштидан тайёрланган таомлар... Баҳром билан Камила кўчада қоринларини тўйдириб олишганди. Тансиқ таомлар уларнинг иштаҳасини очмади.

Хонага Стефаннинг кириши ҳаммани ҳайратга солди. Баҳром билан Камила унинг яхшилигини унутишмаган-

ди. Қиз «менинг халоскорим», деб кўришди.

Баҳром ҳам қувончини яширмади. Игорнинг улар ўртасидаги муносабатни кўриб, дили ёришди. Дастурхон атрофига жамланишди. Зиёфат қуюқ бўлди. Баҳромни ҳам қуярда қўймай ичиришди. Стефан унинг маст бўлишини истамади. Очиқчасига гаплашиб олишни истарди. Виктор билан Игорнинг кайфи ошганди. Улар ташқарига чиқиб кетишгач, хонада Стефан, Баҳром ва Камила - учовлари қолишди.

- Эсларингдами, - деди Стефан қиз билан йигитга қараб, - менга берган ваъдаларинг?

Улар Стефанга берган ваъдаларини эслашолмади.

- Қандай ваъда берган эканмиз? - ҳайрон бўлди Камила.

- Ана, холос, ҳали ўн кун бўлмай, унутдиларингми? Балки ёдларингга солиб қўйсам ҳам тан олмассизлар?!

- Ундай деманг, Стефан Аркадьевич, сизнинг яхшилигингизни ўлгуниimizча унутмаймиз! - деди Баҳром.

- Баракалла, йигит киши шундай бўлиши керак! Мард одамгина ваъдасининг удласидан чиқади.

- Қандай ваъда берган эканмиз? - қизиқиб сўради Камила.

Стефан вискидан ҳўплади.

- Бошимга мусибат тушди, дўстларим, - деди ғамгин товушда. - Аҳволим танг. Сизлар ёрдам бермасаларинг, адои тамом бўламан... - Стефан чўнтагидан нотариус тасдиқлаган қоғозни чиқарди. - Эллик миллионлик ресурраним ўтда куйиб кетади....

Камила билан Баҳром қиморбознинг мақсадини тушунишмади.

- Уни сиздан тортиб оладиган ким экан?

- Ростини айтганим билан сизлар мени тўғри тушунмайсизлар, деган хавотирдаман!

- Сиз бизга унутилмас яхшилик қилдингиз, Стефан амаки, - деди Камила унга ачиниб. - Агар ишингиз биз билан битса, жон деб кўмаклашамиз!

Стефан қизни осонгина ўз томонига оғдирганидан мамнун бўлди. Галдаги ҳужумни Баҳромга қаратиши керак эди.

- Қани энди бу ишни уддалаш биргина сенинг қўлингдан келса, қизим, афсуски... - Стефан атайин жим қолди. У қулфсознинг нима дейишини кутди. Баҳром қиморбознинг сўзларига жимгина қулоқ тутди. Туриши афт-ангоридек кўзига аянчли кўринди. Юрагининг бир четида меҳр ҳисси уйғонди.

- Тортинмай айтаверинг, Стефан Абрамович, мен ҳам қараб турмайман. Одамларингиз Камилани кутқарганида, яхшилигингизни яхшилик билан қайтаришга сўз бергандим!

- Юрагим ёниб кетаяпти. Баҳром, агар ресторан қўлдан кетса, хонумоним куяди, яқинларим ичида шарманда бўламан. - Стефан қўллари билан кўкрагини гижимлаб йиғлади. - Уни қўлга киритгунимча она сутим бўғзимга келган.

Камила бир четда унинг сўзларига жимгина қулоқ солиб турарди. Стефаннинг кўз ёшлари қалбини юмшатиб юборди.

- Агар ишингиз биз билан боғлиқ бўлса, албатта, ёрдам қиламан, Стефан Абрамович, - деди Баҳром. - Кўп эзилманг, ҳамма ишни ҳал қилсак бўлади-ку!

Стефан бошини кўтарди ва рўпарасида турган Баҳромнинг кўзларига тикилди. Унинг нигоҳларидан таклифига рози бўлишини уқиб олди.

- Мен нодонлик қилдим, ўйламай, ёмон ишга қўл уриб қўйдим, азизларим. Айтишга ҳам тилим бормаяпти... - Стефан гапини тугатолмай, яна кўз ёш тўка бошлади...

Камиланинг раҳми келди ва меҳри ийиб, шундай деди:

- Бизни туғишганларингиз қаторида кўринг!

Қизнинг гапи тилидаги қулфни ечиб ташлади:

- Мастлигимда қиморбозларга сизларнинг номларингиздан ваъда бериб юбордим.

- Ваъда? Қанақа ваъда? Нега?! - Баҳром Стефаннинг

мақсадини англаганди.

- Ҳар йили шу мамлакатда дунёнинг машҳур қиморбозлари жамланиб, катта ўйин ташкил қилишади. Уларнинг бошлиғи Педро билан портдаги ресторанда учрашиб қолдим. Кайфим бор эди. Мени шайтон йўлдан оздирдими, гап орасида сизлар Игорнинг уйидаги пўлат сандиқни қандай очганликларингни «гуллаб» қўйибман. Педро гапимга ишонмади. Қизиқ устида Питердаги ресторанимни гаровга тикиб юборибман.

- Ахир, сиз бизнинг бу ердалигимизни билмасдингиз-ку! - сўради Камила.

Стефан хатосини ўнглади:

- Игорь сизларнинг шу ердаликларингни айтганди... Энди нима қиламан? Наҳотки, эллик миллионлик ресторанимдан айрилиб қолсам - Стефан яна кўз ёш тўка бошлади.

Камила унинг олдига келди.

- Йиғламанг, Стефан амаки, сизни ноқулай аҳволда қолдирмаймиз. Бир иложи топилар, - деди овози қалтираб.

- Иложи топилар, деганинг нимаси? Ақлим етиб турибди, ресторанимдан айрилдим, уйимга ўт кетди, шарманда бўлдим. Қандай қилиб уйга қайтаман, дўстларимга, яқинларимга нима дейман? Қиморга бой бериб қўйдим, дейманми?! О, нақадар шармандалик! Бундан кўра сувга чўкиб ўлганим афзал эди...

Стефан Абрамович ёш боладай йиғларди. Камиланинг раҳми келди.

- Қандай ўйин бўлади?

- Тушунмадим? - Стефан қизга қаради.

- Қарта ўйини бўладими, демоқчиман.

Стефан қўл силтади.

- Қарта ўйини бўлганда, ресторанимни гаровга қўярмидим. Сейфни очиш учун гаров боғлаганман. Бу ўйинга машҳур қиморбозлар келишади. Ўртага пўлат сандиқ қўйилади. Ҳамманинг кўз олдига уни очиш керак.

Баҳромнинг туси ўзгарди.

- Мени кечиринг, Стефан Абрамович, бу илити-мосингизни бажара олмайман! - деди аччиқланиб.

Қиморбознинг юраги товонига тушиб кетди.

- Сени тушунмай қолдим, ахир, ҳозиргина биз билан боғлиқ иш бўлса бажарамиз, деб айтаётгандинг-ку. Энди нега ортга чекинаяпсан? - Стефаннинг зардаси қайнагани сўзларидан билинди.

- Мен қиморни назарда тутмагандим. Бундан бошқа иш бўлса, ҳаммасига тайёрман! Фақат бу ишга мени аралаштирманг!

Стефан бошини чангаллади. Ҳаво етишмаётгандек бўғилиб, дераза олдига келди. Унинг ранги ўчганди. Камиланинг раҳми келди. Баҳромга юзланди:

- Стефан амакига раҳминг келсин, ахир, у менинг ҳаётимни сақлаб қолди. Игорнинг уйида иккимиз ҳам ҳар қандай ёрдамга тайёرمىз, деб сўз бергандик.

- Камила, мен бундай ўйинларда иштирок этишни сира ҳам истамайман. Виждоним йўл қўймайди!

- Сени тушунаман. Лекин Стефан амакининг ҳам аҳволини тушун. У сен билан мени деб, мастликда ваъда бериб қўйган. Ваъда бўлганда ҳам қуруқ ваъда эмас, эллик миллионлик ресторанини тиккан. Бу ишидан пушаймон бўлаётганини ўзинг кўриб турибсан-ку! Кел, шу гал ёрдам берайлик. Ўйлайманки, Стефан амаки бундан кейин бизга ишониб ваъда бермайди. Иккимиз ҳаракат қиламиз. Зора, ўйинда қўли баланд келиб, юзи ёруғ бўлса. Шу сафар рози бўлгин!

Баҳром қадаҳдаги вискини ичиб юборди. Газак қилмай, ўрнидан турди. Бу ҳаракати билан таклифга рози бўлганини Стефан сизди. Қиморбоз қизнинг ёнига келиб, кулогига шу сўзларни айтди:

- Ўйинда омадим чопса, дунёдаги энг қимматбаҳо тақинчоқни совға қиламан...

- Ўйин қачон? - сўради қиз.

- Ўзим хабар бераман!
- Менга сандиқ ҳақида маълумот берсангиз, - деди Камила.
- Уни кўрмаганман. Сандиқни Педро исмли машҳур киморбоз олиб келади.
- Ўйин қаерда ўтади?
- Шу кеманинг ичида, - деди Стефан.
- Бу ерга фақат ўйинда иштирок этадиган одамларгина киритилади.
- Бизни ичкарига қўйишадими?
- Ахир бу ишни сизлар уддалашларинг керак-ку!
- Соҳилга қайтишганда, Стефан Игорни олиб қолди.
- Бир амаллаб кўндирдим. Қочириб юборсанг, бу ердан юртингга қайтиб кетолмайсан. Гўштинг балиқларга ем бўлади.
- Хотиржам бўлинг, Стефан Абрамович! Йигитнинг юрагида заррача ёмонлик йўқ. Сизни ҳурмат қилишадди. Иложи бўлса, сандиқни Баҳромга кўрсатсангиз яхши бўларди.
- Уни кўрганимда бу қадар ҳаяжонланмасдим. Билиб қўй, ўйинни бой берсак, бу ердан ҳеч қайсимиз соғ-саломат қайтмаймиз.
- Менинг улушим нима бўлади, Стефан Абрамович? Уларни бу ерга олиб келгунча она сутим оғзимга келди. Худо кўрсатмасин, ўртамиздаги сирдан Виктор воқиф бўлса, қирқ йиллик дўстлигимизга путур етади. Шундан хавотирдаман.
- Қўрқма, нари борса, Виктор сен билан гаплашмас. Мен ютқазсам, уйимга ўт кетади.
- Омадингизни берсин. Руҳингизни кўтаринг. Бу... менинг хизмат ҳақимни айтмадингиз?
- Ҳамманинг олдида бошингдан пул сочаман!
- Игорнинг кўзлари ёниб кетди.
- Анавиларнинг олдида қандоқ бўларкин!
- Қўрқма, Игорь, мен нима қилишни яхши биламан. Ҳозир уларнинг олдига кир, гапга сол. Бизнинг соғ-

омон юртга қайтишимиз сандиқнинг очилишига боғлиқ, деб қулоқларига қуй.

Беш давлатдан номдор қиморбозлар келишди. Улар ўзаро кенгашиб, заводдан янги пулат сандиқ сотиб олишди. Текшириб, ўрганишди. Қулфнинг мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилишди. Очқичини ҳеч кимга кўрсатишмади. Сандиқ бошқа қиморбозларга ҳам маъқул келди. Улар йигирма киши эди. Ўзлари билан катта миқдордаги пулларни ва пулнинг қийматига тенг бўлган тилла, бриллиант ва марваридларни олиб келишганди.

Абдулҳоди жаноблари қимор бўладиган куни келди. Шериклари ва ёрдамчиларининг сўзларига ишонмай, сандиқни ўз кўзи билан бир неча бор текширди. Сандиқ унга маъқул келди. Қора дипломатда ҳеч кимга маълум бўлмаган пулни ичига қўйиб, Стефанга шундай деди:

- Одамларнинг қулфни очса, шу пул мендан уларга совға!

Абдулҳодининг илтифоти қарсақлар билан олқишланди. Қиморбозлар орасида ўзини мисрликдан устунлигини билдиришни истаганлар талайгина эди. Франциядан ташриф буюрган Тереза хоним ҳаммани лол қолдирди. Бўйнидаги йигирма миллионлик олмосни ечиб, Абдулҳоди жанобларига юзланди:

- Агар қулф очилмаса, мана шу олмос сеники! - деди гердайиб ва тақинчоқни сандиқ ичига ташлади.

Мисрлик паст келишни хоҳламади.

- Матоҳингнинг нархи қанча бўлса, устига икки ҳисса қўшдим, - деб юборди.

Хоним ҳам бўш келмади. Бармоғидан бриллиант кўзли узукни ечди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси унинг қиймати-ни яхши билишарди.

- Ўйлайманки, сандиқ ичига қўйган пулнинг менинг биргина олмосимга етмаса керак, - деди киноя билан

узукни олмоснинг ёнига ташлаётиб.

Бу гап Абдулҳодига тарсаки ургандай таъсир қилди. Қорамтир ранги кўкариб кетди. Ҳамманинг нигоҳи ўзига қадалганини ҳис этиб, қўлини боши узра кўтариб, бармоқларини шақиллатди. Эшик олдида турган соқчи ёнида ҳозир бўлди. Абдулҳоди нимадир деди. У ташқарига чиқиб кетди ва хиёл ўтмай, яна бир дипломат кўтариб кирди.

- Сени ранжитмасликка ҳаракат қиламан, ойимча. Ўйлайманки, икки дипломат ичидаги пул сен тиккан тақинчоқларнинг қийматидан ортиқ бўлса ортиқлигини ўтқир зеҳнинг билан фаҳмлагандирсан!

Қочиримли ва чаённинг наштаридай заҳарли гаплар хонимга оғир ботди. Ўйинга ҳисобсиз маблағ билан келган бўлса-да, озгина шошилганини тушунди. Сандиқ ичига қўйилган буюмлари, гарчи ўйинда қўли баланд келса-да, ўзига ютуқ олиб келмаслигини яхши биларди. Тереза хонимнинг юрагида Абдулҳодидан ўч олиш, унинг тўрт бурчак тумшугини ерга ишқаб қўйиш, шу пайтгача қимор оламида ҳеч кимга сўз бермай юрган бу мақтанчоқнинг обрўсини бир пулга қиммат қилиб қўйиш истаги ёнди.

Қиморбознинг айтган ҳар бир гапи қонун. Уни бекор қилишга ва ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Уртада бўлиб ўтган кичкинагина музоқарадан сўнг ўзаро шивир-шивирлар бошланди. Бироқ бу икки қиморбозга бас келадиган одам топилмади.

Тереза хоним ўйин бошланмасдан, ҳаммани ўзига маҳлиё қилиб олганди. Шериклари унинг бугунги ўйинга алоҳида тайёргарлик кўрганини ва катта миқдорда пул билан келганини билишди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Хоним аввалги ўйинларда бир эмас, ўн маротабадан кўпроқ мағлубият аламини тортди. Бирор маротаба омади чопмади. Пулларини, қимматбаҳо тақинчоқларига қўшиб топшириб кетган. Азалдан ирим-сиримларга ишонмайдиган хоним кутилмаганда денгизда ташкил этилган ўйинга жўнашдан аввал фолбиннинг ҳузурида бўлганди.

- Сени катта бойлик кутмоқда, Тереза, мисли кўрилмаган бойлик! Сўзларимга ишон! Сен ғалаба қозонасан, сира иккиланма, омадинг чопиб турибди! - деди фолбин аёл олдига ёйиб олган қарталарга қизариб, бироз нури кетган кўзларини тикиб. - Сен қиморхонага қадам босган пайтингдаёқ омад эшиклари очилади. Тиккан пулларингга ачина кўрма!

- Қанча пул ютаман? - шошқалоқлик ила сўради Тереза фолбин аёлнинг оёқлари остида ёйилган ва моғор босганидан рақамлари хира тортиб қолган қарталарга тикилиб. Фолбиннинг гапларидан юраги худди кўксини ёриб чиққудай гурсиллаб ура бошлаганди...

Фолбин аёл кўзларини юмди, хонимнинг сўроғини жавобсиз қолдирди. Терезанинг сабри чидамади.

- Сандиқ очиладими? - такрор сўради у типирчилаб.

Фолбин аёл озиб, саксовул илдизидай қорайган, томирлари ирғиб чиққан, териси қуруқшаб-буришган қўлини боши узра кўтарди. Бу билан жим бўл, демоқчи эди. Унинг кўкариб, ёрилиб кетган қонсиз лаблари титрарди... Дақиқа сайин ажин босган, ёноқ суяклари ирғиб чиққан юзи ўзгариб, тусланиб борарди. Бирдан кампирнинг қиёфаси буришди. Кўзлари ярақлаб очилди. Терезанинг хавотирдан ўйнаб турган шўх нигоҳларига тикилиб, шивирлади:

- Сандиқнинг очилишига ҳамма ҳам ишонмайди, аммо сен ишон! Пулингни ва бойликларингни аяб ўтирма! Уйингга ҳисобсиз бойлик киради! Сен дунёдаги энг бадавлат аёл бўласан!

Фолбин бу сўзни шундай ишонч билан айтди-ки, Терезанинг шу пайтгача мағлубият ва омадсизликдан қувватсизланиб қолган юраги қувватга тўлгандек потирллаб ура бошлади. Беҳисоб пуллар, олтин ва бриллиантлар кўз ўнгидан ўтди. Қалтироқ қўллари билан бўйнидаги олтин занжирни олди ва кампирнинг чанг ва тердан моғорлаган бўйнига тақиб қўйди.

- Мен бойликларни ютиб олдингизга келгунимча

дуода бўлиб туринг, онажон!

Кувонч ва шодликдан оёғи ердан узилган аёл ташқарига чиқди ва фолбиннинг хузурига кириш учун навбат кутиб турган ўнлаб одамларнинг юрагида иштиёқ уйғотиб уйи томон илдам юриб кетди. Бу шодлик ва кувонч афсуски тезда унинг юрагини тарк этди. Калласига келган фикр қуюн янглиғ ичига зулмат олиб кирди. Оёқлари ҳолсизланди, суяклардан иборат нимжон гавдасини кўтаришга мажолсиз қолгандек қалтирай бошлади. Аввалги ўйинларда бор пулларини бой берганини, бир ойдан бери пул топиш иштиёқида тунларни бедор ўтказиб юрганини эслаб қолди. «Португалиядаги ўйинга қаердан пул топаман?», деган савол унинг оёқларига кишан янглиғ урилди. Унинг мияси айни чоғда яшин тезлигида ишлади. Судхўрнинг олди-га боришга қарор қилди. Эллик миллион пул керак? - деди судхўрга.

Бундай катта миқдордаги пул аёлнинг оғзидан «аҳволингиз яхшими?», деган билан баробар бўлди.

- Мендан қанча маблағ сўраётганингизни билаяпсизми, гўзал хоним? Ёки қулоғимга бошқача эшитилдими?

- Тўғри эшитдингиз, деган умидламан!

- Эллик миллион бу менинг бисотимдаги бор пулларим! Уларни сизга бериб юборсам уйимда пулнинг иси ҳам қолмайди. Олдимга келган одамларга нима деб жавоб бераман?

- Сизга бари бир эмасми, ахир мен фойдани тўлайман-ку!

- Бурним пулнинг ҳидини искаб турмаса, мана бу қўлларим ҳар куни уларни санаб турмаса юрагим ёрилиб ўлиб қоламан. Мени маъзур тутинг, сизга йигирма беш миллион бериб тураман! Сиз нимани гаровга қўясиз?

- Уйимни, жонимни!

- Уйингизни кўрганман, алмисоқдан қолган. Уни бир миллионга ҳам кўтармайди. Жонингиз эса менга керак

эмас, пул бўлса жон топилаверади!

- Мен ўз уйимни эмас, отамнинг уйини гаровга қўймоқчиман, - деди Тереза. У нима қилиб бўлмасин чолни ўз шартига кўндиришни ўйларди.

Судхўрга Тереза хонимнинг отаси каби у яшайдиган ҳашаматли бино ҳам яхши таниш эди.

- Бунинг учун отангизни кўндиришингизга тўғри келади...

- Ҳавотир олманг, - деди тимсоҳ терисидан ишланган сумкасидан қоғозларни олиб. - Отам уйини аллақачон менинг номимга нотариус орқали хатлаб берган.

Судхўр қоғозларни кўздан кечириб чиқди. Бир ой муддат ичида қайтариш эвазига ўттиз беш миллион пул берди.

Тереза хоним пулга қаноат қилмади. Бриллиант кўзли узук ва олмосни илк бор етмиш йил аввал ўтиб кетган мархума бувисининг руҳини чирқиллатган ҳолда темир сандиқ ичидан олди. Гарчи уларни ўйинда бой бергудек бўлса, бувисининг руҳи тинч қўймаслигини яхши биларди. Бироқ қалбида фолбин аёлнинг ишончли гаплари юрагидаги хавотирларни ва руҳига салбий таъсир ўтказувчи омилларни ҳайдаб солишга ва ундан устун келтирган-ди. Тереза бир олам орзу-истаклар оғушида Португалияга жўнаганди ва Абдулҳоди жанобларидан бироз кечикиб, ўйин бўладиган хонага ҳаммани ҳайратга солиб, бошини мағрур кўтарган ҳолда кириб келганди. Унинг ташрифини қиморбозлар қарсак билан қарши олишди.

Хоним билан Абдулҳоди ўртасида бўлиб ўтган ва ҳеч қандай тортишувларга сабаб бўлмаган ўзига хос ўйинни бошқалар жимгина томоша қилмади: Улар орасидан иккита қиморбоз ажраб чиқди. Ҳеч кимга миқдори аниқ бўлмаган дипломатларини мисрликнинг дипломати устига қўйишди. Бу билан ўзларини Абдулҳодининг тарафида эканликларини билдиришди. Араб ўз тарафига ўтган одамларни ҳамиша хуш кўрар ва ўйин давомида уларни пул ва бошқа бойликлар билан таъминлаб турарди.

Ҳозир у ўз миннатдорчилигини мийиғидаги беўхшов табассум билан изҳор қилиб қўйди.

Қиморбозлар икки гуруҳга бўлинди. Ўн тўртта қиморбоз мисрлик томонида бўлса, қолган олтиси Терезахоним тарафига ўтди. Булар орасида Стефан ҳам бор эди. Ўн олти қиморбоз томонидан тикилган пулларга олти қиморбоз бас келди. Стефандан бошқа беш қиморбоз ўта бадавлат кишилар эди. Ҳакам йиғилган пулнинг ва қимматбаҳо буюмларнинг қиймати беш юз миллион долларга тенг эканлигини маълум қилди. Баҳром билан Камила ташқарида туришарди. Ўзаро бахслар ҳал этилмагунча уларнинг ичкарига киришлари мумкин эмасди. Ниҳоят, улар ичкарига таклиф қилинди. Қулфсозларга кўзи тушган қиморбозлар ўртасида ўзаро шивир-шивирлар бошланди. Сандиқ олдидаги курсида оёқларини чалиштириб, лабига қўндирилган қимматбаҳо сигаретни тутатиб ўтирган Абдулҳоди Баҳромни кўрганда, пешанаси тиришди.

- Булар Осиёлик эмасми? - сўради шеригидан.

- Агар сиз айтгандек булар осиёлик бўлишса, Худо сизга қўш қўллаб барча бойликларни ином қилган бўлади.

Мисрлик унинг мақсадини тушунмади.

- Бу билан нима демоқчисиз, жаноб Кака?

Каканинг нам қочган ва буришган юзида кинояомуз кулгу зоҳир бўлди.

- Улар бундай сандиқларни очиш сирларини билишмайди. Фан ва техникадан йироқ халқ!

Кака беўхшов кулди. Абдулҳоди унга қўшилмади. Безовталанди.

Камила сандиқни кўриб, эси оғиб қолаёзди. У нафақат кодлаштирилган, балки компьютерлаштирилганди ҳам. Эшикнинг ўртасида кафтдек нарсаялтираб турарди. Бу электрон пулт эди. Камила пултлар ёрдамида қулфланадиган сейфларни кўрганди. Эшикни очиш, коднинг яширин рақамларини аниқлаш учун аввало ана шу ялтироқдаги яширин рақамларни топиш лозим эди.

Ҳакам қулфсозларга қулфни очиш учун ярим соат вақт

ажратилганлигини айтди. Камила иккиланиб турмади. Бармоқларини ялтироқ нарса устига қўйди. Турли-туман рангли чироқлар ўчиб-ёна бошлади. Олти кўринишдаги ранг бир хил кўринишга эга бўлгандагина коднинг очилгани маълум бўларди. Бунинг учун керакли тугмаларни топиш зарур эди. Бирданига бармоқларни қўйиб бўлмасди. Камила рангли рақамларни топиш учун эҳром шаклида ҳаракат қилиш зарурлигини эслаб қолди. Бу усул унга фойда бермади. Шахмат усулини танлади. Рангларнинг иккитаси ўчди. Қиз бармоқларини учбурчак шаклида ҳаракатлантди. Биринчи, иккинчи, учинчи ранглар ўчиб, бир хил тусга кирди. Уч дақиқада ялтироқ қипқизил тусга айланди. Бу - яширин рақамларнинг топишганлигини билдирувчи сигнал эди. Бошқалар унчалик аҳамият бермаганди. Аммо Абдулҳоди жанобларининг диққат-эътибори қизнинг чаққон ҳаракатларига қаратилганди. Ялтироқ қизил тусга кирганда, унинг кенг пенионасидан тер томчилади. Тереза хоним қўллари билан озгин иягини чангаллаб ўтирарди.

Камила ўзининг дастлабки ғалабасини ҳис этди. Энди у қулоғини пўлатга босганча бурагични оҳиста айлантди. Хонага жимжитлик чўкди. Соатнинг миллари белгиланган вақтнинг ўн бир дақиқаси ортда қолганлигини билдирарди. Қиморбозлар бундай томошани кўп бор кўришган бўлишса-да, қулфбузарлар ичида қиз боланинг бўлишидан ҳайратланишди.

Камила биринчи рақамни, кейин иккинчи ва учинчисини топди. Одатда, бундай сандиқларга тарихий воқеалар билан боғлиқ тўрт сон яширилган бўларди. Унга нечта яширин рақам қўйилганлигини айтишмаганди. Келишувга биноан буни қулфбузарнинг ўзи топиши лозим. У рақмларни терди. Аммо қулф очилмади. Бурагични айлантатиришда давом этди. Вақт ўтиб борарди. Соатнинг чиқ этган товушига вужуди билан қулоқ тутарди. Сўнгги рақамни тополмай асабийлашганидан қўллари титрарди. Ўйиннинг якунлани-

шига беш дақиқа қолганди. Баҳром ҳам тоқатсизлана бошлади. Абдулҳодининг димоғи чоғ эди. Қиз йигирма беш дақиқа уриниб, яширин рақамларни тополмадим, демак, унинг шериги беш дақиқада нима ҳам қила оларди, деб ўйларди. Тераза терга ботганди. Ичида фолбин аёлнинг шаънига тавқи лаънат тошларини отарди. Унинг сўзларига ишониб, бор-будини тикканидан, ҳаммасидан ҳам бувисидан қолган ёдгорликларни ўз ихтиёри билан сандиқ ичига солиб қўйганидан афсус ва пушаймонлар чекарди. Тарафдорлар ҳам асабийлашиб, қўлларидаги аллақачон бўшаб қолган биллур қадаҳларни худди резина тўпчадек ми-жиглашарди. Стефан музлаб қолганди. Ресторани қўлдан кетганига ишонди. Сиқилганидан, ўзини қўйгани жой тополмай хона ичида мақсадсиз юрарди. Юрагида санчиқ турди. Ниҳоят кўкрагини чангаллаб столга ўтириб қолди. Хонадаги жимжитликни гоҳ-гоҳида мисрлик қиморбозларнинг тарафкашлари томонидан уриштирилган қадаҳларнинг жарангли овози бузарди. Уларнинг юзларидаги бояги саросималикдан асар ҳам қолмаганди. Кутилмаганда Ками-ланг ортга қайтиши уларга ғалабани нақд қилиб қўйди. Бир бирларини кучоқлаб бағирларига босиш учун ўзларини зўрға босиб туришарди.

Баҳром сандиқ олдига келганда, муддатнинг тугашига уч дақиқа қолганди. Уч дақиқа... Улгурадимми?!

* * *

Роман Ильични милицияга қўнғироқ қилишга мажбур қилган нарса, бу - ўғирланган бойликларнинг алами эмас, авлоддан ўтиб келаётган қимматбаҳо қиличнинг ўз жойидан йўқолиши эди. Профессор уни ўн йил аввал, уйига ҳеч қачон ўғри кирмаслигига қаттиқ ишонган бир пайтда меҳробга илиб қўйганди. Бундан эллик йил аввал ҳам, (ўшанда профессор бу буюмни ўз яқин дўстларига

ошкора кўрсатишга жазм қилган эди) ҳозир ҳам қиличга кўп ишқибозлар чиққан, катта пулларни, дала ҳовлиларни, хорижнинг энг қимматбаҳо машиналарини инъом қилишмоқчи бўлишганди. Роман Ильич ёдгорликни ҳеч нарсага алмашмаслигини ошкора айтган. Ҳозир ҳам ўша танишлари гоҳ унутиб, гоҳ атайлаб суҳбат асносида қилич ҳақида гап очилса, сотиб олишларига шама қилиб қўйишарди. Роман Ильич буюмнинг қимматбаҳолигини яхши билгани учун эмас, инчунин, бирор бир сурати ҳам қолмаган бобосининг нафаси келиб тургани учун сотишни истамасди. Зеро, унинг қайси авлоддан эканлигини билдириб тургувчи зурриёдлари эгалламаган, ҳатто, ўзларининг темирчилар авлодидан тарқаганларини эшитса, лабларига учуқ чиқадиган фарзандларига мерос қолдиршни истарди. Харидорлар таклиф қилган пуллар, бойликлардан мана шу истак устун турарди ва бу устунлик билан профессор ғурурланиб ҳам кўярди. Ўша нарса жойида йўқ эди. У ёшга тўлган кўзлари билан деворни тешиб юборгудек қараса-да, излаган ва ҳаётининг энг азиз ва қадрли нарсасига айланган қилични тополмасди. У турадиган жой худди мустар юраги мисоли бўм-бўш, ҳувиллаган эди.

- Наҳотки, ўғирлаб кетишган бўлса?

Роман Ильичнинг дилидан кечган ўй унинг андак кўкарган, қуруқшаб қолган, асабий титраётган лаблари орасидан хуштак мисоли чийиллаб чиқди.

Бу сўз унинг ўй-фикри устидан ўқилган ҳукмдек қариянинг руҳиятига жиддий таъсир қилди ҳамда оёқ-қўлидаги мадорни куришиб, тиз чўктиришга мажбур қилди. Атрофда сочилиб ётган буюмлар, шкафдаги ғойиб бўлган олтин суви юритилган қадаҳлар, турли мамлакатлардан олиб келган ва ўзича бебаҳо деб ҳисоблаб юрган идишлар Роман Ильичнинг эътиборини тортмади.

Гарчи ўғрилар (профессор уларни кўпчилик, деб ўйларди) уйдан анчагина буюмни олиб чиқиб кетишган бўлса-да, Роман Ильич учун қиличнинг олдида уларнинг қий-

мати сариқ чақалик аҳамиятга эга эмасди. Унинг фикрича, буюмларни топса бўларди, бир-икки йил ишлаб, пул орттирса, ўрнига келади. Лекин бобосидан қолган ёдгорликни қайдан топади?! Унинг ўрнини на пул билан, на юпанч билан қоплаш мумкин.

Ўн дақиқалар ўтиб Роман Ильич ўзига келди. Бу ишни шундай қолдириб бўлмайди, деб ўйлади. Бобосининг иси келиб турган қилични ўғриларнинг қўлида қолдирмасликка қарор қилди. Уйига бегона одам кирмаган, танишбилишларининг иши. Профессор телефон олдига келди, аммо гўшакка узатилган қўли ҳавода муаллақ қолди. Зулфизарнинг сўзлари айна дамда қулоғи остида жаранглади. Уйига ўғри кирганини у қаердан билди? Нега Коллнинг эртанги самолётда училини бекор қилмоқчи бўлаяпти?

Зулфизар ҳар икки воқеа хусусида худди кўриб, билиб тургандай ишонч билан гапирди. Қизнинг сўзлари Роман Ильичнинг кулгисини қистаганди. Ҳатто, руҳиятида ўзгаришлар бўлмадимикин, деган шубҳага ҳам боргани рост. Демак, уйини ўғри талаганини билар экан, балки ўғрининг кимлигини ҳам айтар... Ҳеч бўлмаса, ташқи қиёфасини тасвирлаб берар, деган фикр профессорнинг юрагидаги ғамни аритгандек бўлди.

Милиция келди. Йўқолган буюмларнинг рўйхатини олишди. Роман Ильич улардан фақат ўзи учун ҳаётидан азиз бўлган қиличини топиб беришларини қаттиқ илтимос қилди. Олиб кетилган пул ва қимматбаҳо буюмлардан воз кечишини айтди.

- Гумонингиз борми? - сўради қидирув бўлимининг бошлиғи, сариқдан келган, узун бўйли капитан тақир бошини сезилар-сезилмас титраётган қўллари билан чангаллаб, кўзларини ерга қадаб ўтирган профессорнинг ёнига ўтириб.

- Кимдан ҳам шубҳаланардим, гумонсирайдиган одамим бўлганда, аллақачон ўзим ёнига борган бўлардим, - деди Роман Ильич бош чайқаб.

- Яқин кунларда уйингизга кимлар меҳмонга келганди? Улар ичида қиличга қизиққанлари бўлганмиди?

Профессор бошини кўтарди. Кўзларини капитаннинг уйқусизликдан сарғайиб ва буришиб кетган узунчоқ юзига тикди. Яшин тезлигида хаёлидан барча танишбилишлари ўтар экан:

- Хонамга ҳаммани ҳам киритавермайман, уларни меҳмонхонада кутиб, ўша ердан кузатаман, - дея жавоб килди.

- Қилични сотиш тўғрисида ёки уни сиздан сотиб олмоқчи бўлган танишларингиз бўлганми?

Профессор аччиқланди:

- Устимдан кулманг, капитан!

- Ишимиз шундай, - деди изқувар қариянинг сўзларига парво қилмай. - Сиз учун бачкана туюлган саволларимиз жиноятчининг шахсини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Мени тушунишингизни хоҳлардим.

Роман Ильич қанчалик аччиқланмасин, ўзини қўлга олишга, унинг саволларига тўлиқ жавоб беришга куч топди:

- Бир йилдан бери қилични бировга кўрсатмаганман ва ўз навбатида, ҳеч ким уни мендан сўрамаганига сизни ишонтираман.

- Олдин харидор бўлган танишларингизнинг исм-шарифини ва қаерда яшашларини айтсангиз?

- Афсуски, айтолмайман...

- Нега?

- Уларнинг иккиси ҳам биз яшаётган дунёни тарк этишган.

Қидирув бўлимининг бошлиғи профессордан аниқ бир маълумот ололмади. Эшитганларини ён дафтарчасига қайд қилиб қўйди, холос. Ўзининг телефон рақамларини қолдириб, хайрлашди.

- Биз қидирувни бошлаймиз, бирор гап ёки воқеа ёдингизга тушиб қолса, бизни хабардор қиларсиз, деган умиддаман.

Профессор ишхонасига қайтиши лозим эди. Уни ўнлаб беморлар кутарди. Уларнинг ичида янги келганлар, аҳволи оғирлари ҳам бор эди. Ҳаммасидан ҳам Зулфизар билан учрашиш фикри уни тинч қўймасди. Эшикка қулф солди-ю, калитни айлантиришга келганда ўйланиб қолди: «қулф ҳимоя қиладиган нарсаларни «эга»лари олиб чиқиб кетишди, энди қулф солишнинг ҳожати борми?!» Профессор эшикни ёпди-ю, ишга жўнаб кетди.

Колл Холмурод ака билан гаплашди. Зулфизарнинг тезда соғайиб кетишини фақат унинг дори-дармонлари эмас, балки беморнинг иродаси, матонати, қолаверса, яшашга бўлган интилиши муҳим рол ўйнаганлигини айтди.

- Энди бизга жавоб берсангиз, уйимизга кетсак, - сўради Холмурод ака.

- Албатта, эртага жавоб берамиз.

Холмурод ака қизининг Колл билан Роман Ильичга айтган гапларидан огоҳ ва бундан хижолатда эди.

- Қизимнинг гапларидан хафа бўлманг. Бетоб одам, қолаверса, кўпдан ҳушини йўқотиб, гапиролмай юрган. Балки кўзига кўринган ёки тушига кирган нарсаларни сизга айтгандир.

- Узр сўрашингизнинг ҳожати йўқ, тушунаман. Бош мия билан боғлиқ асоратлар натижасида беморларда шундай ҳолат юзага келиб туради. Улар тушларида кўрган нарсаларни худди ўнгида кўргандай тасаввур қилишади. Айримлар борки, ўзларини башоратчи, фолбин, деб аташади. Ҳатто, дунёнинг қачондир остин-устун бўлиб кетишини, қаерладир ер қимирлашини, қайсидир мамлакатда тўфон кўтарилишидан бонг уришади. Улар айтган ва олдиндан белгилаган кунда эса, ҳеч нарсa рўй бермайди. Масалан, қизингиз менга эртага самолётда учманг, деди. Роман Ильичга эса «зудлик билан уйингизга боринг», деди. Ташқаридан қараганда кулгули ҳол, шундай эмасми?

- Буни сизлар мендан кўра яхшироқ биласизлар, профессор!

- Руҳшунослар бундай башоратчиларни юз йилдан бери текширади. Уларнинг руҳий ҳолатини ўрганади. Ажабки, уларнинг ҳаммасида ҳам бундай ҳолат бош мия билан боғлиқ касалликлардан сўнг юзага келгани аён бўлади. Шу нуқтаи назардан тиббиёт инсоннинг олдиндан башорат қилишига унчалик ҳам ишонмайди. Бу ўткинчи нарса. Шундай экан, Зулфизардан ранжишга бизда асос йўқ!

Холмурод ака қайта-қайта узр сўраб, чиқиб кетди.

Роман Ильич ишхонасига кириб келганда Колл уни ташвишли чехрасини кўриб хайрон бўлди.

- Нега рангингда қон йўқ, тобинг қочдими? - сўради у.

Профессор уйини ўғрилар талаганлигини гапириб берди.

- Кўп нарсангни ўғирлашибдими? - хайратланди Колл.

Роман Ильич қилич тўғрисида гапиришни хоҳламади. Шунчаки оддий буюмларимни олиб чиқиб кетишибди, деди-ю, бироқ юзида руҳий изтироблар қолдирган изларни яширолмади.

- Мен бир нарсага хайронман, - деди Колл. - Уйингга ўғри тушганини бемор қиз қаердан била қолдийкин?

- Мен ҳам шунга хайронман, - профессор бош чайқади.

- Худди кўриб тургандай гапирди...

- Мен эса унга шубҳа билан қарагандим ва ҳатто, ҳозиргина отасига бу ўткинчи, бош мия билан боғлиқ касаллик асоратлари деб таскин бергандим.

- Тиббиётда сен ва мен кашф этмаган тилсимлар талайгина. Баъзан биз кутмаган ва ишонмаган ҳолатлар содир бўлади. Улишига кўзинг етиб турган бемор соғайиб, оёққа туриб кетади ва у бошқаларга қараганда кўпроқ яшайди. Зулфизарнинг гапиришига ҳам ишонмагандим.

- Ҳақсан, аммо мени бошқа муаммо ўйлантирмоқда. Бемор қандай қилиб уйингга ўғри тушганини билди? Худди ўғриларни кўриб тургандай гапирди, сени уйга

боришга шошилтирди. Бу экстрасенсликми ёки телепатиянинг бир кўринишими?

- Шундай бўлиши мумкин. Назаримда, у сени ҳам қандайдир хавфдан қутқарадигандек.

- Одамнинг ишонгиси келмайди.

- Ишонмаётган бўлсанг, учиб кўр!

Колл жилмайди:

- Ҳали қилолмаган ишларим учун яшашим керак!

- Унда рейсни кейинга қолдирарсан?

- Қўрқаяпти, деб ўйламагину, тажриба учун қолмоқчиман.

- Назаримда, бемор дилига келган гапни айтган бўлиши, унинг тахминлари шунчаки тасодиф бўлиши ҳам мумкин. Сен йўлингдан қолма! Бусиз икки кун қолиб кетдинг!

- Юрагим безовта, - очикчасига тан олди Колл. - Эртанги рейсни бекор қиламан, оёғим тортмай турибди. Синаб кўрайлик, агар Зулфизарнинг гаплари ҳақиқат бўлиб чиқса...

- Ҳақиқат бўлиб чиқса, биласанми, Колл, қанчадан-қанча одамлар нобуд бўлади.

- Ахир, бизнинг қўлимизда самолётнинг учишини бекор қилишга асос йўқ-ку! Ҳозирча булар шунчаки эксперимент. Агар беморнинг гапи ҳақ бўлиб чиқса, бу фандаги жаҳоншумул янгилик бўлади.

- Демак, инсониятнинг тиббиётга маълум бўлмаган қирралари кашф этиларкан-да?

- Мен қизнинг отасига эртага кетишларини айтдим. Ахир, биз ўз ишимизни бажариб бўлдик!

Колл аэропортга қўнғироқ қилиб, чиптасини кейинги рейсга ўтказиб қўйишларини илтимос қилди.

Роман Ильичнинг ўзи истамаса-да, оёғи Зулфизарнинг хонасига судради. Йўқолган қилич ҳамон юрагини ўртарди. Уни ўғрининг қўлида қолиб кетишини сира истамасди. Ягона умиди қиздан эди. Унинг олдида ўтирди. Бу пайтда каравот устига ўтириб олган бемор кўзла-

рини юмганча чуқур ўйга толганди. Лаблари тинимсиз пичирлар, айрим сўзларни овоз чиқариб айтиб юборарди. Зулфизар Баҳромни ўйларди. Денгиздаги кема ичида, пўлат сандиқ олдида турган йигитни худди кўриб тургандек эди. Рақамлар учта эмас, улар алдашган. Сонлар олтита. Жуфтлик сонлар 4-8-6-2-2-8. Унутма, сонлар жуфтлик!

Қиз олдида Роман Ильич келиб ўтирганини билса-да, ўн дақиқача кўзларини юмиб, сонларни такрорлаб ўтирди. Кейин бирдан кўзларини очди. Юзи фақат ўзига аён бўлган қувончдан ёришиб кетганди.

- Гапинг ҳақ бўлиб чиқди, - деди қизга. - Лаънати ўғрилар бобомнинг ноёб қиличини ўғирлаб кетишибди.

- Топилади! - қисқа жавоб қилди қиз.

- Қачон? Унгача адои тамом бўламан. Топилмаса, биласанми, мен авлодларимнинг тавқи лаънатига учрайман. Милицияга хабар қилдим, улар излашяпти, гумонингиз кимдан деб сўрашди. Бировдан шубҳа қилолмайман.

- Истасангиз, унинг қиёфасини айтиб бераман!

- Ҳазиллашма!

- Уйингизни ўғрилар талайпти, деганимда ҳам ҳазиллашма девдингиз.

- Улар кўпчиликми?

- Йўқ, бир аёл.

- Аёл?! - таажжубланди Роман Ильич. Ва кўз олдида ўзининг барча танишларини келтирди. Аммо уларнинг бирортасидан шубҳаланишига асос тополмади.

- Шу ерда адашдинг, қизим. Аёл киши менинг уйимга киролмайди.

- Сиз шундай ўйлайсиз. Аслида аёл зотидан эҳтиёт бўлиш керак. Унинг қўлидан эркалар бажаролмайдиган антиқа ишлар келади.

Профессор ўйланиб қолди. Юрагининг четидан қизнинг сўзларига ишон, деган нидо келди.

- У узоққа кетиб қолмадимикин?

- Сизнинг уйингиз атрофида яшайди.

Профессорнинг қизиқиши ортди. Йўқотган нарсаси худди топилиб қоладигандек туюлди.

- Мен уни танийманми?

- Танийсиз...

- Қиличим топиладими?

- Албатта!

Роман Ильич хонасига қайтди. Милицияга қўнғироқ қилди. Қидирув бўлимининг бошлиғи бир кўтарим суратларни олиб, етиб келди. Зулфизар машҳур ўғри, киссавурларнинг суратлари орасидан Роман Ильичнинг хонасини тунаб кетган аёлни тополмади.

- Ахир, мен ашаддий ўғриларни қамаб қўйдим, - деди изқувар.

- Уларни қўйиб юборинг, бу ишга алоқаси йўқ. Қолаверса, ўғри аёл киши.

- Унда бизга ўша ўғрини топиб бер!

Бемор бу саволни эшитмагандек профессорга юзланди.

- Менга қалам билан қоғоз беролмайсизми?

Роман Ильич қиз сўраган нарсаларни берди. Зулфизар қоғозга аёл кишининг суратини чиза бошлади.

- Унчалик ўхшатолмадим, аммо танийсиз, - деди расмни профессорга узатиб. Роман Ильич тасвирдаги одамга тикилиб турди. Кейин:

- Ахир, бу Зинаида Михайловна-ку, - деб юборди. - Бу аёл оиламизнинг энг яқин одами. Ундан гумонсирашга ҳаққим йўқ. Ўттиз беш йиллик қадрдонмиз. Бўлиши мумкин эмас!..

Изқувар расмни қўлига олди. Ўткир нигоҳларини унга тикиб сўради:

- Шериклари борми?

- Йўқ, унинг бир ўзи уйга кирган, қимматбаҳо буюмларга қўшиб қилични ҳам олиб чиқиб кетган.

- Қилични қаерга яширган бўлиши мумкин?

Қиз кўзларини юмди. Кўриб тургандек гапида давом этди.

- Қилич ертўлада! - деди анчадан кейин.

Изқувар ўрнидан турди. Профессор унинг йўлини тўсди.

- Ўша матоҳ топилмаса топилмасин, сиз уни асло безовта қила кўрманг. Сиздан ўтиниб сўрайман, Зинаида Михайловна шубҳаланганимни билса, орамизга совуқчилик тушади, - деди ялинчоқ оҳангда.

- Унда бизга берган аризангизни қайтариб олинг!

Роман Ильич нима дейишни билмай қолди. Изқувар чиқиб кетди. Ходимларини олиб, Зинаида Михайловна-никига жўнади. Михайловна кутилмаган меҳмонларни кўриб, ранги докадай оқарди. Уларнинг нима мақсадда келганини сезган бўлса-да, сўради:

- Сизларга ким керак?

- Зинаида Михайловна сизми?

- Шундай. Хўш, менда нима ишларинг бор?

- Бизга ертўлангизни кўрсатсангиз!

- Сизлар кимсизлар? Нега келдиларинг?

Изқувар ён чўнтагидан гувоҳномасини олиб кўрсатди.

- Биз милицияданмиз! Рухсат берсангиз, ертўлангизни кўздан кечирсак!

- Ертўламни кўмиб ташлаганимга ўн йил бўлди, - аёл ўзининг ёлғон гапирганини сездириб қўйди. - Ичкарига киришга прокурорнинг рухсати борми?

Зинаида Михайловна эшикни беркитиб қўйди. Изқувар унинг шошиб уй ичига кетаётганини билди. Шерикларига юзланди. Ходимларидан бири унинг елкасига чиқиб, тахта девордан ошиб ўтди. Эшикни очди. Капитан ичкарига кирди. Аммо Зинаида Михайловнани тополмади. У қаёққадир ғойиб бўлганди. Изқуварлар ҳамма томонни кўздан кечиришди. Кейин ертўлани излашди. Капитан ҳийла ишлатишни ўйлади.

- Қани, Саша, кетдик, бошлиқ соат ўнга йиғилиш чақирган, бошқа пайт келармиз, - деди баланд овозда.

Хонадан чиқиб кетишди. Эшик олдида бориб оёқ учида қайтиб келишди. Товуш чиқармай, четроқда писиб ўтиришди. Ун дақиқалар ўтиб, эшик очилди. Зинаида Михайловна

ичкаридан чиқиб келди. Изқувар унга кўриниш берди.

- Сизни йўқотиб қўйгандик, - деди унга. - Қаранг, уй ичида экансиз-а! - кинояомуз кулди изқувар.

Зинаида Михайловнанинг юзи лавлагидай қизариб кетди. У ўзининг қўлга тушганини, эътирозлари ўринсиз эканлигини тушунди. Капитан ичкари кирди. Атрофга аланглади, кўзи гижимланиб қолган гиламга тушди. Изқувар уни кўтарди. Ер остига олиб тушадиган йўлак кўринди.

- Биз излаб келган нарсани ўзингиз олиб чиқарсиз, Зинаида Михайловна, - деди унга қараб.

Аёл нима дейишни билмасди, изқуварга тумтайиб қаради. Капитан ёрдамчисига юзини бурди. У пастга тушди. Қоронғида ялтираб турган қилични топиш қийин кечмади. Изқувар қизнинг башоратига унчалик ишонмаганди. Бу ерга таваккал қилиб келганди. Аёлнинг туриши капитанни шубҳалантирганди-ю, бироқ унинг кулбасидан қиличнинг осонгина топилишини ўйламаганди. Ёрдамчиси қилични олиб чиққанда, у ҳайратдан қотиб қолди. Беморнинг башорати тўғри чиққанига ишонгиси келмасди.

Қиличнинг топилиши Коллни баттар ажаблантирди. Аэропортга кўнғироқ қилиб, ўзи учиши мумкин бўлган самолётнинг парвози тўғрисида сўраб-суриштирди. У ердан ташвишли хабарни эшитди. Самолёт террорчилар томонидан қўлга олинганлигини, Африка давлатларидан бирига олиб қочилганлигини айтишди.

* * *

Баҳром сандиқ олдида келди. Бутун диққатини жамлаб қўлга тикилди. У ҳамма нарсани унутганди. Шунда бирдан Зулфизарни эслади. Кўз ўнгида унинг юзлари гавдаланди. У худди ёнида тургандек қулоқларига шивирлади. «Жуфт сонлар. Улар учта эмас, олтита. 4-8-6-2-2-8». Баҳром рақамли бурагичларни айлантирди. Ҳакам соати-

га қараб турарди. Саноқли сониялардан кейин у муддат туганини айтиши лозим эди. Ҳамма унга тикилганди. Кўзларда умидсизлик чақнарди. Абдулҳодининг шериклари ўринларидан туриб, бир-бирларини бағирларига босишиб кетишди. Тереза хоним адои тамом бўлганди. Бошидан ақли ҳуши учиб, турган жойида ҳайкалдек қотиб турарди. Баҳром керакли рақамларни бурагач эшикнинг тутқичидан ушлаб тортди. У очилди. Қиморбозлар анграйиб, нафаслари ичларига тушиб кетди.

Стефан Абрамович бошини кўтариб очиқ турган сандиқни кўриб қичқириб юборди. Терезахоним йиғлаб юборди. Баҳромни кучоқлаб, пешанасидан ўпди. Сандиқ ичидан олмосни олиб, Камиланинг бўйнига тақиб қўйди. Абдулҳоди ҳеч нарсани идрок этолмасди. Бу унинг биринчи ва энг катта мағлубияти эди. Ўттиз миллионни бой берганди. Ҳозир унинг қулоғига хонадаги шовқин-сурон ҳам кирмасди. Фақат бир нарсани, бундан ўттиз йиллар аввал бобосининг айтган гапларини эсларди. «қиморбозлар пири», деб тан олинган Хайруллоҳ унга қандайдир сирли калитлар ҳақида гапирганди. Бобосининг узук-юлуқ гапларидан маълум бўлишича, шундай бир тилсимли очқич ихтиро қилинган-ки, у билан исталган қулфларни очиш мумкин бўлган. Калитнинг сири шунда бўлган-ки, у резинадай юмшоқ, эгилувчан ва қисқарувчан бўлган. Бобоси айтган сирли калит шу эмасми? Наҳотки, шу очқич осиелик шу йигитнинг қўлида бўлса?

Абдулҳоди бирдан ҳушёр тортди. Ҳамманинг кўзи ўзига қадалганини кўриб, аламдан буришган юзига зўраки табассум ёйилди. У ташқарига чиқди. Қоронғи тушиб қолганди. Денгизнинг салқин эпкини телба бошини қаерга уришни билмай изғирди. Абдулҳодининг кўзи ўзидан бир неча қадам нарида турган Игорга тушди. У Стефаннинг одами эканлигини, Баҳром билан бирга юрганини биларди. Унинг олдига келди.

- Қулфсоз йигит менга керак, - деди унинг қулоғига

сигаретанинг бадбўй иси аниқиб турган бесўнақай оғзини яқинлаштириб.

- У бизга ҳам керак. - Игорь мисрликнинг мақсадига тушунди. - Аниқроқ айтсам, у бизнинг тирик булогимиз!

- У билан учрашишни истайман, - Абдулҳоди ўз мақсадига етиш учун йўл ахтарди.

- Бу иш қўлимдан келмайди, - совуқдан жунжиккан елкаларини озгин гавдаси ичига тортиб, деди Игорь.

Абдулҳоди кўзлари ўйнаб, ҳар бир сўздан таъмагирлик иси келиб турган йигитнинг муддаосини тушунгандек эди. Кўнглига йўл топадиган кўча излади.

- У ҳақда маълумот бер!

Игорь мисрликнинг катта-катта кўзларига термулди. Сирли жилмайди. Абдулҳоди табассумнинг маъносини тушунди. Билагидаги тилла соатни ечиб, узатди. Игорь уни кафтида салмоқлаб кўрди.

- Қиймати юз минг доллар, қадимги тилладан ишланган! - деди мисрлик.

- Сиз оладиган ахборотнинг қиймати бундан кам эмас, жаноб!

- Айт, камлик қилса, қарздор бўлиб қолмайман!

Игорь Баҳром тўғрисида билганларини, кўрганларини ҳикоялади. Абдулҳодининг қошлари гоҳида чимирилди, гоҳида юзи жиддийлашди. Тинглаганлари афсонага ўхшарди. Йигит шахс сифатида эмас, инчунин, сирли тилсим сифатида гавдаланди. Абдулҳоди ичкарига қайтди. Соқчисини чорлади.

- Катерни тайёрла! - деди, кейин паст товушда нимадир қўшимча қилди. Соқчи бош ирғади-да, ташқарига чиқди. Беш дақиқалар ўтиб, изига қайтди. Бу пайтда хурсандчилигидан кўзлари ёшланган Стефан меҳмонларни қўшни хонага - зиёфатга таклиф қиларди.

Стал шоҳона безатилиб, ноёб ва тансиқ таомлар, камёб ичимликлар терилганди. Барча дастурхон атрофига йиғилди. Қадаҳлар ичимликларга тўлди. Игорь Стефанининг атрофида гирдикапалак эди. Билагидаги олтин соат кўри-

ниб турарди. Камила ҳам меҳмонхонада эди. Бир четда бўйнидаги олмосни томоша қиларди. Виктор кўп ичганидан кайфи ошиб, қандайдир қўшиқни хиргойи қилиб, бировга қўшилмай, бир ўзи ўтирарди. Хизматкор Баҳромни соҳибжамол қизнинг ёнига ўтқазди.

- Нега хомушсиз? - рус тилида сўради қиз. - Бирор ким хафа қилдими?

- Аксинча, жуда хурсандман, - жавоб қилди йигит.

Қиз қадаҳларга виски қуйди.

- Сизнинг соғлигингиз учун! - у қадаҳнинг бирини Баҳромга узатди.

- Раҳмат, ичмайман!

- Ишонмайман! - дурдай тишларини кўрсатиб жилмайди қиз. Бу табассум унинг кулча юзига янада чирой бахш этди. «Одамнинг кўзи шу қадар чиройли бўладими?» деган фикр йигитнинг кўнглидан ўтди.

- Ишонишингиз учун ичишим зарурми?

- Бошим осмонга етарди. Сиздек йигит билан қадаҳ уриштиришнинг ўзи топилмас бахт!

- Ошириб юбордингиз!

- Мард йигитларни яхши кўраман!

- Кўзингиз чиройли экан.

- Фақат кўзимми?..

Баҳромнинг тили айланмай қолди. Уни хижолатдан қизнинг ўзи олиб чиқди.

- Хаёлингиз паришон, нима ҳақда ўйлаётганингизни айтиб беришим мумкин.

- Кўнглимдан нималар кечаётганини айтолмайсиз, - йигит айна дамда хаёли олисларга кетганини, Зулфизар тўғрисида ўйлаётганини фариштасифат бу хурлиқо қайдан ҳам билсин, деб ўйлади.

- Айтсам ичасизми?

Йигит суҳбатдошининг кулиб турган шўх кўзларига тикилиб:

- Айтинг! - деди.

- Ҳозир ўз уйингизни, хасталикка чалинган севгилин-

гизни ўйлаяпсиз. Унинг соғлигидан ташвишдасиз.

Баҳром гавдасини қиз томон бурди.

- Фолбин эмасмисиз? - сўради.

Қиз йигитнинг қўллари устига оппоқ, момиқ кафтини босди. Ширин жилмайди.

- Топдингиз, - деди қўзлари ёниб.

Йигитнинг юраги потирлади, қизиқиши ўйғонди.

- Айтинг-чи, у ҳозир тузукми?

Қиз қўлига қадаҳни олди.

- Йигитнинг сўзи битта бўлади!

Баҳром қадаҳни олиб уриштирди. Жаранглаган овоз ҳар икковларининг қулоғига сеҳрли товушдай ёқимли эшитилди.

- Қўлингизни беринг!

Баҳром қўлини узатди. Қиз кафтдаги чизиқларга қарали.

- Бечора, кўп азоб чекибди, оёқ-қўллари ишламай ётиб қолибди. Гапим тўғрими? - йигитнинг жавдираган қўзларига тикилиб сўради қиз.

- Худди кўриб тургандай гапираяпсиз!

Қиз яна қадаҳларга виски қўйди.

- Операциядан чиққанига ўн кун бўлди. Машҳур аёллардан бири унга ёрдам берган. Ҳозир оёқ-қўллари ишлаяпти. Сиз уни кўргани олдига боргансиз. Гапим тўғрими?

- Мен фолбинларга ишонмасдим. Ҳайратда қолдирдингиз! Айтинг-чи, у аввалгидек юриб кетадими?

- Бу сизни қизиқтирадими?

- Уни севаман!

- Агар севгилингизнинг тузалиб кетишини истасангиз, шу қадаҳни унинг соғлиги учун кўтаринг. Саволингизга кейин жавоб бераман!

Баҳром истар-истамас қадаҳни қўлига олди. Зулфизарнинг тақдирини билиш учун вискини ичиб юборди. Ичи қизиди. Фолбиннинг сузилган мастона қўзларига тикилиб, яна сўради:

- Саволимга жавоб бермадингиз.

- Юриб кетади, аммо - фолбин жим қолди. Баҳром-

нинг юзи ўзгарди.

- Нима, аммо? Юрагимни титратмай айта қолинг!

- Келинг, бу тўғрида ташқарида, очиқ ҳавода гаплашайлик!

Қиз ўрнидан туриб, қўлини йигитга узатди. Баҳром унинг нафис бармоқларидан тутди. Биргаликда ташқарига чиқишди. Қоронғи тушиб, осмонни булут тўсганидан ой кўринмасди. Сув юзидан иссиқ буғ кўтариларди. Қиз кеманинг олдинги қисмига ўтди. Темир тўсиқни ушлаб, сувга боқди. Шамол кўйлагининг баридан тортқилаб ўйнарди. Баданига ёпиштириб, хушсурат қоматини кўз-кўз қиларди.

Қиз олисларга боқиб турса-да, шундоқ ортида Баҳром турганини ҳис этар, унинг янада яқин келишини кутарди. Бироқ у яқин келмади. Шунда қиз ортига ўтирилди. Икки қўлини ёйиб, Баҳромни ўзига чорлади.

- Яқинроқ кел, арслоним! Бошингни кўксимга бос!

Жодуланган Баҳромнинг кўзлари тинди, боши айланди. Ҳеч нарсани ҳис этмади. Ўзига чорлаб турган қучоқ томон одим ташлади. Қиз уни бағрига олди. Кема чайқалди.

Баҳром юзига қизнинг қайноқ лаблари ёпишганда бирдан ҳушёр тортди. Қучоғидан ўзини тортди. Кемага боғланган катер ичида икки йигит кўринди.

Виктор Баҳромни нотаниш қиз ташқарига олиб чиқиб кетганини кўриб қолганди. Ўрнидан туриб палубага чиқаётганида кимдир йўлини тўсди.

- Ташқари совуқ, шамол эсаяпти! - деди. - Илтимос, иссиқроқ кийиниб олсангиз!

- Меҳрибончилигингиз учун ташаккур! - Виктор унинг қўлини силтаб ташлади.

Нотаниш кимса яна йўлга кўндаланг турди.

- Ҳеч бўлмаса, менинг костюмимни кийиб олинг! - у эгнидаги кийимини еча бошлади. Виктор уни силтаб, бир томонга суриб ташлади-да, ўтиб кетди.

Катердаги йигитлар ёғоч кўприк ташлашди. Палуба-

нинг бош қисмида нотаниш икки одам турарди. Қоронғида уларнинг афт-ангорини кўриб бўлмасди. Катердагилар ёғоч кўприкдан ўтиб, Баҳром томон юришди. Бирининг кўлида қоп, иккинчисининг кўлида ярим қулоч темир бор эди. Масофа икки қадам қолганда, Виктор ичкаридан чиқди. Нотаниш кимсаларнинг нияти ёмонлигини кўнгли сезди.

- Баҳром! - овозининг борича қичқирди Виктор.

Катердан чиққан одамлардан бири кўлидаги темирни боши узра кўтариб, Баҳром томон ташланди. Йигит Викторнинг овозини эшитиб, орқага ўгирилганда буни кўриб қолди. Бошини эгишга зўрға улгурди. Темир ҳавода визиллаган овоз чиқариб қулфсознинг устидан ўтиб кетди. Нотаниш кимсаларга қўшилиб фолбин қиз ҳам қочиб кетди. Виктор Баҳромни ичкарига бошлади. Стефаннинг олдига боришди.

- Кетамиз, - деди Виктор унинг қулоғига.

- Нима гап, тинчликми? - Стефан ҳушёр тортди.

Ҳозир ташқаридаги воқеани тушунтириб ўтиришнинг мавриди эмасди.

- Иш чатоқ, кетмасак, ҳамма бойликларингдан ажраб қолишинг мумкин!

Стефаннинг юрагига ғул-ғула тушди. Ўрнидан турди. Игорь уларга эргашди.

- Ҳаётимиз хавф остида, - деди Виктор ташқарига чиқишгандан кейин. - Абдулҳодининг одамлари изимизга тушган!

- Буни қаердан била қолдинг? - Стефаннинг ишонгиси келмади.

- Баҳромга ташланишди. Аранг қутқариб қолдим.

Туман қуюқлашганди. Уч-тўрт қадам нари кўринмасди. Ҳаммалари Яхтага чиқишди. Стефан рулни бошқариб борарди.

- Мўлжални тўғри ол, тагин адашиб қолмайлик, - деди Виктор унинг олдига келиб.

- Соҳилдан узоқ эмасмиз, - деди Стефан. - Наридан борса

ярим соатлик масофа, қайдан келганимизни яхши биламан.

Игорнинг кайфи ошганди. Виктор билан Камила ўзаро суҳбатлашиб ўтиришарди. Баҳром безовта эди. Фолбин ёл унинг ўтмишини қаердан билди? Ким унга бу маълумотларни берди? Стефан оғзидан гуллаб қўймадимикин? Баҳромнинг кўзи мудраб ўтирган Игорга тушди. Унинг билагидаги тилла соат эътиборини тортди. Бир неча кун бирга бўлиб, қўлида бундай соатни кўрмаганди. Қаердан олган бўлиши мумкин?

Стефан рулни ташлаб, ичкарига кирди. Ютиб олган пулларини, тилла, бриллиант ва олмос тақинчоқларни стол устига ёйиб, ҳисоблай бошлади. Тақинчоқлар кўзни қамаштирарди. Шамол кучайиб, довулга айланди. Яхта чайқалиб кетди. Игорь кўзларини очди. Бойликлар хаёлини олди.

- Санашиб юборайми, Стефан? - сўради у қиморбоздан.

Стефан унга хўмрайиб қаради, Игорнинг нафаси ичига тушиб кетаёзди.

- Ташқарига чиқ, рулни бошқар, - буюрди Стефан.

- Умримда кема ҳайдамаган бўлсам, қандай бошқараман? Адашиб, бошқа томонга буриб юбормай!

- Гапимни эшитмаяпсанми, тур ўрнингдан, тепага чиқ! - боягидан қаттиқроқ жеркиб берди Стефан. Игорь ноилож ўрнидан туриб, тепага кўтарилди.

Довулнинг гувиллаши қулоққа чалиниб турарди. Яхта бешикдай чайқаларди. Камиланинг кўнгли беҳузур бўлди.

Виктор билан Баҳром тепага кўтарилишди. Туман ичида ҳеч нарсани кўришмади. Қаёққа кетишаётганларини ҳам билишмасди. Кутурган тўлқин яхтага урилар, зарбасидан кема тўнтарилиб кетай дерди. Ичкарига сув оқиб кирарди. Йўлга чиққанларига ярим соатдан ўтганди. Бу пайтда соҳилга чиқишлари лозим эди. Кутилмаганда мотор ўчди. Шамол яхтани ўз измига олди. Тўлқин

уни суриб кетди. Стефан пулларини сандиққа жойлаб, Игорнинг олдига ўтди.

- Нима гап?
- Мотор ўчди!
- Ёнилғи тугабди!

Шу пайт ҳайбатли тўлқин ёпирилиб келди-да, яхта устидан ошиб ўтди. Яхта ағдарилиб, чўкиб кетишига бир баҳя қолди. Стефан қалқиб, бурчакка бориб йиқилди.

Баҳром билан Виктор трубага ёпишиб қолишди. Камила қусиб юборди. Стефаннинг хаёлига яхта чўкиб кетсая, деган ваҳимали фикр келди. У шошиб бойликларини қўйган хонага кирди. Сандиқ ичидан уларни олди. «Қаерга яшириш керак?» деган саволга жавоб тополмади. Бунча бойликни кўтариб юриш осон эмасди. Стефан тақинчоқларни латтага тугиб, белига боғлаб олди. Пулларни нима қилиш керак, кема чўкса, уларни қандай қилиб соҳилга олиб чиқади? Шерикларига ишониб бўлмайди. Уларнинг кўзига фақат жони кўринади, деб ўйлади. Стефаннинг боши қотди. Хонанинг бир бурчагидаги ёғоч қутини кўриб қолди. Шунинг ичига солса, ҳарқалай ёғоч буюм ичига сув кирмайди, чўкмайди. Арқон билан боғлаб олса, соҳилга олиб чиқиши осон бўлади. Довул ваҳимали тус ола бошлади. Тўлқин қутурарди. Осмонда қора булут. Стефан сандиқни кўтариб ташқарига чиқди. Аммо эшикни очолмади. Сув тўсиб қўйганди. У жон-жаҳди билан тутқичдан тортарди.

- Нима қилаяпсан? - сўради Виктор.
- Ташқарига чиқмоқчиман!
- Эсинг жойидами, тўлқинни кўрмаяпсанми? У сени домига тортиб кетиши мумкин.
- Кема чўкиб кетса нима қиламиз? - сўради Стефан.
- Ҳаммамиз ҳалок бўламиз, - жавоб қилди Виктор Андреевич унга ғазабли кўзларини тикиб. - Назаримда, биз адашдик. Аллақачон соҳилга етиб келган бўлардик.
- Нима қилиш керак?
- Ҳеч нарсга қилолмаймиз. Яхта бизнинг измимизда

эмас. Шамол билан тўлқин уни қаёққа суриб борса, биз ҳам ўша ерга борамиз.

- Тўлқин фақат соҳил томон юради, - деди Игорь.
- Тўлқин бўрон эсган томонга ҳаракатланмоқда.
- Адашдикми?

- Аллаҳачон адашганмиз. Худо билади ҳозир қаерда кетаяпмиз.

Бир соатлар ўтиб, бўрон шаштидан тушди. Тунми, кунми билиб бўлмасди. Пастки каютага кириб дам олмоқчи бўлишди. Узларининг қаердаликларини билиш учун туманнинг тарқалишини кутишлари керак эди. Бўроннинг тиниши, тўлқиннинг босилиши тўртовлоннинг юрагида тирик қолишга бўлган ишончни уйғотди.

Тўлқин ва бўрон яхтани денгизнинг ўртасига келтириб ташлаганини билишди. Бирорта йўловчи кема уларни шатакка олиши ва соҳил томон судраши лозим эди. Акс ҳолда яхта қимирламасдан сув юзида чайқалиб тураверарди. Тушгача улар нима қилишларини билмай, бошлари қотиб ўтиришди. Қоринлари очди. Яхтанинг ичини титкилаб егулик топишолмади. Ташналик ва очлик уларни қийнади.

Стефан очликка чидаёлмади. Игорни ҳол-жонига қўймади. Егулик топиб келишга мажбур қиларди. Шўрлик Игорь яхтанинг ичини искович итдай титиб чиқса-да, бир тишлам нон тополмади. Ҳуноб бўлди. Виктор, Баҳром ва Камила ҳам очиққанди. Қоринлари қулдираб, тинкамдорлари қурий бошлаганди. Бироқ очликларини билдирмасликка ҳаракат қилишарди. Игорнинг боши айланиб, йиқилиб тушди. Баҳром уни кўтариб, ичкарига олиб кирди. Викторнинг кўзи тилла соатга тушди. Мисрлик қиморбознинг қўлида шундай соат кўрганини эслади.

- Бу кимники? - атайин сўради Виктор.
- Нима ишинг бор? - гудранди Игорь.
- Бу Абдулҳодининг соати, у қандай қилиб сенинг қўлингга тушиб қолди?
- Сенга нима? - афтини бужмайтирди Игорь.

- Абдулҳоди бу соатни сенга бекорга бермаган. Бизнинг сирларимизни сотгансан!

- Сени қандай сиринг борки, мана шу соатдан қиммат турса.

- Яширма! - ўшқирди Виктор. - Агар биздан гап яширадиган бўлсанг, билиб қўй, ҳаммамиз бу уммонга чўкиб ўлиб кетамиз.

- Ҳали мен сенларни йўлдан адаштирдимми? Мен кема рулини бошқардимми? - жазавага тушиб бақирди Игорь.

Виктор ҳозир унга бас келиб бўлмаслигини тушунди. Оғзини тўлдириб, алам билан тупурди-да, кескин ортига бурилди.

- Сен билан юртга қайтганимда ҳисоб-китоб қиламан!

Тушдан кейин ҳавонинг авзойи яна ўзгарди. Осмонни булут босди. Шамол турди. Тўлқин яхтани аллақачон денгиздан океанга чиқариб ташлаганди. Улар Канар оролларига яқин келиб қолганларини билишмасди. Туман ҳали вери тарқаб кетмаслигини ҳамма тушунди. Атроф-жавониб кўринмасди. Ярим тунда шамол эсди. У туманни суриб ташлади. Атроф бирдан очилиб кетди. Осмонга чиққан ой денгизни ёритди. Олисларда кеманинг чироқлари кўринди. Шунда ҳаммалари, ҳатто, Стефан ҳам ташқарига чиқиб, умидли кўзларини унга тикди. Игорь қўлига қандайдир матони олиб, чангакка ўраб, байроқдай айлантирди. Буни кемадагилар кўрдими-кўрмадими билолмади. У ўтиб кетди. Стефан хонасига қайтди. Эшикни қулфлади. Бойликларини бағрига босди. Очлик ва ҳавотир кўзларидаги уйқуни юлиб олганди. Қорни бураб оғирди. Игорни чақирди.

- Бир қултум сув топ, томоғимни намлаб олай. Ичимни нимадир шилаяпти. Ўлиб қоламан.

- Мен ҳам ташнаман, очликдан ўлай, деб турибман, юрсам бошим айланаяпти, - деди Игорь. - Яхтанинг ичини титиб чиқдим, ҳеч нарса тополмадим.

- Яна қидир, бирор бурчакда қолиб кетган ризқ-насибам бордир.

Игорь хоналарни, тоқчаларни, яшиқ ва қутиларнинг остини тита бошлади. Кутилмаганда бир дона консерва банкасини кўриб қолди. У очилмаганди. Сандиқнинг бурчагида қолиб кетганди. Ҳазинага дуч келгандай қич-қириб юборди. Ҳаёлига Стефан келди. Шерикларининг кўзи тушиб қолишидан кўрқиб, кўйлагининг ичига бер-китди. Тепага кўтарилаётганда Виктор йўлини тўсди.

- Тўхта!

- Нима дейсан? - ўшқирди Игорь

- Кўйнингдаги нима?

- Сенга алоқаси йўқ! - Игорь унинг қўлини силтаб ташлади. - Йўлимдан қоч!

Викторнинг шубҳаси ортди. «Стефаннинг бойликларини ўғирлаб олмадимикин», деган шубҳага борди.

- Кўрсатмагунингча қўйиб юбормайман, - деди ташвишланиб Виктор.

Игорь Викторнинг юзига мушт туширди. Унинг бурни қонади. Шундай бўлса-да, йўлни тўсиб турарди. Игорь иккинчи бор қўл кўтарганда консерва идиш пастга тушиб кетди. Ўзини унинг устига ташлади. Виктор Игорга ёпишди. Икковлари олиша кетишди. Камила билан Баҳром улар нимани талашаётганларини тушуниб етишди. Ажратиб қўйишди.

- Бу меники, ўзим топдим, - дерди консерва идишини бағрига босиб олган Игорь.

- Ҳаммамиз баҳам кўрамиз, мурасага кел, акс ҳолда, консерва ҳеч биримизга насиб қилмайди.

- Тушингни сувга айт. Топган одам хўжайин!

Игорь Викторнинг юзига тепиб юборди ва бир силтаниб унинг қўлидан чиқиб, хонасига кириб кетди. Эшикни ичидан қулфлаб олди.

Игорь консервани шундай ҳолда Стефанга беролмасди. Ярмидан кўпини еб тугатди. Нафси ором олмади, кўзига пул кўринди. Икки уч қошиқ балиқ гўштини кўтариб, Стефаннинг ҳузурига кирди.

- Консерва, - қиморбознинг кўзлари косасига сиғмай,

Игорнинг қўлидаги идишга қаради.

- Қанча тўлайсан? - тап тортмай сўради Игорь.
- Сотмоқчимисан? - Стефаннинг афти буришди.
- Нима, текинга беради деб ўйловдингми?
- Ахир...

- Нима, ахир, биз қаердалигимизни унутма. Хўш, бир қошиғига қанча берасан?

- Юз доллар!

- Аҳмоқ! Бунча хасис бўлма, очликдан ўлсанг, бойликларинг кимга қолади? Ёки уларни ўзинг билан денгиз қаърига олиб кетасанми?

Стефаннинг кўзига ўлим кўринди.

- Беш юз доллар, - деди худди Игорь кетиб қоладигандек шошиб.

- Минг доллардан ками йўқ! Хоҳламасанг, ташқаридагиларга пуллайман!

Игорь ортига бурилди. Стефан қичқирди:

- Тўхта!

Эшик олдида бориб қолган Игорь ортига қайрилди.

- Нима дейсан?

- Майли, айтганинг бўла қолсин.

- Аввал пулни сана! - талаб қилди Игорь

Стефан сандиқни очди. Минг доллар олиб, Игорнинг оёғи остига ташлади. Игорь бир қошиқ балиқ гўштини олиб унга узатди. - Қорнинг очса, қақирарсан! - деди ва хонадан чиқиб кетди.

Бир қошиқ гўшт Стефаннинг қорнининг бир четига жой бўлмади. Бир луқма эт учун минг доллар тўлаганига афсусланди. Очликдан қорни оғриса-да, Игорни чақирмади. Тунни бир амаллаб ўтказди. Эрталаб унинг олдида кирди.

- Қорнинг очмадими дейман, чақирмадинг ҳам, - деди масхара қилгандек иршайиб Игорь.

Стефаннинг кўзлари битиб қолганди. Очлик мадорини қуритганди.

- Овқат, - деди зўрға.

- Мазаси тилингда қолдими? - очиқчасига масхара қилди Игорь. - Балки кечагидан кўпроқ истарсан...

- Оладиганингни айт, мени хўрлама!

- Чиройли гап, ахир, сен савдолашишни хуш кўрадинг-ку, бир тийин устида умбалоқ ошардинг! Очиқ эсингни киритиб қўйдими? Бу дунё - бозор. Ҳамма ўз мулкига истаган нархини қўяди.

- Кўп гапирма! - аччиқланди Стефан. Ҳозир унинг гапиришга ҳоли қолмаганди. Бойликларидан ажраб қолиш ваҳимаси қийнади. Телба кўнглининг бир четида ўзга ўй унга таскин ва тасалли берарди. «Ахир, Игорь шу ерда-ку, қочиб кетолмайди. Соҳилга чиқиб олсам, қайтариб олишим мумкин. «Викторнинг сирларини фош қилганингни айтаман», десам, қўл-оёғи қалтираб, пулларимни қайтариб беради», деб ўйларди. Шу сабали Игорь сўраган пулни кўрқмай тўлаганди.

- Идишдаги этнинг ҳаммасини сотиб ола қол! - маслаҳат берди Игорь.

- Ҳаммасига қанча сўрайсан?

- Беш минг доллар!

Нархни пасайтирмаслигини Стефан тушунди. У боши остига қўйиб олган ёғоч сандиқнинг қопқоғини кўтарди. Қиморбоз пулни олаётганда, Игорнинг кўзи сандиқ ичига тушди. Тилла, бриллиантлар қаерда? Пуллар остидами, «Стефан уларни қаергадир яширган», деган фикр миясида туриб қолди. Қиморбоз Игорнинг тикилиб турганини кўриб, сесканди. Назарида, у пулларни олиб қўядигандек эди. Стефан сандиқни ёпиб, устига ўтириб олди, кейин қўлини идишга тикди. Бармоқларига илинган чавақларни шошиб оғзига солди.

Камиланинг тоби қочди. Боши оғриб, кўнгли айнади. Очиқ унинг ҳам мадорини сўриб олганди. Баҳром уларга қараганда тетик эди. Егулик топиш илинжида ўй сурарди. Кўзи Виктор ечиб ташлаган қонли қўйлака тушди. Хаёлига келган фикрдан дили ёришди:

йиртқич балиқлар қон ҳидини узоқдан билади, деган гапни эшитганди. Баҳром кўйлакни олиб, тўсиқ олди-га келди. Сувга тикилди. Кеманинг қаеридадир гарпун кўрганди. Уни олиб келди. Кейин кўйлакни сувга ташлади. Қон ёйилиб кетди, сув юзи қизғиш тусга кирди. Бир муддат ўтиб сув сатҳи тўлқинланди. Денгиз остидан бир жуфт кичикроқ ақула чиқди. Улар атрофда айланишди. Баҳром гарпунни маҳкам тутганча акулаларнинг яқин келишини кутди. Гарпунни боши узра кўтарди ва акулалардан бирини мўлжаллаб улоқтирди. Мўлжали хато кетмади. Гарпун акуланинг биқинига санчилганди. Жон талвасасида типирчилаб, ярим қулоч баландликка сапчиди. Сув қонга бўялди. Акула пастга шўнғимади. Сув юзасида типирчилаб, охири ҳолдан кетди. Қорни билан тўнтарилиб, жон таслим қилди. Уни тезроқ тортиб олиш зарур эди. Шериклари келиб, сув тубига тортиб кетишлари мумкин эди. Баҳром Викторни чақирди. Икковлашиб балиқни тортиб олишди.

Баҳром уни тозалади. Виктор плитани ёқди. Гўштни майдалаб, товада пиширди. Овқатнинг иси димоғига урилган Игорь ҳнасидан чиқди. Баҳром бир товоқ қовурилган гўштни Стефаннинг олдига олиб кирди.

Стефан зўрға бошини кўтарди.

- Соҳилга келдикми? - сўради аранг лабларини қимирлатиб.

- Соҳил кўринмаяпти, аммо ўлжа тутдик.

- Сотасанми?

- Бу нима деганингиз, Стефан Абрамович? Биз бунни бозордан сотиб олибмизми? Ўзимиз тутдик!

- Текинга бермоқчимисан? - ишонгиси келмасди қиморбознинг.

Баҳром овқатни унинг олдига қўйиб, чиқиб кетди.

Игорь таомни ўзи олиб кирмаганидан афсусланарди. Уни анчагина пулга сотиши мумкинлиги безовта қилганди.



Қиличнинг топилиши шаҳарга овоза бўлди. Оқшомги газетада бу ҳақда кичкинагина мақола босилди. Унинг катта шов-шувга сабаб бўлишини муҳаррир ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Таҳририятдаги барча телефонлар узулуксиз жиринглаб қолди. Ўқувчилар башоратчи қизнинг манзилини сўрашарди. Ўзлари учун мавҳум бўлган саволларга жавоб олмақчи бўлишарди. Мухбирлар унинг ҳузурига киришга уринишарди. Бу ишга милиция аралашди. Охир-оқибат профессор қизнинг бетоблигини айтиб, тўпланганларни тарқатди. Аммо Роман Ильичнинг хонасига кириб келган майор ўта муҳим масала юзасида гаплашмоқчи эканлигини айтди.

- Саноат вазирининг қизи йўқолган. Қаерга кетганлигини ҳеч ким билмайди. Изламаган жойимиз қолмади. Бир ҳафтадирки, тополмаяпмиз. Ўн кун муддат ичида қизни топиш вазифаси топширилган. Бошлиқлар ҳар соатда мендан хабар кутади. Касалхонангиздаги бемор ҳақида раҳбарлар эшитишибди. Улар менга яқинда қўнғироқ қилишди. Шаҳар ички ишлар бошқармасининг бошлиғи шахсан Зулфизар билан учрашмоқчилар.

- У бу ерга келмоқчими? - сўради профессор.

- Шундай! Ҳозир у йўлда, ўн дақиқада етиб келади.

- Нега менинг розилигимни олмасдан уни бу ерга таклиф қилдингиз? - аччиқланди Роман Ильич. - Ахир, мен мухбирларнинг аҳмоқона шов-шувидан кейин кўчага чиқолмай қолдим. Бемор эртага уйига кетиши керак. Унга жавоб берганмиз!

- Бошлиқлар бунини тушунишни исташмайди, Роман Ильич. Улар бизга буюришади, биз эса буйруқни бажаришга мажбурмиз. Бораман деса, мен йўқ деёлмайман-ку!

Профессорнинг хонасига ўрта бўйли, тўладан келган полковник кирди.

- Мен бемор Зулфизар Холмуродовна билан учрашмоқчиман! - Бошлиқнинг овозидан ўзига ҳаддан ортиқ бино қўйганлиги билиниб турарди.

- Афсуски беморим сизни қабул қилолмайди. Унга тинчлик керак, қолаверса, сиз ҳам газетада босилган шов-шувга ишониб келган бўлсангиз, олдиндан айтиб қўяй, бу шунчаки тасодиф. Яхшиси ходимларингизни ишга солинг. Уларнинг кучидан фойдаланинг! Бемор эрталаб уйига жўнаб кетади. Унга тинчлик керак.

- Сизни тушунмадим, профессор, мен давлат одами-ман, эшитишимга қараганда беморингиз соғайиб кетган. Шундай бўлган у билан суҳбатлашишимга монелик кўрсатолмайсиз!

- Агар шу муомилангиз, шу туришингиз билан унинг олдига кирадиган бўлсангиз бир гапни айтиб қўяй, Зулфизар топширигингизни ўлса ҳам бажармайди.

- Маслаҳатингиз учун миннатдорман, профессор, - киноя билан деди полковник. - Унинг олдига киришдан бурун ўзимни эпақага келтириб оламан, деб сизни ишонтираман!

Профессор хушламай уни беморнинг хонасига етаклади. Остонани босиб ўтгач полковникда бояги кибру ҳаводан асар ҳам қолмади. Хокисор оламдек қиз билан саломлашди. Ҳол сўради. Чўнтагидан сурат олиб, беморнинг қўлига берди.

- Шу қизнинг тақдирини айтиб берсангиз? - деди ўзига ярашмаган овозда.

Зулфизар қизнинг суратига тикилди.

- У ҳалок бўлди, - жавоб қилди қиз.

Полковникнинг кулогига унинг овози жуда ҳам олислардан келгандай эшитилди. Юраги увишиб кетди ва кутилмаганда ўзининг асл қиёфасига қайтди.

- Нега бундай деяпсан?

Бу гапни қанчалик қўпполлик ва кўрслик билан айтган бўлса-да, хаста парво қилмади.

- Бедарак кетганига ўн кун бўлди. Унинг тирик қолиши

мумкин эди, сиз ўғриларнинг талабини бажаришдан бош тортдингиз.

- Мен-а? Нега бош тортар эканман?! - боягидан қаттиқ-роқ ўшқирди полковник. Кутилмаганда унинг ўтмаслашган хотирасида шу иш билан боғлиқ воқеа жонланди. Вазир уни ҳузурига чақириб, қиз топилса генерал унводини олишини, тополмаса поғони юлдузсиз қолишини айтганди. Полковник қизнинг номаълум одамлар томонидан ўғирлаб кетилгани тўғрисида барча маълумотларни тўплашга улгурганди. Афсуски, уларга чиқадиган йўлак тополмай хуноб эди. Ҳатто қизни олиб қочганлар саноат вазирига сим қоқиб, беш юз минг доллар талаб қилишганини ҳам унинг оғзидан эшитганди. Шунда у вазирни қизини пулга алмаштириш фикридан қайтарганди.

- Бизнинг кучимиз етарли, бутун бўлмаса эртага албатта, Роксанани топамиз. Ахир уни тополмасак, нима қилиб ўтирибмиз, - деб катта кетганди.

- Улар қизимни ўлдириб қўйишса-чи? Телефонда пулни олиб келмасанг қизингни ўлдирамиз, дейишмоқда.

- Бу гапларга унчалик ҳам ишонаверманг. Уларнинг иши пўписа қилиш, одамни ўлдириш осон эмас.

Вазир унинг гапларига ишонди ва ўғриларга бериш учун тайёрлаб қўйган пулни ўз жойига яширди.

Зулфизар бу воқеалардан хабардордек, гўёки ўша кунги воқеани кўзи билан кўриб тургандек гапирди.

Полковник ногоҳ зарба еган одамдек қалқиб тушди.

- Сиз қизнинг отасига ваъда бергансиз, уни ишонтиргансиз?

Йўқ, бу қиз фолбин эмас, кимдир бу воқеалар тўғрисида унинг қулоғига шипшитиб қўйган. Роксана тирик, ўғрилар ўлдиришдан олдин сўнгги талабларини айтишган бўларди.

- Сен янглишдинг, ҳа янглишдинг! Роксана тирик, тириклигини юрагим билан ҳис этиб турибман!

- Роксанани эрталаб, қуёш чиқадиган пайтда, ўлдиришди.

- Бўлмаган гап!
- Уни қийнашди, азоблашди.
- Ёлғон!
- Қиз яшашни истарди ва тирик қолиш учун курашди.
- Одамларим унинг қаердалигини билишди.
- Аввал унинг кўкрагига пичоқ санчдилар! Шунда

ўғрилар қиздан отасига қўнғироқ қилишни талаб қилдилар! Аммо сизнинг топширигингиз билан телефонни узиб қўйишганди.

- Тухмат!

- Қиз йиғлади. Кўз ёшлари булоқ сувидек тиниқ ва беғубор эди. Мен уни кўраяпман. Кўз олдимда жуда гўзал, соҳибжамол дилбарнинг чехраси турибди. О, юрагим ачишиб кетди. Ўғрилар уни яна қийнашди. Яна кўксига пичоқ урдилар. Шунда у қўлларини қонли кўксига босиб қулади. Қотиллар жасадни зовур ичига ташлаб кетишди. - Зулфизар кўзларини юмганча, гўё полковникни кўрмагандек, унинг дағал ва ёқимсиз овозини эшитмагандек гапирарди. - Одамларингиз жасадга яқин жойда юришибди. Яна беш дақиқадан сўнг гулдай сўлиб адо бўлган Роксананинг совуқ танасини топишади.

Полковникнинг кўзи ола-кула бўлиб, атроф-жавонибга аланглади. Энди у ҳам саросимага тушганди. Бошини қайси тешикка уришни билмасди. Қулоғига кўрғошиндек қуюлган гапларни инкор қилишга кучи ҳам, қурби ҳам етмасди. Полковник терга ботди. Ўзини қўлга олди. Емон туш кўриб, уйқудан уйғонган одамдек сесканди.

- Ёлғон! - аламли ва зардали товушда қичқирди милиция бошлиғи. У қизга нафрат чақнаб турган кўзларини тикди. - Айтганларингиз бари ёлғон, туҳмат, уйдирма!

Полковник қизнинг «Одамларингиз жасадга яқин жойда юришибди, яна беш дақиқадан сўнг сизга ўлик топилганлигини маълум қилишади», деган гапини инкор қилишга куч топди.

- Одамларингиз жасадни топишди.

Бу гаплар полковникка ҳақоратдек туюлди.

- Сен алвасти, билиб қўй, ўзингни фолбин, башоратчи қилиб кўрсатганинг, ҳамда бундай уйдирма, фитналарни тарқатганинг учун қонун олдида жавоб берасан!

Роман Ильичнинг кути учиб кетди. Милиция ходимининг бемор билан қўпол муомала қилишига чек қўймоқчи бўлиб, унинг қўлидан ушлади. Ва қизариб кетган кулоғига шу сўзларни айтди.

- Уни тинч қўйинг! Балки хаёлига келган гапларни айтаётгандир...

Зулфизар гарчи бу сўзни аниқ-тиниқ эшитган бўлсада, парво қилмади, юмилган кўзларини бир нуқтага тикканча қимир этмасдан ўтирарди. Полковник ташқарига чиқишга чоғланганда қиз унга сўнгги гапини айтди.

- Ҳозир телефонингиз жиринглайди!

Полковник унга еб қўйгудай қаради. Лекин телефон жирингламади. Шунда у қизнинг айтганлари шунчаки куруқ гап эканлигига иқрор бўлди. Нафратли нигоҳ ташлаб, остона томон юрди, аммо ташқарига чиқишга улгурмади. Телефониинг жиринглаган овози уни тўхташга мажбур қилди.

- Эшитаман!

- Роксананинг жасади топилди, ўртоқ полковник!

Полковник ерга йиқилди.

* * *

Виктор қўйлагини байроқ қилиб, силкита бошлади. Кема улар томон сузиб келарди.

- Биз адашиб қолдик, - деди Виктор кемадагиларга. - Ёрдам беринглар!

- Қаёққа кетаётгандиларинг? - сўрашди улар.

- Португалия соҳилига!

- Сиз ҳозир қаерда турганингизни биласизми?

- Португалиядамиз!

- Афсуски, Кариб оролларига яқин жойдасизлар!

- Бизни соҳилга чиқариб қўйсаларинг. Яхтанинг ёқил-ғиси тутаган.

Ичкаридан чиққан одам ўзини кема капитани деб таништирди. Капитан уларнинг руслигини билиб, пастга тушиб кетди. Ўн дақиқалар ўтиб қайтиб чиқди.

- Яхши, - деди у рус тилини бузиб. Сизларнинг яхтангизни шатакка олиб, соҳилга элтиб қўямиз.

Капитаннинг ишораси билан икки матрос яхтанинг тумшугига трос боғлади. Капитан яхтадагиларга қўз ташлади. Унинг синчков ва ўткир нигоҳи Игорда тўхтади. Одамларидан бирининг қулоғига нимадир деди. Икки матрос Игорни ўз кемаларига олиб ўтишди.

Океан узра кема сузиб кетди. Капитан Игорни хонасига бошлаб кирди.

- Сув беринг? - деди хонага кириши биланоқ.

Капитан сув тутди. Игорь ютоқиб ичди.

Капитаннинг кўзи унинг билагидаги олтин соатга тушди.

- Қўлингдагини еч! - буюрди у.

Игорь капитаннинг вазоҳатидан қўрқиб кетди. Қўли қалтираб, соатни ечди.

- Қимматбаҳо буюм, - деди соатни томоша қилиб. - Қадардан олдинг бунинг?

Игорнинг тилига калима келмади.

- Совға қилишганди, - деди зўрға.

Капитан унинг афт-ангорига қўз ташлади.

- Совға! Кўринишингдан амалдорга ўхшамайсан.

Шундай қимматбаҳо буюмни ким туҳфа қилди?

- Танишим!

- У бадавлат одамми?

- Шундай!

Қароқчи соатни кўзларига яқин келтирди. Деразадан кириб турган қуёш шуъласида ажиб тусда товланди.

- Энди бу менга сендан эсдалик! Розимисан?

Игорь соатдан айрилиб қолаётганини билиб, юраги туз сепгандай ачишди.

- Гапимни эшитдингми?! - жеркиб берди қароқчи.

- Шундай!

Капитан олтин соатни чўнтагига солди. Важоҳати ўзгарди. Бошқа одам қиёфасига кирди.

- Португалияга нима мақсадда келгандиларинг? - сўроқ қилишда давом этди у.

- Дам олишга, - деди Игорьь ютиниб.

Қароқчи унинг юзига мушт туширди. Игорьь ерга ўтириб қолди.

- Мен билан гаплашаётганда фақат ростини гапир! Ёлгон ишлатсанг, бўйнингга тош боғлаб, сувга ташлаб юбораман! Тушунарлими?

- Тушундим, - минғирлади тутқун.

- Хўш, нимага келгандиларинг Португалияга?

- Қимор ўйинига, - оғриқдан юзи буришиб кетган Игорнинг тили зўрға айланди.

- Қимор ўйинига?

- Шундай.

- Хўш, ўйинда ютдиларингми?

- Ютдик!

- Қанча?

- Беҳисоб, пулдан ташқари олтин, бриллиант, олмос тақинчоқлар ҳам бор.

- Улар қаерда?

- Стефан Абрамовичда. Қиморни ўша одам ўйнаган.

- Ичларингда осийлик Баҳром исмли йигит борми?

- Бор...

- У ҳам қимор ўйнадими?

- Йўқ, у сандиқни очди. Қулфбузар!

Капитан хуштак чалди. Тўрт йигит югуриб келди.

- Кемани тўхтатинглар!

Лангар ташланди.

Кема тўхтади. Ёғоч кўприкдан тўрт йигит яхтага ўтди. Пастки каютада Стефан ҳамон сандиқчани бағрига босиб ётарди. Унинг қўлтиғидан судраб, кемага олиб ўтишди. Виктор билан Баҳромнинг юрагига гул-гула тушди. Игорьь

Стефаннинг катта пул ютиб олганини кема бошлиғига айтиб қўйганини билишди.

* * *

Абдулҳоди Баҳромни қочириб юборишгани учун ўз одамларини қаттиқ жазолади. Ҳатто, бу ишга масъул бўлган бошлиқни денгизга ташлаиб юборди. Қолган қароқчилар ваҳима ва қўрқув исканжасида типирчилаб қолишди. Абдулҳодининг оёғига тиз чўкиб, Баҳромни топишга сўз беришди. Қиморбоз уларни фақат кулфсозни топганларидан сўнг афв этишини айтди. Қароқчилар Урта Ер денгизидаги ўз одамларига хабар жўнатишди. Стефан уч юз миллион доллар пул ва қимматбаҳо тақинчоқларни ютиб олганини маълум қилишди. Қароқчилар қўлга киритган бойликнинг ярмини хабар жўнатган одамга беришлари лозим эди. Абдулҳодининг одамлари бойликдан воз кечишди. Эвазига Баҳром исмли йигитни тутиб беришларини айтишди. Кўпдан бери ови юришмаган Рао бу хабарни қувонч билан кутиб олди ва денгиз бўйлаб яхтани қидиришга киришди. Рао шамол йўналишини ҳисобга олиб адашмаганди. Қидирувни қаердан бошлашининг аниқ ҳисобини олганди. Улар бир неча кун соҳил бўйларидан яхтани излашди. Кутилмаганда яна туман ва шамол турди. Бу уларнинг ишларини қийинлаштирди. Раонинг умидлари саробга айлана бошлади. Аммо қароқчи алам ўтида қоврилиб, сайёҳлар очлик азобида қийналишгаётган кунлари улар бир-бирларидан ярим чақирим олисда ёнма-ён сузиб боришарди. Туман тарқаб, кун очилганда, қароқчилар яхтани қўриб қолишди. Раонинг одамлари қуролларини олиб, қайиқларга ўтириб у томонга сузиб боришди. Очлик ва ташналик азобида қийналиб, азобланган яхтадагилар осонгина таслим бўлишди. Қароқчилар яхтани шатакка олишди.

Раонинг бетартиб ва ифлос хонасида Стефан ўтирарди. Рао уни тергов қиларди.

- Қиморда қанча пул ютиб олганинг менга маълум, ҳаммасини ўз ихтиёринг билан олдимга ташла. Акс ҳолда, ҳаммангни ёввойи одамлар яшайдиган оролга ташлаб кетишга мажбурман, - деди.

Стефан қаршилик кўрсатиш фойдасиз эканини, қароқчилар истаган пайтда уни денгизга ташлаб юбориши мумкинлигини тушунди. Тирик қолишнинг биргина йўли уларнинг талабини бажариш эди.

- Ҳаммаси анавининг ичиди, - деди эшик олдида турган сандиққа ишора қилиб.

Рао сандиқни очди. Пулларни кўриб, кўзи ўйнаб кетди. Стефан қароқчининг нимани излаётганлигини тушунди.

- Ҳаммаси шуми? - деди норози бўлиб.

- Шундай, - зўрға тили айланди Стефаннинг.

Рао бу гап ҳам ўз одатини тарк этмади. Залворли мушти Стефаннинг жағига тушди. Унинг кўзларидан ўт чиқиб кетди. Столдан қулаб, ерга йиқилди. Бурнидан қон келди.

- Мен ёлгонни ёқтирмайман. - Раонинг афти буришиб кетганди. - Қолганини қаерга беркитдинг?

- Бори шу, - қўли билан юзини тўсиб деди Стефан. У тақинчоқларни беришни истамасди. Бу гап Раонинг оёқлари унинг белига тегди. Стефан кучли зарбадан бақариб юборди.

- Қаерга яширдинг? - такрор сўради қароқчи. Стефан худди сирини фош қилиб қўядигандай унинг кўзларига қарай олмасди.

- Денгизга тушиб кетди, - зўрға тилга кирди қиморбоз.

Айёр ва муғамбир Рао бу гапга ишонмади. Ташқарида турган одамларини чақирди.

- Бўйнига темир осиб, денгизга ташланглар!

Йигитлар ерда ётган Стефанни кўтаришди. Қўл-оёқларини боғлаб, бўйнига ўзидан оғир бўлган темирни боғлашди. Олти йигит уни даст кўтариб, ташқарига олиб чиқишди. Стефаннинг кўзи мавжланиб турган денгизга тушди.

- Тўхтанглар! - ўлим кўзига кўринган Стефан жон

ҳолатда қичқирди.

Йигитлар уни пастга туширишди.

- Нима дейсан?

- Айтаман! - деди Стефан. - Қўлларимни ечинглар.

Уни қайтариб ичкарига олиб киришди. Раонинг ишораси билан қўл-оёқларини бўшатишди.

- Гапир! - буюрди Рао.

- Фақат ўлдирмасликка ваъда беринг!

- Гапир!

Стефан белидаги қимматбаҳо тақинчоқларни стол устига қўйди. Раонинг кўзлари ёниб кетди. Қаршисида бебаҳо ва қадимий ёдгорликлар турарди. Бундай ноёб тақинчоқлар қандай қилиб унинг қўлига тушиб қолганига ҳайрон эди. Бойликларидан ажраган Стефаннынги юрагида ўт ёнарди.

Раонинг ишораси билан стол устидаги пуллар ва қимматбаҳо тақинчоқлар йиғиштирилди. Шундан сўнг Рао Стефандан Баҳром тўғрисида сўради. Қиморбоз у ҳақда билганларини ошириб-тошириб сўзлаб берди. Раонинг фикри ўзгарди.

Қароқчилар Баҳромни олиб киришди.

- Қулфбузар сенмисан? - сўради Рао Баҳромдан.

- Қулфбузар эмас, қулфсозман, - изоҳ берди Баҳром.

- Кўринишингдан димоғдор йигитга ўхшайсан. Наза-римда, орқангни бурга чақмаган кўринади!

- Бургага чақтирадиган иш қилмаганман.

- Тилингдан заҳар томади!

- Нима истайсиз?

- Сенга таклифим бор.

- Таклифни айтишдан аввал кема ичидагиларга сув берсангиз, қорнини тўйдирсангиз!

- Шерикларингга ўзингни меҳрибон қилиб кўрсатмоқчимисан?

- Аксинча, уларнинг соғлигини ўйлаяпман!

- Дўстлар тўғрисида қайғуриш, бу - яхши!

Рао эшик олдидаги қароқчига қаради. Хўжайин ўзи-

нинг тилида нимадир деди. Игорь билан Стефан яхтага қайтишганди. Ҳаммаларига сув, овқат берилди.

- Шерикларингнинг тирик қолиши фақат сенга боғлиқ, - деди Рао.

- Мен бу ерда ҳеч ким эмасман.

- Сенинг шахсинг эмас, ҳунаринг керак менга! Олдиндан огоҳлантириб қўяй. Менинг талабимни бажаришга мажбурсан. Бош тортадиган бўлсанг, ҳаммаларингни ёввойи одамлар яшайдиган оролга ташлаб кетаман. Улар фақат одам гўшти билан овқатланишади. Мен пачакилашиб ўтиришни ёқтирмайман. Ўз улушимни олдим. Шуниси ҳам етади. Рози бўлсанг, иккимиз Францияга кетамиз. Сен мен билан ишлайсан. Яхши ҳаёт кечирасан!

- Нима иш қилишим керак? - Баҳром қароқчининг қандай ишларни таклиф қилишини билмоқчи бўлиб сўради.

- Биз Европада қулфларни очиш бўйича қимор ўйинларини ташкил этамиз. Топилган фойда тенг тақсимланади. Таклифим маъқулми?

- Афсуски, бу таклифингизни қабул қилолмайман.

Раонинг аччиғи чиққани юзидан билинди. Унинг қўллари қалтирарди.

- Аслида буни қабул қилиш-қилмаслигинг мени қизиқтирмайди. Сен менинг қўлимда экансан, буйруғимни бажаришга мажбурсан! - Рао соқчига юзланди. - Кема рулини ёввойи одамлар яшайдиган оролга бур!

Рао оролга етгунча Баҳромни «шерикларинг билан маслаҳатлаш», деб уни яхтага ўтказиб юборди. Баҳром қароқчининг таклифини Викторга айтди. Ҳаммаларини даҳшат босди. Бир ўлимдан қолган ва юраги алам ўтида қоврилаётган Стефан ўзини қўйгани жой тополмай типирчиларди. Бошини чангаллаб, кўзига одам гўштини тановул қиладиган ялонғоч ёввойилар кўринди. У Баҳромнинг ёнига келди.

- Қароқчилар бизларни ўлдириб юборишлари мумкин. Таклифига кўн. Бир амаллаб соҳилга чиқиб олайлик.

Қолгани бир гап бўлар!

Игорь унинг ёнини олди.

- Бизга ачинмасанг ҳам Камилага раҳминг келсин. Қиз болани ёввойилар қўлига топширишга виждонинг қандай чидайди? - муғамбирлик қиларди Стефан.

- Булар одамхўрлардан баттар, уларнинг айтганини бажаришга мажбурмиз. Қайсарлик қилма. Таклифларини қабул қил! - қувватларди Игорь.

Камила билан Виктор нима дейишни билишмасди. Баҳромнинг ўзи бир қарорга келишини кутишарди.

Кечга яқин орол кўзга ташланди. Чангалзорлар билан қопланган баланд тепалик ботаётган қуёш нурида сувга чўкиб бораётганга ўхшарди.

- Бу ёввойи одамлар яшайдиган орол! - деди Рао қўли билан чангалзор томонни кўрсатиб. - Ҳозир улар бизнинг кемамизни кўришади. Ҳаммалари соҳилга чиқишади. Ўлжа олиб келаётганимни билишиб, гулхан ёқишади.

Ҳақиқатан ҳам соҳилда яланғоч, қўлларида найза, камон тутган ёввойилар кўринди. Улар олисдан Раонинг кемасини танишди. Шох-шаббаларга ўт қўйишди. Қип-қизил аланга кўкка ўрлади. Ёввойилар ғалати овоз чиқариб бақиришар, соҳил бўйлаб сакраб югуришар, қўлларидаги найзаларни баланд кўтариб, олов атрофида айланишарди.

- Улар мен олиб келаётган ўлжани қабул қилишга тайёр эканликларини билдиришмоқда! - деди Рао ҳаммага эшиттириб.

Раонинг ёввойилар билан кўпдан алоқаси бор эди. Бойликларидан жудо бўлган, қаршилик кўрсатган исёнчиларни шу ерга келтириб ташларди. Шу сабабли улар қароқчининг кемасини олисдан танишарди. Яхтадагилар ёввойиларнинг қийқириқларини эшитиб ваҳимага тушишди. Раонинг аҳди қатъийлигини билишди. Ҳаммалари Баҳромга қарашди. Ёввойилар қўлидан омон чиқолмасликларини билишди. Оралиқ икки-уч юз метрча қолганди. Стефан чўғни босиб олгандай типирчиларди. Игорь

ранги оқариб, дир-дир титрарди. Викторнинг кўзлари ёшга тўлганди... Камила ҳушидан айрилган одамдек кўзларини бир нуқтага тикиб турарди. Рао кеманинг тумшугида қўлидаги қимматбаҳо сигаретани тутатганча, одам-хўрларга қарата қўл силкитарди. У Камилани ёнига чорлади. Улар бортда ёнма-ён туришарди. Эпкин қизнинг кўйлагини тортқилар, сочларини тўзитарди. Рао нима мақсадда қизни ўзининг ёнига чақиранини фақат қароқчининг одамларигина биларди. Кема соҳилга яқин боролмасди. Қумга ботиб қолиши мумкин эди. Ёввойилар ўз қайиқларига миниб, кема томон сузиб келишарди. Соҳилда қолган шериклари ҳамон тушунарсиз товушда увлашарди. Ёқилган гулханлар тобора кўкка кўтариларди.

Баҳром Раонинг ёнига келди.

- Кеманинг рулини булинг, таклифингизни қабул қилдим! - деди тобора яқинлашиб келаётган ёввойилар қайиғидан кўз узмай ва айна пайтда қароқчи аҳдидан қайтмаса-чи, деган хавотир юрагини ўртади. - Ҳар қандай таклифингизни бажараман, фақат шерикларимни ановиларнинг қўлига топшира кўрманг!

- Кечикдинг, йигит. Қара, ёввойилар биз томон келишмоқда. Мен уларни ўлжасиз қайтариб юборолмайман. Бу уларга нисбатан ҳурматсизлик бўлади.

- Утинаман, бундай қила кўрманг, уларни қолдирадиган бўлсангиз, ҳаммамизни ташлаб кетинг!

- Бу гапни эртaroқ айтишинг керак эди. Истасанг, қиморбозни қолдирамиз. У кимга ҳам керак.

- Йўқ, бундай хаёлга бора кўрманг!

- Сендай довюрак одамни кўрмаганман! - қулди қароқчи. - Мен уларга ўлжасиз келмайман, деб сўз берганман. Кўраяпсанми, улар кемада бегона одамлар борлигини аллақачон сезишиб, гулхан ёқиб, тантана қилишмоқда. Ўлжа ташлаб кетмасам, ғазабга минишади ва мени кечирешмайди. Ўзимни ҳам тутиб олишса, гўштимни оловда пишириб ейишади. Сенга сиришни айтишим мумкин,

менинг бойликларимни мана шу одамхўрлар қўриқлашади.

- Қанча бойлигингиз бор? - сўради Баҳром.

- Ҳисобини олмаганман!

- Мен ўша бойликларингизни қайтаришга сўз бераман, фақат аҳдингиздан қайтинг, бизни уларнинг ихтиёрига ташлаб кетманг!

- Катта кетмадингми? Менинг бойликларим бир давлатнинг бир йиллик даромадига тенг!

- Менинг ҳунарим унданда қимматроқ!

Қайиқларга минган ўнга яқин ёввойилар кемага яқинлашиб қолишганди. Уларнинг афти башаралари кўзга кўриниб турарди. Хурсандчиликдан бақириб- қичқиришарди.

- Сўзингга ишонсам бўладими? - Рао йигитнинг кўзларига тикилиб сўради.

- Албатта! - қатъий оҳангда деди Баҳром.

Рао Камилага юзланди.

- Каютага кир!

Қиз пастга тушди.

Рао кема рулини бошқариб келаётган йигитга буюрди:

- Рулни ўттиз беш градус шимолга бур, тезликни ошир!

Рул бурилиб, тезлик оширилди. Кеманининг ортга қайтиши ёввойиларнинг ғазабини жунбушга келтирди. Соҳилдагилар у ёқдан-бу ёққа чопқилашиб, овозларининг борича бақириб, қичқира бошлашди. Қайиқдагилар камонлардан ўқ узишди. Кема соҳилдан узоқлашиб борар экан, Баҳром енгил тин олди. Бироқ олдинда ёввойилар қийноғидан кучлироқ азоблар борлиги ҳали хаёлига келмаганди.

* * *

Қароқчилар бошлиғи тўрт бандини кечки нонуштага таклиф этди. Очлик ва ташналик азобини бошидан кечирган тутқинлар таклифни рад этишмади. Улар кеманинг

шинамгина ошхонасига йиғилишди. Рао ўз одамларини ичкарига киритмади. Дастурхон фақат «меҳмон»лар учун безатилганди. Бор бурдидан айрилган Стефан аламини ичкиликдан олди. Бойликларини қайтариб олиш фикри унинг хаёлидан кетмасди. Бироқ денгизда унга ёрдам берадиган куч йўқ. Ўзининг қўлидан нима ҳам келарди. Игордан гумонсирарди. Ҳаммасини шу қилган, деб уни гажиб ташлагиси келарди. Биргина умиди ҳарбийлардан эди. Кун бўйи кўзларини олисларга тикиб, хаёл суриб ўтирарди. «Наҳотки шундай бепоён денгизда бирорта ҳарбий кема кўринмаса», деб аччиқланарди. Игорь дастурхондаги таомларга ҳурматсизларча қўл чўзди. Камиланнинг дили сиёҳ эди. Томоғидан овқат ўтмасди. Фикри ёди қароқчилар қўлидан тезроқ озод бўлишда эди. Рао мамнун эди. Ҳирс ўти ёниб турган кўзларини қиздан узмасди. Қароқчининг сурбетларча тикилиши асабини тўзитганди. Унга қарамасликка уринса-да, иложини тополмасди. Хижолатдан томоғидан сув ўтмасди. Ўрнидан туриб, яхтага чиқиб кетишга баҳона изларди, ўзининг бу қилиғи шерикларига ҳурматсизлигини ўйлаб, қимир этолмасди. Ташқарида қароқчилар пойлоқчилик қилиб туришарди. Меҳмонлар узоқ ўтиришмади. Овқатдан сўнг, ўринларидан туришди.

- Дам олмоқчимиз, - деди Виктор кўзғалишдан аввал Раога ўз миннатдорчилигини изҳор қилар экан.

- Биламан, чарчагансизлар. - Рао бу таклифни қаршиликсиз қабул қилди.

Вақт кеч бўлиб қолганди. Раонинг овлари асосан тунда бошланарди. Керагидан ортиқ бойликни қўлга киритган қароқчининг нафси ҳали қонмаганди. Икки одами дурбинда тунги денгизни кузатарди. Қароқчилар кемаларнинг ҳаракатига қараб, турларидан кимга қарашли эканлигини эмас, балки қандай юк олиб келаётганлигини ҳам пайқаб олишарди. Ит исдан билгандек, Рао кемаларнинг ташқи томонидан ажратарди. Кейин дафъатдан уларга ҳужум бошларди. Токи мудраб ётган савдогарлар ўзларига

келгунча кемани ишғол қилишарди. Бойликларини талаб, қаршилик кўрсатган савдогарларнинг оёқ-қўлларини боғлашарди. Исёнчиларни ёввойилар оролига ташлаб ўтишарди. Лекин бугун унинг хаёли ўзида эмасди.

Раонинг оромини соҳибжамол қиз Камила ўғирлаганди. Қизни бу кеча ўз хонасида олиб қолишни истарди. Меҳмонлар кўзғалишганда бу истакни улардан яширмади. Ҳамманинг олдида:

- Хоним, сиз бу кеча кулбамнинг азиз меҳмони бўлишингизни истардим. Иккимиз тонгни шу ерда қарши олсак. Ўйлайманки, камтарона таклифимни рад этмайсиз. - Одобли ва маданиятли одамлардек товозе билан деди қароқчилар сардори.

Викторнинг қути ўчди, Баҳром ўзини зўрга тийди. Игорь ғалати иршайди. Стефан қизнинг муборак таклифни рад этмаслигини истади.

Камила қайноқ сув ичида қолгандек типирчилади.

- Агар ёнимда эрим бўлмаганда, таклифингизни жоним билан қабул қилган бўлардим, - деди Камила кесатиқ билан ва ўзининг «эри» кимлигини билдириш мақсадида Баҳромнинг билагидан ушлаб олди. Бу гап Раога заррача таъсир қилмади.

- Турмуш ўртоғингиз борлигини билмаган эканман, - деди ва Игорга қараб масҳара қилгандай кўзини қисиб қўйди. Шерикларининг олдида қизнинг ёлғон гапирганлигини ўзининг имо-ишораси билан билдиргиси келган Игорь Раога қаради. Бироқ қароқчининг кўзлари ҳамон Камилада эди.

Рао меҳмонларни овқатга таклиф қилишдан аввал соқчиларига яхта ичини тинтиб чиқишни буюрганди.

- Текшириб чиқдиларингми? - сўради одамларидан.

- Шундай хўжайин!

- Нима топдиларинг?

- Яхта ичи тоза!

- Бўлиши мумкин эмас, - аччиқланди Рао. - Сенлар титишни билмагансанлар!

- Хўжайин, ахир бу яхта уларники эмас, ижарага олишган. Ҳеч нарсалари бўлмаганлигининг сабаби шунда.

Қароқчилардан бири ичкарига кирди.

- Хўжайин, сизни Абдулҳоди жаноблари сўраяптилар! У қўлидаги телефонни Раога тутқазди.

- Эшитаман, жаноб!

Гўшакдан Абдулҳодининг бўғиқ овози келди.

- Топдиларингми?

- Излаяпмиз, назаримда бўрон уларнинг яхтасини тўнтариб ташлаган бўлса керак.

- Соҳилларни қаранг. Менга Баҳром тириклай керак. Истаган пулингизни оласиз, Рао.

- Ҳаракат қиламан, жаноб.

Рао телефонни ўчириб, одамларига юзланди.

- Менинг рухсатимсиз Баҳромнинг бу ердалигини айтган одам денгиз остидан ўзига қабр излайди!

Қароқчилар бошларини эгишди.

- Тутқинларга ҳушёр бўлинглар. Манзилга етиб олгунча яхтани назоратга оласизлар. Уларга ишониб бўлмайди. Қўкисдан ҳужум қилиб қолишлари мумкин. Сезиб қолсаларинг отиб ташланглар. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзбекни ота кўрманглар. У менга тириклай керак!

Бу пайтда яхта ичида кичкинагина йиғилиш бўларди. Тутқинлар қароқчилар қўлидан қочишни муҳокама қилишарди. Айниқса Стефан куйиб-пишиб ўз фикрини ўтказмоқчи бўларди.

- Бойликларимни буларнинг қўлига ташлаб кетолмайман. Уларга қарши ҳужум уюштиришимиз керак. Назаримда кучимиз етади. Ярим тунда бошлаймиз. Бошқа чорамиз йўқ.

- Қуролни қаердан оласан? - деди Игорь уни масҳара қилгандай тиржайиб.

- Қурол бўлиши шарт эмас. Яхтада темир терсақлар керагича топилади.

Викторнинг сабри чидамади. Уларнинг хом хаёлларига

барҳам бермоқчи бўлди.

- Кимнинг қўлида банди бўлиб турганларингни ўйла-
яписизларми, - деди у Стефаннинг гапларидан аччиқла-
ниб. - Ҳозир бойлик тўғрисида ўйлайдиган пайт эмас.
Биринчи галда ўзимизнинг тирик қолишимизни ўйла-
шимиз лозим. Қароқчилар анойи эмас, улар бизни синаб
кўришлари, хатто пойлашлари мумкин. Салгина ножўя
ҳаракат қилса, ҳаммамизни отиб ташлашади.

- Наҳотки мен ўз бойликларимни қайтариб ололмасам,
- Стефан залворли мушти билан стулни урди. - Агар
бойликларимни қайтариб олишга ёрдам берсаларинг,
бешга тақсимлайман...

- Қўй, ҳозир бу ҳақда ўйлама, аввал нима қилишимиз
кераклиги тўғрисида бош қотирайлик. - Викторнинг
зардаси қайнади. - Сен аввал қутилишнинг йўлини изла.
Бизни ёввойи одамлар оролига ташлаб кетишганда ҳозир
гўштимиз сихга тортилган бўларди.

- Демак, сизлар мени қўллаб-қувватламайсизлар. Шун-
дайми? Ўзларинг биласизлар, аммо мен тинч турмайман,
пайт пойлаб уларни биттама битта ўлдираман!

- Стефан, - деди Виктор, - ҳеч ким қароқчилар қўлида
қолиб кетмайди. Улар бизнинг бошимизга қандай савдо-
ларни солишини биламиз. Сув ичида эканлигимизни
унутма. Қуруқликка чиқиб олайлик, кейин сен ўйлаган
режани ўйлаб кўрамиз, ҳозирча бандимиз.

Ярим тунда яхта худди ер кўтариб ташлагандек силки-
ниб кетди. Ҳамма чўчиб уйғонди. У бешикдай тебранарди.
Лангар занжири боғлаб қўйилган узел ғичирларди. Таш-
қарида бўроннинг гувуллаши эшитиларди. Тўлқин ша-
лопларди. Денгиз қутирганди. Биринчи бўлиб Игорь
ўзини ташқарига отди, ортидан Стефан эргашди. Осмон
кўринмасди. Қоп қора булут қоплаганди.

Шиддат билан ёпирилиб келаётган тўлқин зарб билан
яхтага уриларди. Қароқчилар саросимага тушишди. Ба-
қир-чақирлардан уларнинг овози битганди.

- Ҳамма бу томонга ўтсин, - зулмат қўйнида тўлқин-

нинг ўқиришини босиб кимнингдир овози келди. Аммо икки кема ўртасига қўйилган ёғоч кўприк тўлқинда парча-парча бўлиб кетганди. Занжиргина икки кемани бир-бирига боғлаб турарди. Игорнинг хаёлига занжирни узиш фикри келди. Қароқчилардан қутулишнинг йўли шу эканлигини тушунди. Қароқчилар ҳамон кема атрофида зир югуришар, лангарларни туширишга уринишарди. Яхтадагилар билан қароқчиларнинг иши йўқ эди. Игорнинг шериклари яхта ичига кириб олишганди. У эмаклаб занжирнинг олдида келди. Бироқ таранг тортилган занжирни ушлаб кемага ўтишнинг чорасини тополмади. У илмоққа силкиниб турарди.

- Қайт, Игорь! - овозининг борида қичқирди Виктор.
- Ўласан!

- Ўлмаслик учун у томонга ўтишим керак! - ўз билганидан қолмай бақирди Игорь.

Шу пайт тоғ мисоли кўтарилиб, ёпирилиб келаётган тўлқин яхта томон бостириб келарди. Игорь бошини кўтарганда уни кўриб қолди. Юраги шув этди. Тўлқин устига тушса, омон қолмаслигини билиб, қичқириб юборди. Амом бу пайтда тўлқин унинг устига келиб тушганди. Шу сабабли овозини ҳеч ким эшитмади. Тўлқин шундай куч билан орқага қайтди. Занжир томон бораётган Игорни юлиб олиб денгизга улоқтириб юборди. Унинг гавдаси бир сониягина кўринди. Иккинч тўлқин осмону фалакка чиқариб шундай зарб билан денгиз остига олиб кириб кетди. Буни ҳеч ким кўрмади, пайқамади ҳам. Бандилар ичкарида эдилар. Улар яхтанинг енгил ҳаракат қилаётганлигини, тўлқиннинг ихтиёрида сузиб кетаётганини сезишди, холос. Баҳром деразадан кемани кузатиб турарди. Кутилмаганда кема сув ютиб юборгандай ғойиб бўлди.

- Қароқчилар кемаси кўринмаяпти! - деди у шерикларига. Шунда бошқалар ҳам ташқарига қарашди. Стефандан бошқа ҳамманинг юзида қувонч балқиди. Шодликларидан бир-бирларини қучоқлашди. Сакрашиб, рақсга

тушишди. Қиморбоз эса ҳеч кимга қўшилмади. У йиғларди.

- Менинг олтинларим, пулларим қолиб кетди. Хонумоним куйди, энди мен яшай олмайман. Бу дунёда тирик ўликман! - қўллари билан бошини уриб қичқирарди Стефан. Бирдан ўрнидан турди-да, шерикларини суриб-туртиб, ташқарига чопди.

- Стефан, чиқма! - Виктор уни зўрға тутиб қолди. - Нима, ўлгинг келаяптими?

- Пулларим, улардан айрилгунча ўлганим яхши! Денгизга чўкиб кетганим яхши!

Виктор эшикни ёпди.

- Игорь қани? - сўради Баҳром.

- Ташқарига чиқиб кетганди, - деди Камила хавотирли овозда.

Баҳром эшикни очди. Шамол билан тўлқин уйғунлашиб уни коптокдек улоқтириб, бурчакка тиқиб ташлади. Виктор эшикни зўрға ёпти.

Қароқчилар кемаси яхтадан йироқлаб кетарди. Ҳамма уяси бузилган чумолилардек типирчилаб, зир югурарди. Шамол уни измига бўйсиндирганди. Лангар туширилганди. Тўлқин ичкарига аллақанча сув олиб кирганди. Қароқчилар қўлларига пақир олиб, сувни ташқарига сочишарди. Ярим соат ўтиб шамол шаштидан тушди. Тўлқин босилди...

- Яхта, яхта йўқ! - қичқирди қароқчилардан бири.

Рао яхта боғланган жойга келди. Занжирни тополмади. Бу бандиларнинг иши эмаслигини тушунди.

- Яхтани кемага ким боғлаганди? - жон-жаҳди билан бақирди қароқчилар сардори.

- Песо! - жавоб қилди ёрдамчиси.

Песони тутиб келишди.

- Занжирни сен боғлаганмидинг, ит? - ўшқирди Рао.

Қароқчининг тили танглайига ёпишди.

Рао ёнидан қанжарни олганини ва Песо томон улоқтирганини ҳеч ким кўрмади. Қанжар унинг йўғон бўйнига

санчилганди. Песо чайқалиб турган нотинч денгизга қулади. Сув бети қип-қизил рангга бўялди. Дайди тўлқинлар қонли сувни қориштириб ташлади

- Улар шу атрофда, узоққа кетишолмайди, - Рао кема бошқарувчисига буюрди. - Руль ўн беш градус шарққа бурилсин! Лангарлар кўтарилсин, тезлик оширилсин! Ҳамма дурбин билан атрофни кузатсин!

Тўлқин билан шамол яхтани соҳилга суриб ташлаганди. Ичи сувга тўлиб, қийшайиб қолганди. Баҳром билан Виктор сувни ташқарига чиқариш билан овора эди. Стефан ҳамон хомуш эди. Бойликларидан жудо бўлганига чидамай йиғларди. Йўлдошларининг таскини унга тасалли бермади. Биринчи бўлиб Камила ерни кўрди.

- Орол! - қувонч билан қичқириб юборди у.

Ҳамма соҳил томон қаради. Севинчу шодликлардан кўзлар ёшланди. Икки- уч чақирим нарида ям-яшил дов-дарахтлар худди уларни бағрига чорлаб тургандек туюларди. Бироқ, кема жойидан силжимасди. Мавжланиб турган денгиз устида қалқиб турарди. Салгина шамол эса яхтани яна денгиз ўртасига олиб кетиши мумкин эди. Ҳамма шундан хавфсирарди, хавотирга тушарди.

Баҳромнинг хаёлига келган нарса уларнинг соҳилга чиқишларига ёрдам берадигандек туюлди.

- Чангакни олинглар, - деди у Виктор билан Камилага. Ўзи қам улардан бирини қўлига олди. Денгиз туби чуқур эди. Чангаклар ерга тегмади. Шундан кейин ундан эшкак ўрнида фойдаланишди. Яхтанинг силжиётгани билинмасди. Баҳром ичкаридан чойшабларни олиб чиқди. Чангакларнинг учига боғлаб, тепага кўтаришди. Эпкин яхтани ҳаракатга келтирди. Икки соатдан кўпроқ фурсат ичида соҳилга яқинлашишди. Ҳаммалари пастга тушишди. Стефан бетоб эди. Баҳром билан Виктор уни кўтариб туширишди. Пастга тушгандан кейин ҳам шумшайиб ўтираверди. Баҳром ундан ҳол сўради.

- Мазангиз қочдимиз, Стефан Аркадевич?

Қиморбоз қалб изтиробларини ўзида акс эттирган

кўзларини очиб, Баҳромга мўлтираб қаради.

- Сув...

Атроф чангалзор эди. Осмон билан бўйлашган дов-
дарахтлар шу қадар қалин эдики, қуёшнинг заррача нури
пастга тушмасди. Баҳром Камилага сув топиб келишини
айтиб чангалзор ичига кириб кетди. Юриш азоб эди.
Синиб тушган шохлар, одамнинг белига уриб турган ўт-
ўланлар қадам босишга имкон бермасди. Шитирлаган
товушдан қушлар, жониворлар, илонларнинг тинчи бу-
зиларди. Ғалати овозлар чиқариб, юракда қўрқув уйғотар-
ди. Баҳром ичкарилаб кетди. Сув тополмади. Ортига
қайтди. Яхта ичида қароқчилар берган идишда бир қултум
сув қолгани ёдига тушганди. Стефан сувни ичиб, кўзини
очди. Бадани чўғдай қизиганди.

- Стефан Аркадевичнинг иссиғи бор, - деди Викторга.

- Аҳволи оғир, бирор чора ўйлаб топиш керак.

- Дори-дармон бўлмаса, қўлимиздан нима қам келарди,

- деди Виктор. - Яхтадан тўшакларни олиб туш, ўраб
қўямиз.

Стефанни тўшакка ўрашди.

- Қаердамиз? - сўради Камила Баҳромдан.

- Буни мен ҳам билмайман, бўрон бизни кимсасиз
оролга чиқариб ташлаган. Атрофда ҳеч ким кўринмаяпти.

- Робинзоннинг кунни бошимизга тушибди-да, - кулди
Виктор.

Кун қиздирарди. Баҳром шох-шабалардан қапа ясади.
Кейин Камилани хастанинг ёнида қолдириб, Виктор
иккиси чангалзор ичига кириб кетишди. Стефаннинг
иссиғи тушмади, ўзини ёмон ҳис этарди, алаҳсираб жав-
рарди. Камила кўрқиб кетди. Нима қилишни билмасди.
Қоронғулик тушган сайин атроф-теварак кўзига қўрқин-
чли, ваҳимали кўринарди. Қандайдир қушларнинг, жо-
ниворларнинг овози юрагида уйғонган қўрқувни кучай-
тирарди. Рао айтган ёввойи одамларнинг келиб қолиши-
дан чўчирди.

Баҳром билан Виктор адашиб, йўлни йўқотиб қўй-

ишганди. Бу жойларга кўпдан одамзоднинг қадами етмагани билиниб турарди. Шох-шаббалар уларнинг йўлини тўсарди, кийимларини йиртиб, юзларини шилиб юборарди. Икковлари ҳолдан тойганди. Баҳром баланд дарахтнинг тепасига чиқди. Ботаётган куёш шуъласида мавжланиб турган денгизни кўрди. Шимол томон юришди. Бир амаллаб соҳилга чиқишди. Тун чодир ташлаганди. Осмонга ой чиққанди. Юлдузлар кулганди. Вақтни билиб бўлмасди. Улар Камилани ахтаришди. Овозларини қўйиб қичқиришди, жавоб қайтмасди. Шунда қаёққа юришни билмай соҳилда туриб қолишди. Ҳолсизланиб қум устига ўзларини ташлашди. Кўзларини очишганда тонг ёришганди. Денгиз эртанги довулдан дарак бериб, безовта чайқаларди. Викторнинг ҳоли қуриб, ўрнидан туришга мадори етмасди.

- Камилани топишимиз керак, Виктор Андреевич, - деди Баҳром шеригининг қўлтиғидан олиб. - Уларнинг ҳоли бизсиз не кечдийкин?! Стефан Аркадевич соғайиб қолдимикин?

- Менга тегма, - зўрға тилга кирди Виктор. - Дармоним қуриган, оёқларим зирқираб оғрияпти. Юришга ярамайман!

- Ўзингизни қўлга олинг, очликдан ўлиб қоламиз. Тезроқ шерикларимизнинг олдига борайлик!

- Ўзинг излайвер, - деди Виктор. - Ўлиб қолсам денгизга ташлаб юборма. Бирорта дарахтнинг остига кўм!

- Ўлимни ўйламанг, биз юртга қайтамыз. Илҳом сизни кутаяпти! Ахир бизнинг тўйимизда «бош тураман», деб ваъда бергандингиз-ку!

Виктор бошини кўтариб, кўзларини очди.

Баҳром шеригини елкасида кўтариб, соҳил бўйлаб кетди. Икки чақарим йўл босганда кўзига яхта кўринди.

- Виктор Андреевич, яхта! Ўзимизнинг яхтамиз! - деди қувониб.

Виктор бу сўзга аҳамият бермади.

- Сув, - унинг қурқшаб қолган лабларидан шу сўз чиқди.

Камила тунни мижжа қоқмай ўтказди. Стефаннинг иссиғи кўтарилиб, алаҳсираб чиқди. Тонга яқин истимаси тушди ва ухлаб қолди. Баҳром елкасидаги беҳуш Викторни ерга қўйганда Камила тиззасини кучоқлаб, ухлаб қолганди. Очлик ўлим билан тенг. Фақат ҳаракатгина уларни ажал сиртмоғидан холос қилиши мумкин. Баҳром яхтада егулик қолмаганини биларди. Ичини ти-тишдан фойда йўқ. Яшаш ва тирик қолиш, очлик азобидан қийналаётган шерикларини қутқаришнинг ягона йўли чангалзор ичига кириш эди. Қулфсоз ўтирса, ухлаб қолишини сизди. Камилани ҳам уйғотмай, чангалзорга кириб кетди. Кокос дарахтини топиб, меваларидан узиб тушди. Кейин дарахтлар орасидан қаноти қайрилган қирғовулни тутди.

Соҳилга қайтганда Камила уйғонганди. Қиз қушни тозаллади. Баҳром кемадан қозонни олиб келиб, пахтани тошлар орасида ишқалаб олов ёқди. Гўштни пиширишди. Кокосни ёриб, сувини идишга олди. Виктор билан Стефанга ичиришди. Улар кўзларини очишди. Этни еб ўзларига келишди. Тушдан кейин Баҳром Камила билан бирга чангалзорга кириб, дарахтларнинг мевасини териб келишди. Шериклари буларни сув ва овқат ўрнида тановул қилишди.

Камиланинг руҳи тишиб кетганди.

- Баҳром, бу ердан соғ-саломат кетишимизга кўзим етмаяпти. Келганимизга икки кун бўлди. Биронта кема ўтгани йўқ, - деди.

- Кутишдан бошқа иложимиз йўқ. Бирортаси келиб қолар. Умидингни узма!

Рао айтган ёввойи одамлар оролига тушиб қолмадикмикин?

- Назаримда биз улардан анча олислаб кетганмиз. Бу ерда улар бўлганда аллақачон исимизни олиб, тутиб кетишган бўлишарди.

- Нақадар жирканчли? Мен бундай одамлар тўғрисида фақат китоблардагина ўқигандим. Уларнинг вазоҳатини кўрганимда баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Ҳаётдан умидимни узгандим. Одамни гўштини ейишга қандай журъат қилишаркин?

- Улар шундай ҳаёт тарзига мослашишган-да!

Виктор Андреевич уларнинг ёнига чўккалади. Ҳанси-
раб нафас олиши ҳали қувватга кирмаганини билдирар-
ди.

- Энди нима қиламиз, Виктор амаки? Наҳотки бизни қутқарадиган бирорта кема келмаса, - сўради Баҳром.

- Назаримда бу ерлар саёз, шу сабабли кемалар соҳилни четлаб ўтишса керак. Баландроқ жойни топишимиз зарур. Узоқдан келаётган кемаларни кўриб, олов ёқамиз, ёрдамга чақирамиз. Бундан бошқа чорамиз йўқ.

- Яна қанча кۈтишимиз мۈмкин? - сўради Камила.

Стефаннинг дафъатдан йиглаб юбориши суҳбатни кесди. Ҳаммалари хайрон қолди.

- Нима гап, Стефан? Нима бўлди? Нега йиғлаяпсан?

- Мен адоий тамом бўлдим, Виктор. - Бошини чангаллаб бўзларди қиморбоз. - Ўлимимга мингдан минг розиман.

- Түшүнтіриброк гапир, нима гап?

- Педродан ўн миллион қарз кўтаргандим. Эвазига ҳашаматли ресторанимни гаровга қўйгандим. Шу эсимга тушиб қолди!

- Ташвиш чекма, Стефан! Борганингдан кейин пулни тўлаб, ресторанигни кайтариб оласан!

- Бунинг иложи йўқ. Муддат тугади, ресторан унинг номига ўтди. Хужжатлар нотариус идорасида расмийлаштирилган.

Виктор «Уйинг куйибди биродар, қиморнинг оқибати шу бўлади» демоқчи бўлди-ю, лекин тилини тишлади. Аини пайтда тасалли беришга ожизлик қилди. У Камилага ўғирилди ва айтаётган гапини давом эттирди:

- Ҳаёт учун курашиш лозим, азизларим. Мен-күёшим-

ни яшаб, ошимни ошаган одамман, бироқ, сизларнинг келажакларинг олдинда!

- Унда сиз айтган тепаликни топишимиз керак. Балки у ердан туриб кемаларни бемалол кўрармиз, улар ҳам бизни кўришар. Инсофлироғи ёрдамга келиб, бизни олиб кетар.

Тўртовлон йўлга чиқишди. Соҳил бўйлаб юришди. Кечга яқин тепаликка дуч келишди. Кеч бўлиб қолгани учун баландликка чиқишни эрталабга қолдиришди. Тунашга соҳилдан ўзга жой йўқ эди. Денгиз безовта эди. Тўлқин соҳилга шалошлаб уриларди. Гоҳу ерда, гоҳу ерда отилиб чиқар, ҳар бирининг чўққисида оқ кокил ёйгандай бўлиб, яна сочилиб кетарди. Довул бўлмади. Шамол йўналишини ўзгартирди.

Баҳром барвақт уйғонди. Бошини кўтарганда шу томон сузиб келаётган кемага кўзи тушди. Аввалига ишонмади. «Туш кўраётган бўлсам керак», деб ўйлади. Лекин кема соҳилга келиб қолганди. Баҳром шерикларини уйғотди.

- Туринглар! Кечаги дуоларимиз ижобат бўлди. Худонинг бизга раҳми келди. Кема келаяпти, - деди ҳаяжондан ўзини босолмай.

Учовлари ўринларидан туришди. Соҳил томон келаётган кемани кўришди. Қўлларини кўтариб, овозларининг борица қийқаришди.

- Балиқчилармикин? - деди Камила кемадан кўз узмай.

- Менимча қутқарувчилар бўлса керак, - деди Виктор.

- Ичида қандай одамлар борлигини Худо билади. Яхши-си ўзимизни четга олиб турайлик, уларнинг кимлигини билайлик. Яхши одамлар бўлса кўриниш берамиз. Бизни олиб кетишларини илтимос қиламиз, - деди Камила.

Кема соҳилга яқинлашиб қолганди. Одамларнинг қораси кўринди. Стефан ҳамманинг қувончини саробга чиқарди.

- Бу қароқчиларнинг кемаси! - деди бақириб. - Бизни излаб келишаётган!

- Қардан била қолдинг? - сўради Виктор.

- Танидим, тепасидаги матоларнинг рангидан билдим.
Ҳаммалари кемага тикилишди. Стефан янглишмаганди.
Баҳром Викторга юзланди.

- Нима қиламиз?

- Улар бизни қочган, деб ўйлашган. Тутиб олишса соғ қўйишмайди.

- Бу ерда қолсак ҳам омон қолмаймиз. Қароқчилар билан тиллашармиз.

- Уларнинг қўлига тушгандан кўра, шу ерда ўлиб кетганимиз яхши, - деди Камила.

Ҳаммалари ўзларини чангалзорга уришди. Стефан иккиланиб қолди. Унинг умиди Рао тортиб олган бойликларни қайтариб олишда эди.

- Бир ўзинг қолмоқчимисан, Стефан?! - деди Виктор унинг қимирламай турганини кўриб. - Билиб қўй, улар сени ўзлари билан олиб кетмайди. Бирор дарахтнинг шохига оёғингдан осиб кетишади!

Стефан шериқларига эргашишга мажбур бўлди. Кема тўхтаб, қароқчилар қайиқчаларга ўтириб, соҳил томон сузиб келишарди. Стефан адашмаганди. Бу ўша Раёнинг кемаси эди. Қароқчи дурбин орқали қочоқларни кўриб, таниб қолганди.

- Осиёлик менга тириклай керак! - дея одамларига топшириқ берди кема бошлиғи. - Унинг боши учун ўн минг доллар!

Пулнинг исини олганлар ўзларини чангалзор ичига уришди. Милтиқлардан ўқузишарди, қийқириб-бақиршарди. Чангалзорнинг тинчи бузилганди. Кушлар, жониворлар типирчилаб, осмонни тўлдириб, қанотларини силкитиб шовқин солишарди. Қочоқлар изларини яшириш мақсадида тобора ичкарига кириб боришарди.

- Улар кўпчилик, бизни ҳамма томондан ўраб олишлари мумкин, - деди Баҳром Викторга.

- Таслим бўлишни хаёлингга келтирма!

- Бу ер уларнинг қароргоҳи бўлса-чи? Биз ҳеч қаёққа кочиб кетолмаймиз.

- Пешонамизга ёзилгани бўлади. Аввало қўлга тушмас-ликнинг чорасини кўришимиз керак!

- Бунинг иложи йўқ. Орол поёнсиз эмас. Улар эса кўпчилик, - орқада келаётган Камила уларнинг сўзига қўшилди. - Очмиз. Очлик бизни уларнинг олдига боришимизга мажбур қилади. Қўлга тушсак тўлқин бизни мана шу соҳилга чиқариб ташлаганини айтамиз.

Қочоқлар аниқ қарорга келишолмай, ичкарилаб боришарди. Виктор Камиладан чўчирди. Тутиб олишса уни қийнашади, зўрлашади. Нега бу ҳақда қизнинг ўзи ўйламаяпти?

- Орқага қайтамиз! - Стефаннинг сўзи ҳаммани тўхташга мажбур қилди. Терга ботган қиморбознинг юришга ҳоли қолмаганди. Қийналиб яшагандан кўра қароқчиларнинг қўлида ўлганимиз афзал. Сизларни билмадим-у, аммо мен орқага қайтаман. Таслим бўламан. Улар менинг бор будимни шилиб олишди. Ҳеч бўлмаса шуни ҳисобга олиб ўлдиришмас. - Стефан ерга ўтириб олди. Шериклари тўхтади.

- Бу нима қилганинг, Стефан! Ақлингни ишлат, қароқчилар бизни соғ қўйишмайди!

Стефан чопонни тескари кийиб олганди. Бояги фикрларига қарши ҳаракат қиларди.

- Уларни ўлдириш нияти йўқ. Ўлдирадиган бўлишганда оптимиздан қувиб келишмасди. Улар биздан ниманидир талаб қилишмоқчи? Бор, сен кетавер! Мени тинч қўй. Бир қадам босишга мажолим қолмади. Ўлсам, шу ерда ўлай!

Қароқчилар нима учун уларнинг изига тушганини Баҳром яхши биларди. Раога фақат у керак. Ўзини уларнинг қўлига топширмагунча Раонинг одамлари чангалзорнинг тити-питисини чиқариб ташлашади. Аммо шерикларининг тирик қолишига у кафолат беролмайди-ку. Рао бизни қочишган, деб ўйласа ҳаммамизни отиб ташлайди ёки шу оролга банди қилиб, оёқ-қўлларимизни боғлаб ташлаб кетади. Баҳром шундан кўрқарди. Шерикларини яширинишга мажбур қилаётганининг сабаби шунда

эди. Лекин бу ҳақда Викторга айтолмасди.

- Стефан Аркадевич, - деди Баҳром унинг олдига келиб.
- Агар сиз уларнинг қўлига ўзингизни топширсангиз, билиб қўйинг, аввалло улар сизни ёввойилар ихтиёрига топширади. Озгина сабр қилинг, яна бир оз юрайлик. Кейин устимизга шох-шаббалар ташлаб беркинамиз.

Стефан зўрға ўрнидан турди. Тўртовлон чангалзор ичкарасига кириб боришарди. Қасққа кетаётганларини билишмасди. Юриш машаққат эди. Пашша ва чивинлар кўз очиргани қўймасди. Ҳашоратларни, жониворларни қўққисдан босиб олишар, уларнинг чийиллаган овозидан юраклари орқага тортиб кетарди. Стефан бехосдан шохдаги илонни ушлаб олди. У заҳарли мамба эди. Илон унинг билагига заҳарли тишини санчди. Қиморбоз додлаб юборди. Шериклари ортга қайтишди ва шохга тирмашиб чиқаётган кулранг илонни кўриб, Стефанга нима бўлганлигини тушунишди. Баҳром унинг қорайиб кетган биладан маҳкама боғлади. Стефаннинг ранги кўкариб, юзи терга ботганди. Илон чаққан жой аввалига кўкарди, кейин қорайди. У тинмай додларди. Илон заҳрини кесадиган дори йўқ эди.

- Виктор Андреевич, пичоқни беринг! - деди Баҳром нима қилишни билмай турган Викторга, Пичоқ тиғи билан илоннинг тиш излари қолган жойни тилди. Тирқираб қора қон отилиб чиқди. Баҳром оғзида заҳарни сўриб ташлади. Мамбанинг тиши чуқур ботганди. Баҳром тандаги заҳарни қолдирмай сўриб ташлаганига ишонмади. Заҳар қонга сўрилиб кетган, деб ўйлади. Стефаннинг аҳволи оғирлашди, иссиғи кўтарилиб борарди. Ярим соат ўтиб фалаж бўлиб, ўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Унга иссиқ чой ичириш зарур эди.

- Мени шу ерда кутинглар, - деди-ю, ўзи чангалзорлар ичидан чопиб, қаёқадир кетди. У қароқчиларни чақирарди. Камила билан Виктор бир-бирларига қараб, нима гаплигини тушунмай елкаларини қисишди. Беш дақиқалар ўтиб қароқчиларга дуч келди. Улар Баҳромни таниди.

- Ёрдам беринглар! - деди уларга. - Шергимизни илон чақиб олди. Улиб қолиши мумкин!

Қароқчилар ўз бошлиқларининг сўзларини эмас, балки у ваъда қилган пулни эслашди. Баҳромни ушлаб, қўлларини боғлашди. Уни судраб Раонинг ҳузурига олиб боришди.

- Мен сизнинг талабларингизни бажаришга розиман! - деди қароқчилар бошлиғига. - Шергимни илон чақиб олди. Тезда ёрдам берилмаса ўлиб қолади. Агар уларнинг бирортасига зиён етса, мени бу ердан тирик олиб кетолмайсиз!

Рао йигитнинг сўзидан аҳди қатъийлигини билди. Ишорасини тушунган одамлари йигитнинг қўлини бўшатишди.

- Уларни олиб келинглар! - буюрди қароқчиллар сардори.

- Ўзим бошлаб бораман! - деди Баҳром.

Кулфсоз қароқчиларни эргаштириб, чангалзорга қараб чопди. Стефаннинг олдига етиб боришганда у терга ботиб, ҳаво етишмаётгандек ҳансираб ётарди. Қароқчилардан бири ёнидан шиприц олди. Стефаннинг танасига дори юборди. Уни кўтариб орқага қайтишди.

Кемага чиқишди. Виктор билан Камиланинг қўлини боғлашди. Стефан ҳамон ҳушсиз ётарди. Баҳром унга иссиқ чой ичирди. Қиморбоз анчадан кейин ҳушига келди. Рангига қон югурди. Кемага қайтишганда Рао Баҳромни хонасига чақиртирди.

- Биз қочганимиз йўқ. Бўрон занжирни узиб юборди. Тўлқинлар бизни мана шу соҳилга келтириб ташлади, - деди кулфсоз қароқчилар йўлбошчиси нима мақсадда чақиртирганини билмаса-да, ўзларининг айбсиз эканликларини билидириш мақсадида.

- Ҳаммасидан хабардорман, - деди Рао, - занжир тўлқинда ilmoқдан чиқиб кетган! - деди Рао бу соҳада уларнинг айби йўқлигини билдириш ниятида босиқлик билан. - Сени ахтариб юрганимни биларсан. Энди

тўғриси айтмай, Абдулҳоди жаноблари сени тирик тутиб беришим учун беш юз минг доллар ваъда қилган. Аммо унинг қўлига сени топширишни истамайман. Аввал айтганимдай менинг қароргоҳимга борамиз. Денгизда юриш жонимга тегди. Стефандан олган пулимиз иккимизнинг яхши яшашимиз ва казинолар очишимиз учун етиб ортади. Аммо шерикларинг бизга ортиқча. Улардан воз кечишингга тўғри келади. Истасанг уларни шу оролда қолдирамиз.

- Жаноб Рао, - деди Баҳром. - Мен шерикларимнинг соғ-саломат ўз юртларига етиб боришларига ваъда берганман. Уларни бу ерда ташлаб кетиш ваъдага хиёнат. Сизнинг таклифларингизни қабул қилдим. Сиз ҳам менинг илтимосимни бажаринг. Уларни оролга ташлаб кетсангиз, бечораларнинг ҳоли не кечади? Очликдан ўлиб қолишади-ку. Яхшиси уларни ўзимиз билан олиб кетайлик.

- Орқамдан шатак эргаштириб юришни истамайман! - Тўндваш чехрасида ғазаб акс этган Рао қўл силтади. - Соҳилга етиб олгач одамларимга ҳам жавоб бераман!

- Шерикларимни соҳилгача олиб кетинг, ундан кейин бирор йўлини топиб, юртларига кетишар.

Рао таклифни оғриниб қабул қилди.

- Аммо мен уларни очиқда қолдиrolмайман, деди. - Ҳар эҳтимолга қарши қамаб қўяман!

- Жаноб Рао, биз кемадамиз. Улар қочиb кетолмайди. Сизнинг соқчиларингизга кучлари ҳам етмайди. Қолаверса, уларнинг бири менинг жуфти ҳалолим, иккинчиси илон чаққан, уч-тўрт кун ўзига келолмайди. Викторнинг қўлидан нима ҳам келарди.

Рао бироз ўйлаб турдида тутқинларни ўзи билан бирга кемада олиб кетишга рози бўлди.

Қароқчининг кемаси бир ҳафта денгизда сузди. Бандиларнинг аҳволи ўнгланди. Аммо юракларидан дард-алам, қайғу аримади. Айниқса Стефан қароқчининг хонасидан кўз узмасди. Рао тортиб олган бойликларни қайтариб

олишни ўйларди. У ҳамма нарсасига тайёр эди. Соқчилардан бирининг қуролини тортиб олиб, ҳаммани отиб ташлашни ўйларди. Ҳолсизлик бунга имкон бермасди. Эртаси кун соҳил кўринди. Кема қароқчининг қўрғонига яқин келиб қолганди. Ҳаво булут эди. Денгиз суви чайқаларди. Рао одамларига кема чироқларини ўчиришни буюрди. Лангарлар туширилди. Кема йўналишини қорайиб турган, тоғни эслатувчи қоя томон ўзгартирди. Раонинг соҳилдаги одамлари ўз кемаларини бир неча мил наридан кўришганди. Кемани кутиб олишга шошилишди. Кучли электр қуввати билан ҳаракатга келувчи тошли дарвоза кўтарилди. Фор ичидаги сув йўли кемани қабул қилишга тайёр эди. Йўлнинг икки томонидаги чироқлар ёқилди. Рао қороргоҳга элтувчи махфий йўлни бандилар кўриб қолишини истамасди. Одамларига шундай буйруқ берди.

- Бандиларнинг кўзини боғланглар!

Қароқчилар қора латталар билан тутқунларнинг кўзларини боғлашди, кеманинг туйнуксиз хонасига олиб кириб қамашди.

Кема ярим соатга яқин ғордаги сув йўлидан ичкарига сузиб борди. Ниҳоят манзилга етиб келди. Рао бандиларнинг кўзларидаги латтани ечмаган ҳолда пастга туширишни буюрди.

Қароқчилар бошлиғи тутқунларнинг қўл-оёғига кишан солиб, ертўлага ташлашни буюрди.

- Мендан хафа бўлма йигит, уч-тўрт кун дўстларинг билан бирга яшаб тур, улар сендан шубҳаланишмасин, - деди Рао. - Мен уларни ўз юртларига жўнатиб юборганимдан кейин сени озод қиламан!

Бандиларни деразаларига темир панжара ўрнатилган торгина хонага қамашди.

- Қани қулфбузар, ҳунарингни ишга сол-чи, деди - Виктор ҳазил аралаш.

- Ҳозир ҳазилнинг мавридим, Виктор Андреевич, аҳволимизни кўриб турибсиз-ку.

- Нима, унда Раонинг бошимизга қандай мусибат

солишини кутиб, жимгина ўтираверамизми? Бу ердан қочишни ўйлашимиз керак. Ҳар қалай чангалзорда эмасмиз. Одамлар орасидамиз.

- Назаримда, Рао ниманидир мўлжаллаётган. Унинг нияти бузук, - деди Камила.

- Нимани мўлжаллаши мумкин? Биздан оладиганини олиб бўлди. Ҳеч вақомиз қолмади. Олса жонимизни олади, - эътироз билдирди Виктор.

- Ҳар қалай бизни ўлдирмаса керак, - деди Камила ишонч билан. - Қўйиб юборди.

- Қўйиб юборди? Қаёққа қўйиб юборди? Қўйиб юбордиган бўлганда ортимиздан қидириб бормасди. Соҳилга етмасимиздан қайиққа ўтқазиб, жўнатиб юборарди.

- Нега у кўзимизни боғлаб, бизни қамаб қўйганини биласизларми? - сўради Виктор шерикларига юзланиб. Баҳром бу тўғрида ўйлаганди. Фикрини айтди.

- Назаримда, қароқчи кўрғонга олиб келадиган яширин йўлни кўриб қолишимиздан кўрққан.

- Баракалла, у яширин йўлнинг фош бўлишини истамайди. Биз эса унинг барча сирларидан воқиф бўлаяпмиз. Буни Рао тушунади. Шундай бўлгач бизни осонгина қўйиб юбормайди.

- Бизни умрбод шу ерда сақлаб турмас? - гапга қўшилди Камила. Бу саволга ҳеч ким жавоб беролмади. Виктор мақсадини айтди.

- Қочамиз, бошқа йўл йўқ!

- Биз кўрғон ичидамиз. Ташқарига олиб чиқадиган йўлларни билмаймиз. Соқчилардан бирортасини ёллашимиз керак. Бунинг учун пул зарур, қуруқ гапга ким рози бўларди.

Стефан бурчакда тиззаларини кучоқлаб, шумшайиб ўтирарди. Шерикларининг гапига қўшилмасди. Ўз ўй-ташвишлари билан банд эди. Кемада ютиб олган пуллари, қимматбаҳо тақинчоқлари кўз олдидан кетмасди. Шерикларини лаънатларди.

Эшик очилди, қўлида овқат кўтарган соқчи кирди.

Тутқунларга эшик олдида нари кетишларини буюрди. Ҳаммалари бурчакка қисилди. Соқчи овқатни стул устига қўйди, рус тилида «овқатланинглар», деди. Унинг кўзлари Баҳромда тўхтади.

- Сен осийликмисан? - сўради у.
- Ўзбекман, - жавоб қилди йигит.

Соқчи унга яқин келди.

- Мен ҳам ўзбекман.
- Ростданми? - ўзбек тилида сўради Баҳром.

- Гапимдан билмаяпсанми?

- Нега бу ерда юрибсан?

- Бунинг тарихи узоқ. Вақти келганда айтарман!

- Хўжайин бизни нега бу ерда ушлаб турибди?

- Бундан бехабармисан?

- Шундай?

- Хўжайин айтган бўлса керак, деб ўйловдим.

- Нимани айтиши керак? - ҳайрон бўлди Баҳром.

- Ҳаммаларингнинг паспортларинг унинг қўлида. Яқинларингга хабар жўнатиб, катта пул эвазига сизларни қўйиб юбормоқчи.

- Ҳали биз гаровлазимми?

- Фақат сендан бошқа!

- Пул берсак бизни қўйиб юборишадими?

- Бунга қафолат беролмайман, хўжайин майда пуллар билан савдолашмайди. У катта пул талаб қилади.

- Қанча?

- Буни ўзи айтади?

Баҳром ўйланиб қолди. Камила билан Виктор овқатни еб бўлишди.

- Исминг нима?

- Қосим! Аммо менинг исмимни тилингга ола қўрма. Бошлиқ сен билан ўзбек тилида гаплашаётганимни билса, ёнларингга қўшиб қўйиши мумкин.

- Қочишимизга ёрдам бер!

- Бу ердан қочиб кетолмайсизлар. Мана бу кишанларга ҳеч ким очолмайдиган қулф ўрнатилган. Калитлар бир

- Мабодо кишанларнинг кулфини ўзимиз очсак-чи?

- Унда ҳам қочиб кетолмайсизлар. Соқчилар туну кун атрофни қўриқлашади. Қўргондан пашша ҳам чиқиб кетолмайди.

- Демак ёрдам беролмайсанми?

Косим ўйланиб қолди.

- Биласанми? - деди бироздан кейин. - Мен ҳам бу ерда зерикканман. Қочиб кетишга бир неча бор уриндим, иложини тополмадим.

- Рози бўлсанг, биргаликда ҳаракат қиламиз.

- Биргина йўли бор, - деди Қосим орқасига қараб олгач.

- Мен кишанларни қирқадиган арра топаман. Камида ўн кун арралашларинга тўғри келади. Чунки кишанлар махсус қоришмалар қўшилган пўлатдан ясалган. Осонликча арралаб бўлмайди.

- Арра керак эмас, - деди Баҳром қўлидаги кишанга қараб. - Қулфни очамиз, сен соқчиларни йўқотиш тўғрисида ўйла.

Қосим Баҳромни «қулфларни очамиз», деган сўзига ишонмади.

- Қулфларни очишингга ақлим етмайди. Бу хонада қулфларнинг сир синоатини биладиган юзлаб одамлар ўтирган. Уларнинг бирортаси оча олмаган. Ҳаммалари ўлиб кетган.

- Гапимга ишон, - деди Баҳром соқчининг кўзларига тикилиб, - мен ўриниб кўраман.

- Агар қулфларни очсанг, сизларга қурол аслаҳадан ёрдам бераман. Ҳаммамиз биргаликда қароқчиларга ҳужум қиламиз. Фақат бу ишни тезлаштириш керак. Сабаби ҳўжайин ҳаммаларингни бир хонада узоқ ушлаб турмайди. Бошқа хоналарга ўтказди.

- Сен қачон бизнинг олдимизга қайтиб кирасан?

- Пайт топганда кираман.

- Иложи бўлса қаронғу тушганда кир. Унгача биз кулфларни очиб ташлаймиз.

Қосим чиқиб кетди. Виктор сўради.

- Нима ҳақида гаплашдиларинг?

- Бу йигит менинг юрдотшим экан.

- Юртдошим, - ҳайрон бўлди Виктор. - У қандай қилиб қароқчилар қўлига тушиб қолибди, кемада кўрмагандик?

- У шу ерда хўжайиннинг кўргонини кўриқлар экан.

- Айтгин, бизга ёрдам берсин! Чиқариб юборса, истаган пулини тўлаймиз!

- Худди бойлардек гапирасиз-а, Виктор Андреевич. Ахир ёнимизда сариқ чақа бўлмаса, пулни қасрдан топиб берамиз.

- Илҳомга хабар қиламиз, жўнатади.

- Сиз хабар қилмасангиз ҳам Рао яқинларингизга хабар жўнатаркан.

- Наҳотки?

- Шундай Виктор Андреевич. Бу туллак бизларни бу ерга бекорга олиб келмаган!

- Қанчадан сўраяпти?

- Ўзи кирармиш, ҳар биримиз билан суҳбатлашармиш.

- Мен пулни қасрдан топаман? - Камила безовта бўла бошлади.

Стефан Андреевич ухлаб ётарди. Бу гапларни эшитмади.

Баҳром ўйлаган режасини Викторга айтди. У иккиланиб, кейин рози бўлди.

Кечқурун Рао кирди. Стефан ҳам уйғонганди.

- Эшитишимча, сен Россиянинг энг бадавлат одами экасан, - деди Викторга. - Агар уйингга соф-саломат қайтишни истасанг, ўн миллион доллар товон тўлайсан!

- Ўн миллион?!

- Викторнинг кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди.

- Ҳа, ўн миллион, албатта бу пул сендай бойвачча учун арзимаган чой-чақа. Мен инсоф қилаяпман.

- Шунча пулни сўрашингиз инсофданми?

Раонинг жаҳли чиқди.

- Мен савдогар эмасман! - деди қовоқ-тумшугини

солиб. - Истамасанг умрингнинг охиригача мана шу хонада битга таланиб ётаверасан!

Ранги рўйи оқариб кетган Викторнинг тили танглайига ёпишиб қолди.

- Уйлаб кўрсам бўладими? - сўради бироздан сўнг.

- Мен тутқунларга муддат беришни истамайман. Аниқ жавоб олишга одатланганман!

- Биласиз, ҳозир ёнимда бир тийин ҳам йўқ.

- Банкда қанча маблагинг бор?

- Икки миллион!

- Бу кам, жонингни сақлаб қолишга етмайди. Ҳисобчингга сим қоқ, зудлик билан мен талаб қилган пулни банкка тушириб, менинг ҳисоб рақамимга ўтказсин!

Рао Стефаннинг тепасига келди.

- Ҳўш, Россиянинг машҳур киморбози, соғайиб кетдингми? Одамларим сени ўлимдан сақлаб қолишди. Ёрдам бермаганимда чангалзорда қурт-қумурсқаларга ем бўлиб ўлиб кетардинг. Жонинг шерикларингникидан қимматроқ турса керак. Биламан, сен банкка пул қўймайсан, шунинг учун яқинларинг билан телефон орқали боғлан. Етти миллион пул тайёрлаб қўйишсин. Одамларим бориб олишади. - Рао телефон рақамларини айтди. Ранги гезариб кетган Стефани қалтироқ босди.

- Мен - мен... ҳаммасини бердим-ку!

- Улар сенинг пулинг эмас, биродар, - деди Рао сўнг Баҳромга юзланди. - Улар мана бу йигитга тегишли. Шундайми?

Стефан индамади. Рао унинг қўлига телефон тутқазди.

- Натижасини эрталаб сўрайман!

Рао Камилага ўғрилди.

- Сенинг озод бўлишинг Баҳромга боғлиқ, гўзалим. Агар у сени севса, менинг шартларимни бажаради.

Раонинг талабларига ҳеч ким эътироз билдирмади. У эртага киришини айтиб чиқиб кетди. Виктор унинг ортидан шундай деб қичқирди.

- Бу муддат оз эмасми? Ахир яқинларимиз сен айтган

пулни топишлари учун камида бир икки ҳафта югуриб-елишлари керак.

Рао ўйланиб, кейин рози бўлди.

- Уч кун муҳлат! - деди ва эшикни ёпди.

Кутилмаганда, у яна ортига қайтди. Келиб Камиланинг қўлидан ушлади.

- Қани яхши қиз, ўрнингдан тур-чи, эркакларнинг олдида ётиш сенга тўғри келмайди. Баҳром ўрнидан сапчиб турди.

- Унга тегманг! - деди қалтираб

Раонинг золворли мушти йигитнинг тумшугига тушди. У йиқилди. Ўрнидан турганда эшик қарсиллаб ёпилди. Кулоғига қулфнинг шарақлаган товуши эшитилди.

- Ифлос! - Баҳром оғзи тўла қонни тупириб ташлар экан қароқчини шундай сўз билан ҳақорат қилиб қолди. Анчадан кейин Қосим овқат олиб кирди.

- Қулфни очдингми? - сўради Баҳромдан.

- Қулфни аллақачон очганман. - Баҳром уни ишонтириш мақсадида қўлидаги кишаннинг қулфини очиб кўрсатди.

- Қандай қилиб очдинг? - ҳайрон бўлди Қосим.

- Бу ёғини сўрама, ҳозир сен бизга ёрдам қилиш тўғрисида ўйла.

Қосим унга шундай деди.

- Бу кеча навбатчилик қиламан. Деразадан қурол ташлайман. Яна бир гапни айтиб қўяй, хўжайиннинг хонасида телевизор бор. Ҳовлига бир нечта камера ўрнатилган. Ташқарида бўлаётган воқеаларни кузатиб туради. Унинг ухлашини кутишимизга тўғри келади. Эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишни унутманглар! - Қосим чиқиб кетишдан аввал Баҳромдан сўради.

- Эшикнинг қулфини оча оласанми?

- Менга калитини кўрсат!

Қосим очқични кўрсатди. Баҳром унинг тишларини кўздан кечирди.

У чиқиб кетгач Баҳром эшик олдида келди. Киссасидаги очқичлардан бирини олди. Уни қулфга солди.

- Ҳозир мавриди эмас, - деди Виктор, бирортаси кириб қолиши мумкин. Ҳамма ухлагандан кейин бошларсан.

- Шунчаки текшириб кўраяпман, Виктор Андреевич, - изоҳ берди Баҳром ва очқични қулфдан суғириб олди. Стефан бирдан ўзгариб қолди.

- Мени бу ишга аралаштирманглар, қочсаларинг ўзларинг қочаверинглар. Яқинларим пул жўнатишади, - деди тўнғиллаб.

Виктор билан Баҳром ҳайрон қолишди.

- Бу нима деганинг, Стефан, ахир кемага тушганининг жони бир дейишади. Сени ташлаб кетолмаймиз.

- Нега ташлаб кетолмайсан, кетавер, мен қўлингдан ушлаб турбиманми? Энди ҳамма ўз жони учун қайғурсин!

Ҳамма унга қаради.

* * *

Рао Камиланинг қўлларидан ушлаб, қоронғу йўлакдан судраб тепага олиб чиқди.

- Мени қаёққа олиб кетаяпсиз? - қиз типирчилаб қароқчининг қўлидан чиқишга уринарди. - Шерикларимнинг олдида қайтаринг!

- Қўрқма, гўзалим, ҳаммаси яхши бўлади! - тиржайиб жавоб қилди Рао.

- Мендан нима истайсиз?

- Саволинг ўринли, гўзалим. Мен сендан кўп нарса истамайман. Таклифимни қабул қилсанг, эрталаб юртингга жўнатиб юбораман. Самолётга чипта ҳам олиб бераман.

- Талабингизни айтинг?

- Озгина сабр қил, хонага кирайлик, кейин ҳаммасини тушунтираман!

Улар хонага киришди, Рао қизни столга ўтиришини буюрди.

- Иккимиз овқатланамиз. Қиттак-қиттак отамиз. Бироз баданимиз қизисин. Кейин мен таклифимни айтман, сен эса уни бажарасан. Қараб турибсанки, иккимиз бир-биримизни тушунган ҳолда тонг оттираамиз, худди, дўстлардек. Қани, кел, ёнимга ўтир, гўзалим.

Қароқчилар бошлиғи қадаҳларга виски куйди.

- Мен ичмайман! - деди қиз Раонинг қўлини қайтариб.

- Бир қултум томоғингдан ўтиб қолар, гўзалим. Қўлимни қайтарма! Ёмон бўлади.

- Талабингизни айтинг-да, мени қўйиб юборинг ёки шерикларимнинг олдига олиб кириб қўйинг!

- Талабимни билишни истасанг майли, эшит, гўзалим. Бу тунни иккимиз мана шу хонада, менинг тўшагимда ўтказамиз, қарши эмасмисан?

Камила қадаҳдаги вискини қароқчининг юзига сочиб юборди.

- Исқирт, мен сен ўйлаганчалик фоҳиша эмасман!

Қароқчи қутурди. Мушти қизнинг юзига тушди. Камила бурчакка бориб йиқилди, бурнидан қон кетди.

- Ерўталага олиб кириб ташланглар! - буюрди Рао одамларига. - Сув тўлдирилган бочканинг ичига ўтқазиб қўйинглар! Овқат берманглар. Ўлим кўзига кўринганда кучоғимга киришга рози бўлади, - деди бўкириб.

Соқчилар Камилани ертўлага олиб тушишди. Бочка ичига сув тўлдириб, кейин қизни туширишди.

Сув киндигидан келарди. Букилган оёқлари зирқираб оғирирди. Совуқ таъсир қила бошлаганди. Дилдиарди, йиғларди. Бочкадан чиқолмасди. Қопқоқ устига каттагина тош қўйилганди. Силжитишнинг иложи бўлмасди.

Тун яримлаб қолганди. Қосим ҳамманинг ухлаганига ишонч ҳосил қилди. Дераза ёнига бориб, Баҳромдан «Тайёرمىсизлар», деб сўради.

- Тайёرمىз, эшикнинг қулфини очдик, - деди Баҳром.

- Ҳозир қурол ташлайман.

Виктор бурчакда гужанак бўлиб ўтирган Стефанни туртди.

- Қани, тур ўрнингдан, озодлик учун жангга!

Менга тегма, акс ҳолда бақириб Раони огоҳлантириб қўйишим мумкин, - Стефан Викторнинг талабини рад этди. - Сенларга илакишсам итдай ўламан!

Улар Стефанни кўндиришолмади.

Қосим ухлаб ётган соқчиларни қуролсизлантирди. Деразадан иккита автомат ва тўппонча ташлади. Тутқунлар қуролланиб, ташқарига чиқишди. Эшик ортида соқчи деворга суяниб ухларди. Виктор автоматнинг қўндоғи билан унинг гарданига солди. У уйғонмас уйқуга кетди. Қосим уларни ташқарида кутарди. Нималар қилишни тушунтирди.

- Анови хонада соқчилар бор. Улар қимор ўйнаб ўтиришибди. Аввал шуларни тинчителишимиз керак. Аммо у томонга ўтиш хатарли. Деворларга камера ўрнатилган: Бошлиқ экранда кузатиб турган бўлиши мумкин.

- Нима қиламиз?

- Соқчиларнинг кийимларини кийиб олишларинг керак.

Қосим иккита кийим узатди. Тутқунлар тезда кийинишди. Ўзларини қўриқчилардек тутиб, соқчиларнинг хонасига юришди. Улар ўйинга берилиб кетишганди. Дераза олдида келган исёнчиларни қўришмади.

- Автоматдан ўқузиб бўлмайди, - деди Виктор. - Ҳамма кўзғалиши мумкин.

- Унда нимма қиламиз?- сўради Баҳром.

- Менда бир таклиф бор, камондан отиш керак.

- Камонни қаердан топасан?

- Хонамда бор. Уни ҳозир олиб чиқман.

Қосим камонни олиб чиқди.

- Камон билан олти кишини йўқотиб бўлмайди, бошқа йўлини топайлик, - деди Виктор.

Баҳром соқчининг ханжарини олганди. Қосимда ҳам иккита ханжар бор эди.

- Сен камон билан юқорида ўтирган қароқчини тинчитасан. Виктор Андреевич сиз пойгакдагини милтиқ

қўндоғи билан урасиз. Мен ён томондагиларни ханжар билан ухлатаман. Ҳаммамиз ичкарига бир пайтда бостириб кирамиз. Улар ўрнидан туришга улгурмай қолишлари керак.

- Пойгакда ўтирганига тегманглар. У менинг танишим. Яхши одам. Қароқчилар қўлига асир тушган. Анчадан бери қочишни ўйлаб юрганди, - деди Қосим.

Шундай қилишди. Ўйинга берилиб кетган соқчилар эшик очилганини, ичкарига бегона одамлар кириб келганини сезишмади. Кўз очиб юмгунча бешови ер тишлади. Пойгакда ўтирган қароқчи Қосимни таниди.

- Ико, булар бизнинг халоскорларимиз, - деди Қосим қароқчига.

У таъзим қилди.

Қосим унинг қўлига автомат тутқазди.

- Энди биз билан юр! Раодан қасос оладиган пайт келди.

Ташқарига чиқишди.

- Қолганлар қаерда? - сўради Баҳром.

- Улар ҳўжайиннинг хонасини кўриқлашади.

- Кўпчиликми?

- Олти нафар!

- Қаердан кирамиз?

- Ўзим кўрсатаман!

- Бошла!

Виктор билан Баҳром бинонинг ортида яна битта бино борлигини ҳаёлларига келтиришмаганди. Ташқаридан қараган одамга икки бино худди бир уйдек кўринарди.

- Ичкарига киришдан аввал тепадаги соқчини тинчитиш лозим. Йўлни кесиб ўтадиган бўлсак, у бизни кўриб қолади, - деди Ико шерикларига. - Бундан ташқари эшик олдида бошлиқнинг тўртта баҳайбат ити бор. Улар ўргатилган. Соқчилар ҳам итларнинг олдидан ўтишолмайди. Уларга айтиладиган бир сўз бор. Шу сўз айтилса, одамга ташланмайди.

- Қандай сўз? - сўради шериклари.

- Буни ёдимдан чиқарганман.

- Уни менга қўйиб беринглар, - деди Ико. - Мен борсам шубҳаланмайди.

- Биз сени шу ерда кутамиз, - деди Баҳром.

- Кимсан? - деб кичқирди.

- Мен Икоман!

- Нимага келаяпсан?

- Ўйинда омадим чопди, - деди Ико.

Соқчи уни қимор ўйнаётганидан хабардор эди.

- Канча ютдинг?

- Сўрама, сендан олган карзимни тўлашга етади!

- Кафтим кичиб турганди, тезроқ олиб кел!

Ико соқчининг олдида келди. Унинг қўлида пул эмас, ханжар бор эди. Соқчи буни кўришга улгурмади. Ико ханжарни унинг бўйнига санчди.

Ико пастга тушди. Ҳаммалари ҳўжайиннинг хонасига киришди. Эшик олдида соқчи милтиққа суянганча мудраб ўтирарди. Баҳром унинг куролини тортиб олиб, қўлоғини боғлаб, оғзига латта тиқиб қўйди.

- Тўртта соқчи қолди, - деди Қосим. - Уларнинг ҳаммаси хўжайиннинг хонасида. Ўта кучли ва абжир йигитлар. Отилган ўқни қўллари билан олиб олишади. Бундан ташқари хўжайиннинг хонасида яна бир соқчи туради. У экран олдида ўтириб, ташқарини кузатади. Буларнинг ҳаммаси дор остидан қочган ваҳшийлар. Одамнинг гўштини ейишдан ҳам қайтишмайди. Аммо эшик ичкаридан беркитилган. Калити эса менда йўқ. Бир иложини топиб, ичкарига киришимиз керак. Кутилмаганда Баҳром Камилани эслаб қолди.

- Камила қаерда?

- У хўжайин ётадиган хонанинг остидаги ертўлада, - деди Қосим.

- Ертўлага қайдан кирилади?

- Бошлиқнинг хонасидан кирамиз, бошқа йўл йўқ!

- Балки деразадан ошиб ўтармиз.

- Деразаларга панжара ўрнатилган.

- Унда қулфни бузамиз - деди Баҳром.

- Товуш чиқарадиган бўлсак, ҳаркатларимиз пучга чиқади. Соқчилар уйғониб қолади. Отишма бошланиши, биз ўйлаган мақсадимизга етолмаслигимиз мумкин. Соқчиларнинг ҳар бирида лазер нури билан отиладиган автоматлар бор. Уқдан қочиб қутилиш мумкин, бироқ лазер нуридан ҳеч биримиз қочиб, жонимизни сақлаб қололмаймиз.

- Қандай маслаҳат берасан? - сўради Виктор.

- Фақат бир йўли овоз чиқармасдан, уларни уйғотиб юбормасдан кириш! Бошқа чора йўқ! Ҳаммалари ўйланиб қолишди.

- Эшикнинг қулфи қанақа? - сўради Баҳром юртдошидан.

- Пўлатдан ясалган, унча-мунча калитлар тушмайди.

- Калитини кўрганмисан?

- Бу ерга бизни яқинлаштиришмайди.

Баҳром таваккал қилишдан бошқа иложи қолмаганлигини тушунди. Агар Камила улар билан бўлганда Раодан ўч олишни кейинга қолдириб, бу ердан аллақачон кетган бўларди. Аммо қизни ташлаб кетиб бўлмайди. Фақат ҳаракат ва интилиш керак, деган қарорга келган Баҳром шерикларига қаради ва қаятий овозда шундай деди.

Кетдик!

Улар эшик олдида келишди. Баҳром ўйлаган режасини Қосимга тушунтирди. Виктор иккиси яшириниб турди. Қосим эшикни тақиллатди. Ичкаридан «ким», деган овоз келди. Ўзингникилар, - жавоб қилди Қосим.

- Нимага келдинг? - сўради ичкаридаги қароқчи унинг овозини таниб.

- Тутқунлардан бирининг хўжайинга айтадиган муҳим гапи бор экан.

- Эрталаб айтар, ҳозир хўжайин дам олаяпти.

- Жуда зарур деяпти, эртага кеч бўлармиш. Айтишларича, уларнинг фарқ бўлган кемасида олтин боримиш.

- Олтин? Нега буни аввал айтишмаган?

- Ҳозир эсларига тушиб қолибди.

Қароқчи эшикни очди. Қосим кирди. Қўлидаги ханжарни унинг кўксига санчди. Ортидан шериклари кирди. Қолган соқчилар иккинчи қаватда эди. Ҳеч қандай товуш чиқмади. Исёнчилар оёқ учида тепага кўтарилишди. Соқчилар ухлаб қолишганди. Уларнинг оёқ-қўллари ботлашди. Кейин бошлиқнинг хонасига ўтишди. Эшик ичкаридан берк эди. Қандай очиш керак, деган савол уларни ўйлантирарди.

- Раони тирик қолдириб бўлмайди. Уни денгизда одамлари бор. Телефон орқали хабар берса, бизни тутиб олишлари осон бўлади. Нима қилиб бўлса-да, эшикни очиб, у билан ҳисоб-китоб қилишга мажбурмиз.

Баҳром эшик кулфини кўздан кечирди. Чўнтагидаги очқичлардан бирини олди. Товуш чиқармай эшикни очди.

- Сен эшикни очган заҳотинг мен камон билан соқчини нишонга оламан, - деди Қосим ва қўлидаги камонни ўқлаб отишга шайлади. Баҳром эшикни оҳиста тортди. Соқчи юмшоқ курсида иягини қўлига тирганча ўтирарди. Камондан отилган ўқ унинг кекиртагига қалалди. Товуш чиқаришга ҳам улутрмай жон берди. Ҳаммалари хўжайиннинг хонаси томон юришди. Эшикка етишганда телефоннинг жиринглаган овози эшитилди.

* * *

Зулфизар соғайиб кетган бўлса-да, Колл уни касалхонадан чиқаришга шошилмади. Ўзи ишлаб турган клиникадан бир ойда илмий иш учун таътил сўради. Шу пайтгача

ишонмай, иккилланиб юрган ва бир пайтлар кераксиз, деб четга ташлаб қўйган илмий ишини шу ерда давом эттиришга қарор қилганди. Бу борада мухбирларнинг шов-шувли хабарларидан огоҳ бўлган милиция Зулфизар билан қизиқиб қолди. Улар ҳар соатда қўнғироқ қилиб, Колдан қиз билан учрашмоқчи эканликларини илтимос қилишарди. Қотиллик, ўғирлик, талончилик, босқинчилик каби очилмай ётган жиноий ишларга ёрдам беришини сўрашарди. Илтимос қилиб қолмай, балки қўлларида бир даста ҳужжатларни, расмларни ҳам кўтариб, касалхона эшиги олдида пайдо бўлишар, дўхтирларнинг қаршиликка қулоқ солмай Зулфизарнинг хонасига киришга ошиқишарди. Холмурод ака билан Ҳамроҳон опа қизларининг кутилмаганда башоратчи бўлиб қолганидан ҳайрон, энсалари қотган, нима қилишни билмай, ҳатто ўзлари ҳам қизларининг олдида киролмай ташқарида қолиб кетишарди. Зулфизарнинг олдида кирган терговчилар, жиноят қидирув бўлимининг ходимлари соатлаб ўзларининг ғашига тегадиган саволлари билан қизни чарчатиб қўйишарди. Колл ва Роман Ильич уларни зўрға хонадан чиқариб юборишар ва қайтиб келмасликларини қаттиқ илтимос қилишарди.

Зулфизар ҳақиқатдан чарчаганди. Ўша кунлари қизнинг башорати ўнг келиб, бедарак кетган одамлар, йўқолган бойликлар, ўғирланган ҳужжатлар, шахси аниқланмай қолиб кетган қўли қон қотиллар топиларди. Зулфизар уларнинг қаерга яширигнанини, қайси жойга кўмилганини худди кўзи билан кўриб тургандай айтиб беради. Милиция ходимлари унинг сўзларига ишонишар, хонадан чиқишлари биланоқ юракларининг хапқишини босишга улгурмай айтилган жойларга чопишарди. Бу улар учун худди сирли хилқатдек гап эди. Очилмай қолган, йиллаб темир сандиқларда ётган жиноят ишлари қайта кўтарилар, айбдорлар топилиб, қўлга олинар, кимларнингдир унвони, лавозими, мансаби ошарди. Қиз худди эртаклардаги фолбинлардек бутун мамлакатга шов-шув

бўлиб кетди. Ички ишлар вазирлиги ходимлари ҳам ажойиб қобилиятли бу қиз билан учрашиш ва мамалакатда шу пайтгача энг ашаддий жиноятчилар томонидан содир этилган қотилларнинг шахсини аниқлаш мақсадида касалхонага келишарди. Эрталабдан кечга қадар милициянинг энг юқори мансабдор шахслари Зулфизарнинг ҳузурига кириш учун навбат кутиб туришарди. Уларнинг ҳаммасини қабул қилиш мумкин эмасди. Одамлар билан узоқ гаплашмаса-да, тезда чарчаб, толиқиб қоларди. Келувчилар орасида уни синаб кўриш истагида бўлганлар ҳам йўқ эмасди. Ҳалол ва қўли қон бўлмаган одамларнинг суратини қотил ёхуд жиноятчи сифатида кўрсатишарди. Қиз уларнинг расмларига қараб, юз- кўзларидан гуноҳсизликларини аниқлаб, бундай ишлар билан мурожаат қилганларни аяб ўтирмай хонасидан зудлик билан чиқиб кетишларини талаб қиларди.

Касалхона олдида ёши етмишларга бориб қолган, қадди букчайган бўлса-да, ҳаракатларидан куч ёғилиб турган Мария Осиповна исмли аёл уч кундан бери келиб, Зулфизарнинг олдида киришга навбат кутиб ўтирарди. Бироқ милиция ходимлари унга ўз навбатларини беришни истмасди. Охир оқибат аёлнинг мазаси қочиб қолди. Уни ичкарига олиб киришди. Шундан кейин Роман Ильич кампирни Зулфизарнинг олдида олиб кирди.

- Мен энг нодир бойлигимдан ажраб қолдим, қизим, - деди Мария Осиповна кўз ёш туқиб. - Бувимдан қолган олмос узугимни йўқотиб қўйдим. Ўша куни уйда ҳеч ким йўқ эди. Набирам иккимиз қолгандик. Бошимни ювиш учун ваннага кириб кетгандим. Қайтиб чиқсам, узугим қўйган жойимда йўқ. Бир ойдан бери излайман тополмайман. Ёрдам бергин, қизим, бувимдан қолган ягона ёдгорлик, йўқотиб қўйсам унинг руҳини чирқиллатган бўламан!

- Узугингизни ҳеч ким ўғирламаган, - деди Зулфизар кампирнинг сўзларини тинглаб. - У уйингизда, меҳмонхонадаги оғзини очиб турган балиқ ҳайкалчанинг ичида.

Набирангиз ўшанинг ичига ташлаб юборган!

Мария Осиповна енгил тортди. Уйига бориб, гипсдан ишланган балиқни бузди. Ичидан олмос кўзли узукни олди.

Колл ўзининг чала қолган ишларини давом этиришга кўзи етмай юртига жўнаб кетинга қарор қилди. Роман Ильич уни кузатиб қўйди, ҳамма ишлар ўзининг зиммасига тушди. Келганлар биринчи бўлиб унга мурожаат қилишарди. Роман Ильичнинг ўзи милиция ходимлари билан бўлиб, ишлари ҳам бир четга сурилиб кетарди. Бу уни асабийлаштирарди. Профессор аниқ қарорга келди. Холмурод акани ҳузурига чақириб, зудлик билан қизни олиб, уйига кетиши лозимлигини, агар у шу ерда қолса, йил давомида милиция ходимлари унга рухсат бермасликларини тушунтирди.

- Бугун тунда мен сизларни уйимга олиб кетаман, - деди профессор. - Тонг отарда самолёт бўлади. Ватанларингга кузатиб қўяман!

- Бошимиз осмонга етди, Роман Ильич, - хурсанд бўлди Холмурод ака.

Профессор ўша куни навбат кутиб турганларга Зулфизарнинг кутилмаганда тоби қочиб қолганлигини, эрта ўтиб индингга қабул қилишини айтди. Улар тарқаб кетишди. Кечки пайт профессор беморни ота-онаси билан ўз уйига олиб кетди. Уларни меҳмон қилди. Ярим тунда аэропортга жўнашди. Самолётга чиқариб, кузатиб қўйди.

Кузатиш олдидан профессор Холмурод акани бир четга тортиб, шундай деди.

- Зулфизарни эҳтиёт қилинг! У ўта ноёб қобилият эгаси!

- Бу ўткинчиси, дўхтир?

- Олдиндан бир нарса дейиш қийин! Балки бу ҳислат бир умрга уни тарк этмас, яна бир гап, кеча профессор Колл менга қўнғироқ қилди. Ўзбекистонга бормоқчи, қизингиз билан учрашиб, ноёб қобилиятли инсонлар тўғрисидаги илмий ишини ўша ерда ниҳоясига етказмоқчи эканлигини айтди.

- Бизнинг бағримиз очик, Роман Ильич. Профессорни кутамиз!

Улар бир-бирларини қучоқларига олишиб хайрлашдилар...

Стефан ёлғизликка чидаёлмади. Шериклари уни ташлаб, анча олислаб кетгандек эди. Ташқарига қулоқ солиб ўтирди. Тиқ этган овозни эшитмади. «Наҳотки ҳаммалари қочиб кетишган бўлишса, соқчилар пайқамай қолишган бўлса. Улар кетса, Рао мени соғ қўймайди, сен қочиргансан, қочганини билатуриб нега менга хабар бермадинг», деб ёқамдан олади, деб ўйларди. Юраги потирлаб, ўзини қўярга жой тополмади. Эшик очик колганди. Ташқарига чиқиб Раонинг олдига бормоқчи бўлди. Фикридан қайтди. «Соқчилар кўриб қолса, отиб қўяди», деган хавотир юрагига гулгула солди. Ёдига телефон тушди. Раонинг рақамларини терди. Қароқчи «ҳа», деганда гўшакни кўтармади. Ухлаб ётганди. Уйқудан уйғониб, кўзини зўрға очди.

- Нима дейсан?

- Жаноб Рао, шерикларим, шерикларим - Стефанни ҳаяжон босди

- Шерикларингга нима бўлди?

- Улар, улар...

- Тезроқ гапир!

- Улар қочди!

Рао ўрнидан турганда эшик очилди. Қуролли тутқунлар ичкарига киришди. Раонинг кўлидаги телефон оёғи остига тушди. Хонада орқа эшик борлигидан Қосим ҳам, Ико ҳам беҳабар эдилар. Рао девордаги тугмачани босди. Эшик очилди. У ўзини қоронғу бўшлиқ ичига урди. Қосим у томон ўқдай отилди. Етолмади. Рао эшикни беркитишга улгурганди. Тутқинлар бир-бирларига қараш-

ди. Ико тугмачани босди. Эшик очилмади. Ичкаридан қулфланганди.

- Эшикни очишнинг иложи йўқми? - сўради Баҳром Қосимдан

- Бузиб ҳам бўлмайди, - жавоб қилди у. - Метиндай мустаҳкам!

- Ташқарига чиқадиган йўлак бўлиши керак, - хавотирга тушди Виктор. - Рао ўша йўл орқали қочиб кетиши мумкин.

- Буни боя қўлини боғлаб ташланган соқчидан сўраш керак. - Ико соқчини олиб келди.

- Ичкарида ташқарига чиқадиган йўлак борми? - сўради Виктор. Қосим унинг гапини таржима қилди.

- Денгизга олиб чиқадиган ер ости йўли бор. Зудлик билан ҳаракат қилинмаса Рао денгизга чиқиб кетади. Кейин тутолмайсизлар уни! - деди соқчи.

- Ғорга кирадиган бошқа йўл йўқми?

- Фақат соҳилдаги тошли дарвозадан кириш мумкин.

- Оралиқ масофа қанча?

- Икки чақирим.

- Унда улгуролмаймиз.

- Бир йўли бор, - деди соқчи ўйланиб. - Агар ғор ичидаги электр токи узиб қўйилса Рао тошли дарвозани очолмайди. Ўз хонасидаги эшикдан қайтиб чиқишга мажбур бўлади.

Бу фикр ҳаммаларига маъқул келди.

- Токни қаердан узиш керак?

- Қўргоннинг этагида.

Пастга тушишди. Электр билан бошқариладиган автомат қурилмани топишди. Қосим токни узмоқчи эди Ико тўхтатди.

- Ҳозир биз Раонинг қаердалигини билишимиз мумкин, - деди у ортида турганларга.

- Қандай қилиб? - сўради Виктор Андреевич

Ико шерикларини қўшни хонага бошлади. Бу ерга кичкинагина телекамера ўрнатилганди. Ғор ичини шунда

кузатиш мумкин эди. Ико экранни ёқди. Пульталар ёрдамида керакли камералар ишга туширилди. Рао кўринди. У соҳил томон жон терига тушиб сузиб борарди.

- Қирғоққа етиб боришига оз қолибди, - деди Ико. - Зудлик билан токни узиш керак.

У ташқарига чиқди, мурувватларни узди. Экран қорайди.

- Энди Рао ҳеч қасққа қочиб кетолмайди, - деди соқчи.

- Қандай қилиб бўлса ҳам уни тутишимиз керак. Қочириб юборсак бизни тинч қўймайди. - Шерикларига юзланли Виктор.

- Ер ости йўлига тушадиган бошқа эшик йўқми? - сўради Баҳром.

- Буни соқчилар бошлиғи билади.

- У қаерда?

- Икки кун бўлди Лионга кетган. Бугун қайтиши керак.

- У қўрғонга қайси йўл билан келади?

- Буни билмайман.

Унда биз иккига бўлинамиз, - деди Виктор Баҳромга. - Мен Ико билан денгиз бўйига бориб, горга кирадиган тошли дарвозани пойлайман. Сизлар шу ерда қолинглар.

Баҳром соқчи билан Қосимни эргаштириб, Раонинг хонасига қайтишди. Иконинг гапи рост бўлса, ток узилгандан сўнг Рао хонасига қайтиши керак эди. Улар қароқчининг хонасига киришди. Шу ерда кутишга қарор қилишди.

Баҳромни ҳамон Қосимнинг тақдири қизиқтирарди.

- Сен қароқчиларга қўшилиб қолганингнинг сабабини айтмадинг?

- Икки йил аввал бу ерга ишлагани келгандим. Бандаргоҳдан иш топдим. Топишим ёмон эмасди. Мен билан ишлаётганлар орасида Раонинг айғоқчилари бор экан, улар мени узоқ вақт ўрганиб, бу ерлик эмаслигимни билишганидан сўнг ўз кемаларига ишга таклиф қилишди. Яхшигина ойлик ваъда беришди. Рози бўлдим. Биз сафарга чиқдик. Аммо улар балиқчиларга ўхшамасди. Шубҳалана бошладим. Улар денгиздаги кемаларни кузатишар-

ди: Савдогарларнинг кемасига ҳужум уюштиришганда мен қароқчиларга қўшилиб қолганимни англадим. Қочишни ўйладим. Паспортимни Рао олиб қўйганди. Шу сабабли ундан ажрай олмадим. Рус тилини билишим уларга қўл келди. Савдогарларнинг деярли барчаси рус тилини яхши билишарди. Тилмочлик қилдим. Рао тажрибали қароқчи эди. Узоқдан кемадарнинг ҳаракатига қараб нима олиб келаётганлигини фарқлай оларди. Кемага ўз одамларини киритишнинг турли йўллари йўлаб топарди. Гоҳида уларни адашган балиқчи қиёфасида, гоҳида сувга чўккан одам сифатида ташлаб кетарди. Савдогарлар уларни қутқариб, ўз кемаларига олишарди. Раонинг одами хийла ва найранг билан кема бошлиғини гаровга оларди. Бу орада қароқчилар кемаси уларга яқин жойда сузиб юрарди. Сигнал келиши биланоқ Раонинг одамлари кемага ҳужум қилишарди. Савдогарларнинг бор-будларини талаб, ўзларини асирга олиб, қўрғонга қайтишарди. Рао жуда катга бойликни қўлга киритган. Юзлаб одамларни банди қилиб, уларнинг яқинларидан тавон пули ундирган. Пул тўлашдан бош тортган ёки исён кўтарганларни аяб ўтирмасди. Уларни кемага юклаб, ёввойи одамлар оролига ташлаб келарди.

- Нега айнан ёввойилар оролига?

- Чунки ёввойилар билан Раонинг алоқаси бор. Қароқчи уларни озиқ-овқат ва гўзал қизлар билан таъминлаб туради. Раонинг бойликлари ўша оролда сақланади. Ёввойилар бойликка қизиқмайди. Уларга фақат озиқ-овқат ва қизлар бўлса бас!

- Қизлар ёввойилар ҳаётига кўникиб кетишадими?

- Асло!

- Оролда қолиб кетишадими?

- Айримлари қочади. Ўзларини денгизга ташлайди, аммо тимсохларга ет бўлади. Афсуски, шу пайтгача бирорта қиз уларнинг қўлидан қочиб омон қолмаган!

- Рао бизни ўша одамлар қўлига топширмоқчи бўлди.

Айтишича ёввойилар одам гўшти билан овқатланишар экан. Шу гап ростми?

- Бу гапга ишонма. Улар одам гўшти емайди. Рао сизларни кўрқитиш мақсадида шундай деган.

- Бизларни улар яшайдиган оролга олиб борди. Ёввойилар ҳам бизни кўришди. Олов ёқиб, найзаларини кўтариб қичқиришди.

- Улар Раонинг кемасида овқат ва аёл киши борлигини билишган.

Баҳром ҳақиқатдан ҳам ўша куни Камилани ўз олдига чақириб олганини эслади.

- Рао ташлаб кетган тутқинлар оролда нима қилишади? - сўради Баҳром Қосимнинг ҳикоясидан ажабланиб.

- У ерда қароқчининг тутқунларни сақлайдиган ер ости қомоқхонаси бор. Тавон пули тўламаган, исён кўтарган одамларни ўша ерга олиб бориб ташлайди. Қариндошлари Рао талаб қилган пулни тўлагандан кейингина уларни озод қилади. Кўп одамлар юқумли касалликларга чалиниб, ўлиб кетишган.

- У ерда қанча одам бор?

- Тахминан элликтача, - жавоб берди Қосим.

- Уларни қутқаришнинг иложи борми?

- Ким қутқаради? Одамларни ёввойилар қўлида сақланаётганини ҳеч ким билмайди. Ёввойилар эса сотмайди. Ташқари билан алоқаси йўқ!

- Қочишга ҳаракат қилишмайдими?

- Буни ўйлаш ҳам мумкин эмас. Тутқинлар сақланадиган ер темир панжаралар билан ўралган ҳар бир эшикка ўндан ортиқ қулф солинган. Бу тўсиқларни одам зоти эмас, ҳатто энг ҳайбатли ва қудратли бульдозерлар ҳам бузолмайди. Фақат портлатиш мумкин. Шу сабабли ёввойилар уларни кўриқлашмайди. Озиқ-овқатларидан хабар олиб туришади, холос.

- Раонинг бойлиги кўпми? - сўради Баҳром.

- Беҳисоб! Рао фақат савдогарлардан тортиб олган пул, қимматбаҳо буюмларни эмас, балки турли давлатларнинг

тарихий бойликларини, маданий ёдгорликларини, энг нодир қўлёзма асарларни, машҳур рассомларнинг санъат асарларини ўғирлаган. Улар ичида Миср фравинларига тегишли бўлган олтин маъбудалар ҳам бор. Бу асарларнинг барчаси Интерпол томонидан қидирилаётгани ҳаммага маълум. Ҳатто давлат раҳбарлари ҳам йўқолган бу буюмларни келажак авлодга қолдириш ташвишида юришибди.

- Рао уларни нима қилмоқчи?

- Уларни жуда катта пулга шахсий коллекционерларга сотади. Одамлари харидор излайди.

- Ёввойилар оролидаги хазиналарнинг қасрга яширилганлигини биласанми?

- Рао ўз хазиналари яширилган жойни ҳаммага ҳам айтавермайди. Фақат Ико билиши мумкин. Чунки у кўп вақт Рао билан бирга сафарларда бўлган. Нима мақсада сўраясан?

- Қизиқиб қолдим, - деди Баҳром, аммо кўнглига келган гапни айтишни истамади. Унинг бошқа мақсади бор эди.

- Бормоқчимисан?

- Қалбим ўша томонга талпиняпти.

- Ёввойилар тутиб олишса бошингга маймунлар куни-ни солишларини ўйлаб кўрдингми?

- Кўркув менга ёт нарсаси!

- Унда мен ҳам сен билан бирга бораман.

Эшик оҳиста очилди. Баҳром билан Қосим ўзларини четга олишди. Рао ичкарига кирди. Қўлида тўппонча бор эди. Удиван томон юрди. Куролини белига қистириб ерда ётган телефонни олмоқчи бўлди. Баҳром қароқчига ташланди. Унинг қўлларини қайирмоқчи бўлди. Аммо Рао анча чаққон эди. Баҳромнинг қўлидан ушлаб, бошидан ошириб, ерга йиқитди. Қосим етиб келди. Рао уни тепиб юборди. Баҳром қароқчининг оёғига ёпишди. Рао йиқилиб тушди. Қосим устига чиқиб маҳкам босди. Қўлоқларини боғлашди.

* * *

Титраган қўлларида телефонни ушлаб турган Стефан қандай қилиб Раога шерикларининг қочиб кетганини айтишга сўз тополмасди. Шерикларим, деб бир икки дудуқланди-ю, Раонинг овози ўчиб, хонада бегона одамларнинг овози кела бошлади. Бу пайтда шериклари Раонинг хонасига кириб улгуришганини ҳали у хаёлига келтирмаганди. Стефан ниҳоят зерикди. Телефонни ташлаб, ўрнидан турди. Шерикларига қўшилиб кетмаганидан ич-ичидан пушаймон бўлди. Ташқарига чиқиб, қаёққа юришни билмай туриб қолди. Атрофда одам кўринмасди. Мени ташлаб кетишдими, деган фикр миясига михдай санчилди. Вужудини қўрқув чулғади. Ёшли кўзлари ила атрофни кузатди. Уйнинг иккинчи қаватидаги деразадан икки-уч одамнинг шарпаси кўринди. Раонинг хонаси бўлса керак. «Олдига чиқаман, шерикларимнинг қочганини айтаман. Улар олисга кетолмайди. Раонинг одамлари тутиб келишади. Кўз олдимда калтаклатиб, ўч олдираман. Бу яхшилигимни Рао тақдирлайди, уйимга кетишга рухсат беради», деган гапларни кўнглидан ўтказган Стефан тепага кўтарилди. Ғўнғир-ғўнғир овозлар қулоғига чалинди. Уларнинг гапига тушунмаса-да, овоз таниш эди. Қиморбоз эшикни очди. Кўзи бурчакда қўл-оёғи боғланган Раога тушди. Ичидаги титроқ босилди. Раонинг тепасига келди.

- Ит, қароқчи! Менинг пулларим қани, бойликларим қани?! Толиб бер!

Ушундай деб Раонинг дуч келган жойига тепа бошлади. Кейин гирибонидан олди. Бармоқлари паншахадай қароқчининг гўштдор бўйнига санчилди.

- Гапир ит, қасрга беркитдинг уларни?! Айтмасанг бўғиб ўлдираман! Пулларим, тилло, зарларим қасрда!

Баҳром Стефанни ажратмоқчи бўлди. Кучи етмади. Қосим ёрдамга келди. Бири Раони, иккинчиси Стефанни

тортди. Ажратишолмади. Темирдай бармоқлари қароқчининг бўйнини тешиб юборгудек ботарди. Раонинг кўзлари олайиб кетди. Юзи кўкарди. «Бойликларим қани?», деган сўз унинг қулоқларига жуда ҳам олисдан келаётгандай эшитиларди. Қароқчи бойликларни яширган жойини фош қилишни истамади.

- Айт ит, бойликларимни қаерга беркитдинг?!

Раонинг боши кўкраги узра осилиб тушганди, қаршилик кўрсатаётган қўллари мажолсизланганди. Қиморбоз эса рақибини қўйиб юборишни ҳаёлига келтирмасди. Баҳром билан Қосим уларни бир биридан ажртолмай хуноб эди. Охир оқибат Стефанни тортиб олишди. Қўйлаги йиртилиб, бўйни қизариб, лаблари кўкариб, қорачиқлари каттайиб, кўзлари тепага ботган Рао ерга йиқилди. Оқариб кетган қонсиз юзи қароқчининг ҳаёт шами аллақачон сўнгганини билдирарди. Қиморбоз яна унга ташланмоқчи бўлиб хезланди, аммо Баҳром бунга имкон бермади.

- Фойдасиз, - деди.

- Менинг пулларим...

Стефан йиғларди.

- Қани улар, қаерга яширдинг ит!

- Стефан, бас, энди у сенинг бойликларингни топиб беролмайди!

Қиморбоз қароқчининг жон таслим қилганини ҳали билмасди. Оёқлари билан унинг дуч келган жойига тепарди. Бирдан уни ўлдириб қўйганини англади. Бошини чангаллаб, ерга тиз чўкиб, хўнграб-хўнграб йиғлади. Кўз ёшлари гезариб кетган, серажин ва ёқимсиз юзини ювиб, Раонинг тирноқлари тилиб, шилиб юборган ва қон сизиб чиқаётган жундор кўкрагига оқиб тушарди.

- Энди нима қиламан, бойликларимни ким топиб беради? - деб бўзлар экан бирдан бошини кўтарди ва совуқ кўзларини ўзига ҳам ачиниш, ҳам ҳайратла боқиб турган Баҳромга тикди.

- Ҳаммасига сен сабабчисан? Сен касофат бўлмаганин-

гда мен бу ерга келармидим. Ресторанимдан жудо бўлганимдек, топганимдан ҳам айрилмасмидим. Сен топиб берасан, йўқотган бойликларимни, сен тўлайсан!

Чангалзор ичида ўлжа кутиб турган қашқир мисоли бирдан Баҳромга ташланди Стефан. Қосим уни ушлаб қолди.

- Узингни бос, бойликларинг топилади!

Қулогига чалинган, юрагига умид солган «топилади», деган сўз Стефанни шаштидан қайтарди. У яна ерга ўтирди, қўллари билан юзини чангаллаб унсиз йиғларди.

Виктор билан Ико қайтишди. Ҳаммалари маслаҳатлашиб, Раонинг кемасида Португалияга қайтишга қарор қилишди.

- Паспортларимиз йўқ-ку? - деди Камила.

- Рао уни кема ичига яширган, - деди Виктор. - Ўша ердан излаймиз.

- Кема қаерда?

- Фор ичида!

Улар ўша томон кетишди. Ико электр токини улади. Чироқлар ёнди. Ҳаммалари кемага чиқишди. Стефандан бошқалар паспортларини излади. Қиморбоз кема ичини титиб ташлади. Пастки қаватдан каттагина сандиқни топиб, тепага кўтариб чиқди. Баҳромнинг хаёлига Зулфизарнинг сўзи келди. Унинг айтганлари тўғри келаётганди. «Сандиқни оча кўрманглар, у бахтсизлик келтиради», деган сўзи дилидан ўтди. Топилманинг олдига келди. Бу оддий сандиқ эмасди, ҳамма томони олмос тошлар билан безатилганди. Улар ялтираб, кўзни оларди. Одамни ўзига жалб қиларди. Кўпдан очилмаганлиги билиниб турарди. Стефан узун темирни олиб, қопқоқни бузишга хезланди.

- Стефан Аркадевич сандиқни оча кўрманг, у ҳамма-мизнинг бошимизга офат, бало қазо келтириши мумкин!

- Сен чулдирвоқи менинг ишларимга аралашма, нима қилишни ўзим биламан!

Стефан қўлидаги темирни жон-жаҳти билан қопқоққа

урарди. Баҳром яна бир бор Стефандан сандиқни очмас-ликни сўради.

- Стефан Аркадевич бойлик қанча керак бўлса, мен топиб бераман, аммо сандиқни оча кўрманг! Терга ботган қиморбоз уни туртиб юборди.

- Сен аралашма касофат, нари тур, йўқса бошингга темир билан уриб, оғзи бурнингни қон қиламан, ажалингдан беш кун бурун ўлиб кетасан!

- Стефан, айтганини қил! - бир четда турган Викторнинг сабр косаси тўлиб, унинг олдига келди.

- Кўзимдан йўқол касофат! Пул аччиғи - жон аччиғи дейдилар, ҳозир ҳаммангни бошингни янчиб ташлайман!

Қиморбоз алам билан темирни қопқоққа урарди. Юраклар қандайдир фалокат содир бўлишини сезарди.

- Бу ердан тезда кетайлик, - деди Камила бетоқатланиб шерикларига.

Ҳаммалари нари кетишди. Хаш-паш дегунча Стефан сандиқнинг қопқоғини бузиб ташлади. У темирни улоқтирди-да ерга тиз чўкди. Сандиқ ичидан нотаниш ҳид анқийганига аҳамият бермади. Унинг ичида айрилган бойлигидан зиёда хазина борлигини юраги сезгандек потирларди. Шериклари ташлаб кетганига ҳам аҳамият бермади. Қопқоққа юзини босди, титроқ қўлари билан силади.

- Топдим, топдим, ниҳоят излаб-излаб топдим, - дерди ўзига ўзи.

У қопқоқни кўтарди. Шунда кўзлари ғайри табиий нурдан қамашиб кетди. Чақмоқ янглиғ шар тепага урилди. Фор ичи чақин чақнагандек ёришди. Тутқунлар кўзларини беркитишди. Шар думли юлдуз мисоли денгиз томон учиб кетди. Виктор унинг ортидан қараб қолди. Ҳайратдан донг қотган тутқунлар қўлларини туширишганда гуруллаб ёнаётган алангани кўришди. Сал нарида турган кема ёнарди, қизил аланга тепага уриларди.

- Соҳилга чиқадиган бошқа йўл борми? - сўради Баҳром Икодан.

- Бор, чангалзор ичидан бориш керак, аммо хатарли?
 - Нечук?
 - Бандаргоҳда Раонинг одамлари бор. Улар сизларни таниб қолиши мумкин. Биргина хатарсиз йўл гор ичидаги сув йўли!

- Кемамиз ёниб кетди-ку? - ташвишли овозда сўради Камила.

- Қайиқда сузамиз. - Таклифини билдирди Ико.

Баҳром Викторга қаради. У букчайиб, қўллари билан юзини чангаллаб турарди.

- Сизга нима бўлди Виктор Андреевич? - унинг олдига бориб сўради қулфсоз.

- Кўрмаяпман, ҳеч нарсани кўрмаяпман! - деди Виктор. - Ҳамма томон қоронғу! Қаердасизлар? Менинг қўлларимдан тутинглар, бу ерга ташлаб кетманглар!

Камила унинг қўлидан тутди.

- Қўлингизни беринг, Виктор амаки.

Камила Викторнинг пахтадай оқариб кетган кўзларига нигоҳи тушиб қўрқиб кетди...

Баҳром бу сандикдан чиққан сирли ёғду таъсирида содир бўлганини тушунди.

- Энди нима қиламиз? - қиз қулфсозга юзланди.

- Қўлимиздан ҳеч нарса келмайди, фақат дўхтирга олиб бориш зарур.

Камила Викторнинг кўзини қора боғич билан маҳкам танғиб боғлади. Улар гор ичига кириб боришди. Оқим иккига ажраган жойда тўхташди. Тош устига тўнтариб қўйилган қайиқни сувга туширишди. Икодан бошқа ҳаммалари қайиққа минишди.

- Чикмайсанми? - сўради Баҳром ундан.

- Севгилим у ерда, уни қутқармасдан кетолмайман! - деди Ико сўл томонга бурилган сув йўлини кўрсатиб.

- Олисми?

- Шу йўлнинг этагида. Рао уни ёввойилар оролига боришдан бош тортгани учун гор ичидаги қафасга қамаб қўйган. Мен унга «сени қутқараман», деб сўз берганман.

- У ёлғизми?

- Шундай.

Баҳром Қосимга қайиқни ўша томон буришни буюрди. Ярим соатдан мўлроқ сузишди. Олисдан ялтираб турган чироқ ва темир панжара кўзга ташланди. Чўпдай озиб, сочлари тўзиб, ёниб турган кўзларигина кўриниб турган аёл қафасга ёпишиб турарди. Ико қайиқдан тушиб, унинг олдига келди. Эшикларга қулф солинганди. Аёлнинг оёғи остидан сув оқиб ўтарди. Тепада осилиб турган тошлар орасидан томчилар томарди. Ико қўлига тошни олиб, қулфни ура бошлади. Қулф ичкарига ўрнатилганди. Темир панжараларни бузиб бўлмасди. Улар қалин ва мустаҳкам металдан ясалганди. Баҳром қулфларни текширди. Антиқа. Шу пайтгача бундайларини учратмаганди. Камила ҳам уларни кўриб ҳайратда қолди.

- Очолмасак керак? - деди у Баҳромга.

- Уриниб кўрамиз.

- Фойдасиз? Тезроқ орқага қайтайлик. Раонинг одамлари фордалигимизни билишса, токни узиб қўйишлари мумкин.

Ико панжарага ёпишганча севгилисининг қўлларидан ушлаб, ўзининг тилида унга нималарнидир дерди. Баҳром уларга қараб, кўнгли бузилди. Бу ҳолда қизни ташлаб кетолмаслигини тушунди. Чўнтагидан очқични олиб, қулфга солди. Ярим соат уринди. Ҳаракатлари самара бермади. Камила билан Қосим уни шоширишарди. Виктор қайиқда узала тушиб, кўзларини чангаллаб инграрди, йиғларди. Овозини эшитиб, одамнинг кўнгли бузиларди.

- Баҳром, қаердасан? Камила, мени ташлаб кетманглар? Баданим музлаяпти, ўлиб қоламан! Мени тезроқ ватанимга олиб кетинглар!

Баҳром Викторга қаради, унинг сўзлари кўнглини бузди.

- Вақт ўтаяпти, Баҳром. Кетмасак бўлмайди. Қўлга тушсак бизни ҳам шу панжара ичига солиб қўйишади. Ико ҳам тақдирга тан берганди.

- Кетамиз, Баҳром! Қирқ дақиқадан сўнг электр автомат ташлаб юборади. Тошли дарвозани очолмай қоламиз, - деди Қосим.

Туткун аёл уларнинг гапларига тушунмаса-да, кетмоқчи бўлганларини ҳаракатларидан илғади. Яна қафас ортида турган Икога ёпишди. Йигитнинг кўзларида ҳам ёш милтирарди.

- Мен бу қизни севаман, уни ташлаб кетолмайман! - деди шерикларига. Сизлар кетавсринглар, мен шу ерда қоламан!

Баҳром унинг аҳди қатъийлигини билди. У очқиқларни қулфга солиб бўлганди. Томирларидаги жон жунбушга келиб, ҳаммасини қайтадан бошлади.

- Чироқнинг ўчишига ўттиз дақиқа вақт қолди, - эслатди Қосим.

- Йиғиштир, кетамиз, - ялинди Камила.

- Балки бошқа пайт келармиз, - таклиф қилди Виктор инграб

Уларнинг сўзлари Баҳромнинг қулоғига кирмасди. Йигитнинг лаблари пичирларди. Тангридан мадад сўрарди. «О, меҳрибон Аллоҳим, бегуноҳ банданга раҳм қил. Уни шу темир қафас ичидан холос этишимга ёрдам бер! Мўъжизангни кўрсат, қулфлар очилиб кетсин. Банданг ташқарига чиқсин, ёруғликни, эркинликни кўрсин, қийналганлари, азоб чекканлари етар. Ё тангрим!». Баҳром калитни зарб билан буради, шунда кутилмаган мўъжиза содир бўлди. Қулф шарақлаб очилди. Банди ўзини ташқарига урди. Ико етиб келиб, қизни бағрига олди. Улар бир тандек бир бирларининг бағрига сингиб кетди. Иккалалари ҳам йиғларди, соғинчдан энтикиб, бир-бирларининг юзларидан бўса олардилар.

- Шина, азизим Шина! - дерди Ико қизнинг тўзғиб кетган сочларини бармоқлари билан тараб. - Сени тирик кўрдим, Худога минг қатла шукр.

- Келишингни билардим, қутқаришингга ишонардим. Ҳар сония йўлингга умид кўзи билан термулардим,

азизим. Сенинг хаёлинг билан яшамаганимда аллақачон ўлиб қолардим.

Улар яна бир-бирларини маҳкам кучоқладилар.

Соҳилга келишганда токнинг узилишига икки дақиқа қолганди. Ико қайиқ тошли дарвоза ёнига келмасидан пастга тушди. Тошлар орасидан ўзига аён бўлган мурув-ватни топиб буради. Тошлар ҳаракатга келди ва ён томонга сурилди. Паёнсиз кўм-кўк денгиз кўринди. Салқин ҳаво ичкарига оқиб кирди.

- Ток узилмади, - деди Ико қувончини ичига сиғди-ролмай.

- Балки қароқчилар бошлиғи кўрғонга етиб келгандир? У ердаги воқеаларни кўриб, бизнинг изимизга тушгандир? Тезроқ кетайлик!

- Улар ғор ичидан келишлари мумкин. - Қосим соатиға қаради. Ток узиладиган пайт бўлганди. - Бироз сабр қиламиз, агар чироқлар ўчмаса, улар изимиздан келишаётган бўлишади!

Шина озодликка чиққанига ҳали ҳам ишонмасди. Қўлларини севгилисининг бўйнига ташлаб, унинг қорамтир юзидан бўса олиб қўярди. Камиланинг уларга ҳаваси келди. Қандай қилиб қароқчиларнинг қўлига тушиб қолганини билгиси келарди. «Вақти келганда бу ҳақда қиздан сўрайман», деган фикрни дилига тугиб қўйди.

Баҳром тошли дарвозага боқиб, қайиқдан тушди. Қўйинини порохга тўлдирди.

- Нима қилмоқчисан? - сўради Қосим.

Баҳром унинг сўзини эшитмай ғор ичига кириб кетди. Порохни дарвозанинг очиб ёпиладиган қурилмаси остига жойлади. Гургутни ёқиб, ўзини ташқарига отди. У очиқликка чиқишга аранг улгурди. Гумбурлаган овоз қулоқларини қоматга келтирди. Осилиб турган ҳайбатли тошлар қулаб тушди. Денгиз бўронда қолгандай чайқалди. Раонинг яширин йўли шу тариқа ҳеч қачон беркилмай-диган ҳолга келди.

Ёввойилар оролига Виктор билан Камилани олиб кетиб

бўлмасди. Камила унинг кўзини қора латта билан боғлаб қўйганди. Оғриқ босилган бўлса-да, Викторнинг қалбидаги ғам босилмаганди. Гоҳи-гоҳида ўкириб йиғларди. Баҳром ўзини ёввойилар яшайдиган оролга кетаётганини Виктор билан Камиллага айтишни истамади. Шинани ҳам соҳилда қолдирди.

- Биз тез орада қайтамиз, - деди Камиллага.

Шина севгилисини маҳкам қучоқлаб, унинг юзидан ўпди.

- Сени кутаман, ҳаётим!

Баҳром Ико билан Қосимни эргаштириб, ёввойилар оролига жўнади. Манзил йироқ бўлгани боис қайиқда сузиш оғир эди. Ико соҳилда шох-шаббалар билан ўраб ташланган Раонинг кемаси борлигини эслаб қолди.

- Сенинг у томонга ўтишинг хатарли. Мен ўзим бориб яхтани олиб келаман, - деди Ико Баҳромга. У соҳилга жўнаб кетди.

Соқчилар бошлиғи Марко Лиондан қайтганди. Кайфияти хуш эди. Раонинг музейдан ўғирлаган экспонатларига харидор топганди. У ўзининг ёрдамчилари билан бандаргоҳда кемадан тушди. Раога қўнғироқ қилди, аммо у томондан жавоб бўлмади. Қайиққа ўтириб, тошли дарвоза томон сузиб кетди. Соқчилардан бири тугмачани босди, дарвоза очилмади. Марко ток узилган, деб ҳаёл қилди ва иккинчи яширин йўл билан қўрғонга жўнади. Бу ерда уни юракка ғулғула солгувчи жимжитлик кутиб турарди. Қароргоҳнинг дарвозасини илк бор очиқ ҳолда кўриб, ранги оқариб кетди. Ҳамма нарса кўзига хунук ва қўрқинчли кўринди. Қўрғондан қандайдир нохушликнинг иси келарди. Раонинг хонасига чиқишда бўғзига ханжар санчилган соқчини кўрди. У кийимлари қонга беланган холда ётарди. Марконинг юрагини ваҳима чўлгади. Одамларини қуролланишга буурди.

- Исёнчилар ҳужум қилган! - деди худди улар қайсидир пистирма ортида яшириниб тургандай паст овозда. Марко мурданинг баданини ушлаб кўрди. Танаси иссиқ эди. Қотиллик бир соат муқаддам содир бўлганлигини сезди. Одамларини эргаштириб, Раонинг хонасига кўтарилди. Ҳамма томон тарибсиз эди. Стол-стуллар тўнтарилиб ётарди. Рао букчайиб, деворга суянганча, қўлларини кўксига қўйиб ётарди. Тўдабошининг ўлими Марко учун фожа эмасди. Қўлга киритилган бойликлар қаерга яширилганлиги унга аён эди. Қароқчининг миясига ўша бойликларга эгалик қилиш фикри келди. Раонинг ишини фақат у давом эттириш ҳуқуқига эга эди. Марко девор шкафни очди. Бир бирига ўхшамаган ўн дона калитларни олди.

- Йигирма йил денгизда орттирган бойликлар энди меники! - деди у мурдага қараб. - Энди уларни олиб Францияга жўнайман!

Марко соқчиларни эргаштириб, ғор ичидаги сув йўлига кирди. Қайиқлардан бири жойида кўринмасди. Марко исёнчиларнинг озчилик эканлигини шундан билди. Сув нотинч чайқаларди. У одамларини қайиққа ўтиришга буюрди. Қароқчи ғор ичидаги қафасда Иконинг сеvimли қизи сақланаётганидан хабардор эди. Мурдалар ичида Иконинг жасади кўринмаганди. Қайиқ рулини ўша томонга буришга буйруқ берди. Қафаснинг эшиги очиқ қолганди. Ичкарида Шина кўринмасди. Марко одамларига «қайиқни тезроқ ҳайданглар», деб ўшқирди.

- Буларнинг ҳаммаси лаънати Иконинг иши! У менинг қўлимдан қочиб қутулолмайди. Раонинг номи билан қасам ичаман-ки, лаънати негрнинг қорнини ёриб, ичакларини балиқларга едираман. Соқчилар жон-жаҳти билан эшакка куч беришарди. Ярим соат ўтиб улар тошли дарвозага яқинлашишди. Ташқарида осуда кул ранг денгиз кўриниб турарди. Бироқ Марконинг қайиғи очикликка чиқишга улгурмади. Бомба портлагандек борлиқ титраб кетди. Осилиб турган тошлар пастга қулади. Қароқчи-

лар қайиқни тўхтатишолмади. Тошлар уларнинг устига қулади. Қайиқ парча-парча бўлиб кетди. Қароқчилар ҳайбатли тошлар остида сув тубига ғарқ бўлишди.

Зулфизарнинг ўз оёғида юриб, қишлоққа кириб келиши ҳаммани қувонтирган бўлса, Омон фермерни андак ташвишга солди. Ўша куни қўни-қўшнилар, таниш-билишлар Холмурод аканинг хонадонига келишди. Кўпчилик ўлдига чиқариб қўйган Зулфизарнинг оёқда юриб, уйга кириб келиши мўъжизадек гап эди. Бу хабар Одилнинг қулоғига ҳам етиб борди. Тўй куни қизнинг хусни-жамоли, одоб-икроми юрагига ишқ чўғини ташлаганди. Ўшандан буён қизни унутолмасди. Кўргиси келарди, соғинарди. Оқшом қўнган дамлар, кўчада одамларнинг қадами сийраклашган пайтлар Зулфизарнинг уйи атрофида пайдо бўлиб қоларди. Ичкарига киролмасада, анча наридан қизнинг кўчага чиқишини пойларди. Олисдан бўлсада унинг бўй-бастини кўрарди. Ёнган юраги таскин топарди. Ўзини енгил ҳис этиб, уйига қайтарди. Қайсидир бир кун Зулфизар дугоналарини кузатгани ташқарига чиқди. Шунда йигитнинг сабри чидамади. Унга яқин келди. Сочлари майда ўрилган, қадди-қомати келишган, юзлари ширмон кулчадай қулиб турган қизни кўриб юраги гурсиллаб, бошидан ҳуши учиб кетаёзди. Унга яқин бориб гаплашмоқчи, ҳол сўрамоқчи бўлди. Орадаги масофани беш-ўн қадам ажратиб турарди. Оёқларига кишан солингандек бирдан тўхтаб қолди. Қиз яқиндан йигитнинг кўзига янада малоҳатли ва жозибали кўринди. Ичи тўнтарилиб кетди. Тилига бир сўз келмади. Соқовга ўхшаб қолди. Зулфизар ортига ўгрилди. Эпкин ўйнаётган ҳайдар кокиллари ёноқларини ўпарди. Эгнидаги атлас қўйлаги баданига ёпишиб турарди. Зулукдек қоп-қора қошлари остидаги чарос кўзлари шўх боқди. Йигит ўзини тутолмай қолди.

- Зулфизар, - деди ички энтикиш ва соғинч билан.

Қиз Одилни таниди. Кўзлари бир сонияга учрашди. Шунда ошиқ йигит мадорсиз ҳолга келди. Йиқилиб тушадигандек деворни ушлади.

- Мен сизни кўргани келдим...

Қиз индамади. Кўзлари ҳайратдан ёнарди.

- Зулфизар, - деган сўз йигитнинг тилидан иккинчи бор учиб чиққанда қиз ичкарига кириб кетганди.

Йигитнинг кўксига биров пичоқ ургандай бўлди. Вужудидан мадор кетди. Одил Зулфизар, деб овоз қилди. Қиз унинг товушини эшитса-да, қайрилиб қарамади. Қизнинг сумбати, орқасини қоплаган қоп-қора сочлари бир пайтлар юрагида ҳосил қилган ярани такрор тирнади.

Одил ҳолватини йўқотди, кўринмас ип уни шу остонага боғлаб қўйди. Ҳар куни келадиған, эшик пойлайдиған, қизнинг чиқишини кутадиған бўлди. Соғинч деган тўйғу қалбини зимдан кемирарди. Тунлар уйқусини ўғирларди. Кечалари Зулфизарнинг сиймосини кўз олдига келтириб, хаёл суриб чиқарди. Икки-уч кун ичида чўпдай озиб-тўзиб, жаҳлдор бўлиб қолди. Салгина нарсага асабийлашарди. Онаизорнинг юраги фарзандининг безовталигини, тунларни уйқусиз ўтказётганини, вақти-вақтида суйганининг кўчасига бориб қолаётганини сезганди. Узини бирор нарса қилиб қўймасин, деган даҳшатли фикр хаёлидан кетмасди. Эрига гап очди.

- Бунақада ўғлингиз жинни бўлиб қолади. Кечалари ухламаяпти. Дераза олдига ўтириб, ойга тикилиб, ўзи билан ўзи гаплашяпти. Кундуз кунлари Холмурод аканинг уйи атрофида айланармиш. Озиб кетяпти, ранги сомондай сарғайган. Кўнглига қўл солинг, қизни севса, Холмурод ака билан гурунглашинг. Рози бўлса, тўй қиламиз!

- Катта бошимни эгиб, олдига эгилиб борармидим. Дўхтирларнинг гапига ишониб, ўзинг оқликни қайтариб олдинг, пул сўраганда қаттиқроқ гапирганман, биздан кўнгли қолган, хотин!

- Яхши гап билан илон инидан чиқади. Холмуродакани зиёфатга таклиф қилинг. Озгина ичиринг, боши айланади, рози бўлганини ўзи билмайди. Ота рози- Худо рози, деган гап бор. Ҳамрохонни кўндириш мендан. Ўша касалванд қизини энди ким ҳам келин қиларди. Балки ўзлари оғиз очолмай ўтиришгандир!

- Мени бу ишга аралаштирма, Чаман, оғзим куйган. Нима қилсанг, ўзинг ҳал қил!

- Болангизга раҳмингиз келмайдими, касал бўлса, озиб-тўзиса майлими? Ўзингиз бормасангиз амалдор, мансабдор дўстларингизни ишга солинг. Улар учун бир одамнинг кўнглини овлаш чўт эмас!

Омон фермер қўл силтаб, чиқиб кетди. Аёли жавраб-жавраб остонада қолди. Боши қотди, пешонаси тиришди. Пешин пайти ўзи йўлга чиқди. Бўйнига қўш тилла занжир илди, бармоқларига бриллиант кўзли узукларни тақди. Қулоғига қадимдан қолган олтин ойболдоқни осди. Ҳамрохон опанинг кўзини ўйнатай, Зулфизарнинг кўнглини олай, деб икковларига совға учун бриллиант кўзли тилла узукни чўнтагига солди. Ҳамрохон она бўлиб ўтган ишларни унутди. Чаманхонни қучоқ очиб кутиб олди. Зулфизар билан ҳам шундай кўришди. Кўзларига ёш олди. Тақдирдан, қисматдан нолиди. Кўзларига қиз анча ўзгариб, юзлари оқариб, тўлишиб, бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилгандай кўринди. Чўнтагидан узукни олиб, она-боланинг хай-ҳайлашига қарамай бармоғига тақиб қўйди. Гап орасида мақсадини айтди.

- Келинимизни олиб кетамиз, тўйни қайтатдан ўтказамиз, - деди ҳам кулиб, ҳам йиғлаб.

Ҳамрохон опанинг юрагида унут бўлаётган аламлар уйғонди. Чеккан азоблари, қийноқлари кўз олдида жонланди. Улим тўшагида ётган келинни ташлаб, сепни йиғиштиргани кечагидай кўз олдида келди.

- Энди қизимиз сизга муносиб эмас, Чаманхон, - деди лаблари титраб. - У хаста, келинлик хизматини бажаришга ярамайди.

Ҳамрохон опа шундай деди-ю, дилига келган аччиқроқ сўзни айтиб юбормаслик учун лабини тишлади. Чаманхон буни тушунди ва бу ҳақда бошқа оғиз очмади. Ўрнидан қўзғалди. Ҳамрохон опа унинг иззатини жойига қўйиб, остонагача кузатиб қўйди. Кетаётганда узукларни «Келин олсангиз бармоғига тақиб қўясиз», деб қайтариб берди.

Чаман опа кетгач Зулфизар онасига шундай деди.

- Одил бетоб, ақли-хушидан айрилган! - деди худди ўзига ўзи гапиргандай. Ҳамрохон опа қизига қаради, аммо бир сўз айтмади. Ичкарига кириб кетди. Онасининг хомуш қайтганини кўриб, Одилнинг юрагидаги умид ўлди.

- Нима деди? - сўради қўрқа-писа. - Гаплашдингизми?

- Алами ичида, қизимиз сизга муносиб эмас, деб захрини сочди. Қўй, ўғлим, у бўлмаса бошқаси топилар. Отангни хурмати баланд. Бошқасини танла, пошшонинг қизи бўлса ҳам бир ҳафтада қўйнингга солиб қўймасам Чаман отимни бошқа қўяман! Ундан чиройли, ундан эсли-хушли қизларнинг уруғига ўт кетибдими? Пулимиз ҳам, кучимиз ҳам етади!

- Кўнмадими, эна, бермайман дедими? - Одилнинг овози титраб чиқди. Кўзлари ғам-аламдан ёшланди. Умидсиз одамнинг аҳволига тушди. Онанинг кўзларига ўғли бирдан ўзгаргандек, чўкиб қолгандек, ранги синиқиб, кўзлари киртайиб, дард ва азоблар чеккан касалванд одамдек кўринди.

- Сенга нима бўлди, бургутим, нега рангинг оқариб кетди? - сўради она унинг юзига кафтини босиб.

- Усиз яшай олмайман, эна. Зулфизардан бошқаси керак эмас. Яхши кўраман уни!

Чаманхон ўғлини овутишга баҳона излади.

- Отанг келсин, гаплашайлик, катталарни ўртага қўяр, ўша гадойваччани кўндиролмасак, нима қилиб юрибмиз қишлоқда!

Одил маст одамдай гандираклаб ҳовлидан чиқиб кетди.

Чойхонага ўтди, уч-тўртта жўраларини топди. Тўйиб-тўйиб ичишди. Маст бўлди, юрагининг тубидаги олов босилмади. Дард тарқамади. Оқшом кўниб, қоронғу тушаётганда шериклари Одилни уйига ташлаб кетишди. Йигит яна ташқарига чиқди. Зулфизарнинг уйи томон қадам ташлади. Эшик олдида узоқ ўтирди. Кейин деворга суяниб, ухлаб қолди. Ярим тунда дайди ит унинг юзини ялаб уйғотиб юборди. Ошиқ уйига қайтди. Жийда остига чўнқайиб, осмонга боқди. Япроқлар орасидан ҳилул кўринарди. Барглар шитирлаганда ёғдуси ерга тўкиларди. Одил ой билан дардлашди, юлдузлар билан гурунглашди.

- Зулфизар сенга ўхшайди, Оймомо! - деди овози титраб. Кейин фикридан қайтди. - Йўқ, сен Зулфизарга ўхшайсан. - У сендан чиройли, сендан гўзал. Юлдузлар, сизлар унинг кўзларига ўхшайсиз. Унинг кўзлари сизданда ёрқинроқ, сизникиданда ўтлироқ чақнайди. Афсуски, суйганим, кўнгил берганим ёнимга келмайди, мендан арази бор. Олдига борсам қайрилиб боқмайди, гапиргиси келмайди.

- Одил қўллари билан бошини чангаллаб йиғлади. Ув солиб бўзлади, кейин хўнгради. Ичи оғриди, нимадир тирнади, озоблади. Кўкраklarини мижғилади, ҳаво етишмаётгандай энтикиб-энтикиб йиғлади. Телбалардек бошини чайқаб, гоҳ гапириб, гоҳ овозини ютиб йиғлади. Шаробнинг кайфи тарқаб кетганди. Ишқнинг кайфидан маст эди.

Чаманхон дераза ортидан ўглинин кузатиб турарди. Олдига боришга, таскин-тасали беришга юраги чопмасди. Зимистон қалбига дўл ёғарди. Боласининг дардларига қандай шерик бўлсин? Гуноҳлари, айблари, йўлида тўғоноқ ғов - эди. Оналик меҳри устун келди. Оёғини судраб, худди ортидан биров сургандай ташқарига чиқди. Фаразандининг қошига келди. Чўк тушиб, олдида ўтирди. Кўзлари ёшли эди. Киприкларига илиниб турарди. Фаразандининг бошини кўксига босганда, сочларини силаганда ана шу ёшлар дув-дув тўкилди, қонсиз яноқларини

ювиб, дукиллаб ураётган сийнасига оқиб тушди. Одил ҳамон йиғларди.

- Мен уйига бордим, у чиқмади, эна, - деди овози титраб. - Куча эшигида кутдим, деворга суяниб ўтирдим, бари-бир чиқмади. - Телбалардек пойинтар- сойинтар сўзларди Одил. - Сиз бориб менинг кўргим келаётганини, соғинганимни айтинг. Йироқдан бўлса-да, бир кўрай, шунда ичимни ёндираётган олов ўчади.

Она фарзандига нимадир бўлганини тушунди. Хўрлиги тутибми ёки ачинибми уни маҳкам кучоқлаб, ўзи ҳам йиғлаб юборди. Одил ёшли кўзларини кўкдаги ҳиллолга тикди.

- Энам йиғлаяпти, Оймомо! Унга раҳминг келсин, Зулфизарни бизга қайтар. Биз уни шу уйда яшашини истаймиз!

Омон фермер яккаю ягона боласидаги ўзгаришларни кеч бўлса-да, тушунди. Маҳалланинг катталарини йиғиб Холмурод аканинг уйига жўнатди. Кўнглини олинглар, деб бир сидра сарпо берди. Оқсоқоллар рад этолмадилар. (Фермернинг тузини ичганда). Элчига ўлим йўқ, деб йўлга чиқдилар. Холмурод ака уларни хуш кутиб олди. Уйининг тўрсидан жой берди. Патир синдириб, чой узатди. Андак гурунглашишди. Қизини даволаган Роман Ильичнинг ўзбекистонлик эканлигини, тилимизни яхши билишини айтди. Оқсоқоллар ўз касалликларини эслаб қолишди. Борсак бўларкан, дейишди. Кейин мақсадларини айтишди.

- Кулчиликка келдик, Холмурод! - деди улардан бири чўчинқираб.

- Қадамларингга ҳасанот, хуш келибсизлар! - жавоб қилди уй эгаси.

- Зулфизарнинг бошини қовуштирсак, тўй қилиб, элга ош берсак, келин қилиб, олиб кетсак! - иккинчи оқсоқол гапга қўшилди.

- Савоб ишга қўл урибсизлар, куёв ўғил кимнинг зурриёди?

Шунда оқсоқоллар муҳим гап эсларига тушгандай ер

остидан бир-бирларига кўз ташлашди. Куёвнинг падари-ни айтишга андак андиша қилишди. Хонага жимлик чўкди. Улардан бири юрак ютди.

- Омонбой фермернинг боласи. Кўп одоб-икромли йигит! - оқсоқол учун бу гапни айтиш оғир кечди. Пешонаси терчилади.

Холмурод ака чайқалиб кетди. Қулоқларига ишонмай тош қотди. Ўз уйида ўзини ёт билди. Дилига келган гапни ўқдай отди.

- Билиб келдиларинг а?

Холмурод аканинг бўғзига нимадир қалалди. Оқсоқоллар мулзам бўлишди, ер остидан бир-бирларига қарашди. Уй эгасининг ҳолатини тушунишди. Ўринларидан кўзгаллишди.

Бир ҳафта ўтиб Чаманхоннинг қулоғига Зулфизар Баҳромга унаштирилганлиги тўғрисидаги хабар етиб келди. Оёғи куйган товукдай бир жойда ўтиролмай қолди.

Одил дунёга сиғмадими ёки дунё уни бағрига сиғдирмадими ҳар қалай кечалари ухламайдиган, гоҳ ой билан, гоҳ юлдузлар билан дардлашадиган одат чиқарди. Соч соқоли ўсиб кетганди. Кечалари кўчаларда девонасифат дайидирди. Зулфизарларнинг уйи атрофида кўриниб қоларди. Кекса тутнинг ғадир-будур танасига суяниб, ичига ботган, сарғайган кўзларини эшикка тикиб ўтирарди. Гоҳида шеър ўқирди, гоҳида қўшиқ айтарди. Юзининг қонсиз, қуруқшаб қолган ва тилим-тилим ёрилиб кетган икки яноғи кўринарди. Устидан моғор босган шимкўйлак тушмасди. Чаманхоннинг қистови билан Омон фермер ўғлини шаҳарга олиб тушди. Катта дўхтирларга кўрсатди. Рухий касалликлар шифохонасига қоғоз қилиб беришди. «Бир ой ётсин, даволансин», дейишди. Омон фермер дарғазаб бўлди. Эл «боламини жинни бўлибди, бир қиз ишқида девона бўлибди», демасин деб қишлоққа қайтариб келди. Номус ва орни устун билди, ўғлини уйдан кўчага чиқармай қўйди. Одил кечалари ой нури тушган ялангликка чиқиб ўтиришни канда қилмади.

Унга қараб гапиришни, суйганини унга менгзашни канда қилмади. Қўлига узун таёғини оларди. Уни соз ўрнида кўрарди. Шилиниб, зада бўлган, тирноқлари кўчган бармоқлари билан таёқнинг бутюқдан иборат танасига чертарди. Овозини қўйиб, хониш қиларди. То-вушини дайди эпкиндлар олис-олисларга олиб кетарди. Қўни-қўшилларнинг қулоғига етарди.

Мен ишқ элининг нола-ю афғонида куйдим,

Кўнгил уйининг оташи армонида куйдим.

Икки мисра айтиб, Ойга боқиб кўярди. Назарида Ой-момо унинг хонишини тинглаётгандай эди. Одил қўшиқ айтган сайин юраги бўшаб бораётганини, елкасини босиб турган қандайдир юк тўкилиб бораётганини ҳамда ўзини енгил ҳис этаётганини сезарди. Кўз ёшларини ичига ютиб, яна овоз қўйиб хониш қиларди.

Дунёи азалнинг ғазали матлайи бўлдим.

Бошлаб ҳамма ишни анинг поёнида куйдим.

Зулфизарнинг Баҳромга унаштирилгани Одилнинг қулоғига етиб келди. Кўчага чиққанда дўстларидан бири шипшитиб қўйди.

- Ундан кўнгилнинг уз, қизни Баҳромга беришди!

Одил музлади. Ўқ метиндай кўксини тешиб, юрагига ботмасди, сўз қалбини пора-пора қилиб ташлади. Иигит турган жойида овозини чиқармай йиғлади. Ўша кун кўчаларни мақсадсиз кезди. Зулфизарнинг уйи олдида қандай бориб қолганини билмай қолди. Омон фермернинг одамлари келиб уни олиб кетишди. Фермер буни иснод, деб қабул қилди. Одилни ертўлага қамаб қўйди. Икки кун нон-туз бермади. Учинчи кунга ўтиб чиқарди. Ўша оқшом осмон шу қадар тиниқ, шу қадар беғубор эди-ки, одам унга боқиб кўзи тўймасди. Ўн беш кунлик баркандек ой худди ерга тушиб кетадигандек осилиб турарди. Юлдузлар Оҳ, уларнинг ҳар бири ўзгача олам эди. Шундай чақнардики, қараб кўз тўймасди.

Одил ярим тунда ташқарига чиқди. Дарахт остига тиз чўкиб, осмонга боқиб, Оймомо билан, юлдузлар билан

ҳасратлашди. Уларга ўзининг сўнгги сўзини айтди:

- Мен сеннинг ёнингга бораман, Оймомо! Сен билан бирга самода кезаман. Иккимиз тепадан туриб, Зулфизарни томоша қиламиз. У биздан қочиб кетолмайди. Бу ерда мен уни кўролмайман, менга кўрсатишмайди! Кейин у шеър ўқиди.

Шимфои васл қадрин хажр ила бемор ўландан сўр,

Зулоли завқи шавқин хажр ила бемор ўландан сўр.

Ўзи ёшлуларинг ҳолин на билсин мардуми ғофил,

Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Лабинг сиррин галиб гуфтора ким бандин ўзгадин сўрма,

Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Омон фермер ярим тунгача аёли билан ўглини жинни-хонага ташлаб келиш тўғрисида гурунглашишди.

- Бу аҳволда юрса, бизни номусга қўяди. Эл-юрт олдида уятдан ўлдиради. Обруйимиз тўкилади. Яхшиси касал-хонага ташлаб келайлик!

- Боласи жинни бўп қопти, деган таънани кўтаролмайман.

- Жиннихонага ташлаб келсангиз яна гап-сўз кўпаяди, одамлар устимиздан кулишади. Шарманда бўламиз. Яхшиси бошқа жойга ташлаб келинг. Бирор йил юрса, қиз ўлгурни эсидан чиқарар.

- Қаерга ташлаб келаман, - деди жаҳл билан қўл силтаб Омон фермер. - Бундан кўра ўлгани яхшийди.

- Ҳай, ҳай нафасингизни иссиқ қилинг. Нима қилса ҳам болангиз!

- Боланг боланг, деб мени дўст-душман олдида ер билан тенг қилдинг! Ким билан сўрашсам, аввал болангиз тузикми, деб сўйрайдиган бўлди. Кийимларини тайёрлаб қуй. Тонг ёришмай йўлга чиқамиз!

- Кийимни нима қиласиз, ўша ерда ўзлари усти - бош беришар.

- Бировга айтма, шаҳарга, - қариндошларимизникига дам олгани кетди де!

Айни шу дамда Зулфизарнинг юраги нотинч эди.

Одилни ўйларди. Унинг қиёфаси кўз ўнгидан кетмасди. Кимдир қўлидан тутиб ташқарига судраётгандай бўларди. Қиз ташқарига чиқди. Осмонга боқди. Ойга, кейин юлдузларга тикилди. Қулоғига жуда ҳам олислардан Одилнинг овози келгандай бўлди. У қўшиқ айтарди.

Мен ишқ элининг нола-ю афғонида куйдим,

Кўнгил уйининг оташи армонида куйдим

Ҳамроҳон опа ташқарига чиқди. Қизининг елкасига қўлини ташлади.

- Сенга нима бўлди, болам? - паст овозда сўради она. - Куни билан безовтасан?

- Одил, - деди қиз ва негадир жим қолди.

- Одил? - хайрон бўлди она, - унга нима бўлибди?

- У ойнинг олдига чиқиб кетаяпти...

Ҳамроҳон опа қўрқиб кетди.

- Уйга юр, қизим, - она қизининг қўлидан ушлаб ичкарига бошлади.

- Уйнинг олдига чиқмоқчи бўлаяпти, - деди Зулфизар яна кўзларини осмонга қадаб. - Уни қайтариб қолиш керак, эна!

Ҳамроҳон опа қўярда қўймай қизини ичкарига судради. Зулфизарнинг кўзига ёш тўлганди.

Омон фермер эрталаб вақтлироқ уйғонди. Чаманхон ўғлининг хонасига кирди. Одилнинг тўшаги совуқ эди, жойида кўринмасди. Ташқарига чиқди. Ҳамиша ойга тикилиб ўтирадиган дарахт олдига келди. Кўринмади. Қасққа кетдйкин? Тагин ўша зоти паст қизнинг олдига бордимикин?

Чаманхон ортга бурилди. Бошини нимагадир уриб олди. Тенага қаради. Қаради-ю, қичқириб юборди. Дарахтнинг айри шоҳида ўғлининг жасади осилиб турарди.

Баҳром, Қосим ва Ико яхтада ёввойилар оролига сузиб боришарди. Денгиз суви кўм-кўк тусга кирганди. Енгил

эпкин эсарди. Ико денгиз йўлини яхши биларди. Раонинг кемасида бошқарувчи бўлиб ишлаганда бу ердан кўп қатнаганди. Ёввойилар оролини мўлжалга олиб, кема рулини ўша томон бурди. Бироқ у ерга ҳаммага маълум бўлган йўлдан бориш хатарли эди. Ёввойилар соҳилга яқин келган ҳар бир кемани узоқдан назорат қилишарди. Соҳил атрофига қопқон қўйишганди. Махсус қамишлардан ясалган найчалар орқали сув остида соатлаб туришарди. Улар кемаларни тешиб, юklarини талаб, чўктириб юборишарди. Буни ҳамма ҳам билавермасди. Кемалари саёз жойга тушиб қолганини ўзлари ҳам сезмай қолишарди. Ёввойилар бундан устамонлик билан фойдаланиб, қайиқларга ўтириб, улар олдига сузиб боришарди. Ико шуни ҳисобга олганди. У оролни айланиб ўтишга, орқа томондан боришга қарор қилди. Бунинг учун океаннинг сўл томонидан юриш лозим эди. Тўрт-беш соат вақтни ютқазилса-да, бу ўзлари учун хатарсиз эди. Ико бу ҳақда Баҳромга айтганда у таклифни қабул қилди. Чироқлари ўчирилган кема оролни айланиб соҳилга борди. Ярим кеча бўлганлиги сабабли ёввойилар уларни сезишмади. Кемани соҳилда қолдириш хатарли эди. Ёввойилар кўриб қолиши мумкин эди. Шох-шаббаларни олиб келиб, унинг устига ташлашди.

- Тутқунлар сақланаётган жой олисда, - деди пастга тушишганда Ико. - Пиёда боришимизга тўғри келади.

- Фақат адашиб қолмайлик, - таклиф киритди Баҳром. - Тўғри ва яқин йўлни топ!

- Мен бу ерларни яхши биламан, - уни тинчлантирди Ико. - Хавотир олмасанг ҳам бўлади.

Улар чангалзор ичидан боришарди. Бу ерларда кўпдан одам юрмаганлиги билиниб турарди. Шох-шаббалар, ўт ўланлар тезроқ юришга имкон бермасди. Оёққа ёпишарди. Учовлон уч соат йўл юришди. Ниҳоят олислардан ёввойиларнинг овозлари эшитилди. Аччиқ тутун иси димоқларига урилди. Бироз йўл босишгач чангалзор тутади. Ёнаётган гулханлар кўринди. Бу ёввойилар қўна-

лғаси эди. Баҳром шох-шаббалар орасидан ярим яланғоч, бошларига ўт ва патлардан ясалган чамбараклар кийиб олган одамларни кўрди. Улар тўда-тўда бўлиб, гуриллаб ёнаётган гулхан атрофида давра қуриб ўтиришарди. Болалар кўринмасди. Аёл ва эркаклар ярим яланғоч эдилар. Уларнинг баданлари оловда қизгимтир тусда товланарди.

- Бандилар қаерда? - сўради Баҳром Икодан.
- Чодирларнинг орқасида, - жавоб қилди у.
- У ерга қандай ўтамиз?
- Ёввойиларнинг ухлашини кутишимизга тўғри келади.
- Вақтдан ютқазамиз.
- Бошқа иложимиз йўқ. - Гапга қўшилди Қосим. Баҳром унинг таклифини рад этди.

Учовлон ерга бағирларини бериб, илондай судралиб, ўт-ўланларни пана қилиб тутқунлар сақланаётган ертўла томон юришди. Кутилмаганда ёввойилар қичқириб қолишди. Эркаклар қуруқ шох-шаббаларни тўплаб, гулхан ёқишди. Олов гуриллаб тепага ўрлади. Ҳамма томон қизил рангга бўялди. Аёллар олов атрофида давра қуришди. Эркаклар яна жойларига қайтиб ўтиришди.

Аёлларнинг қий-чуви қулоқни қоматга келтирарди. Улар ўрниларидан туриб, ини бузилган чумолилардек гуриллаб ёнаётган олов атрофида гир айланишди. Эркаклар ногора чалишарди. Аёллар яланг оёқ лаҳча чўғ устига чиқишди. Мусиқа оҳангига мос ҳаракатлар қилиб, рақс туша бошлашди. Уларнинг ярим яланғоч баданлари қипқизил чўғдан ялтирарди. Оёқлари остидаги иссиқни ҳис этишмасди, гўё тупроқ устида юришаётгандек эди. Чўғ устидаги рақс анча вақт давом этди. Ўйин тугагандан кейин кексаёшли ёввойининг амри билан аёлларнинг ва эркакларнинг кўзлари боғланди. Улар икки томонга саф тортишди. Қабила бошлиғи қўлидаги найзани олиб, унинг учини аёллар томонга қаратиб нимадир, деб қичқирди. Шунда эркаклар қуюн мисоли аёллар томонга

чопишди. Аёллар тўзғиб, ўзларини дуч келган томонга уришди. Эркаклар қулочини ёйиб уларни ахтарарди. Тутиб олганларни эса маҳкам қучоқлаб, ҳайкалдек қотиб туришарди. Ниҳоят йигирмага яқин эркак- аёл бир-бирларини ушлашди.

- Булар нима қилишяпти? - сўради Баҳром Икодан.

- Бутун уларнинг йилда бир маротаба бўладиган байрамми? Эркак тутган аёли билан тонггача бирга бўлади.

- Қизиқ одат экан, - кулди Қосим.

Ўн дақиқалар ўтиб, ёввойилар жуфт-жуфт бўлиб чодирларига кириб кетишди. Шовқин босилди. Борлиққа жимлик чўкди. Учовлон яна ерга бағирларини бериб, илгарилаб кетишди. Барханни эслатувчи тепалик ёнида тўхташди. Нохуш ис ҳаммаларининг димоғига ўтирди. Пастдан кимнингдир инграгани, кимнингдир йиғлагани эшитиларди.

- Соқчилар кўринмайди? - Атрофга аланглаб Икодан сўради Баҳром.

- Шу пайтгача ичкаридан бирорта тутқун чиқиб кетмаган. Ёввойиларнинг кўнгли тўқ. Қолаверса, улар очикликда ҳам ҳеч қаёққа кетишолмайди.

- Овқат беришадими?

- Овқат ўрнига қандайдир ўт-ўланларнинг қайнатилган сувини беришади. Шуни ичган одам очликни ҳис этмайди.

- Эшиги қаерда? - сўради Баҳром.

- Эшиги кўмиб ташланган, - жавоб қилди Ико.

Тепаликда беш-олтита туйнук кўриниб турарди. Уларнинг тепаси темир панжара билан тўсилганди. Тутқунларга бир кунда бир маҳал бериб туриладиган дамлама сув мана шу жойдан пастга туширилади.

- Унда биз қаердан кирамиз?

Ико юлдузларга боқди.

- Эшик кун чиқиш томондан.

Ўша томонга ўтишди. Белкурак йўқ эди, қўлда кавлашди. Тупроқ юмшоқ эди. Ярим соат қазишгач эшикни

топдилар. Уларни кўриб тутқунлар жонланди. Ҳаммалари эшикка яқин келишди. Уларни озодликка чиқариш учун темир эшикни бузиш лозим эди. Баҳром қулфларни текшириб кўрди. Антиқа қулфлар, бунақасини ҳаётида учратмаган.

Бундай қулфларни очишнинг ўзига хос усуллари бор эди. Улар калитсиз бўлиб, фақат мурватни бураш билангина очиларди. Рао ўрнатган қулфлар шундай эди. Баҳром мурватни турли томонга айлантирди. Тонг ёришиб келарди. Ёввойилар барвақт ўйғонишини Ико унга тушунтирганди.

Баҳром қулфни минг азоб ва машаққат билан зўрға очди. Тутқинлар эшик томон талпинишди. Улар чўпдай озиб-тўзиб кетганди. Соч-соқоллари ўсиб, худди ёввойиларга ўхшарди. Ҳаммаларининг ташқи қиёфасини кўриб, одамнинг юраги орқага тортиб кетарди. Тутқунларнинг кўпи савдогарлар эди. Ико қўл ҳаракатлари билан шовқин кўтармасликларини, битта-битта ташқарига чиқишни тушунтирди. Бандиларнинг кўпи тушунган одамлар эди. Овоз чиқармай телага кўтарилишди.

- Ҳазиналар қаерда? - сўради Баҳром Икодан.

- Шуртўланинг остида. Аммо уни олиш учун иккинчи эшикни очиш керак.

- Мени ўша томонга бошла!

- Улгуролмаймиз, тонг ёришиб қолди.

- Таваккал. Қосимга айт, тутқунларни кемага олиб кетсин, биз ярим соатлардан кейин етиб борамиз. Ишончлироқ одамлардан беш-олтитаси қолсин!

Ико унга ҳазиналар беркитилган жойни кўрсатди, кейин Қосимнинг олдига чиқиб кетди. Қайтиб тушганда Баҳром қулфни очиб бўлганди. Ичкари киришди. Турли яшик ва сандиқлар ичида тилло, марварид, бриллиант, олмослар қалашиб ётарди. Баҳром уларга аҳамият бермади. У тарихий асарларни изларди. Қийналиб бўлса-да, уларни топди. Миср, Италия, Франция, Россия, Австрия, Урта Осиё каби давлатларнинг музейларидан ўғирланган

нодир ва ноёб санъат асарлари эди булар. Баҳром уларни сандикларга жойлади.

- Буларни нима қиласан? - сўради Ико.

- Жойларига қайтарамиз, - қисқа жавоб қилди Баҳром. Икковлон икки сандиқни елкаларида кўтариб тепага чиқишди. Тонг бўзарганди. Ёввойилар уйғониб, тутқунларнинг қочганини сезишганди. Қий-чув, шовқин-сурон кўтарилди. Баҳром ва Ико соҳил томон шамол каби елиб боришарди. Қочоқлар кемага чиқиб бўлишган, фақат Баҳром билан Икони кутишарди. Баҳром шеригини илдамроқ ҳаракат қилишга ундарди. Уч нафар ёввойи уларга яқин келиб қолганди. Ёввойилардан бири отган найза Иконинг шундоққина боши тепасидан визиллаб ўтиб кетди. У елкасидаги сандиқни ташлаб юборди. Баҳром буни кўриб қолиб, ортга қайтди. Бу орада уларга ёрдамга етиб келган Қосим Баҳромнинг сандигини олиб кема томон чопди. Ёввойилардан бирининг отган найзасига чап беролмади. Оёғига тегди. Оғриқ кучли эди. Инграб юборди, аммо сандиқни ташлаб юбормади. Кемагача ўттиз-қирқ қадам масофа қолганди. Йигирма қадам нарида икки нафар ёввойи ўқдай учиб келарди. Кема ҳаракатга келди. Абжирроқ ёввойи ўзини сувга ташлади. Балиқдай сузиб, кемага етиб келди. Сув тубидан вулқондек отилиб чиқди-да, темир тўсиқдан ушлади. Полубага чиқишга уринди. Бироқ оёғи қайрилиб, сувга йиқилди. Энди у ҳаракатлана олмасди. Аста-секин сув тубига ғарқ бўларди. Ико кема тезлигини ошириш мақсадида жонини жабборга бериб ҳаракат қиларди. Ёввойилар иложсиз қолишди. Қўлларидаги найзаларини отиб бўлишганди. Тутуқунлар бир бирларини бағирларига босишиб, «Озодлик», дея қичқиришди.

Кема денгиз томон катта тезликда сузиб борарди. Бандилар аянчли кунлари ўтган оролга ёшли кўзларини тикиб йиғлашарди. Баҳром эллик нафар тутқунни озод қилганидан, ўғирланган энг нодир ва ноёб санъат

асарларини халққа қайтариб кетаётганидан мамнун эди. У тезроқ соҳилга етиб олишга ошиқарди. Камила билан Викторни олиб юртга қайтишни ўйларди. Кема мовий денгиз бағрида сузиб борарди. Йўл хатарсиз, кўзланган манзилга бемалол етиш мумкин, аммо...

Маркодан қароқчининг ўлимини эшитган Абдулҳодининг пайтавасига қурт тушди. Зудлик билан одамларини қуроллантирди. Улар қароқчилар қиёфасига киришди. Қўлларига дурбин олиб, соҳилни кузатиша бошлашди. Чангалзорлар, тошли қоялар, ўрмонзорларда уларнинг диққатини тортадиган бегона кема кўзга ташланмади. Абдулҳодининг тоқати тоқ бўлди. Наҳотки қочиб кетишган бўлишса, деган фикр юрагини гижимларди. Ўзи ҳам кеманинг қуйруғига яқин келиб атроф-ни кузатарди. Стефан ютиб олган бойликлардан ажраб қолишдан эмас, балки Баҳромнинг қочиб кетишидан қўрқарди. Бир пайтлар отаси унга шундай сирли калитлар борлигини, бироқ бу очқичлар юз йил муқаддам ноъмалум кимсалар томонидан ўғирлаб кетилганини ҳикоя қилиб берганди. Унинг гапига кўра бу калитлар тилсимланган ва жодуланган сандиқларни, қутиларни очиб ташлаши мумкинлигини, уни қўлга киритган одам ер куррасининг бой одамига айланишини айтганди. Ушанда падарининг сўзлари Абдулҳодининг қулоғига афсонадек, чўпчакдек эшитилганди. Вақтлар келиб улғайиб, қимор дунёсига кириб келганда, сирли сандиқ ва қутилар билан боғлиқ катта ўйинларда иштирок этганда, гоҳ беҳисоб пулларни ютқазганда отасининг ўша сирли калит ҳақида айтган сўзларини эслайдиган, қаердан бўлса ҳам, қанча пулга бўлса ҳам сотиб олишни ўйлайдиган бўлди. У дунёнинг кўп мамлакатларида, донғи кетган қиморбозлар даврасида бўлган ўйинларда қути ва сандиқларни очган ҳамда

очолмаган кимсаларнинг қўлида бундай калит борлигини шу пайтгача кўрмаганди. Юрагининг бир четида ҳали ҳам ўчмасдан сақланиб турган жодули калитларнинг ўзида бўлишини орзу қилди. Афсуски, эллик йиллик қиморбозлик тажрибасига эга бўлган Абдулҳоди шу пайтгача бундай калитни ҳеч кимнинг қўлида кўрмаганди. Хотирасидан ўчиришга уринаётган бир дамда шу калитни мамлакатидан минглаб чақирим олис юртдан келган қандайдир девонасифат, кўриниши фақирлигини билдириб турган йигитнинг қўлида кўриб қолди. Кўрди-ю, юраги ўртаниб, ичи қизиб кетди. Отасининг ўшандаги гаплари чўпчак эмаслигига амин бўлди. Бироқ бу калит қандай қилиб унинг қўлига тушиб қолди? Наҳотки, уни ўғирлаган одам шунчалар олис юртларга олиб кетган бўлса?

Абдулҳоди ўша кунги ўйиндан сўнг, аниқроғи, Баҳромни қочириб юборгандан кейин бу ҳақда кўп ўйлайдиган бўлиб қолди.

Абдулҳоди Стефаннинг яхтаси бу ердан йироқларга кетолмаслигига ишонарди. «У очик денгизга чиқолмайди, соҳил бўйларида, қайсидир чангалзорлар ёқасида сузиб юрган», деб ўйларди. Мисрлик вақти-вақти билан Марконинг телефонига кўнғироқ қиларди, бироқ ундан жавоб бўлмасди. «Нега жим», хуноб бўларди қиморбоз асабийлашиб. «Ишқилиб ўлдириб кетишмаган бўлсинда». Йигирма етти йилдан бери денгизда талончилик, босқинчилик қилиб, бирор маротаба полициянинг ўқиға нишон бўлмаган Раодек тажрибали қароқчи келиб-келиб қандайдир ёт одамларнинг қурбонига айланармиди? Лаънати Марко, бошлиғининг сирли калит ишқида юрганини эшитиб, Абдулҳоди билан алоқани узмадимикин?»

Бу орада кема Раонинг қароргоҳига олиб чиқадиган соҳилга яқинлашиб қолганди. Кўрғонга олиб борадиган бошловчи ғор ичидаги яширин йўлдан беҳабар эди. Авваллари келганда Рао уни фақат чангалзордаги сўқмоқдан олиб борганди. Ҳозир бу йўлни яхши эслай олмасди.

- Руль соҳилга бурилсин! - топшириқ берди кема бошқарувчисига.

Кема қоя ёнидан сузиб ўтди. Унинг бир томони денгизга туташганди. Тепаликда бир гала тюленлар, нерпалар ётарди. Мотор овозини эшитиб, нерпалар жойларидан хоҳламайгина кўзғолишди.

Абдулҳоди бандаргоҳдан бир чақирим олисда тунукалари ялтираб турган яхтани кўриб қолди. Юраги хаприкиб кетди. «Наҳотки бу ўшларники бўлса», деган фикр зимистон дилини ёритди. Қўлига дурбинни олиб, яхтага қаради. Алашмаганди. Стефаннинг яхтаси унинг хотирасида яхшигина сақланиб қолганди.

- Руль ўн беш градус жанубга бурилсин! - кичқирди қиморбоз. Бошқарувчи топшириқни бажарди. Аммо, кема яхтага яқин боролмасди. Саёз ва қумлоқда ботиб қолиш хавфи бор эди. Бошқарувчи шу ҳақда уни огоҳлантирди. Якер ташланди. Абдулҳоди қуролланган одамларни олиб, қайиқда яхта томон сузди.

Камила билан Виктор шерикларининг қайтишини кутишарди. Улар келадиган пайт ўтиб кетганди. «Нега кечикишди? Ёввойиларнинг қўлига тушиб қолишмадимикин?», деган совуқ фикр ҳар иккисининг хаёлида айланарди. Шина пастда, торгина каютада ётарди. Қаттиқ шамоллагани учун иситмаси кўтарилганди. Камила вақти-вақти билан унинг олдида тушиб, ҳолидан хабар олиб турарди. Эрталабга яқин Шинанинг иссиғи тушди. Томоғидан овқат ўтди. Бироқ ўрнидан туришга, ташқарига чиқишга мадори етмасди. Камила ундан қандай қилиб, Раонинг қўлига тушиб қолганини сўради. Орол қизи ўзининг қора қисмати тўғрисида дугонасига ҳикоя қилиб берди.

- Қабиламиздаги қизларнинг бирортаси ўзи хоҳлаган йигитга турмушга чиқолмайди. Уларнинг ихтиёри қабила

бошлиғида бўларди. Бошлиқ қизларни ўзи истаган одамга узатади. Баъзи пайтларда бошқа қabila бошлиқларига сотиб юборади. Бу қабиламизнинг ҳеч ким бузиши мумкин бўлмаган удуми. Мени бошқа қабиллага сотмоқчи бўлишди. Олиб кетишадиган кун яқинлашиб қолганди. Икони жон дилимдан яхши кўрардим. Усиз яшай олмасдим. Қабил бошлиғи мени сотиб юборганлигини эшитганда Ико нима қилишини билмай қолди. Биргина йўл оролдан қочиш эди. Таклифига рози бўлдим. Тун ярим эди. Қайиққа ўтириб денгизга чиқдик. Бизни ҳеч ким кўрмади, биров хитланмади ҳам. Осмон ойсиз эди. Қора булутлар сузиб юарди. Майдалаб ёмғир ёғарди. Денгизга чиқинимиз билан булутлар тарқаб кетди. Тонг ёришди. Қабилдошларимиз уйғониб бизнинг қочганимизни билишганди. Уларнинг қўлига тушсак, бизларни аяб ўтиришмайди. Олов ёқиб, тириклай куйдириб юборишади.

Биз узоққа кетишга улгурмагандик. Ҳаво очиқ бўлганлиги учун улар бизни кўриб қолишди. Қайиқларга ўтириб, изимиздан қувишди. Ико бутун кучини ишга солиб, эшкак эшарди, аммо қайиғимиз оғир бўлганлиги ва Иконинг ёлғизлиги боис шитоб билан сузолмасди. Қувиб келаётганлар бизга яқинлашиб қолишганди. Масофа бир чақиримча қолганди. Бирдан ҳавонинг туси ўзгарди. Шамол келиб, чанг-тўзон кўтарилди. Денгиз чайқалди. Қутирган тўлқин одам бўйи кўтарилиб тушарди. Қайиқни бошқаришнинг иложи бўлмай қолди. Ико иккимизнинг кўзларимиз вужудимиздаги кўркунни ошқор қилиб турарди. Шамол турган, денгиз қутурган, кўк юзини чанг-тўзон босган пайтда биз бир-биримизни маҳкам қучоқлаб қасам ичдик.

- Ўлғунимизча бизни ҳеч ким ажратолмайди!

Қутирган тўлқин ниҳоят қайиғимизни тўнтариб ташлаб, бизни икки томонга улоқтириб юборди. Оролаёллари каби мен ҳам сузишда эркаклардан қолишмасдим. Уч-тўрт кулоч нарида сувдан боши чиқиб турган Ико томон талпиндим. Қутуриб, гувиллаётган денгиз оёғимиздан

пастга тортарди. Қўлларимиз ва оёқларимизни чапирлатиб, сувдан зўрға чиқиб турган бошимизни баланд кўтариб қийшайиб ётган кемани ўнглаб, ичидаги сувни тўкиб, унга чиқиб олдик. Аммо қувончимиз узоққа чўзилмади. Галдаги тўлқин қайиғимизни осмон баравар кўтариб, олисга улоқтириб ташлади. Тўлқин мени денгиз тубига олиб кириб кетди. Яшашдан умидимни узгандим. Қайтиб сув юзасига чиқмасам керак, деб ўйлагандим. Меҳрибон Худонинг раҳми келди. Мўъжиза рўй берди. Нимадир мени кўтариб, талага олиб чиқди. Нафасим қайтиб, рангим кўкариб кетганди. Оғзимни очиб, ўпкамни тўлдириб нафас олдим. Ўзимга келиб, Икони изладим. У кўринмасди. «Наҳотки биз бир-биримиздан айрилган бўлсак, бир-биримизни кўрмай, ўлиб кетсак», дердим: Шунда осмон баровар устимга ёпирилиб келаётган тўлқиннинг зарбидан чўчимай Худога илтижо қилдим. «Танграм мени севган ёримдан жудо қилма. Уни ёнимга қайтар»!

«Шина», деб қичқирган овоз тўлқинларнинг шовқинини ютиб, сув тўлган қулоқларимга етиб келди. Хорибтолиққан вужудимга қувват киргандай бўлди. Ико тирик, дедим ва бошимни сувдан чиқариб атрофга боқдим. Аммо у кўринмасди. Овозимнинг борица «Ико», деб қичқирдим. Қаердандир етиб келган тўлқин мени яна кўкка кўтариб яна сув тубига олиб кириб кетди. Назаримда мен тепаликда - қандайдир бўшлиқ устида бир сония туриб қолгандай эдим. Қўрқувдан катта- катта бўлиб кетган кўзларимга ҳатто олисда қолган орол, денгизга чиқиб, бизнинг изимиздан қувиб, кутурган денгизнинг важоҳатидан қўрқиб соҳил томон жон-жаҳти билан қочаётган қабиладошларимни ва айни дамда мендан ўн беш қадамлар нарида сувдан бошини чиқариб, атрофга аланглаб турган Иконинг хавотир ва қўрқув акс этган кўзларини кўрдим. Уни чақирмоқчи бўлганимда тўлқин мени яна сув қаърига олиб кириб кетди. Зарба кўкрагимга шу даражада қаттиқ урилган эди-ки, нақ бўлмаса эсимдан

оғаёздим. Сув юзига отилиб чиққанимда шундоқ снмда севгилимни кўрдим. Худо бизни яна учраштирганди. Узоқ вақтлар кўришмаган ошиқлардек бир-биримизга қўлларимизни чўзиб, интилиб, талпиндик. Уртадаги оралиғдан тўлқин отилиб чиқди-ю, бизни яна бир-биримиздан йироқлатиб ташлади. Ушанда мен сув остига чўкиб ёки тўлқин улоқтириб кетишидан эмас, балки, бир-биримизга етишолмай қолишдан кўрққандим. Аллоҳнинг раҳми келди. Бир-биримизни маҳкам ушладик. Назаримда тўлқин ҳам, бераҳам одамларнинг қиличи ҳам бизни ажратолмасди. Шамол тиниб, тўлқин босилди. Сув юзи осуда бўлиб қолганди.

- Энди биз биргамиз! - деди Ико мени маҳкам бағрига босиб.

Севгилим бу сўзларини гўё қабиладошларимизнинг қадами етмайдиган, бизга ҳеч ким ҳалақит бермайдиган ҳамда бахтли ҳаёт кечиришимиз мумкин бўлган осуда жойга олиб боргандай ишонч билан айтди. Мен ҳамон ҳавотирда эдим, тирик қолганимизга асло ишонгим келмасди. Энди юрагимдан бошқа кўрқув жой олганди. Денгиз йиртқиchlари ёки акулалар оёғимиздан тортиб, сув остига олиб кириб кетиши хавфи юрагимга тинчлик бермасди. Севгилимни маҳкамроқ бағримга босардим.

- Ортимиздан ҳеч ким қувиб етолмайди, ҳаётим, - дедим сув томчилари оқиб тушаётган юзига совуқ лабимни босиб.

Ёрим мени бағрига тортди. Кулоғимга хавотирга тўла юрагининг дукиллаб уриши эшитиларди. Иккимиз сув бетида бир соатдан кўпроқ суздик. Толиқа бошладим. Бахтимизга сув совуқ эмасди. Шундай бўлса-да, оёқ пайларим тортиша бошлади. Икони ташвишга қўйгим келмади. Кўзларимни юмган қўйи, оёқларимдаги оғриқдан буришган юзимни севгилимнинг совиб бораётган ёноқларига босиб туравердим. Иконинг кулоғим остида шивирлаб айтган гаплари ҳолсиз руҳимга жон киргизгандай бўлди.

- Кема! - деди у.

Танамга жон кирди. Томирларимдаги қон қизиди. Бошимни кўтардим. Биз томон сузиб келаётган оқ елканли кемани кўзларим зўрға илғади. Энди тирик қолишимизга, акула ва балиқларга ем бўлмаслигимизга ишондим.

Бу Раонинг кемаси эди. Унинг одамлари бизни кемага чиқариб олишди. Иссиқ чой ичиришди, овқатлантиришди. Уч кун денгизда суздик. Тўртинчи кун тунда соҳилга етиб келдик. Раонинг одамлари кўзларимизни боғлаб, ўзлари билан гоҳ чангалзор ичидан, гоҳ ўнқир-чўнқир йўлдан олиб кетишди. Бир соат юрдик. Кўзим боғлиқ бўлса-да, ҳашаматли хонага кириб борганимизни юрагим ҳис қилди. Кўзимдан боғични олишганда адашмаганимни сездим.

Рао хирс ўти ёниб турган ўтли кўзларини менга ўқдек қадаб турарди. Ико кўринмасди. «Қаерда қолди?»

- Бугундан бошлаб менинг хизматимни қиласан, - буюрди Рао қўлларимдан ушлаб. - Шундай қилсанг севгилингнинг ҳаётини сақлаб қолишинг мумкин.

- Қандай хизмат бўлса бажараман, аммо бизни бир-биримиздан айирманг! - ялиндим унинг мақсадини тушунмай.

У ўзининг жирканч мақсадини айтди. Ўзимни тутолмай қароқчининг юзига тупурдим. Рао қутирди. Юзимга тарсаки тортиб, оёқлари билан тепди. Ҳушимни йўқотдим. Кўзимни очганимда ўзимни кимсасиз ва қоронғи хонада кўрдим. Деворга суяниб ўтирар эканман, қулогимга кўшни хонадан келаётган овоз чалинди. Бу Иконинг овози эди. Рао уни ўзи билан ишлашга ундарди.

- Агар талабимни бажармасанг севгилингни оролга ташлаб келаман, - деб қўрқитарди Рао. - Биламан, сен денгиз йўлларини яхши биласан. Бизни пана жойларга бошлаб борасан! Руль бошқарувчиси бўлиб ишлайсан!

- Талабингни қабул қилдим, - деди Ико. - Лекин сенга ҳам илтимосим бор. Шина ҳамиша ёнимда юриши керак!

Бизни бир-биримиздан айирма.

- Бунинг учун аввал ишончимга киришинг лозим. Шундагина у ёнингда бўлади. Унгача гор ичидаги темир қафасда сақланади.

Бечора Ико унинг талабини бажаришга мажбур бўлди. Раонинг одамлари менинг кўзимни боғлаб, гор ичига олиб кириб кетишди. Қайиқда сузиб бордик. Ярим соат юрганимиздан кейин кўзимдаги боғқични олишди. Рўпарамда темир қафас турарди. Мени унинг ичига ташлашди. Эшикка қулф солиб орқага қайтишди. Уч ой қафасда ётдим. Севгилимга берган ваъдам ва унга бўлган интилишим мени омон сақлаб қолди. Қачондир унинг келишига ва мени озод қилишига ишонардим. Шундай ҳам бўлди. Энди биз яна биргамиз.

Шина ҳикоясини тугатди. Камила орол қизининг жасоратига қойил қолганини яширмади.

Виктор ичкарида - эски тўшак устида қорни оғриётган одамдай ғужанак бўлиб ётарди. Ҳамон кўзи боғлоқлик эди. Вақти-вақти билан оғриқ ҳуруж қиларди. Еруғ оламини кўролмаётганидан афсусланиб йиғларди. Камила унга тасалли-таскин бериб юпатар, баъзан ўзи ҳам йиғлаб оларди. Қиз бисотидаги барча яхши сўзларни айтиб тугатганди.

- Дўхтирлар, албатта, кўзингизни очишади, Виктор амаки, сиз ташвишланманг, руҳингизни туширманг. Баҳром келса, касалхонага борамиз, сизни операция қилишади, кўзингизни очишади. Мен бу ҳақда ўқиганман. Бир аёлнинг косасидан чиқиб кетган кўзларини дўхтирлар қайта ўрнига қўйишган экан, - дерди Камила таскин бериш мақсадида.

Виктор унинг сўзларига ишонарди ва Баҳромнинг қайтишини интиқлик ила кутарди.

Тушдан сўнг Камила каютадан чиқди. Палубага суяниб, денгизга тикилиб ўтирар экан бирдан шу томон сузиб келаётган кемани кўриб қолди. Бироқ бу Баҳромнинг кемаси эмаслигини билди. Кемадагилар иккита

қайикни пастга туширишди. Беш-олти одам унга ўтириб, яхта томон сузиб кела бошлашди. Қиз кўрқиб кетди. Шошиб пастга тушди.

- Виктор амаки, биз томонга бегона одамлар келишяпти, овоз чиқарманг, мен эшикни беркитиб қўяман!

Камила эшикни беркитди ва ўзи ташқарига чиқди. Қайиқдагилар яқин келиб қолганди. Куролланган одамлар яхтага чиқишди. Камиланинг юраги орқага тортиб кетди. Бирдан улар орасида Абдулҳодини кўриб қолди. У қизга яқинлашди.

- Учрашган жойимизни қара, ойимча, - деди мисрлик ғалати иршайиб. - Сизларни бир ҳафтадан бери излайман! Шерикларинг қасрда?

- Улар кетишди, - деди Камила хаёлига келган фикрни яширмай.

Абдулҳодининг қора юзи кўкариб кетди.

- Қаёққа кетишди? - деди бақариб.

- Менга айтишмади?

- Нега сени ёлғиз ташлаб кетишди?

- Билмадим!

Абдулҳоди қизни ёлғон гапираётганини сўзларидан билиб қолди.

- Алдаяпсан!

У сўзини тугатмай қизнинг юзига мушт туширди. Камила палубага суяниб қолди. Соқчилар қизни ўраб олишди. Абдулҳоди уларга ўзининг тилида нимадир деди. Соқчилардан икkitаси пастга тушди. Эшикни тепишди. Викторнинг инграган овози эшитилди. Бир зум ўтиб уни судраб бошлиқларининг олдиға олиб чиқишди. Абдулҳоди унга нафрат тўла кўзларини тикди. Юзидаги боғични юлиб олди. Кўзининг оқариб кетганини кўриб тезда нигоҳини олиб қочди. Кемада қандайдир фожиа бўлганини билди.

- Баҳром қани? - сўради мисрлик.

- Кўрмадим, - жавоб қилди рус.

Қиморбоз унинг қорнига мушт туширди. Виктор бук-

чайиб, ўтириб қолди. Камила уни ўрнидан туришига ёрдамлашмоқчи бўлди. Соқчи йўлини тўсди.

- Гапиришни истамайсанларми! - тўнғиллади қиморбоз.

Икковлари жим қолишди. Соқчилар бошлиқларининг ишораси билан Викторнинг бўғзига пичоқ қадашди. Абдулҳоди қизга юзланди.

- Айтишни истамасанг уни бўғизлаб ташлаймиз! - деди.

Камила кўрқиб кетди.

- Тўхтатинг!

Абдулҳоди қўлини кўтарди. Соқчилар Викторнинг бўғзидан пичоқни олишди. Бўйни қизартириб кетганди.

- Хўш, Баҳром қаерда? - қизнинг чўзинчоқ иягидан чангаллаб сўради мисрлик.

- Оролга кетди, - паст овозда деди қиз.

- Оролга? - ҳайрон бўлди Абдулҳоди. - Қайси оролга?

- Ёввойилар оролига!

- Нимага кетди?

- Нимага кетганини менга айтмади.

Абдулҳоди унинг оролга бекорга кетмаганини билди. Раони ўлдиришдан олдин унинг бойликларини қаерга яширганини сўраган.

- Қачон қайтади?

- Бугун!

Абдулҳоди қизнинг сочларини силади ва энсасидан чангаллаб, ўзига тортди. Камиланинг кўкраги қиморбознинг тўшига қадалди. Қиз оғриққа чидамай инграб юборди.

- Агар улар бугун қайтишмаса, билиб қўй, икковингни денгизнинг ўртасига олиб бориб, гўштингни акулаларга едираман!

Соқчилар уларни пастга олиб тушиб, қамаб қўйди.

Қоронғи тушди. Бироқ денгизда бирорта кема кўринмади. Абдулҳодининг тоқати тоқ бўлди. «Қиз алдади», деб ўйлади.

- Тутқунларни олиб чиқ! - буюрди у одамларига.

Икки соқчи зинғиллаб пастга тушди. Виктор билан Камилани судраболиб чиқишди. Мисрликуларни қайиққа ўтказди ва ўзининг кемасига олиб кетди. Кема орқага қайтди. Денгизнинг ўртасига келганда, Абдулҳоди тутқунларни яна тергов қила бошлади.

- Сен мени алдадинг, қанжиқ! Энди жазоингни акулалар берсин! - деди Камиланинг иягидан чангаллаб юзини ўзига қаратар экан. - Мен ёлғон гапирган одамни кечирмайман!

Кеча ойдин эди. Ой нури сувни ёритиб турарди. Мисрлик бир бўлак гўштни санчқига илиб, денгизга ташлади. Ўткир тишларини ялтиратиб, акулалар кўринди. Камила кўрқиб кетди. Виктор йиғлаб юборди. Акулалар ўлжага ташланишди. Биринчи бўлиб Викторни ушлашди. Уни кўтаришлари биланоқ Камила чинқариб юборди.

- Йўқ! Аввал мени ташла! - деди жон ҳолатда типирчилаб.

- Талабини бажаринглар! - буюрди Абдулҳоди одамларига.

Қизнинг қўл ва оёғидан кўтаришди. Камила типирчиламасликка ҳаракат қилса-да, бунинг иложини тополмади. Боши арқонга илиниб қолди. Камила бармоқлари билан арқонни чангаллаб олди. Сониялардан ютишни истарди. Кўзи аста ёришиб келаётган осмонга тушди. «Ўзинг раҳм қил тангрим», деган сўзни дилидан такрор ва такрор ўтказди.

Бошқарувчи бандаргоҳ томон сузиб келаётган кемани кўриб қолди. Абдулҳодига қараб қичқирди.

- Бегона кема!

Мисрлик қўлини кўтарди ва бошқарувчининг ёнига келди. Бегона кема соҳилга сузиб келарди.

- Баҳромнинг кемаси шуми? - сўради қиздан.

Қиз ёшли кўзларини кемага тикди ва деди.

- Шу...

Виктор билан қизни пастдаги хонага қамашди.

Баҳромнинг кемасини тўсишди.

- Бу ёққа туш! - деди мисрлик Баҳромга. - Сен билан гаплашадиган гапим бор!

Баҳром Абдулҳодини таниди. Ва уни бекорга олдига таклиф қилмаганини тушунди.

- Менда нима ишинг бор? - сўради мисрликдан.

- Одамларинг қўлимда, уларни тирик кўришни истасанг кемамга ўт! Маслаҳатлашамиз.

Баҳром Абдулҳодининг олдига сузиб ўтди.

- Камила билан Виктор қани? - сўради Баҳром.

- Улар пастда, дам олишяпти! - жавоб қилди қиморбоз.

- Кўрсат!

Абдулҳоди Баҳромни эргаштириб пастга тушди. Соқчилар какотанинг эшигини очишди. Бурчакда ётган Камила билан Викторни кўриб Абдулҳодига шундай деди.

- Нега уларни қўл-оёқларини боғлаб ташладинг?!

- Уларни озод қилишим сенга боғлиқ.

- Истагингни айт!

- Қиморда ютиб олган бойликларни қайтар! - сўради қиморбоз.

- Улар Раонинг қароргоҳида, - жавоб берди Баҳром.

- Ёлгон гапирсанг Камила билан Викторни қайтиб кўрмайсан. Бу сизларнинг охириги учрашувларинг бўлади!

Соқчилар Баҳромнинг қўлларини қайириб, тепага олиб чиқишди.

Кемадаги тутқунлар бақариб Баҳромни қайтаришларини талаб қилишарди.

- Одамларингни овозини ўчир, акс ҳолда кемангни портлатиб юбораман!

Абдулҳодининг айтганидан қайтмайдиган қайсар одамлиги афтидан билиниб турарди. У овозининг борица Қосимга одамларни тинчлантиришни буюрди.

- Энди бирга Раонинг қароргоҳига борамиз! - деди Абдулҳоди. - Сен менга бойликларни топиб берасан, сўнг одамларингни озод қиламан!

- Бошқа таклифинг йўқми? Кейин алдамайсанми?

Абдулҳоди кўзларини яширгани жой тополмай қолди.

- Гап битта! - деди мингирлаб.

Баҳром учун одамларини қутқаришнинг бундан ўзга чораси йўқ эди.

- Яхши, мен таклифингни қабул қилдим, аввал Камила билан Викторнинг қўл-оёғидаги чилвирни еч, уларни ташқарига чиқар!

Абдулҳоди йигитларига юзланди. Улар бошлиқларини сўзсиз тушунди.

Бу пайтда тонг ёришиб қолганди. Ҳаммалари қайиқларга ўтириб, соҳилга жўнашди. Чангалзор оралаб ичкарига киришди. Шох-шаббалар йўлни тўсганди, ўт-ўланлар оёққа ёпишиб, юришни қийинлаштирарди. Чангалзордаги ҳайвонот ва жониворлар дунёси уйғонганди. Оёқлар остидан қушлар патиллаб тепага кўтариларди, маймунлар чинқириб, шохдан-шохга сакрашарди. Одамларга қарата меваларни улоқтиришарди. Олдинда соқчилардан бири чопқи билан шохларни чопиб, йўл очиб борарди. Кутилмаганда у йиқилди. Улкан япроқлар уни кўздан яширди. Чинқирган овоз эшитилди-ю, зум ўтмай худди қудуққа тушган одамнинг овозидек товуши сўнди. Шериклари унинг олдида чопди. Аммо яқин боришолмади. Ҳаммалари бир пайтнинг ўзида орқага тисарилишди. Ҳайбатли бўғма илон бояги соқчини чирмовуқдай ўраб олганди. Боши илоннинг оғзига кириб кетганди. Одамлар тошдек қотиб қолди. Илон гоҳи-гоҳида оғзини очиб, ўроқдай тишлари билан соқчини ичига ютарди. Икки лўнжи шишиб борарди. Соқчилардан бири милтигини кўлига олиб, илонни нишонга олди. Уқунинг қорнига тегди-ю, аммо ўлжасини оғзидан чиқариб ташламади. Одамни ютишда давом этди. Иккинчи ўқ отилганда илон танасидаги одамни бўшатди ва ёнбошига қулади. Бироқ ютаётган ўлжасини оғзидан чиқариб ташламади. Оғзини катта-катта очиб, ўлжани ютишда давом этарди. Одамнинг қўл-оёқлари типирчиларди. Бу жони узилмаганидан дарак берарди. Милтиқ овозидан кейин

чангалзорга сукунат чўкди. Лекин узоқ давом этмади. Жониворлар бирдан ваҳимали чинқира бошлашди. Кулоқлар қоматга келди. Гуё қиёмат қойим бошлангандек эди. Чангалзорда юрган одамлар бунақасига илк бор дуч келишлари эди. Ҳаммалари қўрқиб кетди. Илон ўлжани ютишда давом этарди. Кўп қон йўқотиб, ниҳоят ҳолсизланиб, ерга кулади. Илоннинг катта-катта, юмалоқ кўзлари очиқ қолди. Бўғзи шишиб кетганди. Абдулҳодининг одамлари қўрқа-писа унинг ёнига боришди. Шерикларининг оёғидан тортишди. Бироқ уни илоннинг қотиб қолган ўроқ тишларидан ажратишолмади. Соқчилардан бири пичоқни олиб, унинг жағини ёриб ташлади. Шилимшиқ суюқлик билан қопланган соқчининг боши мажақланиб кетганди.

- Кетдик! - деди Абдулҳоди ёрдамчиларига.

Улар йўлда давом этишди.

Икки соат йўл босиб, қўрғонга келишди. Эшиклар очиқ қолганди. Ичкарида ваҳимали сукунат ҳукмрон эди. Баҳром Абдулҳодини кема олдига олиб борди. Стефаннинг ёўладай қорайиб кетган жасади турарди. Тепасида ҳар хил ҳашаротлар учиб юрарди. Нарироқда сирли қути турарди. Қопғоғи хиёл очиқ қолганди. Четларига ёпиштирилган марварид ва бриллиант тошлар ўзидан ўнга яқин нур сочарди, оҳанрабодек одамни ўзига чорларди. Абдулҳоди соқчилардан бирига ўзининг тилида нимадир деди. У қуролини Баҳромга тўғрилаб, «Қимирлама», деди русча талаффузда. Абдулҳоди қолган соқчилари билан қутининг олдига борди.

- Унга яқинлашманглар! - қичқирди Баҳром қиморбознинг ортидан. - У ҳосиятсиз, ҳаммаларинг нобуд бўласизлар!

Абдулҳоди Баҳромга еб қўйгудек ўқрайиб боқди. Ўзининг тилида соқчига яна нимадир деди. Кулфсоз унинг сўзидан фақат Рашид деган сўзга тушди. Рашид милтиқ-

нинг қўндоғи билан унинг елкасига уриб, нарига ҳайлади. Баҳром яна бир бор Абдулҳодига «яқинлашма», деди. Қутининг хосиятсиз эканлигини, уни очса Стефаннинг куни бошига тушиши мумкинлигини тушунтирмоқчи бўлди. Олдинга талпинди. Бироқ соқчи унинг гарданига қўндоқ билан шундай ўхшатиб туширди-ки, йигит оғриқдан икки букилиб, ерга ўтириб қолди.

Абдулҳоди одамлари билан қутини ўраб олишганди. Назарида унинг ичида бебаҳо бойликлар, сирли хазиналар ётгандай туюлди. Стефаннинг жасадига ҳеч ким қарамади. Абдулҳоди қутининг қопқоғини кўтаришга шошилмади. Аввал қимматбаҳо тошларни суқ билан томоша қилди. Бундай тошларнинг қийматини у яхши биларди. Шериклари олдида уни очишни истамади.

- Мени ҳоли қолдиринглар! - деди уларга ўқрайиб. Соқчилар бир-бирларига қарашди-ю, аммо силжишмади. Абдулҳодининг аччиғи чиқди. Қопқоқни кўтарди. Нур янглиғ шар ўзидан кучли ёғду таратиб тепага кўтарилди. Ҳаммаёқ яшин тушгандек бирдан ёришиб кетди. Абдулҳоди ва унинг одамларининг кўзи ёруғликдан қамашиб, қовурғалари, суяклари кўриниб кетди. Нур тепага кўтарилиб, қўрғонни ёритиб борарди. Қиморбоз ва унинг одамлари муз янглиғ эриб кетди. Абдулҳоди қутига яқин борганда Баҳромнинг хаёлига Зулфизар келганди. Олдида тургандек, унинг қулоқларига шивирлаб, «юзингизни тўсинг, қараманг», дегандек бўлди. Баҳром тескари ўтрилди ва қўллари билан юзини тўсишга улгурганди. Кўзларини қанчалик қаттиқ беркитмасин яшиндай чақнаган нурни ҳис этди. Кўкрагига кучли зарба урилди ва тўрт-беш қулоч нарига учиб кетди. Кўзини очганда ёнида соқчи ётарди. Танаси чўяндай қизирди. Кўзини очди, ҳеч нарсани кўролмади. Ҳамма томон оппоқ туман ичида қолгандай эди. Секин-аста кўзи ёруғликни илғай бошлади. Абдулҳоди ва унинг шериклари кўринмади. Улар турган жойда бир ҳовуч тупроқ қўрғошиндек билқиллаб қайнарди. Шу пайт

аллақаердан қарсиллаган овоз келди. Баҳром атрофга аланглади. Ҳеч нарса кўринмади. Бирдан сезиб қолди. Ёнидаги баланд қоянинг тошлари қарсиллаб жойидан кўчаётганди. Гўё ер силкинаётганга ўхшарди. Одамнинг кучоғи етмайдиган тошлар кулаб, думалаб пастга тушарди. Тарсиллаган овоз ҳамма томонни тутиб кетганди. Чанг кутариларди. Шамол келаётгандек дарахтларнинг шохи чайқаларди. Баҳромнинг қулоғига гувуллаган овоз билан қандайдир жониворнинг ўкиргани эшитилди. Тошлар тушган жойдан ҳайбатли горнинг қоп-қоронғу оғзи очилди. Бирданига ичкаридан даҳшатли овоз келди. Баҳромнинг юраги потирлаб, ўзини қаерга яширишни билмай типирчилади. Атроф жавонибга боқди. Барча нарса кўзига ваҳимали ҳамда кўрқинчли кўринди. горнинг оғзида турган одамнинг кучоғи етмас тошлар худди коптокдек учиб кетди ва эллик қадамлар нарига бориб тушди. Тошлардан бири дарахтга урилиб, уни иккига бўлиб ташлади. гор ичи аста-секин ёришиб борарди. Бўкирган овоз яққолроқ эшитилди. Кўзларидан олов сачраган маҳлуқ тошлар ичидан чиқиб келарди. Улкан панжалари ва тумшуғи билан сангларни суриб, улоқтириб ташларди. Қип-қизил тили ергача осилиб тушганди. Ўроққа ўхшаш, узун тишлари бири-бирига ёпишганди. Бадани тош билан қоплангандек кўринарди. Маҳлуқ тумшуғини кўтариб, узун бўйинини чўзиб оламни бузгудек бўкирди. У нимадандир дарғазаб эди. Олти қадам келадиган думини танасидан баланд кўтариб, ерга ташлади. Чанг-тўзон кўтарилди. Ер титраб кетди. Одам қиёфасидаги шарпа Баҳромнинг кўлидан тутгандай бўлди.

Кемада Абдулҳодиннинг биргина соқчиси қолганди. Камила палубада узала тушиб ётган Викторнинг тепасида ўтирарди. Бу пайтда кўзидаги оғриқ безовта қила бошла-

ганди. Денгиздан келаётган иссиқ гармсел қизнинг со-
чларини тўзғитиб, кўйлагининг барини кутарар, шунда
оппоқ бадани кўриниб кетарди. Кўзларини ўкдай қадаб
турган соқчининг юрагида шум ният уйғонди, кўнгли
бузилди. Милтиғининг учини ерга қаратиб, елкасига
илиб, унинг ёнига борди. Ҳирс ўти ёниб турган кўзларини
сузиб, ўзининг тилида нимадир деди ва қўли билан пастга
туш ишорасини қилди. Камила унинг мақсадини тушун-
ди.

- Бетинг курсин! - деди унга нафратли қараб.

Қизнинг гапи ва қараши соқчига ёқмади. Унинг
белагидан чангаллаб, пастга судради. Виктор қўлларини
чўзиб, ерни пайпаслаб Камилани чақирарди. Қулоғига
қизнинг йиғиси, ноласи эшитиларди.

- Камила!.. Камила!..

Соқчи уни кўйиб юбормай пастга тортарди. Қизнинг
танаси ерда судралиб борарди, қўллари қайрилиб, оғри-
тарди. Кўйлаги йиртилиб кетганди. Томоғи қуруқшаб,
овози чиқмай қолганди. Соқчи уни кичкинагина хонага
олиб кирди. Милтиғини улоқтириб, ўзини қизнинг усти-
га ташлади. Камиланинг кўйлагини парча- парча қилиб
йиртиб ташлади. Қиз соқчининг дуч келган жойига чанг
соларди, типирчилаб, остидан чиқишга уринарди. Камил-
ланинг озғин ва кўз ёшларидан намиққан юзига тушган
мушт ҳушдан кетказиб қолмай, балки, ихтиёрини соқчи-
га топшириш учун ҳам имкон берганди. Соқчи енгил тин
олди. Кийимларини ечиб ташлади. Ширин бир энтикиш
билан ўзини қизнинг яланғоч танаси устига ташлади.

Виктор ерни пайпаслаб, Камила кетган томонга эмак-
лаб борарди. Кўз ёшлари боғични нам қилганди. Виктор
бошини темирга уриб олди. Нақ бўлмаса ҳушидан кетаёз-
ди. Турган жойида қотиб қолди. Оғриқ аста босилди, ўзига
келганда кўз олдида нималардир жимир-жимир қилаётгандай
бўлди. Боғични ечиб ташлади. Виктор энтикиб кетди.

- Мен кўряпман, - деди овозининг борича қичқириб.

- Мен кўряпман, кўзларим ёруғликни ҳис қилаяпми!

Виктор ўрнидан турди, қўлларини икки томонга ёйиб, қўзларини очишга ҳаракат қилди. Бирдан паёнсиз денгизни, осмонда доира ясаб учаётган балиқчи қушларни кўрди. Овозининг борица қичқирди. Палубанинг у четиидан бу четига гоҳ сакраб, гоҳ лўкиллаб юра бошлади.

- Мен кўряпман! Аввалгидай ҳамма нарсани кўряпман! Баҳром, Камила қаердасизлар!

Қўлидаги милтиққа суяниб, пастдан соқчи чиқиб келди. Лекин Викторга аҳамият бермади. Палубага кўтарилиб, темир тўсиққа кўксини босиб, хорғин танасига куч йиғиш мақсадида суянди. Олис масофадан чопиб келган одамдай елкаси кўтарилиб тушарди. Ҳансирарди. Виктор соқчининг ёнига борди.

- Камила қани? Уни қаерга беркитдинг? - сўради Виктор соқчидан.

Соқчи ўз тилида нимадир деди. Важоҳати хунук эди. Бирдан Викторнинг сўқирлигини эслаб қолди. Милтиқнинг учини унга тўғрилади.

Камила ўзига келиб, кўзини очганда илк бор бошидаги санчиқли оғриқни эмас, балки танасида содир бўлган ўзгаришни ҳис этди. Бошини кўтарганда ғам соя ташлаган кўзлари яланғоч танасига тушди. Иллюминатор ойнасидан тушаётган қўёшнинг нури бироз қизариб, шилинган, ачишаётган таранглигини йўқотиб, бўшашиб, буришиб қолган баданини ёритиб турарди. Камиланинг хўрлиги тутиб, ўпкаси шишиб, бўғзига тикилган аччиқ фарёдни қайтаролмай ўкириб юборди. Қўллари билан сочларини чангаллар, юзини юларди.

- Мени кечир, Илҳом, ўзини асрай олмаган севгилингни кечир! Энди сенинг олдингга гуноҳқорман! Айбимни юволмайман!

Камила ўрнидан турдиб, ташқарига чиқди. Соқчи Викторнинг бошига милтиғини тираб турарди. Қиз бир зум унга тикилиб турди. Кўзи оёғи остида турган бир бўлак темирга тушди. Уни қўлига олиб, соқчи томон юрди. Темир билан унинг бошига солди. Калла иккига бўлиниб

кетди. Қонга ёсланган соқчи ерга қулади. Камила тўсиқ устига чиқди. Оқимтир ва кўк рангда мавжланиб турган денгизнинг иссиқ шамоли унинг яланғоч баданига урилди. Қиз кўзини юмди, «алвидо», деган сўзни тилига олдида, ўзини денгизга отди. Тиниқ сув шалоқлаб, осмонга марвариддек томчилар сачради. Виктор ўрнидан турди. Сув остида ажал билан олишаётган Камилани кўрди...

Қосим Икони чақирди.

- Улар қайтгунча биз кемадагиларни озод қилишимиз керак, - деди. - Улар камида икки-уч соатдан кейин қайтишади. Бунга имкониятимиз бор.

- Кемада неча киши қолганини билишимиз керак. Улар кўпчилик бўлса кемамизни чўктириб юборишлари мумкин. Одамлар нобуд бўлади.

- Менда бир таклиф бор, - деди Ико. - Аввал кемада неча соқчи борлигини аниқлашимиз лозим.

- Иложи борми? - сўради Қосим.

- Мен сув остида беш дақиқа туришим мумкин.

У Қосим билан келишиб, ўзини сувга ташлади ва балиқдек сузиб кетди. Кемага яқин келди. Бирдан сув тубига чўкиб бораётган қизни кўриб қолди. Уни кўтариб, тепага олиб чиқди.

Виктор уларга қўлини чўзиб турарди.

Зулфизар ўзида қандайдир ўзгариш бўлаётганини кеч бўлса-да, пайқаб қолди. Баданида ўзига нотаниш, аммо ёқимли бир ҳис уйғонганди. Атроф-теваракдаги нарсалар кўзига бошқача кўринарди ва уларни ўзгача ҳис қиларди. Тушида кўрган, ҳаёлан эслаган одамлар билан, албатта, эртаси куни учрашарди. Ўзига таниш мавзуда гаплашарди. Қаршисида турган одамнинг нима демоқчи

бўлганилигини сўзлари ҳали тилидан чиқмасдан уқий оларди. Ва айтиш дамида ўзида шундай лаҳзалар ҳам бўларди-ки, киприк қоққунчалик муддат ичида рўпарасидаги одамнинг ўтмиши кўз олдида намоён бўларди. Саҳар чоғларида, осуда лаҳзаларда ўз ҳаётининг ўтмишдаги, келажакдаги ва уни олис юлдузларга, фазо қаърига ёҳуд коинот кучоғига олиб кетувчи ҳаётнинг йўллари бўйлаб кезинарди. Дард азобларидан вужуди титраётган, юзлари буришиб кетган одамларни кўрганида беихтиёр қўлларини кўтаргиси, бармоқларини унинг танаси бўйлаб ҳаракатлантиргиси, хавотирли ва хотиржам тарздаги беҳисоб сигналлар орқали уларни азоблаётган дардлардан холос этмоқчи бўларди. Ўзига ғойибдан берилган қувватни тўла туқис ишга солишни истарди. Дугоналари келганда, улар билан суҳбатлашиб ўтирган пайтларида уларнинг бири билан ўзига сездирмаган ҳолда сеанс бошларди. Вужудига ҳали ҳозирча оғриқ бермаётган аъзолари кўз олдида пайдо бўларди. Аммо ўта сезувчанлик ва бошқа одамнинг жисмоний дардини ҳис этиш ҳам азоб эди. Кунларнинг бирида кўргани келган дугонаси билан гаплашиб ўтирар экан Зулфизар унинг қўлидаги сўгалларни кўриб қолди.

- Булар қачон пайдо бўлди, Жамила? - сўради дугонасининг қўлини ушлаб кўрар экан.

- Бир ойча бўлди. Кун сайин кўпайиб борапти. Бормаган дўхтирим, суртмаган дори-дармоним қолмади. Нима қилишни билмай қолдим, - деди зорланиб.

Зулфизар дугонасининг сўгал тошган қўли устига кафтини қўйди. Дугонаси унинг нима қилаётганини тушунмади. Бирдан қўли қизиб бораётганини сезди.

- Бармоқларингга нима бор? - сўради Жамила қўлини тортиб олишга уриниб. - Қўлларим худди игна санчил-гандек бўлаяпти!

- Хавотирланман, - деди Зулфизар уни тинчлантирар экан. - Ҳозир ҳаммаси яхши бўлади.

Зулфизар унинг сўгал тошган қўли устига кафтини ўн

дақиқача қўйиб турди. Кетаётганда «эртага яна кел», деб тайинлади. Жамила эртаси куни ҳам келди. Қўлидаги сўгалнинг бир иккитаси тўкилганди. Дугонаси буни мўъжиза, деб билди. Ун дақиқача сеанс олиб уйига қайтди. Учинчи сеансдан сўнг сўгаллар тўкилиб, қўли асл ҳолига қайтганди. Шу воқеадан сўнг Зулфизарнинг номи қишлоққа овоза бўлиб кетди.

Зулфизар кечалари тинч ухлай олмасди. Қандайдир одамлар тушига кириб, ярим кечада уйғотиб у билан нималар ҳақидадир суҳбатлашарди. Ана шундай кунларнинг бирида ярим тунда хонаси бирдан ёришиб кетди. Бу электр чироғининг ёғдуси эмасди. Камалак рангига ўхшаган ёруғлик эди. Қандайдир шарпа уни тўшакдан кўтарди. Ҳаво тўлқинлари ҳамма томонни қўраб олаётгандай уни тобора юқорига кўтарарди. Узини ўзга оламда, ойу юлдузларга жуда яқин жойда юргандек ҳис қилди. Шунда у булут устида ўтирган, қалди бироз букилган, юзларини ажин босган, дарозгина аёлни кўрди.

- Баҳромни севасанми? - сўради аёл ундан.

- Жонимдан ортиқ, кўрқа-писа жавоб қайтарди Зулфизар.

- У ўляпти. Севсанг қутқар уни, - деди чўтир юзли баймоқ кампир.

- Уни кўрмайпман, қасрда ўзи? - сўради қиз хавотирланиб атрофга боқар экан.

- У жуда ҳам олисда, ҳозир унинг олдида борасан! Кўзингни юм, мен оч демагунимча очма! - буюрди аёл.

Зулфизар кўзларини юмди. Оппоқ туманчалар сўнг мана шу оқлик ичида баҳайбат маҳлуқ қувиб бораётган Баҳромни кўрди. Қиз кўрқиб кетди. Бақириб, кўзини очиб юборишига бир баҳя қолди. Кампирнинг сўзи ёдига тушиб, кўзларини маҳкамроқ юмди. Зулфизар нур тезлигида Баҳром томон учиб бораётганини ички сезгиси билан ҳис этарди. Маҳлуқ таъқибидан қочиб бораётган Баҳромнинг қўлидан тутди. Тошлар орасидаги тешик

ичига ўзларини уришди.

- Кўзингни оч! - буюрди баймоқ кампир бир муддатдан сўнг.

Зулфизар кўзини очди. Ўзини тўшакда кўрди. Кампир қани, қаерга кетди у? Баҳромга нима бўлди? Қизнинг юраги хавотирдан дукулларди.

Кейинчалик бу кампир қизни ташлаб кетмади. Кечалари унинг тушига кириб чиқарди. Кулоқлари остида нималарнидир шивирларди. Зулфизар кампирнинг гапларини унчалик англаб етмаса-да, юзига урилаётган иссиқ нафасини ҳис этарди. Қиз аввалига чўчинқираб, ўзидан ўзи кўрқиб, кечалари ухламай чиқадиған бўлди. Кейинчалик кўникиб, ўрганиб қолди. Чўтир юзли баймоқ кампир кўзига кўринмай қолганда уни кўмсайдиған, кўргиси келадиган бўлди. Бир пайтлар ёқтирмаған овозини яна эшитишни хоҳларди. Шарпа қизнинг дардкаш ва сирдошига айланди. Танҳо қолған дамларда у билан суҳбатлашар, Баҳром тўғрисида сўрарди. Олисларда қолиб кетған севгилисининг қиёфаси зум ўтмай кўз олдида жонланарди. Ўзини унинг ёнида тургандек ҳис этарди. Юраги потирлаб, титраётған лаблари пичирларди. «Қутига яқинлашма, шу ерда тўхта, тескари ўғрил, кўзларингни беркит», дея пичирлади.

Ўша куни қиз чиндан ҳам қаттиқ ташвишга тушди. Ғалати тушлар кўрди. Чўтир юзли баймоқ кампир уни ўзи билан самога олиб чиқиб кетди. Ажаб, шу ерда яна Баҳромни учратди. Бир-бирларига талпинишди. Яқинлашай деганда, қўлларидан тутай деганда шамол турди. Кучайиб қуюнга айланди. Само чанг-тўзон ичида қолди. Тўзон ичра бир сулув чиқиб келди. У Баҳромнинг йўлини тўсди. Йигит Зулфизарга интилганда гўзал қиз ёнидан ойна олиб, унинг оёқлари остига ташлади. Денгиз ҳосил бўлди. Баҳром кўз илғамас соҳилларда қолиб кетди. Зулфизар овозини кўйиб, ошиғини қошига чорлади. Товушини шамол ўзга томонга олиб кетди. Денгиз нотинч эди. Тўлғоқ тутгандай чайқаларди. Кўпириб

тошарди. Зулфизар чўчиб уйғонди. Қўрқиб кетганди, ташқарига отилди. Эшикдан чиқиши билан ўзини она-сига уриб олди.

- Баҳромни йўқотиб қўйдим, эна!

Ҳамроҳон опа бетоб эди. Икки кундан бери бошининг икки чаккаси лўқиллаб, санчиб оғирди. Нохуш хабар аёлга оғир ботди. Хушини йўқотиб ерга йиқилди. Холмурод ака «тез ёрдам» чақирди.

- Қон босими кўтарилибди, - дейишди шифокорлар хастани текшириб кўргач. - Зудлик билан касалхонага олиб кетамиз!

Ҳамроҳон опа шу пайтгача шифохонага тушмаганди. Оёқ тираб олди.

- Тузукман, - деди зўрға кўкарган лаби титраб.

Зулфизар онасининг олдига келди. Қўлини унинг пешонасига қўйди. Онанинг бадани жимирлади. Тана-сида ёқимли нарса ўрмалагандек бўлди. Қизининг бармоқларидан илиқлик таралиб, танасига сингиб бораётганини, бошидаги оғриқни суғириб олаётганини пайқади. Оқарган рангига, кўкарган лабларига қон тепчиди. Ҳансираши босилди. Руҳидаги ҳорғинлик тарқади. Дили ёришди.

- Қўлинг ёқаяпти, қизим, - деди она вужуди роҳатланиб. - Яна бир пас бошимга қўлингни қўйиб тур!

Ҳамроҳон опанинг вужудини қийнаётган оғриқ танасига ёйиларди. Кўз олдини қоплаган зулмат тарқаб, бирдан ўзини қушдай енгил ҳис этди. Кўзига атроф-теварак ҳар кунгидан ўзгача кўринарди. Шунда Ҳамроҳон опанинг ўпкаси шишиб кетди. Ўкириб йиғлаб юборди. Овозини қўйиб йиғлади. Йиғлаган сайин юраги ёришиб, кўз олдини қоплаган қоронғулик тарқаб борарди. Дўхтир хайрон эди. Опани тинчлантиришга уринарди. Ҳамроҳон опа узоқ йиғлади. Бирдан йиғидан тўхтаб, бошини кўтарди. Атрофидагилар кўзига энг меҳрибон ва азиз одамларидек кўринди. Аёл ўрнидан турмоқчи эди, дўхтир унинг қўлидан тутди.

- Сизга туриш мумкин эмас! - деди уни жойига ётқизар экан.

- Онам тузалдилар! - деди Зулфизар дўхтир аёлга, - ўринларидан туришлари мумкин.

Дўхтир Ҳамрохон опанинг босимини ўлчади. Бир қизга, бир беморга қаради. Босим жойига тушганди.

Бу воқеа ўша кунгач туманга ёйилди. Холмурод аканинг офтоб урган, ранги ўчган, бир томонга қийшайган, сувоқлари тушган девор зўрға ушлаб турган дарвозаси олдида хасталар Зулфизарнинг олдида кириш учун навбат кутиб туришарди. Қизнинг чақнаб турган ва аллақандай нур ёғилиб турган кўзларига нигоҳлари тушиши биланоқ уларнинг баданлари ток ургандай жимирларди. У олдида турган одамдан таралаётган ва бармоқларига келиб урилаётган сигналларни тинглай оларди. Бу сигналлар беморнинг қайси аъзоси дард чекаётганидан дарак берарди. Бир пайтлар тушида кўрган ўша чўтир юзли баймоқ кампир унинг олдида тургандай, қулоқларига шивирлаётгандай бўларди. Зулфизар беморларни ўрганиш жараёнида кўплаб касалликларни даволаш усулини ишлаб чиқди. Юрак ишемик касалликларини, миокард инфарктни, простатит, гинекологик касалликларни, жигар циррозини, меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярасини, трофик ва бошқа битмайдиган яраларни тузатиб юборарди. Хасталарга қўллари орқали импульслар жўнатиш билан таъсир ўтказарди. Бир дақиқадан сўнг бармоқлари теккан жой қизиб, қон айланиши кучаярди. Ҳаста аъзо тикланарди. Қиз ўзининг сеҳрли бармоқлари билан беморни даволаб қолмай, балки унинг танасида ҳали ўзига маълум бўлмаган ва эндигина бошланиб келаётган иккинчи хасталикнинг ҳам олдини оларди. Организмдаги ёт чиқиндиларни чиқариб ташлашга эътибор қаратарди. Бу эса танани ёшартиришга, даҳшатли касалликларни яқинлаштирмасликка ёрдам берарди.

Зулфизарнинг дарагини эшитиб олис вилоятдан ўнг

қўлини бинт билан боғлаб олган ўрта ёшлардаги одам кириб келди. Ўзини Қаҳрамон деб таништирди. Унинг кўзлари кўпдан бери қўлидаги ярадан озор чекаётганлигини билдириб турарди. У кечгача навбат кутиб, ниҳоят Зулфизарнинг хонасига кирди. Қиз қаршисидаги одамдан таралаётган ва бармоқларига келиб урилаётган сигналларни тинглай бошлади.

- Яранинг пайдо бўлганига бир ой бўлибди, - деди унинг бинт билан боғлаланган қўлига ишора қилиб. - Лекин дардингизга бирорта дори наф бермаган.

- Топдингиз, - деди меҳмон қизнинг кўзларига тикилиб. Зулфизар қўллари орқали беморнинг ярасига биоток нурлар орқали таъсир ўтказиб бўлгач, тайинлади.

- Эртага яна келинг, қўлингиздаги бинтни ечманг!

Учинчи сеансдан сўнг Зулфизар:

- Бинтни ечиб ташланг! - деб буюрди.

Қаҳрамон унинг айтганини қилди. Қон ва йиринг оқиб турган яраси битиб, териси қизариб қолганди. Қаҳрамон кўзларига ишонмасди.

- Наҳотки тузалиб кетган бўлсам? - деди қизнинг кўзларига тикилиб.

Хоразмдан Холмурод акани узун бўйли, қотмадан келган эллик ёшлардаги одам излаб келди.

- Қизингиз тўғрисида менга Роман Ильич гапириб берди, - деди у мақсадини очиб. Меҳмон пастак, лой сувоқли ва оҳак суртилган уйга кўз югуртириб шундай одамнинг фақирона ҳаёт кечиришидан киши билмас кулиб қўйди. - Мен уни ўзим билан олиб кетмоқчиман!

- Олиб кетмоқчисиз? Қаерга? Нима учун?

- У мен билан ишлайди. Ҳамкорлик қиламиз. Менда ҳам одамларнинг фикрини уқиб олиш, олдиндан кўра билиш, экстрасенслик қобилияти мавжуд. У менга ёрдамчи бўлади! Биргаликда беморларни даволаймиз, одамларнинг йўқолган буюмларини, бедарак кетган яқинларини топамиз, аниқроғи халққа яхшилик қилмоқчимиз!

- У менинг яккаю ягона қизим, уни ҳеч қаерга

жўнатмайман! - деди Холмурод ака қизи кетиб қолади-гандек.

- Сиз унинг келажагига тўсқинлик қилманг! У ноёб қобилият эгаси! - деди меҳмон. - Уни бутун дунё таниши шарт!

- Мени қобилияти эмас, фарзандлиги қизиқтиради.

- Биз бир биримизни тушунмадик, чоғи. - Меҳмон ғалати жилмайиб, оёғи остидаги дипломатни олди. Унинг яширин рақамларини териб, қопқоғини очди-да, Холмурод аканинг олдига суриб қўйди.

- Бу ҳамир учидан патир, элликта! - деди меҳмон паст овозда ва кўзини қисиб қўйди.

Холмурод ака дипломат ичидаги беш тахлам долларни кўриб, гапини йўқотиб, ҳангу-манг бўлиб қолди.

- Пулларингиз яхши кунларингизга буюрсин! - уй эгаси дипломатни эгасининг олдига суриб қўйди. - Қизим уйдан бир қалам ҳам нарига силжимайди. У шу қишлоқ одамларига керак! - деди бошқа гапга ўрин қолдирмай

Баҳром Рашидни елкасида кўтариб чопиб борарди. Ғор ичидан чиқиб келган маҳлуқ бошини баланд кўтариб, атроф тевааракка аланглади. Оғзини катта очиб, ўқирди. Овози тошларга урилиб, садо қайтарди. Кейин бўйнини чўзиб, улкан оёқларини кериб, қочиб бораётган одамнинг изидан қувди. У ҳайбатли қадам ташларди. Оёқлари остидаги улкан тошлар янчилиб, майда-майда бўлакларга бўлиниб, атрофга сочилиб кетарди. Рўпарасидаги дарахтни гавдаси билан уриб, илдизи билан кўчириб, кейин икки қарич келадиган тишлари орасига олиб, ўн метр нарига улоқтириб ташлади. Орадаги масофа олис эмасди. Эллик қадамча нарида лўкиллаб келарди. Терга ботганди, елкасига ортиб олган Рашид оғир эди. Гавдаси пастга осилиб, оёғи ерга тегиб борарди. Бу эса Баҳромни

тезроқ чопишига имкон бермасди. Қулфсоз уни ташлаб кетолмасди. Маҳлук ғажиб ташлаши мумкин эди. Рўпарасидан тоғ баровар қоя чиқди. Йўл тўсилди. Шунда... Шунда кутилмаган мўъжиза рўй берди. Оппоқ либосга ўралган, қиёфаси Зулфизарга ўхшаб кетадиган аёл қаршисида пайдо бўлди. У йигитнинг қўлидан тутиб, қоя томон бошлаб кетди. Яқинлашганда улкан тош пичоқ билан тилингандай иккига ажради ва одам сиғадиган туйнук ҳосил бўлди. Баҳром ўзини ичкарига урди. Ҳаммаси кўз очиб юмгунча содир бўлди. Маҳлукнинг қувиб етишига ўн беш қадамча масофа қолганди. Баҳром ичкарига кирганда қўлидан тутган аёл ғойиб бўлганди. Қаёққа кетганини билиб бўлмасди. Атроф жавонуб қоронғу эди. Икки қадам нари кўринмасди. У овозини қўйиб, ҳаласкорини чақирмоқчи бўлди. Шу пайт ғорнинг тешигидан маҳлукнинг боши кўринди. У оғзини катта очиб, даҳшатли ўкирди. Овозидан ер силкингандай бўлди. Тошлар ғичирлади. Ўкирганда иссиқ ҳаво оғзидан шамол янглиқ увиллаб чиқди ва йигитнинг юзига игнадек санчилди. Баҳром аланга ичида қолгандай типирчилади. Елкасидаги одамни тош устига қўйди. Маҳлук узун тили билан тош устидаги одамни тортиб олишга уринарди, аммо ўлжага етолмай типирчиларди. Шу пайт қарсиллаган овоз эшитилди. Баҳайбат тошлар силжиб, чанг кўтарилди. Ер қимирларди. Тепадан одамнинг кучоғи етмас тошлар кўчиб тушарди. Маҳлук ҳамон ичкарига киришга уринарди. Оғзини очиб бўкирарди. Олдинги оёқларини бир амаллаб ичкарига киритганди. Тепадан тушаётган тошларнинг бир нечтаси унинг баҳайбат бошига тушди ва калласи ёрилди. Орқага чиқадиغان йўлни тошлар босганди. Маҳлук жон таслим қилди. Ўн беш дақиқалардан сўнг қип-қизил кўзларини бақрайтириб, ўроқ тишлари оғзини йириб чиққан ҳолда ерга йиқилди.

Баҳром ўзига келганда зилзила босилганди. Ҳавони тўзиган чанг ҳиди тутганди. Йигит шеригини излади.

Кўллари билан тошларни пайпаслади. Бироқ у жойида кўринмасди. «Қаёққа кетди?», деган саволга жавоб тополмай ташвишланди. Баҳром чўнтагидан гургурт олди. Латтани ўраб, машъала ясади. Унинг ёруғида ичкарига кирди. Юриш хатарли ва хавфли эди. Тепада осилиб турган тошлар орасидан совуқ томчилар томарди. Деворлар кўрқинчли эди, салгина тегиниб кетсанг тошлар қулаб тушадигандек эди. Машъалани боши узра кўтариб, Рашидни ахтарди. Чироқ ёруғида ҳар хил соялар, шарпалар кўзга ташланарди. Ортидан кимдир эргашиб юргандек бўларди. Аллақаердан хаста аёлнинг йиғисига ўхшаш товуш келарди. Йигит потирлаб ураётган юрагини ҳовучлаб, эллик қадамча ичкарилади. Горнинг этаги кўринмасди. Бораётган йўл қаёққа елтишини билмасди.

Баҳром толиқди. Тинка мадори қуриди. Машъала ёниб тугай, деб қолганди. Баҳром уни тош орасига қистириб, ерга ўтирди. Бошини тошга қўйиб, кўзларини юмди. Бир дақиқа ўтмай юзида нимадир ўрмалаётганини сизди. Кўзини очди, бир жуфт баҳайбат чаён яноғидан пастга тушиб келарди. Баҳром қимирламади. Чаёнлар бир-бирларини қувиб, тошга ўтди. Йигит енгил тин олди. Ўрнидан туришга, ёрдан тезроқ чиқиб кетишга қарор қилди. Тураётганда юмшоқ, шилимшиқ нарсани ушлаб олди. Иккинчи қўлига ҳам шундай нарса урилди. Амаллаб ўрнидан турди. Машъалани олди. Судралиб юрган юзга яқин илон болалари ёруғликка талпиниб, тешиклар ичидан чиқиб келарди. Йигит тошдан тошга сакраб ўтди. Илончалар чирқиллаб, митти бошларини кўтаришиб уни қува бошлади. Бирдан Баҳромнинг қўлидан машъала тушиб кетди. Олов повуллади-ю, сўнди. Зулмат ичида қолди. Илон болаларининг овози ўчди. Баҳромнинг кўзлари ҳеч нарсани кўрмасди. Ортига тисарилди. Резинадек юмшоқ нарса устига ўтириб қолди. Бадани иссиқ тафтни ҳис этди. У жойидан силжий бошлади. Йигитнинг юраги товонига тушиб кетди. Пастга тушмоқчи эди, аммо ўтирган нарсаси пуружинадай тепага

кўтарилиб, одам бўйи баландликка олиб чиқиб қўйди. Узини ташламоқчи бўлганда у бирдан пастлади. Ун қадамлар нарида ёниб турган чўғни кўрди. Бу баҳайбат иллоннинг кўзлари эди. У бошини кўтариб, оромини бузган одамга газабли қараб турарди. Баҳром ортга тисарилди, аммо узоққа боролмади, бошини тошга уриб олди. Қулоғига тинчи бузилган иллоннинг вишиллаган овози чалинади. У ўз маконидан тобора узоқлашиб борарди...

Баҳром ҳолсизланиб тошга ўтирди. Ухламоқчи бўлиб кўзларини юмди, лекин уйқуси келмади. Миясидаги фикрлар унга тиничлик бермасди. Ер остидан нотаниш овоз келди. У чўнтагидан гургуртни олиб ёқди. Тош устида чўзилиб ётган одамни кўрди. Бу Рашид эди. Баҳром суюниб кетди. Бироқ у хушсиз эди, билинар билинмас нафас оларди. Баҳром уни елкасига олиб, номаълум томонга юрди. Анчагина юргач ёруғликка кўзи тушди. Бу қуёш нурлари эмасди, сумалак сингари осилиб турган қандайдир суюқликлар эди. Сумалакларни четлаб ўтди. Бир соатча йўл босди. Ниҳоят қаршисидан зиналар чиқди. Улар йигитни пастга олиб тушди. Димоғи ажиб бир ифтордан очилиб кетди. Бу ер худди уйга ўхшарди ва ғайри табиий равишда ёришиб турарди. Баҳром елкасидаги одамни ерга қўйди. У кириб келган жой ҳақиқатдан ҳам уйга ўхшарди. Тошдан ўйиб ишланган тоқчаларга олтин ва кумуш қадаҳлар териб қўйилганди. Уларнинг орқа томонида ҳам тилло ҳайкалчалар турарди. Барча жиҳозлар тошлардан ишланганди. Курсиларнинг четига бриллиант ва марваридлар қадалган, суянчиқларига эса олтин суви юртилганди. Ўрта асрларда ишланган олтин қиличлар, совутлар, дубулғалар, найзалар, заргарлик буюмлари, чақмоқ тошлар, шарқ усталари томонидан тайёрланган ноёб қуроллар, кумуш қумғонлар деворга териб қўйилганди. Буларнинг барчаси Рао томонидан ўғирланган буюмлар эди.

Баҳром қиличлардан бирига қўлини чўзганда қарсил-

лаган товушдан чўчиб тушди. Йигит ўзини орқага олди. Улкан қуш бир ярим қулочли қанотини ёйиб, йигитнинг боши узра гир айланиб, кейин тош диванга келиб қўнди. У ҳаддан ташқари йирик ва бақувват эди. Қорайган ва учли тумшуғи бир қарич келарди. Баҳром ўзига оҳанг-рабодек тортиб турган қимматбаҳо буюмларга яқинлашмаслик кераклигини тушунди. У тўхтади. Оқ бошли қуш ҳамон косадай келадиган кўм-кўк кўзларини унга тикиб турарди. Хонадан тезгина чиқиб кетиши зарурлигини, бу ерда қолса, қуш узун ва чангакка ўхшаш тирноқлари билан унинг кўзларини ўйиб олиши мумкинлигини тушунди.

Баҳром тошли эшикдан чиқди-ю, бирдан ортига тисарилди. Бояги баҳайбат илон у томон судралиб келарди...

Ико тепага чиқди. Виктор беҳуш ётган Камилага суний нафас олдирарди. Қизнинг ранги кўкариб кетганди. Баданидаги шилинган ва кўкарган доғлардан у қиз билан соқчи ўртасида кўнгилсиз воқеа рўй берганини, номус ва ор қизни ўз жонига қасд қилишга мажбур қилганини тушунди. Ико пешонаси ёрилган соқчининг жасадини сувга улоқтирди. Қосим тутқунларнинг соҳилга чиқишига рухсат берди. Улар шу ердан ўз ватанларига жўнаб кетишлари мумкин эди. Қосим қайтиб келганда Камила тузалиб, рангига қон югуриб, бир меъёрда нафас оларди. Ико Шина ётган каютага тушди. Улар бир-бирларини бағирларига босишди.

- Келдингми, ҳаётим!

Шина йигитнинг бўйнига қўлларини ташлаб, юзидан ўпди. Икковлари юракларидаги соғинч оташини ширин бўсалар билан босишди. Ташқарига чиқишганда Камила йиғлаб ўтирарди.

- Нега менинг ҳаётимни сақлаб қолдиларинг? Мен ўлишим керак эди! Яшашга ҳақим йўқ!

Виктор қизни юпатди.

- Итнинг тумшуғи дарёга теккани билан суви ҳаром бўлмади, қизим. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ўзингни қўлга ол!

Қосим соқчининг нима сабабдан ўлганини шунда билди. У қизга ачиниш билан қараб қўйди. Виктор ўрнидан туриб, йигитнинг олдига борди.

- Баҳром қайтмаяпти, кўнглим ғаш, унга нимадир бўлган. Раодан ҳамма нарсани кутса бўлади. Уни қутқаришимиз керак! - маслаҳат солди Виктор йигитларга.

Ико билан Қосим кемадан тушиб, чангалзорга кириб кетишди. Икковлари ҳам қўрғонга борадиган йўлни яхши билишарди. Чангалзорга киришганда ўлиб ётган бўғма илонни ва унинг оғзида ярми ютилганча қотиб қолган одамни кўришди. Бу манзара уларга қаттиқ таъсир қилди. Қароргоҳда сокинлик ҳукумрон эди. Бирорта тирик жон кўринмасди.

Йигитлар ёниб кетган кема ёнига келишганда Стефаннинг қорайиб кетган жасадидан ҳамон аччиқ тутун ва қўланса ис таралиб, тутаб ётарди. Унинг ёнида қўрғошинга ўхшаш суюқлик билқиллаб қайнарди. Салгина нарида иккита қурол тупроққа қаришиб ётарди. Ико тепага кўтарилди. Раонинг хонасини кўздан кечирди, ҳеч кимни учратмай пастга тушди.

- Улар қаёққа кетишган бўлиши мумкин? - сўради Қосим.

- Кетиб қолишмадимикин? - тахмин килди Ико.

- Қайтишганда йўлда учрашган бўлардик. Назаримда бу ерда қандайдир сир бор.

- Атрофни кўздан кечирайлик, ўша сен айтган сирнинг калитини топармиз?

Улар қўрғоннинг орқа томонига ўтишди. Тоғни эслатувчи баланд қоянинг рўпарасидан чиқишди. Фор оғзида танасининг ярми ташқарида қолган маҳлуқни кўришди. Ҳайбатли тошлар уни босиб қолганди. Оқиб ётган қон маҳлуқнинг боши янчилганлигини билдирарди. Қосим-

нинг кўзи бир пой оёқ кийимига тушди.

- Назаримда бу маҳлуқ Баҳром билан Абдулҳодининг одамларини ютиб юборган, - тахмин килди Қосим. - Уларни излашимиз фойдасиз, орқага қайтамиз!

Улар дарвозага етганда худди яшин тушгандек ҳамма томон бирдан ёришиб кетди. Йигитлар Раонинг уйи гуриллаб ёнаётганини кўришди. Аланга худди мой сепилгандек, атрофга ёйилиб, бостириб келарди. Уйлар эмас, дарахтлар, ердаги майсалар ҳам снарди. Олов ранги қизғич эмас, балки қора тусда эди. Ўт бир зумда улар турган жойга етиб келди. Ико билан Қосим унга яқин туришса-да, тафтини ҳис этишмади.

- Олов ўзидан иссиқ сочмаётганини ҳаётимда илк бор кўришим, - деди улар бир-бирларига қараб. Кейин чангалзор ичига кириб кетишди.

Баҳромнинг йўқолганини эшитиб Камила йиғлаб юборди. Викторнинг ақли-ҳуши бошидан учаёзди. Ҳаммалари соҳилни тарк этишга қарор қилишди. Шина билан Ико замонавий ҳаёт тарзида умр кечириш мақсадида уларга қўшилиб Португалияга жўнашга рози бўлишди.

Кема йўлга чиқишга тайёрланаётган пайтда қўрғонга тикилиб ўтирган Камила шу томон келаётган одамни кўриб қолди.

- Баҳром! - деди у овозининг борича қичқириб.

Шериклари унинг олдига чопқиллаб келишди ва Баҳромни танишиб уни кутиб олиш мақсадида ҳаммалари пастга тушишди. Бир-бирлари билан узоқ йиллар кўришмаган қадрдонлардек кучоқ очиб кўришишди.

Х О Т И М А

Қиссамизнинг шу ерига келганда қаҳрамонларимизнинг кейинги тақдири ҳақида маълумот тўплаш мақсадида Зулфизар яшаётган қишлоққа бордим. Бироқ уни тополмадим. Холмурод ака қизи табобат марказида ишлаётганини ва айни пайтда Германияда эканлигини айтди. Руслан бобо билан ҳам кўришдим. Қария анча ёшга бориб қолган бўлса-да, ҳали тетик эди. Суҳбатлашдим. «Сирли калитлар» сирини жуда-жуда билгим келганди. Афсуски, қария бу ҳақда гапиришни истамасди. «Баҳром келса сўрарман», деб орқага қайтдим. Бекатда яна Холмурод акага дуч келдим. «Баҳромжондан телеграмма келди, меҳмон. Шу ойнинг охирида келаркан. Тўйни у келадиган кунга мўлжаллаб қўйганмиз. Сиз ҳам келинг», деди. Таклифни бажону дил қабул қилдим...

4000 с.м.

Адабий-бадий нашр

Исҳоқжон НИШОНОВ

«ҲАЁТ ВА ИШҚ»

САҒУЗАШТ РОМАН

Муҳаррир:

Рустамжон УММАТОВ

Тех.муҳаррир:

Собитхон АБДУҲАМИТОВ

Мусаҳҳиҳ:

Иброҳим РАҲМОНОВ

2013 йилнинг 25 сентябрь куни теришга берилди. 2013 йилнинг 20 октябрь куни босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 17 босма тобоқ.

Газета қоғозига офсет усулида босилди.
Адади 1000 нусха. № 545-сонли букюртма
Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,
Навоий кўчаси, 36- уй.

Китобнинг оригинал макети «ЗАКОВАТ» МЧЖ НАШРИЁТ УЙИ
босмахонасида газета қоғозига офсет усулида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,
«Чорбоғ» кўчаси, 17-уй.